

ЖУМАБЕК АХМЕТУЛИ ТАШЕНЕВ НОМЛИ УНИВЕРСИТЕТ



**Рустам Шарипов
Хулкар Ҳамроева
Шаҳло Наралиева**

ЎЗБЕК ТИЛИ

ДАРСЛИК

Шимкент, 2025

УДК 811.512.133

ББК 81.2Уз6

Ш27

Шарипов Р.Х., Ҳамроева Ҳ.Ҳ., Наралиева Ш.Ж. Ўзбек тили.

Дарслик. - Шимкент, 2025 йил. - 261 бет.

Жумабек Ташенев номли университет Илмий кенгашининг 2025 йил 28 майдаги 12-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Нашр учун масъул: Ш.Наралиева

Тақризчилар: Н.Алметов – п.ф.д., профессор
Ш.Аскарова - ф.ф.н., доцент
М.Мамажонов - ф.ф.н., доцент

Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон давлат хореография академияси ва Жумабек Ташенев номли университет профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида тайёрланган мазкур дарслик «Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчисини тайёрлаш» таълим йўналиши учун мўлжалланган. Дарслик ҳозирги ўзбек тилининг фонетика ва фонология, графика, орфография, орфоэпия, лексикология, грамматика бўлимлари ҳақида маълумотларни ўз ичига олган. Фаннинг ҳар бир бўлими бўйича маъруза ва амалий машғулотлар тизими, мустақил ишлар учун услубий кўрсатмалар, глоссарий, шунингдек, ҳар бир мавзу бўйича тест топшириқлари ҳам берилган.

Дарсликдан талабалар, магистрантлар, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ташкент мемлекеттік шығыстану университетінің, Ўзбекстан мемлекеттік хореография академиясының және Жумабек Ташенев атындағы университеттің профессор-оқытушылар құрамымен бірлесіп дайындалған бұл оқулық «Ўзбек тілі мен әдебиеті пәні мұғалімдерін даярлау» білім беру бағытына арналған. Оқулықта қазіргі өзбек тілінің фонетикасы мен фонологиясы, графикасы, орфоэпиясы, орфоэпиясы, лексикологиясы, грамматикасы бөлімдері бойынша мәліметтер берілген. Сондай-ақ пәннің әрбір бөлімі бойынша дәрістер мен практикалық жаттығулар жүйесі, өздік жұмысқа әдістемелік нұсқаулар, глоссарий, сонымен қатар әрбір тақырып бойынша тест тапсырмалары берілген.

Студенттер, магистранттар, өзбек тілі мен әдебиеті оқытушылары да оқулықтан пайдалана алады.

ISBN 978-601-7705-75-6

© Р.Х.Шарипов, Ҳ.Ҳ.Ҳамроева, Ш.Ж.Наралиева, 2025.

© Жумабек Ташенев номли университет, 2025.

УМУМИЙ МАСАЛАЛАР

ТИЛШУНОСЛИК ВА УНИНГ БЎЛИМЛАРИ

Тилшунослик – лингвистика (лотинча «*lingua*» - тил) инсон тилини ўрганувчи мустақил фандир. Инсоният ҳаётида тилнинг пайдо бўлиши ва унинг тараққий этиш қонуниятлари, ривожланиш босқичлари, жаҳон тиллари ва уларнинг бир – бирига ўзаро таъсири, таснифи каби умумий назарий масалалар билан **умумий тилшунослик** шуғулланади. Биз ўрганишга киришаётган маълум бир тил, масалан, ўзбек тили, шу тилнинг тарихи, унинг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари ҳақида эса **хусусий тилшунослик** баҳс юритади.

Тилшунослик қуйидаги асосий бўлимлардан иборат:

- ФОНЕТИКА** - (грекча «фоно»-товуш) нутқ товушларини ўрганади. Бу бўлим бизга нутқ аъзоларимиз, бўғин, урғу ҳақида ҳам маълумот беради.
- ОРФОЭПИЯ** (гр. «орфо» - тўғри, «эпос» - сўз, нутқ) адабий талаффуз қоидалари ҳақида баҳс юритади.
- ОРФОГРАФИЯ** (гр. «орфо» - тўғри, «графо» - ёзаман) бўлимида сўзларни (унли ва ундошлар, қўшма сўзлар, бош ҳарфлар, бўғин кўчириш имлоси), грамматик қонунлар-қоидалар асосида тўғри ёзиш меъёрлари ўрганилади.
- ЛЕКСИКОЛОГИЯ** (гр. «лексикос» - сўз) тилнинг луғат таркиби, сўзнинг луғавий маъносини текширади.
- ФРАЗЕОЛОГИЯ** (гр. «фразис» - ибора) қўчма маъноли турғун сўз бирикмалари – иборалар ҳақида маълумот беради.
- ЭТИМОЛОГИЯ** (гр. «этимон» - ҳақиқат) сўзларнинг келиб чиқиш тарихини текширади.
- ЛЕКСИКОГРАФИЯ** (гр. «лексикос» - сўз, «графо» - ёзаман) луғатларнинг тузилиш тамойиллари, турларини ўрганади.
- ДИАЛЕКТОЛОГИЯ** (гр. «диалектос» - шева) умухалқ тилининг маҳаллий тармоғи ва уларнинг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари ҳақида баҳс юритади.

СТИЛИСТИК	(франц. «стилос» - таёқча) лингвистиканинг услубшунослик бўлими бўлиб, оғзаки ва ёзма нутқда тил воситаларини тўғри танлаш ва қўллаш қоидалари ҳақида баҳс юритади.
СЕМАСИОЛОГИЯ	(гр. «семасия» - билдириш, «логос» - тушунча) сўз маъносининг ўзгариши (маъно кенгайиши, торайиши)ни ўрганувчи бўлимдир.
ГРАММАТИКА	(гр. «грамма» - ёзув, «тике» - кути) тилнинг грамматик қурилиши ҳақида маълумот беради. У икки қисм: морфология (сарф) ва синтаксис (наҳв)дан иборат:
а) морфология	(гр. «морфос» - шакл) сўзнинг грамматик шакли ва грамматик маънолари, сўз туркумларини ўрганади.
б) синтаксис	(гр. «синтаксис» - тузилиш) сўз бирикмалари, гап ва унинг бўлаклари, гап турларини ўрганади.
ПУНКТУАЦИЯ	(гр. «пунктум» - нуқта) ёзма нутқда тиниш белгиларини тўғри қўллаш қоидалари ҳақида маълумот беради.

ЖАҲОН ТИЛЛАРИ

Тилшунос олимлар дунёда мавжуд 3 мингга яқин тилни келиб чиқиши, уларнинг грамматик, лексик ва фонетик хусусиятларига кўра 20 дан ортиқ тил оиласига бўладилар:

- Ҳинд-Европа тиллари оиласи;
- Олтой тиллари оиласи;
- Хом-сом тиллари оиласи;
- Хитой-Тибет тиллари оиласи;
- Фин-угор тиллари оиласи;
- Кавказ тиллари оиласи;
- Полинезий тиллари оиласи;
- Эскимос тиллари оиласи ва бошқалар.

Бу тил оилалари ўз навбатида гуруҳларга, гуруҳлар эса гуруҳчаларга бўлинади. Масалан, Ҳинд-Европа тиллари оиласига славян, герман, роман, ҳинд, эрон ва бошқа бир қанча гуруҳлар киради. Славян тиллари эса шарқий, ғарбий, жанубий гуруҳларга бўлинади.

Ёки Олтой тиллари оиласи турк, мўғул, манжур, япон, корейс ва бошқа тил тармоқларига бўлинади. Туркий тиллар тармоғи эса ўз навбатида ўғуз, кипчок, қарлуқ-уйғур, уйғур-ўғуз, қирғиз-кипчок гуруҳларига ажралади.

Ўзбек тили қарлуқ-уйғур гуруҳига мансуб. Туркий тиллар гуруҳига **24 дан зиёд тиллар мансуб:** турк, ўзбек, қозок, туркман, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур, озарбайжон, татар, қрим-татар, бошқирд, қўмиқ, қабардин-балқар, чуваш, хакас, шор, ёкут, олтой ва бошқа тиллар.

- Маълум тилларнинг пайдо бўлиши учун манба бўлиб, ўзи алоқа воситаси сифатида ишлатилмайдиган тил **бобо** (асос) тил деб аталади.

- Халқлар ҳозирги кунда гаплашадиган тиллар **тирик тил** ҳисобланади.

- Бизга қадар фақат ёзма ёдгорликлари етиб келган, аммо ер юзидаги бирорта халқ муомалада ишлатмайдиган тил эса **ўлик тил** дейилади. Масалан, **лотин, санскрит, қадимги славян, қадимги хоразмий тиллари** ана шундай тиллардир.

ЎЗБЕК ТИЛИ

Ўзбек тили - Олтой тиллар оиласининг туркий тиллар гуруҳига киради. Бутун дунёда туркий тилларда бир неча юз миллионлаб киши гаплашади. Улар Узоқ Шарқдан Марказий Европагача, Таймир яриморолидан Болқон яриморолигача бўлган ҳудудларда тарқалганлар.

АЖДОДЛАРИМИЗ ТИЛИ –

- энг қадимги замонлардан VI асрга қадар **энг қадимги туркий тил;**

- VI асрдан XI асргача **қадимги туркий тил** дея номланади.

- Қадимги туркий тилда ижод этилган дастлабки бадий асар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» («Саодатга элтувчи билим») достонидир.

- XI - XIV асрларда тилимиз **туркий тил** деб аталган.

- XIV асрдан XX асрнинг 20-йилларига қадар бўлган давр **эски ўзбек адабий тили;**

- XX асрнинг 20-йилларидан бугунги кунгача бўлган давр эса **ҳозирги ўзбек адабий тили** даври ҳисобланади.

- «Ўзбек» этноними (атамаси)нинг Марказий Осиёга кенг кириб келиши XVI асрда Шайбонийхонлар сулоласи билан боғлиқдир.

ТИЛШУНОСЛИК

XI асрда туркий тил мустақил тил сифатида майдонга чиқа бошлаши билан турк тилшунослиги ҳам шакллана бошлади. Бу асрда Маҳмуд Кошғарий ва Абулқосим аз-Замахшарий каби буюк тилшунос олимлар етишиб чиқди.

Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад-ал Кошғарий

- Болосоғун (Қўз Ўрду)да дунёга келган. Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур, Бағдод мадрасаларида таҳсил кўрган Маҳмуд Кошғарий биринчи бўлиб туркий тил грамматикасига асос солган буюк тилшунос олим сифатида тарихда қолди.

- Олим тилшуносликка оид иккита асар ёзиб қолдирди: ҳозиргача топилмаган «Жавоҳирун-наҳв фи луғатит-турк» (Турк тили синтаксиси қонун-қоидалари) ва «Девону луғатит турк» («Турк тилининг девони»).

- «Девону луғатит турк»да М.Кошғарий 6 мингга яқин туркий сўзларнинг арабча изоҳини берган. Шунингдек, олимнинг ўзи таъкидлашича, «...бу китобни ...ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан» беаган. Бу шеърӣй ва насрий парчалар бизга туркий халқларнинг XI асргача яратиб қолдирган бадий мероси ҳақида ҳам жуда қимматли маълумотлар беради.

Абулқосим Маҳмуд аз-Замахшарӣй

- «Хоразм фаҳри», «Араблар ва ғайри араблар устози» каби фаҳрли номлар билан Шарқда машҳур бўлган Маҳмуд аз-Замахшарӣй (1075-1144) Хива, Бухоро ва кейинчалик Бағдод ва Маккаи мукаррама мадрасаларида таҳсил кўрди. Ҳаётининг сўнгги йилларида яна ўз ватанига қайтиб келди.

- Замахшарӣй араб тилида 50 дан ортиқ илмӣй асарлар ёзиб қолдирди. Унинг 1137 йилда Хоразм шоҳи Алоуддавла Абулмузаффарга бағишлаб ёзган асари, айниқса, дунё афкор оммаси орасида машҳурдир. Асар тилшунослик ва адабиётшунослик масалаларига бағишланган бўлиб, 5 қисмдан иборат. Унда отлар ва уларнинг турланиши, феъллар ва уларнинг тусланиши, боғловчилар

ҳақида баҳс юритилади. Асарни муаллифнинг ўзи арабийдан чиғатой (ўзбек) тилига таржима қилган.

- 1121 йилда олим араб тили грамматикасига доир «Ал-муфассал» асарини битди.

- Аз-Замахшарий луғатшуносликка бағишланган «Асосул-балоғ» асарининг ҳам муаллифидир.

Алишер Навоий

- Алишер Навоий яшаб, ижод этган XV аср туркий тил ва адабиётининг юксак поғонага чиққан бир даври бўлди. Эски ўзбек адабий тилининг шаклланишига улкан ҳисса қўшган Хоразмий, Рабғузӣй, Гадоӣй, Амирий, Яқиний, Муқимий, Саккокий, Отоӣй, Лутфийлар издоши сифатида А. Навоий ўз ижоди билан туркий тилга безавол ҳайкал қўйди. «Лисонут-тайр» достонида ҳақли равишда:

Назму насрим котиби тахминшунос
Ёзса, юз минг байт этар эрди қиёс,

деб ёзган буюк шоирнинг улкан лирик («Хазойинул-маоний») ва лиро-эпик («Хамса», «Лисонут-тайр») мероси бу тилнинг ифода доираси нақадар кенг ва рангинлиги, гўзал ва латифлигининг чинакам исботи бўлди.

- Турк тили камситилган, форсий тил улуғланган бир пайтда Алишер Навоий «Муҳокаматул-луғатайн» асарини ёзди. Унда шоир форс тилини камситмаган ҳолда уни туркий тил билан қиёслаб, тилимизнинг форсийдан қолишмаслиги, ҳатто айрим афзал томонларини, луғавий олами синонимларга қанчалар бой эканлигини илмий жиҳатдан асослаб берди.

- Алишер Навоий луғатшунослик соҳасида ҳам изланиб, «Сибҳату абҳур» («Етти денгиз») асарини яратди.

- Ижодда Алишер Навоийни ҳамиша ҳам руҳан, ҳам маънаван, ҳам моддий қўллаб-қувватлаб келган шоир, ҳукмдор Султон Ҳусайн Бойқаро туркий тилда асарлар ёзиш ҳақида фармон чиқарган эди. Бундай фармон бир вақтлар –1277 йилда элхонийлар даврида ҳам эълон қилинган эди.

- XIX аср охирлари ва XX аср бошларида тилимизнинг луғат таркиби, айниқса, рус тили ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳисобига анча бойиди. Муқимий, Фурқат, Завқӣй, Аваз Ўтар, Алмаӣй, Камий, Нодим каби маърифатпарвар шоирлар ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланишига асос солдилар.

- Абдулрауф Фитрат ҳозирги ўзбек адабий тили грамматикасига оид “Сарф”(морология) ва “Наҳв” (синтаксис) дарсликларини яратди.

- XX аср бошларидан ўзбек тилшунослигининг фан сифатида ривожланиши М.Муҳаммадкаримов, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, Ф.Камолов, А.Ғуломов ва уларнинг издошлари У.Турсунов, Ғ.Абдурахмонов, Ш.Раҳматуллаев, М.Асқарова, А.Ҳожиев, Н.Маҳмудов ва бошқаларнинг илмий фаолияти билан узвий боғлиқдир.

ЎЗУВЛАРИМИЗ ТАРИХИДАН

Инсоният тарихида дастлабки ёзув пиктографик расм-ёзув бўлган. Кейинчалик иероглифик (гр. «муқаддас ёзув») ёзув шаклланган. Ҳозир ундан Хитойда фойдаланилади.

Фонографик ёзув хатларнинг энг сўнгги босқичи ҳисобланади. У нутқ товушларига асосланади. Ҳозирги пайтда дунёда 220 хил фонографик ёзув мавжуд.

- Дунё халқларининг 30 фоиздан зиёдроғи бугунги кунда лотин ёзувидан фойдаланадилар.

- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йил 2 сентябрда лотин ёзувиге асосланган янги ўзбек алифбосига ўтиш ҳақида қарор қабул қилди. Унда 31 та ҳарф ва битта тутуқ белгиси жорий этилган эди.

- 1995 йил 6 майда эса ушбу алифбога айрим ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарор қабул қилинди. Янги алифбо энди 26 та ҳарф, 3 та ҳарф бирикмаси ва тутуқ белигисини ўз ичига қамраб оладиган бўлди.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 24 августда ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлади.

Энг қадимги туркий аجدодларимиз суғд ва рун (фин. «рун» - маҳфий, сирли) ёзувларидан фойдаланганлар. Бу ёзувлар Узоқ Шарқдан Ғарбий Европагача бўлган ҳудудларда қўлланилиб, қабр тошлари, сопол идишлар, тангалар ва қоғозларга нақшланиб қолган.

- Қадимги туркий ёзма ёдгорликлари дастлаб XVIII аср бошларида Урхун-Энасой дарёлари бўйларидан топилган. Бу ҳақда рус хизматчиси Ремезов дастлабки маълумотларни тарқатган эди. Европа илм аҳли бу ҳақда швед офицери Иоханн Стралленберг ва олим Мессершмидт маълумотларидан билиб олган эдилар. Руник ёзувида битилган бу ёдгорликлар V-VIII асрларга тааллуқлидир.

- Ўрхун-Энасой қабртошларида II турк ҳоқонлигига асос солган Элтаришхоннинг яқин маслаҳатчиси ва саркардаси Тўньюкук, ҳоқоннинг ўғиллари Кул Тегин ва Билга Қоонларнинг юрт мустақиллиги, мамлакат чегараси даҳлсизлиги учун ташқи душманларга қарши олиб борган курашлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Қабртошдаги битикларни Билга Қоонларнинг жияни Йўллик Тегин мрамарга ўйиб ёзган. У ўнгдан чапга, юқоридан пастга қараб ўқилади.

ЭСЛАБ ҚОЛИНГ!

Тунюкук битиктошини	1897 йилда эр-хотин Клеменцлар Шимолий Мўғулистондан излаб топганлар.
------------------------	--

Кул Тегин, Билга Қоон битиктошлари	1889 йили Н.М.Ядринцев томонидан Кўкшин дарёси бўйларида топилган. Уларнинг баландлиги 3м. 15см. ва 3м. 45см.
---------------------------------------	---

“Ирқ битиги” ёдгорлиги қоғозга ёзиб қолдирилган обидалардан бири бўлиб, уни венгер олими А. Стейн Селенга дарёси бўйларида топган. Бу битиг ҳам рун хатида ёзилган. У ўзига хос фол китоб-таъбирномадир. Битиг икки шогирд бола – Исиг Самгун ва Ите Чукларга бағишланган. Ўзбек олимларидан А. Қаюмов «Қадимият обидалари», Ғ. Абдурахмонов ва А. Рустамовлар «Қадимги туркий тил» китобларида ана шу обидалардан намуналар келтирганлар.

Аждодларимизнинг энг қадимий суғд, рун ёзувлари аслида оромий ёзуви негизида шаклланган. Суғд ёзуви негизида эса VI асрдан уйғур хати пайдо бўлган. М. Кошғарийнинг ёзишича, «барча ҳоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари қадимги замонлардан шу кунгача Қашқардан Чингача ҳамма турк шаҳарларида шу ёзув (уйғур)билан юритилади».

Уйғур ёзуви Шарқий Туркистондагина эмас, Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳам XV асрга қадар араб ёзуви билан баробар қўлланилиб келди. Унда 18 та ҳарф бўлиб, ўнгдан чапга қараб ўқилади.

- «Қутадғу билиг» асарининг Ҳирот нусхаси, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-хақойиқ», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», Хўжандийнинг «Латофатнома» дostonлари, шунингдек, «Ўғузнама», Сингку Сели Тутунг хитой тилидан таржима қилган «Олтин ёруғ» асарлари уйғур ёзувида битилган.

- Уйғур хати эса кейинчалик мўғул, манжур ёзувларининг пайдо бўлишига асос бўлди.

VIII аср бошларидан (720-йиллар) Марказий Осиёда араб ёзуви тарқала бошлади. Халқимиз бу ёзувдан тахминан 1200 йил (1929 йилгача) фойдаланиб келди.

- Араб алифбосида битилган энг эски туркий ёдгорликлар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» (Наманган нусхаси), Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарларидир.

- Ўзбек маърифатпарвари, шоир, драматург, адабиётшунос олим Абдулрауф Фитрат «Қутадғу билиг»ни ўзбек халқига манзур этди.

- Араб алифбосида 28 та ҳарф бўлиб, уларнинг 14 таси – ҳуруфи қамария, (Ой ҳарфлари), 14 таси - ҳуруфи шамсия (Қуёш ҳарфлари) деб аталади. Форсийлар бу алифбога ўзларининг 4 та ҳарфлари (пе, чим, же, гоф)ни қўшганлар.

1926 йилда Бокуда бўлиб ўтган туркологларнинг биринчи қурултойида туркий халқларга ўз алифболари учун лотин ёзувини асос қилиб олишлари тавсия этилди.

1929 йилда ўзбек халқи лотин ёзуви асосидаги янги алифбога ўтди. 1940 йил 8 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси рус (Кирилл) графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосини маъқуллади ва уни жорий этишга қарор қабул қилди.

САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР

Саволлар ва жавоблар кесишган катакларга қалам билан тўғри белги қўйиб чиқишни машқ қилинг.

Саволлар	жавоблар												
ТИЛШУНОСЛИК БЎЛИМЛАРИ	орфоэзия	Пунктуация	орфография	Семасиология	диалектология	морфология	этимология	лексикография	фонетика	фразеология	услубшунослик	синтаксис	лексикология
1. Нутқ товушларини ўрганувчи бўлим ...													
2. Сўзларни тўғри талаффуз қилиш қоидалари ҳақидаги бўлим ...													
3. Сўзларни имло қоидалари асосида тўғри ёзишни тушунтирувчи бўлим ...													
4. Сўзнинг луғавий маъносини текширувчи бўлим ...													
5. Иборалар ҳақида маълумот берувчи бўлим ...													
6. Сўзларнинг келиб чиқишини тадқиқ этувчи бўлим ...													
7. Сўз маъносининг ўзгариши ҳақида баҳс юритувчи бўлим...													
8. Халқ шеваларининг хусусиятларини ўрганувчи бўлим ...													

9. Луғат тузиш тамойиллари ҳақида билим берувчи бўлим...													
10. Тиниш белгиларини тўғри қўллаш қоидалари ҳақидаги бўлим ...													
11. Нутқда тил воситаларини тўғри қўллаш ҳақида баҳс юритувчи бўлим ...													
12. Сўз туркумлари ҳақида баҳс юритувчи бўлим ...													
13. Сўз бирикмалари, гап ва унинг турлари билан таништирувчи бўлим ...													

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Тилнинг тараққий этиши нимага боғлиқ?
 - A. Фан ва техниканинг ривожланишига.
 - B. Социал тараққиётга.
 - C. Луғат таркибининг бойиб боришига.
 - D. Тилшунослик фанининг ривожланиб боришига.
 - E. Бошқа тиллардан сўз ўзлаштирилишига.

2. Ер қуррасидаги 6 миллиарддан зиёд халқ тахминан неча хил тилда гаплашади?
 - A. 2 мингдан ортиқ тилда.
 - B. 3 мингга яқин тилда.
 - C. 6 мингга яқин тилда.
 - D. 4 мингдан зиёд тилда.
 - E. Аниқ ҳисобга олинмаган.

3. Маълум тилларнинг пайдо бўлиши учун манба бўлиб, ўзи алоқа воситаси сифатида ишлатилмайдиган тил қандай номланади?
 - A. Аجدодлар тили.
 - B. Тирик тил.
 - C. Ота тили.
 - D. Бобо тили.
 - E. Бундай тил мавжуд бўлмаган.

4. Қуйидаги тилларнинг қайсилари ўлик тил ҳисобланади?
 - A. Лотин, шор, нивх, санскрит.
 - B. Санскрит, қадимги хоразмий, лотин, қадимги паҳлавий.
 - C. Лотин, гагауз, қорачой, қадимги паҳлавий.
 - D. Қадимги паҳлавий, мяо-мяо, эскимос.
 - E. Эскимос, мяо-мяо, лотин, санскрит.

5. Қадимги хоразмий тили қайси асрдан ўлик тилга айланган?
- A. Қадимги хоразмий тили тирик тиллар сирасига киради.
 - B. Милоддан аввалги III асрдан.
 - C. Милоддан аввалги V асрдан.
 - D. XI асрдан.
 - E. II асрдан.
6. Жаҳондаги энг машҳур тилларга қайси тиллар киради?
- A. Араб, хитой, немис, инглиз, япон тиллари.
 - B. Япон, хитой, корейс, испан, италян тиллари.
 - C. Араб, француз, рус, испан, инглиз, хитой тиллари.
 - D. Инглиз, немис, чех, рус, хитой, хитой-тибет тиллари.
 - E. Тўғри жавоб йўқ.
7. Жаҳон тиллари ичида номи биргина ҳарфдан иборат бўлган тил қандай номланади?
- A. А тили.
 - B. И тили .
 - C. У тили.
 - D. Э тили.
 - E. О тили.
8. Жаҳоннинг кўп тилларини билувчи кишиларни қандай номлайдилар?
- A. Қадимшунослар.
 - B. Лингвистлар.
 - C. Полиглотлар.
 - D. Филолог-таржимонлар.
 - E. Филолог-академиклар.
9. Туркий аجدодларимиз нечанчи асргача энг қадимги туркий тилда гаплашганлар?
- A. Энг қадимги даврлардан VI асргача.
 - B. VI асрдан XI асргача.
 - C. Милоддан аввалги III асрдан I асргача.
 - D. Бу нарса ҳали фанда аниқланмаган.
 - E. Энг қадимги даврлардан I асргача.
10. Қайси тил жаҳон тиллари орасида сўзининг узунлиги билан ажралиб туради?
- A. Мяо-мяо тили.
 - B. Эскимос тили.

- С. Нивх тили.
- D. Шор тили.
- Е. Чукчи тили.

11. Тилшуносликнинг қайси соҳаси сўз маъносининг ўзгариши (маъно торайиши ва кенгайиши) ҳақида баҳс юритади?
- A. Фразеология.
 - B. Этимология.
 - С. Топонимика.
 - D. Семасиология.
 - Е. Стилистика.
12. Тилшуносликнинг диалектология бўлими нимани ўрганади?
- A. Оғзаки ва ёзма нутқда тил воситаларини тўғри танлаш йўллари.
 - B. Кўчма маъноли турғун сўз бирикмаларини.
 - С. Сўзларнинг келиб чиқиш тарихини.
 - D. Тилнинг луғат таркиби, сўзнинг луғавий маъносини.
 - Е. Халқ шеваларининг фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини.
13. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони ҳақида берилган таърифларнинг қайси бири тўғри?
- A. Қадимги туркий тилда битилган биринчи бадиий асар.
 - B. Туркий (ўзбек) тилида ёзилган биринчи илмий асар.
 - С. Туркий адабиётга биринчи бўлиб арузни олиб кирган асар.
 - D. Туркий адабиётга биринчи бўлиб қасида жанрини олиб кирган асар.
 - Е. A, C, D.
14. «Ўзбек» этноними (атамаси) нинг Марказий Осиёга кириб келиши қайси сулола билан боғлиқ?
- A. Аштархонийлар.
 - B. Темурийлар.
 - С. Тоҳирийлар.
 - D. Шайбонийлар.
 - Е. Манғитлар.
15. Туркий адабиётда қайси асар ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, ражаз ва наср деб аталган парчалар билан безатилган?

- A. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари.
 - B. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит-турк» асари.
 - C. Абулғозий Баҳодирхоннинг «Тарихи шажараи турк» асари.
 - D. Амир Темурнинг «Тузук»лари.
 - E. Бобурнинг «Бобурнома» асари.
16. Маҳмуд Замаҳшарийнинг «Муқаддиматул-адаб» асари неча қисмдан иборат ва у нимага бағишланган?
- A. 5 қисм, тилшуносликнинг луғат таркибига.
 - B. 3 қисм, туркий тил шеваларига.
 - C. 3 қисм, туркий халқларнинг тарихига.
 - D. 3 қисм, туркий тил фонетикаси, морфологиясига.
 - E. 5 қисм, от, феъл, боғловчилар ҳамда адабиётшуносликнинг айрим назарий масалаларига.
17. М.Кошғарийнинг «Девону луғатит-турк» асарида неча туркий сўзнинг арабча изоҳи берилган?
- A. 6 мингта.
 - B. 3 мингта.
 - C. 50 мингта.
 - D. 60 мингта.
 - E. 32 мингта.
18. XI асрда туркий (ўзбек) тил ...
- A. Адабий тил сифатида шаклланган эди.
 - B. Мустақил тил сифатида шаклланган эди.
 - C. Миллий тил сифатида шаклланган эди.
 - D. Эски ўзбек тили сифатида шаклланган эди.
 - E. Чиғатой тили сифатида шаклланган эди.
19. Маҳмуд Замаҳшарийнинг «Ал-муфассал» асарида тилшуносликнинг қайси соҳаси ҳақида сўз боради?
- A. Араб тили грамматикаси ҳақида.
 - B. Туркий тил морфологияси (от, феъл, боғловчи) ҳақида.
 - C. Туркий аруз тизими ҳақида.
 - D. Туркий ва араб тиллари қиёсий грамматикаси ҳақида.
 - E. Тўғри жавоб йўқ.

20. Туркий тил афзалликлари ҳақида сўз юритганида, А.Навоий унинг қайси томонини алоҳида тилга олади?
- А. Туркий тил грамматикасининг мукаммал эканлигини.
 - В. Туркий тилда кўпроқ киши гаплашишини.
 - С. Туркий тилнинг маънодош (синоним) сўзларга бойлигини.
 - Д. Туркий тилнинг оҳангдорлигини.
 - Е. Туркий тил синтаксиси (наҳви) нинг мукамаллигини.
21. Алишер Навоийнинг луғатшуносликка бағишлаб ёзган асарини аниқланг.
- А. «Абушқа».
 - В. «Асосул-балоға».
 - С. «Бадоеъул-луғат».
 - Д. «Сибҳату абхур».
 - Е. «Келурнома».
22. Қайси сулолалар туркий тилда асарлар ёзиш ҳақида фармон чиқарган эди?
- А. Темурийлар ва шайбонийлар.
 - В. Темурийлар ва элхонийлар.
 - С. Қорахонийлар ва салжуқийлар.
 - Д. Бобурийлар ва аштархонийлар.
 - Е. Салжуқийлар ва темурийлар.
23. Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти қачон очилди?
- А. 1947 йилда.
 - В. 1934 йилда.
 - С. 1928 йилда.
 - Д. 1951 йилда.
 - Е. 1957 йилда.
24. Инсоният тарихида дастлабки ёзув қандай номланган?
- А. «Сигналлар ёзуви».
 - В. Логографик.
 - С. Пиктографик.
 - Д. Идеографик.
 - Е. Иероглифик.

25. XVIII аср бошларида Ўрхун-Энасой дарёси бўйларидан топилган ёдгорликлар ҳақида дастлабки маълумотларни ким тарқатган эди?
- A. Ремезов.
 - B. Мессершмидт.
 - C. Стралленберг.
 - D. Ядринцев.
 - E. В. Томсон.
26. Қадимги туркий аجدодларимиз фойдаланган рун ёзуви қандай маънони ифодалайди?
- A. «Руник»(фин), - маҳфий, сирли.
 - B. «Рун» (лот) – миҳхат.
 - C. «Руник-санскрит» (гр. «муқаддас»).
 - D. «Руно» (гр. «ёзаман»).
 - E. «Руникос» (гр. «машақатли»).
27. Могу дунё йиғсанг, тугар, олқинур,
Ёзилса, қолар сўз, жаҳонни кезур.
Ёзувнинг аҳамияти ўз ифодасини топган ушбу байт кимники?
- A. Пахлавон Маҳмуд.
 - B. Саъдий Шерозий.
 - C. Юсуф Хос Ҳожиб.
 - D. Аҳмад Югнакий.
 - E. Аҳмад Яссавий.
28. «Ирқ битиги» ким томонидан ва қасрдан топилган?
- A. Швед зобити И. Стралленберг, Селенга дарёси бўйидан.
 - B. Рус олими Ремезов, Энасой дарёси бўйларидан.
 - C. Дания олими В. Томсон, Кўкшин дарёси бўйларидан.
 - D. Венгер олими А. Стейн, Селенга дарёси бўйларидан.
 - E. Ядринцев, Кўкшин дарёси бўйларидан.
29. Исломдан аввал VI асрдан шакллана бошлаган, М. Кошғарийнинг ёзишича, «барча ҳоқонлар ва султонларнинг китоблари, ёзувлари Кошғардан Чингача битилган ёзув қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
- A. Араб.
 - B. Уйғур.
 - C. Руник.
 - D. Суғд.
 - E. Оромий.

30. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларини ўзбек тилига ўгириб, уларни тадқиқ этган олимлар кимлар?
- А. А. Қаюмов, А. Рустамов, Ғ. Абдурахмонов.
 - В. А. Рустамов. В. Абдуллаев, А. Каримов.
 - С. В. Раҳмонов, Н. Маллаев, Ғ. Рустамий, Н. Боқий.
 - Д. Ғ. Абдурахмонов, А. Рустамий, Н. Боқий.
 - Е. С. Муталлибов, Н. Боқий, А. Рустамий, А. Қаюмов.
31. Ўрхун-Энасой обидаларидаги ёзув йўналиши қандай?
- А. Ўнгдан чапга.
 - В. Чапдан ўнгга.
 - С. Ўнгдан чапга ва юқоридан пастга.
 - Д. Чапдан ўнгга, пастдан юқорига.
 - Е. Ўнгдан чапга ва чапдан ўнгга.
32. Марказий Осиёда араб ёзувидан фойдаланилган давр қайси жавобда тўғри кўрсатилган?
- А. XI асрдан 1929 йилгача.
 - В. XVI асрдан 1940 йилгача.
 - С. VIII асрдан мўғуллар истилосигача.
 - Д. VIII асрдан 1929 йилгача.
 - Е. V асрдан 1865 йилгача.
33. Ер юзидаги энг қадимий шаҳарлардан бири Феодосияда тошхатлар музейи очилган. У қандай номланади?
- А. Дендрарий.
 - В. Лапидарий.
 - С. Очиқ музей.
 - Д. Тош музей.
 - Е. Қабрлар музейи.
34. Араб алифбосида нечта ҳарф бор, форсийлар унга қанча ҳарф қўшганлар?
- А. 26 та ва 6 та.
 - В. 26 та ва 4 та.
 - С. 32 та ва 2 та.
 - Д. 18 та ва 6 та.
 - Е. 28 та ва 4 та.
35. Уйғур хати қайси ёзувларнинг шаклланишига асос бўлди?
- А. Мўғул ва манжур.
 - В. Мўғул ва хитой.

- С. Хитой ва оромий.
D. Сўғд ва рун.
E. Финикий ва оромий.
36. «Ўзбек тилининг янги имло қоидалари» қачон тасдиқланди?
A. 1996 йил. 6 майда.
B. 1989 йил, 21 октябрда.
C. 1992 йил, 2 сентябрда.
D. 1995 йил, 24 августда.
E. 1995 йил, 7 майда.
37. 1926 йилда Бокуда бўлиб ўтган туркологларнинг биринчи қурултойида туркий халқларга ўз алифболари учун қайси ёзувни асос қилиб олиш тавсия этилди?
A. Рус (кирилл).
B. Араб.
C. Лотин.
D. Хитой.
E. Уйғур.
38. Инсоният тарихида ҳали ёзув пайдо бўлмасдан анча аввал кишилар ўз фикрларини қандай ифодалаганлар?
A. Логограммаларда.
B. Идеограммаларда.
C. Сигналлар тилида.
D. Канопларда.
E. Тошлар хатида.

ФОНЕТИКА

НУТҚ ТОВУШЛАРИ

Фонетика - (гр. «phono» - товуш) тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у тилнинг товуш томонини, яъни нутқ товушларини ўрганади. Бу бўлимда биз бўгун ва урғу ҳақида ҳам маълумот оламиз. Тилимиздаги барча сўзлар нутқ товушларидан ташкил топган. Сўзлар асосида эса гап тузилади. Нутқимиз ана шу гаплар воситасида шаклланади. Демак, нутқ товушлари инсон нутқининг энг биринчи зарурий элементиدير.

Нутқ товушлари маъно ажратиш учун хизмат қилади. Табиатдаги барча товушлардан у ана шу жиҳати билан фарқланади.

Нутқ товушларини нутқ аъзоларимиз ҳосил қилади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Нафас аппарати – ўпка, бир жуфт бронхлар, трахея (қизил ўнгач);

2. Бўғиз бўшлиғи – товуш пайчалари, тоғайлар;

3. Оғиз бўшлиғи – тил, кичик тил (юқори танглай), тиш, лаблар, пастки жағ;

4. Бурун бўшлиғи.

• Нутқ товушларини ҳосил қилишда **товуш (ун) пайчалари, тил ва лаблар** фаол қатнашади.

• Нутқ товушлари ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг бўғзимизда жойлашган товуш пайчаларини тебратишидан ҳосил бўлади.

Нутқ товушлари овоз ва шовқиндан иборат. Шунга кўра улар икки хилдир:

УНЛИ ТОВУШЛАР

Унли товушлар соф овоз (ун)дан иборат бўлиб, уларнинг ҳосил бўлишида ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамайди. Ўзбек тилида 6 та унли товуш мавжуд: **и, э, а, у, ў, о.**

Унли товушлар уч томонлама тасниф этилади:

1. Лабларнинг иштирокига кўра.

а. Лабланмаган унлилар: и, э, а

б. Лабланган унлилар: у, ў, о

2. Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра

а. Олд қатор унлилар: и, э, а

б. Орқа қатор унлилар: у, ў, о

3. Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра:

а. Юқори (тор) унлилар: и, у

б. Ўрта (ўрта кенг) унлилар: э, ў

с. Қуйи кенг унлилар: а, о

Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра	Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра		Лабларининг иштирокига кўра
	Олд қатор	Орқа қатор	
Юқори (тор) унлилар	И		Лабланмаган
		у	Лабланган
Ўрта (ўрта кенг) унли	Э		Лабланмаган
		ў	Лабланган
Қуйи (кенг) унлилар	А		Лабланмаган
		о	Лабланган

УНДОШ ТОВУШЛАР

Ундош товушларларнинг ҳосил бўлишида ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими оғиз бўшлиғида айрим тўсиқларга учрайди. Ўзбек тилида 25 та ундош товуш мавжуд бўлиб, улар адабий орфографияда 23 та ҳарф билан ифодаланади.

Ундош товушлар ҳам уч томонлама тасниф этилади.

1. Товуш пайчаларининг (овоз ва шовқиннинг) иштирокига кўра:

а. жарангли ундошлар овоз ва шовқиндан иборат: б, в, г, д, ж, дж, з, й, л, м, н, р, ғ, нг (14 та);

б. жарангсиз ундошлар фақат шовқиндан иборат: к, п, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ҳ (11 та).

2. Ҳосил бўлиш ўрнига кўра:

а. Лаб ундошлари:

- лаб - лаб - б, п, м

- лаб - тиш - в, ф

б. Тил ундошлари:

- тил олди - д, т, н, л, з, с, р, ш, ж, дж, ч, ц

- тил ўрта - й

- саёз тил орқа - г, к, нг

- чуқур тил орқа - қ, ғ, х

с. Бўғиз ундоши: - ҳ

3. Ҳосил бўлиш усулига кўра:

а. портловчилар - б, п, д, т, г, к, қ

б. сирғалувчилар - в, ф, з, с, ж, ш, й, х, ҳ, ғ

с. титроқ - р

д. ён товуш - л

е. қоришиқлар - дж, ч, ц

ф. бурун товушлари - м, н, нг

БЎҒИН

Бир ҳаво зарби билан айтиладиган бир ёки бир неча товушлар йиғиндиси *бўғин* деб аталади.

Сўзда нечта унли товуш бўлса, бўғин ҳам шунча бўлади. Бўғинлар сони ундош товушлар билан белгиланмайди, улар бўғинда қатнашмаслиги ҳам, битта ёки ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Бўғиннинг аҳамияти нимада?

- Ёзувда бир сатрга сиғмай қолган сўз бўғин кўчириш қондаси асосида кейинги йўлга кўчирилади;
- биринчи синф ўқувчиларини ўқиш ва ёзишга ўргатиш бўғин асосида амалга оширилади;
- шеърятда бармоқ вазни талабига кўра мисраларда бўғинлар миқдорининг тенглиги ҳисобга олинади.

Бўғин кўчириш қоидалари.

а) Кўп бўғинли сўзнинг олдинги сатрга сиғмай қолган қисми кейинги сатрга бўғинлаб кўчирилади: тўқ-сон, си-фатли, пахта-кор каби. Тутуқ (айириш) белгиси олдинги йўлда қолдирилади: ваъ-да, маъ-рифат, инъ-ом каби;

б) сўзнинг бош ёки охирги бўғини бир ҳарфдан иборат бўлса, бу бир ҳарф олдинги йўлда ҳам қолдирилмайди ва кейинги йўлга ҳам кўчирилмайди: а-ҳоли эмас, аҳо-ли, мудофа-а эмас, мудо-фаа каби;

в) бир товушни ифодаловчи sh, ch, ng ҳарф бирикмалари кейинги унли билан бўғин ҳосил қилади;

д) бош ҳарфдан таркиб топган қисқартма отлар (аббревиатуралар) АҚШ, БМТ, 2004, ХХІ кабилар сатрдан сатрга бўлиб кўчирилмайди;

е) атоқли от таркибига кирадиган рақам номдан ажратилган ҳолда кейинги сатрга кўчирилмайди: «Наврўз-92» (фестивал), «Боинг-734» (самолёт), «Андижон-9» (ғўза навлари) каби.

УРҒУ

Сўз бўғинларидан бирининг бошқаларга нисбатан кучлироқ оҳанг билан айтилиши *сўз урғуси* дейилади.

- Урғу тушган бўғин урғули бўғин деб аталади;

• ўзбек тилидаги сўзларда урғу кўпинча охириги бўғиндаги унлига тушади;

• тилимизда урғу охириги бўғинга тушмайдиган сўзлар ҳам учрайди: ҳамма, барча, ҳар бир, афсуски, албатта ва ҳ.к.

Қуйидаги грамматик шакллар (қўшимчалар) урғу олмайди.

1. Юкламалар: - гина, - ми. — чи, - а. — ку, - да;
2. Равиш ясовчи айрим қўшимчалар: - ча, - дек, - дай;
3. Феълнинг бўлишсиз шакли: - ма;
4. Кесимлик қўшимчалари: - дир, - ман, - сан, - миз, - сиз;
5. Сон турларини ҳосил қилувчи қўшимчалар: - та, - тача, - тадан.

Айрим сўзлар урғусининг ўрнини алмаштирсак, сўзнинг луғавий маъноси ҳам буткул ўзгариб кетади:

- атлас — кийимлик материал, атлас — хариталар албоми;
- олма — мева, олма — буйруқ феъли, сурма — кўзга суртиладиган бўёқ, сурма — буйруқ, феъли;
- қизгина — эркалаш оти, қизгина — юклама;
- қишлоқча — кичкина қишлоқ, қишлоқча — равиш (қишлоқча кийиниш)

Урғулар фақат сўз бўғинига эмас, гапдаги бирор бўлакка ҳам тушиши мумкин. Яъни гапнинг бирор бўлаги бошқа бўлақларга нисбатан алоҳида ажратиб, таъкидлаб айтилади. Бундай урғу мантиқий (логик) ёки гап урғуси аталади.

Эртага ойим билан қишлоққа **бувимникига** борамиз.

Эртага ойим билан бувимникига **қишлоққа** борамиз.

Эртага бувимникига қишлоққа **ойим билан** борамиз.

Ойим билан қишлоққа бувимникига **эртага** борамиз.

Борамиз эртага ойим билан қишлоққа, бувимникига.

ГРАФИКА (ЁЗУВ) ВА ИМЛО

Графика (грекча — *ёзув, наққошлик*) бизга нутқ товушларининг ёзувда ифодаланиш қоидаларини ўргатади. Ўзбек ёзуви дунёдаги 220 хил фонографик ёзувлардан бири бўлиб, унда ҳар бир товуш учун махсус шакл-ҳарф белгиланган. Товушларни талаффуз қиламиз ва эшитамиз, ҳарфларни эса ёзамиз ва ўқиймиз.

Маълум бир қатъий тартиб асосида жойлаштирилган ҳарфлар йиғиндиси алфавит (лотин алифбосидаги дастлабки икки ҳарф — «альфа», «бета» сўзларидан олинган) дейилади. Барча луғатлар, реестр (кишилар, нарсалар рўйхати), расмий ҳужжатлар қатъий алфавит асосида тузилади.

1995 йилнинг 6 – 7 майларида Ўзбекистон Олий Мажлиси лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосини айрим ўзгартиришлар билан тасдиқлади. Янги алифбода 26 та ҳарф, 3 та ҳарфлар бирикмаси ҳамда тутук белгиси мавжуд.

Кирилл ёзуви асосидаги ўзбек алифбоси

Аа (а), Бб (бе), Вв (ве), Гг (ге), Дд (де), Ее (е), Ёё (ё), Жж (же), Зз (зе), Ии (и), Йй (йи), Кк (ка), Лл (эл), Мм (эм), Нн (эн), Оо (о), Пп (пе), Рр (эр), Сс (эс), Тт (те), Уу (у), Фф (эф), Хх (ха), Цц (це), Чч (че), Шш (ша), Ђђ (айириш белгиси), Ѓѓ (юмшатиш белгиси), Ээ (э), Юю (ю), Яя (я), Ўў (ў), Ққ (ке), Ғғ (Ғе), Хх (хе).

Лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбоси

A a, B b, D d, E e, F f, G g, H h, I i, J j, K k, L l, M m, N n, Ђ Ђ, P p, Q q, R r, S s, T t, U u, V v, X x, Y y, Z z, Ђ' Ђ', G' g', Sh sh, Ch ch, Ng, ng.

ОРФОГРАФИЯ (ИМЛО) ҚОИДАЛАРИ

Тилда сўзлар (ўзак, негиз, қўшимчалар, қўшма сўзлар қисмлари, бош ҳарфлар, бўғин кўчириш) маълум қоида асосида ёзилади. Бу қоидалар мажмуаси орфографик (гр. «орфо» - тўғри, «графо» - ёзаман) принциплар (тамойиллар) деб аталади. Имло қоидалари тилшунос мутахассислар томонидан тузилиб, жамоатчилик маъқуллагач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги Қарори билан «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» тасдиқланди.

Бу қоидалар қуйидаги тамойилларга бўйсундирилган:

1. Фонетик тамойил.

Сўз ўзаги, негизи, қўшимчаларни фақат эшитиш асосидаги ёзув:

- **к,қ** ундоши билан тугаган сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилганда, талаффузда **к г** товушига, **қ ғ** товушига айланади ва шундай ёзилади: тилаги, юраги, элаги, ўртоғи, чироғи каби;

Изоҳ: *рус ва араб тилларидан ўзлашган айрим сўзларда бу ҳолат кузатилмайди, яъни товушлар ўзгармайди ва шундай ёзилади: парки, цирки, иштироки, уфқи, завқи ва ҳ.к.*

- **шаҳар, захар, кўнгил, ўғил, ўрин, бурун** каби айрим сўзларга эгалик қўшимчалари қўшилса, иккинчи бўғиндаги а, и, у товушлари тушириб айтилади ва шундай ёзилади: **шаҳри, захри, кўнглим, ўғлим, ўрни, бурнинг** каби;

- **икки, олти, етти** каби сонларга жамловчи сон (- ов, - овлон, - ала) қўшимчалари қўшилганда, иккинчи бўғиндаги унли тушириб айтилади ва шундай ёзилади: **икков, иккала, олтов, еттовлон**;

- **парво, обрў, мавқе, мавзу, орзу, авзо** каби сўзларга I, II, III шахс эгалик қўшимчалари қўшилса, й товуши қўшиб айтилади ва шундай ёзилади: **парвойим, обрўйим, мавқеи, орзуйим, авзойи**;

- **мен, сен** кишилиқ олмошларига – **ни**, - **нинг**, - **ники** қўшимчалари қўшилганда, битта н тушириб айтилади ва шундай ёзилади: **мени, сенинг, меники**;

- **у, бу, шу, ўша** олмошларига – **га**, - **да**, - **дан**, - **дай**, - **даги**, - **ча** қўшимчалари қўшилганда, н товуши қўшиб айтилади ва шундай ёзилади: **унга, бунда, шундан, шундай, ундаги, шунча**;

- **а ёки (йа)** товушлари билан тугаган сўзларга – **в**, - **қ**, - **қи** қўшимчалари қўшилганда, ўзакдаги а товуши о тарзида айтилади ва шундай ёзилади: **сайла-сайлов, танла – танлов, бўйа – бўйок, сайра – сайроқи, ўйна – ўйноқи**;

- **га** (жўналиш келишиги), - **гача**, - **гач**, - **гунча**, - **гани**, - **гудек** (равишдош), - **ган** (сифатдош), - **гин** (буйруқ феъли) қўшимчалари **к** ундош билан тугаган сўзларга қўшилса, бу қўшимчаларнинг бош товуши **к** (**тилакка, йўлакка, зериккунча, кўниккач, эккани, кечиккудек, буккан, буккин**); **қ** ундоши билан тугаган сўзларга қўшилса, **қ** айтилади ва шундай ёзилади: (**чопикқа, қишлоққача, ёкқач, чиккунча, чиникқани, кўрккудек**);

- **феъл** нисбатларини ҳосил қилувчи қўшимчалар қандай эшитилса, шундай ёзилади: **кулдир, айттир, ўтказ, ўтқиз, айттиргиз**.

2. Морфологик тамойил.

Сўз ўзаги, негизи ва қўшимчаларни эшитиш асосида эмас, маълум грамматик қонун-қоидаларга мувофиқ ёзиш морфологик тамойилнинг ягона талабидир:

- яқин ўтган замон қўшимчаси – **ди** қандай айтилишидан қатъий назар, ҳамма вақт – **ди** ёзилади: талаффузи – **айтти**, ёзилиши: **айтди, кетти – кетди, айтипти – айтибди, борипти – борибди**;

- тушум келишиги қўшимчаси – **ни** айрим ўзакларга қўшилганда, - **ти**, - **ши** тарзида, ўрин-пайт, чиқиш келишлари қўшимчалари – **да**, - **дан** эса – **та**, - **тан** шаклида талаффуз қилинади,

аммо грамматик қоидага мувофиқ – **ни, - да, - дан** ёзилади:отти эмас – отни, ошши эмас – ошни, отта, оттан эмас, отда, отдан ёзилади;

- ўзаги таркибида **у, йу** товушлари бўлган сўзларга – **ик** қўшимчаси қўшилганда, бу қўшимчалар талаффуздагидек – **ик** (ютиқ, учик) эмас, - **уқ** тарзида ёзилади: ютуқ, учуқ;

- **бон, - боз** қўшимчалари баъзан – **вон, - воз** тарзида талаффуз қилинса ҳам, - **бон, - боз** шаклида ёзилади: дарвозавон эмас – дарвозабон, беданавоз эмас – беданабоз;

- қисқартмалар (аббревиатура) нинг барча турлари ва уларга қўшиладиган қўшимчалар қўшиб ёзилади: **ТошДУнинг, СамПИга;**

- иккинчи қисми **хона, нома, поя, хуш, ҳам, кам, ранг, мижоз, сифат, талаб** каби сўзлардан иборат бўлган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади;

- **кўм – кўк, сап-сарик, коп – қора, дуппа – дуруст, тўппа – тўғри** каби орттирма сифатлар ҳам морфологик тамойил асосида ёзилади.

3. Шаклий тамойил.

Тилимизга қардош бўлмаган бошқа (рус ва араб, форс) тиллардан ўзлашган сўзларнинг бошида ва охирида икки ундош ёнма ён келиши мумкин. Улар ўша тилларда қандай ёзилса, биз ҳам шундай шаклда ёзамиз. Бу шаклий тамойил талаби ҳисобланади: **конгресс, киловатт, трактор, троллейбус, прокурор, қасд, гард, меҳр, қаҳр, чарх, фикр, зикр ва ҳ.к.**

САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР

Қуйидаги унли товушларни ўз таснифига кўра қайси қаторга тўғри келишини аниқланг ва қалам билан белги қўйиб чиқинг, такрор машқ қилинг.

Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра	Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра		Лабларининг иштирокига кўра
	Олд қатор	Орқа қатор	
Юқори (тор) унлилар			Лабланмаган
			Лабланган
Ўрта (ўрта кенг) унли			Лабланмаган
			Лабланган
Қуйи (кенг) унлилар			Лабланмаган
			Лабланган

Ундош товушларнинг ҳар бири қаторидаги катакчаларга уларнинг таснифи бўйича қалам билан белги қўйиб чиқинг ва буни тез-тез машқ қилиб туринг.

	1. Товуш пайчалари			2. Ҳосил бўлиш ўрнига кўра						3. Ҳосил бўлиш усулига кўра						
	Иштирокига кўра			Лаб ундошлари		Тил ундошлари				бўғиз унд.	порт.	сирғ.	тит рок.	ён	қориш	Бурун товуши
	ж-ли	ж-сиз	сон	лаб-лаб	лаб-тиш	тил олд	тил ўрт	саёз тил орқ	чуқур т. орқ							
Б																
В																
Г																
Д																
Ж																
ДЖ																
З																
Й																
К																
Л																
М																
Н																
П																
Р																
С																
Т																
Ф																
Х																
Ц																
Ч																
Ш																
Қ																
Ғ																
Ҳ																
НГ																

Берилган сўзларнинг қайси бўғини урғу тушса, ўша катакка қалам билан белги қўйиб чиқинг ва машқ қилинг.

	1	2	3	4	5	6	7	8
1. баҳордаги								
2. техника								
3. ҳамма								
4. гапирмасинми?								
5. этик (сифат)								
6. ўзингиз-чи?								
7. йигитча (равиш)								
8. йигитча (кичрайтириш оти)								
9. айланма (феъл)								
10. айланма (сифат)								
11. келдингизми?								
12. бажарганман								
13. болагина (эркалаш оти)								
14. болагина (юклама)								
15. кўзлар (от)								
16. кўзлар (феъл)								
17. қора								
18. қоп-қора								

19. мардларча								
20. янги (сифат)								
21. янги (равиш)								
22. қишлоқча (равиш)								

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Қайси қаторда нутқ товушларига тўғри изоҳ берилган?

А. Табиатдаги барча товушлар физик ва нутқ товушлари ҳисобланади.

В. Ҳавонинг товуш пайчаларини тебратишидан ҳосил бўлган ҳар қандай товушлар нутқ товушларидир.

С. Нутқ товушлари маъно ажратиш учун хизмат қилади.

Д. Ҳавонинг оғиз бўшлиғида сирғалиб ёки портлаб чиқишидан ҳосил бўлган товушлар нутқ товушлари ҳисобланади.

Е. Бир ҳаво зарби билан айтиладиган товушлар нутқ товушларидир.

2. Ўпкамиздан чиқаётган ҳаво оқимининг товуш пайчаларини тебратишидан қандай товушлар ҳосил бўлади?

А. Фақат унли товушлар.

В. Ундош товушлар.

С. Унли ва жарангли ундошлар.

Д. Унли ва сонор ундошлар.

Е. Барча нутқ товушлари.

3. Нутқ аъзоларимиздан қайсилари нутқ товушларининг ҳосил бўлишида фаол иштирок этади?

А. Барча нутқ аъзоларимиз нутқ товушларининг ҳосил бўлишида фаол иштирок этади.

В. Ўпка, товуш пайчалари, тил.

С. Товуш пайчалари, тил ва лаблар.

Д. Тил, кичик тил, лаблар.

Е. Товуш пайчалари, тил, пастки жағ, трахея.

4. Қуйида кўрсатилган қайси хусусият унли товушга хос эмас?

А. Урғу одатда унли товушларга тушади.

В. Унли товушлар овоз ва қисман шовқиндан иборат бўлади.

С. Унли товуш билан тугаган бўғин очиқ бўғин ҳисобланади.

Д. Унлилар лабларнинг иштирокига кўра лабланган ва лабланмаган бўлади.

Е. Барча жавоблар тўғри.

5. Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра и, у унлилари қандай унлилар сирасига киради?

- A. Олд қатор унлилар.
- B. Орқа қатор унлилар.
- C. Юқори (тор) қатор унлилар.
- D. Ўрта (ўрта кенг) унлилар.
- E. Қуйи (кенг) унлилар.

6. Қайси ҳукм нотўғри?

- A. Лабланган унлилар орқа қатор унлилар ҳисобланади.
- B. Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра а, о унлилари қуйи (кенг) унлилардир.
- C. Бўғинлар сони унлилар миқдори билан белгиланади.
- D. Сонор товушларнинг жарангсиз жуфти бўлмайди.
- E. Барча жавоблар тўғри.

7. Жарангли ва жарангсиз ундошлар қайси хусусиятларига кўра тасниф этилади?

- A. Товуш пайчаларининг иштирокига кўра.
- B. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра.
- C. Лабларнинг иштирокига кўра.
- D. Ун пайчаларининг тебранишига кўра.
- E. А ва В.

8. Қайси қатордаги сўзлар фақат сирғалувчи ундошлардан иборат?

- A. Ғазал, жамол, сурат.
- B. Вафо, хавф, фазо.
- C. Йўл, ҳисоб, хайрат, ғафлат.
- D. Замон, водий, жазо.
- E. Фидокор, шимол, сайр.

9. Бундай товушларнинг ҳосил бўлишида товуш пайчалари фаол қатнашади ва шовқинга нисбатан овоз миқдори кўпроқ бўлади. Гап қайси товушлар ҳақида кетяпти?

- A. Унли товушлар.
- B. Сирғалувчи ундошлар.
- C. Жарангли ундошлар.
- D. Сонор товушлар.
- E. Бурун товушлари.

10. Тил олди ундошлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A. з, с, г, ш, ж
- B. д, т, к, л, ч
- C. в, ф, й, л, м
- D. с, ж, ш, л, з
- E. ч, ц, б, п, х

11. Ундош товушлар қайси хусусиятларига кўра тасниф этилади?

A. Товуш пайчаларининг иштирокига кўра, лабларнинг иштирокига кўра, ҳосил бўлиш усулига кўра

B. Ҳосил бўлиш усулига кўра, ҳосил бўлиш ўрнига кўра, товуш пайчаларининг иштирокига кўра

C. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра, товуш пайчаларининг тебранишига кўра, лабларнинг иштирокига кўра

D. Товуш пайчаларининг иштирокига кўра, ҳавонинг оғиз бўшлиғидан сирғалиб чиқишига кўра, тилнинг вертикал ҳаракатига кўра

E. Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра, тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра

12. Ҳозирги ўзбек адабий тилида жарангсиз жуфтига эга бўлмаган жарангли ундошлар нечта?

- A. 8 та
- B. 7 та
- C. 6 та
- D. 9 та
- E. 10 та

13. Саёз тил орқа ундошлари берилган қаторни аниқланг.

- A. к, г, нг
- B. қ,ғ,х
- C. м, н, нг
- D. б, п, м
- E. д, т

14. Қайси қатордаги сўзлар фақат сонор товушлардан иборат?

- A. Ранг, лимон, рўмол.
- B. Лаззат, мана, миннат.
- C. Мина, наMAT, рамазон.
- D. Мард, замон, онг.
- E. Занг, нам, рул.

15. Товушларни талаффуз қилишимизда ун(товуш) пайчалари таранг тортилган бўлмаса, қандай товушлар ҳосил бўлади?

- A. Жарангсиз ундошлар.
- B. Жарангли ундошлар.
- C. Сонорлар.
- D. Портловчи ундошлар.
- E. Бурун ундошлари.

16. Сирғалувчи **ж** ундоши қандай сўзларда кўпроқ учрайди?

- A. Рус тилидан ўтган сўзларда
- B. Форс-тожик ва рус тилларидан ўтган сўзларда
- C. Рус ва лотин, грек тилларидан ўтган сўзларда
- D. Араб ва форс-тожик тилларидан ўтган сўзларда
- E. Рус, форс-тожик ва араб тилларидан ўтган сўзларда

17. Бир товушдан иборат бўғинлар қайси қатордаги сўзларда мавжуд?

- A. Яшил, ёмғир, юмалоқ.
- B. Ҳикоя, муҳофаа, матбуот.
- C. Зиёрат, зиёфат, меъёр.
- D. Муҳофаа, акаси, аёл.
- E. Табиий, аҳамият, санъат.

18. Қуйида келтирилган изоҳларнинг қайси бири бўғинга хос эмас?

- A. Унли билан тугаган бўғин очик ҳисобланади.
- B. Бўғинлар биргина ундошдан иборат бўлиши мумкин.
- C. Ҳар бўғинда бир унли бўлиши шарт
- D. Ундош билан тугаган бўғин ёпиқ бўғин ҳисобланади.
- E. Барча жавоб тўғри.

19. Ўзбек тилида қуйидаги шакллардан қайси бири бўғин сифатида учрамайди?

- A. Бир унли ва бир ундошдан иборат бўғинлар.
- B. Бир унлидан иборат бўғинлар.
- C. Икки унли ва бир ундошдан иборат бўғинлар.
- D. Бир унли ва тўрт ундошдан иборат бўғинлар.
- E. C ва D.

20. **Юм-юмалоқ** сўзи неча унли ва неча ундошдан иборат?

- A. 6 та ундош ва 4 та унлидан.
- B. 5 та ундош ва 3 унлидан.

- C. 2 та унли ва 4 та ундошдан.
- D. 5 та унли ва 5 та ундошдан.
- E. 4 та унли ва 5 та ундошдан.

21. sh, ch, ng ҳарф бирикмалари икки унли орасида келса, улар қай тарзда бўғинларга ажратилади?

- A. Ҳар учаласи биринчи унли билан бўғин ҳосил қилади.
- B. Ҳар учаласи иккинчи унли билан бўғин ҳосил қилади.
- C. sh, ch биринчи ва ng иккинчи унли билан бўғин ҳосил қилади.
- D. Ҳар учаласи биринчи ундош билан бўғин ҳосил қилади.
- E. Ҳар учаласи иккинчи ундош билан бўғин ҳосил қилади.

22. s ва h орасига тутуқ белгиси қўйилса, улар қандай товушларни ифодалайди?

- A. s ва h ҳарфлари орасига тутуқ белгиси қўйилмайди.
- B. sh ҳарфини ифодалайди.
- C. s ва h ҳарфларини ифодалайди.
- D. Ҳам sh ҳарфини, ҳам h ва ҳарфини ифодалайди.
- E. B, C, D.

23. Қайси каторнинг барча сўзларида бўғин кўчириш қондаси бузилган?

- A. Телеви-зор, 100-гр., XX-аср.
- B. XV-том, 200-км., АҚ-Ш, матба-а.
- C. 8-март, 2005-йил, XV-аср, мудро-фаа.
- D. та-ълим, ма-ълум, и-шонч, жами-ят.
- E. A ва D.

24. Қайси каторда – ма, - чи, - ча қўшимчаларига урғу тушади?

- A. Ўқима, сен-чи, мардларча.
- B. Кулма, ниначи, дафтарча.
- C. ўзинг-чи, йигитча, йиғлатма.
- D. қайтма, ёзувчи, қишлоқча.
- E. қизча, қайнатма (шўрва), кранчи.

25. Ўтирмасинми сўзидаги урғу қайси бўғинга тушади?

- A. Биринчи.
- B. Иккинчи.
- C. Учинчи.
- D. Тўртинчи.
- E. Бешинчи.

26. Сўз урғусига хос хусусият қайси қаторда тўғри изоҳланган?

А. Ўзбек тилидаги сўзларда урғу, асосан, охириги бўғиндаги ундошга тушади.

В. Рус ва рус тили орқали бошқа тиллардан кирган сўзларда урғу кўпинча охириги бўғинга тушади.

С. Айрим сўзларнинг маъноси гапда (контекстда) урғу орқали аниқланади.

Д. Гап урғуси, одатда, сўзнинг охириги бўғинига тушади.

Е. А,С.

27. Ўзбек тилидаги қўшма отларда урғу, асосан, қайси бўғинга тушади?

А. Урғу биринчи қисмдаги сўзнинг биринчи бўғинига тушади.

В. Урғу иккинчи қисмдаги сўзнинг охириги бўғинига тушади.

С. Ҳар икки қисмнинг ўз урғуси бўлади.

Д. Қўшма отларда умуман урғу қисмларига тушмайди.

Е. Урғунинг қайси қисмга тушиши контекст(гап)га боғлиқ.

28. Маъно урғуси кесимга тушадиган қаторни аниқланг.

А. Қушлар қиш фаслини иссиқ ўлкаларда яйраб ўтказадилар.

В. Иссиқ ўлкаларда қушлар қиш фаслини яйраб ўтказадилар.

С. Қушлар яйраб қиш фаслини иссиқ ўлкаларда ўтказадилар.

Д. Қушлар қиш фаслини ўтказадилар яйраб иссиқ ўлкаларда.

Е. Маъно урғуси кесимга тушмайди.

29. «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қачон тасдиқланган?

А. 1992 йил 2 сентябрда.

В. 1989 йил 21 октябрда.

С. 1993 йил 6 майда.

Д. 1995 йил 24 августда.

Е. 1995 йил 8 декабрда.

30. **парвойим, обрўйим, мавзун, авзойи** каби сўзлар қайси орфографик тамойил асосида ёзилган?

А. Морфологик.

В. Фонетик.

С. Шаклий.

Д. Анъанавий.

Е. Фонетик ва шаклий.

31. Ўзбек орфографиясининг қайси тамойилида сўзларнинг айтилиши ва ёзилиши бир-бирига мос келмайди?

- A. Морфологик.
- B. Фонетик.
- C. Шаклий.
- D. Анъанавий.
- E. A ва C.

32. Бир сўзнинг икки-уч ва баъзан тўрт хил ёзилиши тилшуносликда қандай номланади?

- A. Инверсия.
- B. Паронимлар.
- C. Дублетлар.
- D. Синонимия.
- E. Омонимия.

33. Феъл нисбатларини ҳосил қилувчи қўшимчалар орфографиянинг қайси тамойилига биноан ёзилади?

- A. Фонетик.
- B. Морфологик.
- C. Шаклий.
- D. A ва B.
- E. A, B C.

34. Ўзбек тилидаги қайси товуш, асосан, рус тили орқали кириб келган?

- A. г
- B. дж
- C. ч
- D. х
- E. ц

35. Қайси қатордаги сўзлар фонетик ёзув (принцип) асосида ёзилмайди?

- A. Китобим, троллейбус, обрўйинг.
- B. Иккови, олтовлон, қайтди.
- C. Ям-яшил, битди, трактор, юракка.
- D. Келолди, сўроқ, ўйна, англа.
- E. Айтди, Самарқандда, отдан.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ - СЎЗШУНОСЛИК

Нималарни билишингиз керак?

- *тилнинг луғат таркиби ва унинг бойиб бориш манбалари;*
- *ўзбек адабий тили ва халқ шевалари;*
- *эскириб қолган ва янги сўзлар;*
- *атамалар ва касб-ҳунарга оид сўзлар;*
- *сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари;*
- *ибора ва тасвирий ифода.*

ТИЛНИНГ ЛУҒАТ ТАРКИБИ

ЛЕКСИКОЛОГИЯ (грекча «лексикос» - сўз) тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у тилнинг луғат таркибини, сўзнинг луғавий (лексик) маъносини текширади.

Тилимиздаги сўзларнинг барчаси тилнинг луғат таркиби дейилади. Давр ўтиши билан, илм, фан-техника ривожланиб боргани сари тилнинг луғат таркиби тез ва мунтазам бойиб боради. Бу жараён икки хил йўл билан амалга ошади:

1. Ички манбалар асосида.
2. Ташқи манбалар асосида.

Ички манбалар дейилганда, икки нарсани тушунмоқ керак:

- Адабий тилга халқ шеваларидан сўз ўтиши. Бундай сўзлар адабий тилнинг луғат таркибида кўплаб учрайди. Масалан, **дўппи, шоти, нарвон, биринч, гурунг, дугона, арчимоқ, болиш, ёстик, мастава, чучвара, манти** ва ҳ.к.

- Тилимиздаги мавжуд сўзлардан янги сўзлар яшаш. Ўзбек тилида кўпроқ сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида (морфологик усул) ёки сўзларни сўзларга қўшиб (синтактик усул), янги сўзлар ҳосил қилинади. Масалан, биргина «ёз» сўзидан бир неча сўзлар яшаш мумкин: **ёзув, ёзувчи, ёзувчилик, ёзиқ (гуноҳ)** ёки «қўл» ва «қоп» сўзларини бир-бирига қўшсак, учинчи, янги сўз «**қўлқоп**» ҳосил бўлади. Кўрибсизки, тилимизнинг луғат таркиби бешта янги сўз ҳисобига бойиди.

Ташқи манбалар деганимизда, тилимизнинг луғат таркибига қардош бўлмаган бошқа тиллардан сўз ўзлаштиришни тушунамиз. Бундай сўзлар олинма ёки ўзлашган сўзлар дейилади. Ўзбек тилининг

луғат таркибида араб, форс-тожик, рус ва бошқа тиллардан ўзлашган талай сўзлар мавжуд.

Баъзан араб ва форс-тожик тилларидан ўтган сўзларни қандай фарқлаб олса бўлади, деган ҳақли савол туғилади. Бунинг учун ана шу тилларнинг ўзига хос энг муҳим хусусиятларини билиб олишимиз керак бўлади.

ЭСЛАБ ҚОЛИНГ:

Арабча сўзлар:

- айириш (тутук) белгиси қатнашган сўзларнинг аксарияти арабча сўзлардир: маъкул, таълим, таъсир, журъат, маълум, шеър ва ҳ.к.;

- арабча сўзларда иккита бир хил ёки икки хил унли ва ундош товушлар кўпинча ёнма-ён келади: бадийй, мудофаа, оила, шароит, муваффақият, қассоб, муаттар, касб, дард, ишқ, васл ва ҳ.к.;

- ўта юмшоқ ҳ (ҳойе ҳовваз), юмшоқ ҳ (хижрон, шаҳр, баҳр, қаҳр, ҳикоя, ниҳоя), шунингдек, ф, қ, м, н, с, з, т ундошлари арабий сўзларда кўп учрайди: фирдавс, фаридун, фаррух, қалам, қасд, иттифоқ, мансаб, тамаддун, салом, закот, тоҳир, талаб ва ҳ.к.;

Форсий сўзлар:

- Форсча сўзларда қ ундоши умуман учрамайди (айрим форсий сўзлар ўзбек тилига ўтиб, қ товуши қ га айланган: қоғаз, қаҳрабо);

- ж (сирғалувчи), г, д, б каби жарангли ундошлар форсий сўзларда кўп учрайди: аждар, каждум, бож, мужгон, сажда, булбул, кабутар, мезбон, дафтар, гирибон, дил, гул ва ҳ.к.

- Тилимизнинг луғат таркибига ўзлашган ҳайвон ва паррандалар (фил, наҳанг, бедана, каркидон, хўроз, мусича, маймун, шер ва бошқ.), ўсимлик ва дарахтлар (анжир, анор, бинафша, барг, бодом, ғўра, беҳи, мева, майиз, олча, тут, ток, ғунча, ниҳол, сабзи ва бошқ.), озиқ-овқат (кабоб, ёғ, гўшт, зоғора, новвот, шакар, ош, нон, тухум, палов, май, гулоб, ширгуруч ва бошқ.) кийим-кечак (астар, лас, чок, чопон, сарпо, пайпоқ, камар, нимча, шойи, мовут, чойшаб ва бошқ.), касб-ҳунар (мардикор, боғбон, дурадгор, ҳунарманд, заргар, бастакор, ошпаз, дарвоз, деҳқон, мироб, созанда, дарвозабон ва бошқ.) каби маъноларни англатувчи сўзлар форсча сўзлардир.

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ ВА ХАЛҚ ШЕВАЛАРИ

Тилимизнинг луғат таркибини тарихий, ижтимоий диалектал жиҳатдан бир неча қатламлар: адабий ва адабий бўлмаган (шевага хос сўзлар-диалектизмлар, касб-ҳунарга оид сўзлар – профессионализмлар, жаргонлар), атамалар, ўзлашган сўзлар ташкил этади.

Умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум бир грамматик қонун-қоидага бўйсундирилган шакли адабий тил ҳисобланади.

- Адабий тил оғзаки ва ёзма шаклларга эга.
- Адабий тил олимлар, адиблар, зиёлилар томонидан яратилади.
- Давлатнинг барча расмий ҳужжатлари, оммавий ахборот воситалари материаллари адабий тилда ёзилади, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумтаълим мактабларида ишлар адабий тилда олиб борилади.

ШЕВАГА ХОС СЎЗЛАР

Маълум ҳудуддагина қўлланилиб, фақат шу ерда яшовчи кишиларгагина тушунарли бўлган сўзлар шевага хос сўзлар - диалектизмлар дейилади.

Бир предмет, тушунчанинг ўзи турли маҳаллий шеваларда турлича ифодаланади: «бузоқ»-(Фарғона), «инак»-(Сурхондарё), «ўжак»-(Хоразм); «нарвон»-(Тошкент), «шоти»-(Фарғона), «занг»-(Хоразм); «дўппи» - (Фарғона, Тошкент), «калапўш» - (Бухоро), «бурк» - (Фориш); «сатил» - (Қашқадарё), «пақир» - (Фарғона) ва ҳ.к.

- Шевага хос сўзлар адабий тилдан фонетик, лексик, грамматик жиҳатидан фарқ қилади.

- Шевага хос сўзлар сўзлашув, бадийий услубларда қўлланилади.
- Шевага хос сўзлар фақат оғзаки шаклга эга.

Бир-бирига яқин бўлган шевалар йиғиндиси **лаҳжа** дейилади. Ўзбек шевалари учта лаҳжага бўлинади:

1. ҚАРЛУҚ ЛАҲЖАСИ.

- Бу лаҳжага, асосан, шаҳар шевалари, масалан, Тошкент, Фарғона шевалари киради.

- Ўзбек адабий тилига Тошкент (фонетик жиҳатдан) ва Фарғона (морфологик жиҳатдан) шевалари асос бўлган.

- Бу лаҳжада сўзлашувчилар нуткига хос хусусиятлардан бири «о» лашиш ҳодисасидир, яъни «а» товуши «о» га мойил талаффуз этилади: ока, Акром, котта, Боҳодир ва шунингдек, қаратқич келишиги ўрнида тушум келишигини қўллаш: отти еми , ошши тузи; ҳозирги замон давом феълининг – яп шаклини – ут, - вот, - оп тарзида қўллаш ҳам шу лаҳжага хос: келутти, кетвотти, келопти.

2. ҚИПЧОҚ ЛАҲЖАСИ.

- Бу лаҳжада гаплашувчилар деярли республикамизнинг барча вилоятларида учрайди.

- Қипчоқ лаҳжасининг асосий белгиларидан бири «ж» лашишдир. Улар «жўқчилар» деб ҳам аталади. «й» ундоши ўрнига «ж» товушини қўллаш шу лаҳжага хос: йўл – жўл, йўқ – жўқ, ёзаётир – жазватир, ўқиётир – ўқижатир ва бошқалар.

- Қипчоқ лаҳжасида «ғ» товуши «в» га мойилроқ талаффуз этилади: ўғли – увли, боғли – бовли ва ҳ. к.

3. ЎҒУЗ ЛАҲЖАСИ.

- бу лаҳжага, асосан, Хоразм шевалари киради.
- Айрим жарангсиз ундошлар ўрнида уларнинг жарангли жуфтининг қўлланилиши (кел – гал, кўз – гўз, тош – даш, тил – дил) ва унли товушларнинг чўзиб талаффуз этилиши ўғуз лаҳжасига хос бўлган асосий белгилардан биридир.

АТАМАЛАР

Атамалар, асосан, бир маъноли сўзлар бўлиб, илм-фан, техника, санъат ва адабиётга оид маълум бир тушунчаларни ифодалайди. Тилшуносликда бундай сўзлар термин (лотинча – чегара) ва истилоҳ (арабча – атамоқ) деб ҳам юритилади. Бир фан, соҳа ёки ишлаб чиқаришда қўлланиладиган атамалар йиғиндиси терминология дейилади.

Атамаларнинг асосий қисмини олинма сўзлар, хусусан, лотин, грек тилларидан кирган сўзлар ташкил этади. Ҳар бир соҳанинг ўз атамаси мавжуд.

- **математика:** куб, квадрат, тенглама, номаълум сон, лимит, интеграл...;

- **физика:** кучланиш, қаршилик, тезлик, босим, атом, механика, оптика...;
- **химия:** валентлик, реакция, кислота, асослар, оксидлар, органика;
- **тилшунослик:** фонетика, морфология, феъл, равиш, қўшма гап, аниқловчи;

Айрим атамалар икки соҳада ҳам қўлланилиши мумкин: масалан, «морфология» термини биология ва тилшуносликда, «атом» - физика ва химия, «гипербола» - математика ва адабиётшуносликда ҳам ишлатилаверади.

- атамалар, асосан, илмий услубда қўлланилади.
- атамалар халқаро миқёсда бир хил қўлланилади (айрим фан атамалари бундан мустасно), шунинг учун уларни сўзма-сўз таржима қилиб ишлатиб бўлмайди. Масалан, «классик» (адабиёт) терминини «мумтоз» сифатида қўллаш мантиқан нодурустдир.

КАСБ-ХУНАРГА ОИД СЎЗЛАР

Ижтимоий ҳаётда касблар хилма-хил. Ҳар бир касб эгаси умумхалқ сўзларидан ташқари, иш жараёнида ўз касбига оид сўзларни кўп қўллайдилар.

- **кулолчиликда:** тараш (лойни тозалаш), даска (асбоб);
- **косибчиликда:** қолип, чарм резгиси, ширач коса, бигиз;
- **ипакчиликда:** найчакаш, пиллакаш, баргчи (найчага ипак ўровчи), мошпора (ипак ўрайдиган ёғоч асбоб) каби сўзлар тез-тез ишлатилиб туради.

Касб – ҳунарга оид сўзларни атамалардан фарқлаш керак. Атамалар маълум соҳага доир тушунчалар номидир, касб-ҳунарга оид сўзлар эса маълум касб-ҳунар соҳасида ишлатиладиган предметлар номи ҳисобланади. Масалан, гепатит, остреахандроз, педиатрия, хирургия, кардиология каби сўзлар тиббий атамалар (чунки булар мавҳум тушунча бўлиб, биз уларни кўролмаймиз) саналса, шрпиц, фенондоскоп, рентген аппарати, скалпел кабилар шу касбга оид сўзлардир.

- касб – ҳунарга оид сўзларнинг аксарияти вақт ўтиб, шу касбларнинг йўқолиб кетиши натижасида тарихий сўзларга айланиб қолиши, уларнинг ўрнига жамият тараққиёти туфайли пайдо бўлаётган янги-янги касбларга оид сўзлар кириб келиши табиийдир. Масалан, компьютернинг кундалик турмушимизда кенг одим олиши

шу соҳага оид кўплаб касб-хунар лексикасининг луғат таркибимиздан ўрин олишига сабаб бўлди: кетриж, монитор, принтер, клавиатура, сайт, файл ва бошқалар.

ЖАРГОНЛАР

Хулқ ва характерлари, дунёқарашлари ва қизиқишлари, машғулотлари алоҳида бир хил бўлган аҳолининг маълум бир тор доирадаги қатламлари, гуруҳ ва тўдалари (савдогарлар, отарчилар, безорилар, ичувчилар, маълум бир касб-хунар кишилари, ўғрилар ва ҳ.к.) ўз дидлари, шуури, дунёқарашидан келиб чиқиб, кўпчиликка тушунарли бўлмаган, аммо фақат ўзларигина тушунадиган алоҳида сўз ва ибораларни қўллайдилар. Бундай сўзлар **жаргонлар** деб аталади.

Жаргонларнинг пайдо бўлиши тилда салбий ҳодиса бўлиб, улар узоқ яшамайди, шароит ўзгариши билан тез-тез ўзгариб туради ёки аста-секин унутилиб кетади.

Ҳар бир тор гуруҳ ўз мақсади, фикрини яшириб ифодалаш ниятида жаргонларни ишлатади:

- отарчилар (саёқ ашулачилар) нутқида «данап» (ўйинчи), «муллажиринг»(пул), «гили-гили» (тўй);
- ўғрилар нутқида «бедана» (тўппонча), «хиттола» (ўғирла), «якан» (пул), «пахан» (ўғрибоши), «мент», «тоғамнинг ўғли» (милиционер);
- савдогарлар нутқида «қайчи» (ревизор), «инхай» (чой), «эллик олти» (ипак), «шапка» (устама нарх), «соққа» (пул) ва ҳ.к.

Ўтмишда ҳукмрон синф табақа аъзолари синфий мақсадлари ва манфаатларини оддий халқдан яшириш ва ўзларининг олий табақага, мансабга эга эканликларини ошқора намойиш этиш мақсадида улар ҳам ўз жаргонларни қўллаганлар. Бундай жаргонлар кўпроқ арабий, форсий сўзлар, диний иборалар қобиғида қўлланилган:

- «таваққуъ айланг» (умид билан кутинг), «шоеъ айланг» (билдиринг), «рижоъ ва таманно этаман» (орзу қиламан), «ташрифи қудум айланг» (келинг), «билбалои сабрайни ва билқазойи розияйни» (балосига сабр қиладилар ва вафотига рози бўладилар) ва ҳ.к.

Жаргон сўзлар атама, шевага хос сўзлар каби қўлланиш доираси чегараланган бўлади ва сўзлашув ҳамда бадий услубларда ишлатилади.

ЭСКИРИБ ҚОЛГАН СЎЗЛАР

Давр ўтиши билан кундалик турмушимиздаги эски предмет-нарсалар, эски тушунчалар йўқолиб, улар тўғрисидаги тасаввуротимиз ҳам эскиради ва кўз ўнгимизда тарихга айланиб қолади. Табиийки, уларни ифодаловчи сўзлар ҳам тилимизнинг луғат таркибини аста-секин тарк этиб боради. Бу сўзларни энди биз фақат бадий ёки тарихий асарлардагина учратамиз.

Бугунги кунда ишлатилмай, истеъмолдан чиқиб кетган сўзлар эскирган сўзлар деб аталади. Эскирган сўзлар икки хил бўлади:

1. ТАРИХИЙ СЎЗЛАР.

Бугунги кунда мавжуд бўлмаган нарса ва тушунчаларнинг эскириб қолган номлари тарихий сўзлар дейилади. Бундай сўзлар ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган табақа, мансаб, амал, унвонларнинг эскириши, кундалик турмушдаги рўзгор буюмлари, кийим-кечаклар, озиқ-овқат моллари, қурол-аслаҳаларнинг эскириб, қўлланилмай қолиши оқибатида пайдо бўлади.

- **Ижтимоий синф ва табақалар номи:** кул, жаллод, мингбоши, юзбоши, қози, чўри, чоракор, канизак, қулоқ, батрак, заминдор, подшо, ҳоқон, миршаб, жаидид....

- **Касб-ҳунар номи:** жарчи, сарроф, саррож, саҳҳоф, чегачи, баққол, баззоз, баковул, ҳаммол ...

- **Ҳарбий қуроллар ва мансаблар номи:** тўксабо, навкар, камон, садоқ, совут, найзабардор, аврангдор, лашкар, сипоҳий, чокар, ясовул, доруға ...

- **Уй-рўзгор буюмлари, кийим-кечаклар:** чиғирик, омон, чорик, жинчирок, дук, ёргучок, кашкул, мижмар, зуннор, тақя, қулоҳ, жанда ...

2. АРХАИЗМЛАР.

Бугунги кунда мавжуд бўлган нарса ва тушунчаларнинг эскириб қолган номи архаик сўзлар ҳисобланади. Тарихий сўзларнинг, одатда, синоними бўлмайди, архаик сўзлар эса ўз дублетларига эга бўлади, ҳозир биз уларнинг синонимларини қўллаймиз. Шу боисдан ҳам архаизмлар гапда услубий вазифа бажаради: элиг, улус, будун (халқ), очун, гардун (дунё), битик (китоб), шатранж (шахмат), илиг (қўл), жайб (ёқа), кисва (кийим), дудок (лаб), чечак (гул), ва ҳ.к.

Эскирган сўзлар асосан, бадий услубида қўлланилади.

ЯНГИ СЎЗЛАР (НЕОЛОГИЗМЛАР)

Жамият ривожланиб, илм, фан-техника тараққий этиб боргани сари, кундалик турмушимизга янги-янги предмет ва тушунчалар кириб келади ва табиийки, тилимизнинг луғат таркиби ҳам уларни ифодаловчи сўзлар ҳисобига бойиб боради. Янги сўзлар дастлаб кам ишлатилувчи (пассив) сўзлар ҳисобланса ҳам, вақт ўтиши билан улар ўзининг янгилик бўёғини йўқотиб, фаол қўлланувчи сўзларга айланади, тилимизнинг луғат таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллайди. Масалан, радио, телевизор, троллейбус, телефон, магнитофон каби сўзлар ҳозирги кунда янги сўз ҳисобланмайди.

- Янги сўзлар бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш асосида (компьютер, пейзаж, файл, сайт, мобил телефон, нейрохирургия, сканер ва бошқалар);

- Шунингдек, ўзлашма сўзлардан янги сўзлар яшаш асосида (компьютерчи, психоробика, террорист, лицензиядор ва бошқалар) ҳосил бўлади.

Сўнги ўн – ўн беш йил ичида, республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг ижтимоий – сиёсий ўзгаришлар натижасида тилимизнинг луғат таркиби янги сўзлар ҳисобига анчагина бойиди: аудитор, лицензия, лизинг, маркетинг, брокер, менежер, ва ҳ.к. Вақт ўтиб, бу сўзлар ҳам ўзининг янгилик бўёғини йўқотиб, ўз ўринларини бошқа янги сўзларга бўшатиб беради.

СЎЗЛАРНИНГ ШАКЛ ВА МАЪНО МУНОСАБАТИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Сўзнинг шакли деганда, унинг айтилиши ва ёзилишини тушунамиз, бирор предмет, тушунча, белги, миқдор, ҳаракат-ҳолат кабиларни ифодалаши эса унинг луғавий (лексик) маъноси ҳисобланади. Айрим сўзларнинг шакли бир хил, маънолари эса буткул бошқа – бошқа бўлиши ёки, аксинча, шакли турлича, маънолари бир хил, ё бўлмаса, маънолари тамоман бир – бирига зид бўлиши мумкин. Шунга кўра улар ўзаро шаклдош (омоним), маънодош (синоним) ва зид маъноли (антоним) сўзларга бўлинади.

ШАКЛДОШ СЎЗЛАР (ОМОНИМЛАР)

Шакли – айтилиши ва ёзилиши айнан бир хил, маънолари эса буткул бошқа – бошқа сўзлар *шаклдош* сўзлар дейилади.

Нутқимизда бундай сўзлар кўп учрайди: қир – ясси тепалик, қир – буйруқ феъли (турпни кирмоқ); соч – бошдаги тола, соч – буйруқ феъли (уруғ соч); том – бино томи, том – тўла, том – томчиламоқ, том – жилд ва ҳ.к.

УНУТМАНГ!

- Омоним сўзларни шакли битта бўлганлиги учун ҳам уларга битта сўз сифатида қарамаслик керак. Масалан: ўт – олов, ўт – майса, ўт – буйруқ феъли. Кўряпсизми, улар учта бошқа – бошқа маъноларни ифодалаётир, демак, булар учта алоҳида- алоҳида сўзлардир.

- Шаклдош сўзлар бир хил сўз туркуми доирасида ҳам, ҳар хил туркумлар доирасида ҳам ҳосил бўлаверади: боғ – мевазор, боғ – бирор предметни боғлайдиган нарсa (от ва от), уч – рақам, уч – парвоз қил (сон ва феъл), оқ – ранг, оқ – ариқда оқ (сифат + феъл) сўзлари шаклдош бўлиб қолган.

- Бир хил туркумдаги сўзларга грамматик кўрсаткичлар (қўшимчалар) қўшганимизда ҳам, улар омонимлик хусусиятини сақлаб қолаверади. Шоир Камийнинг мана бу байтига эътибор беринг-а:

Уним йўқ, буним йўқ, уйимда уним йўқ,

Ишимда унум йўқ, айтишга уним йўқ.

Ҳар уч ўринда қўлланган «ун» сўзи от туркумига мансуб: уним йўқ-у нарсам йўқ, уним йўқ – нон пиширишга уним йўқ, уним йўқ – овозим йўқ. Бу сўзларнинг учови ҳам бир туркумга мансуб бўлгани учун эгалик қўшимчаси – им қўшилса-да, шаклдошлигича қолаверган. «Ун» сўзи борди-ю, феъл (униб-ўсмоқ) сифатида келганда эди, эгалик қўшимчасини қабул қила олмаган, табиийки, омонимлик бартараф этилган бўларди.

- Шаклдош сўзлар бадий адабиётда тажнис яратишга хизмат қилади ва туюқ жанрида қўлланилади.

Сўзларда шаклдошлик қандай ҳосил бўлиши мумкин?

а) тилимиздаги мавжуд сўзлар бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар билан тасодифан шаклдош бўлиб қолади: ток – электр токи, ток – узум ўсимлиги; торт – ўзига томон бирон нарсани тортмоқ, торт – кондитер маҳсулоти;

б) ўзлашган сўзларнинг ўзи ўзаро омонимлик ҳосил қилиши мумкин: банка (итальянча) – пул билан муомала қиладиган ташкилот, банка – (полякча) идиш; мил (лотинча) – узунлик ўлчови, мил (форсча) – милтиқнинг мили;

с) кўп маъноли (полисемантик) сўзлар ўртасидаги ички боғлиқлик йўқолиши натижасида: «гап» сўзи аслида нутқ бирлиги –

жумлани англатади. Бундан ташқари «гап» деганда, ўтириш, зиёфатни ҳам тушунамиз. Ўз-ўзидан маълумки, булар шаклдош сўзлардир. Аммо аслида эса улар орасида дастлаб ички боғлиқлик мавжуд бўлиб, улар кўп маъноли сўзлар ҳисобланган. Кейинчалик бу боғлиқлик йўқолгач, улар шаклдош сўзларга айланиб қолган. «Тепки», «дам», «суйилмоқ» сўзларида ҳам худди шу жараён содир бўлган.

d) Сўз урғусининг ўрнини алмаштирганимизда ҳам талайгина шаклдош сўзлар ҳосил бўлади: атлас – кийимлик материал, атлас – хариталар албоми; олма – мева, ó

Феълнинг бўлишсизлик шакли; болагина – эркалаш оти, болагина – юклама, қишлоқча кичкина – кичкина қишлоқ, қишлоқча – равиш (қишлоқча кийиниш) ва ҳ.к.

Луғавий омонимлардан ташқари иборалар – фразеологик бирикмалар ҳам шаклдош бўлиши мумкин: бошига кўтармоқ – ҳурмат қилмоқ, бошига кўтармоқ – тўпаланг қилмоқ; сўз бермоқ – ваъда бермоқ, сўз бермоқ – гапиришга рухсат бермоқ; кўл кўтармоқ – урмоқчи бўлмоқ, кўл кўтармоқ – тарафдорлик билдирмоқ ва ҳ.к.

Айрим грамматик кўрсаткичлар (кўшимчалар) ҳам омонимликни ташкил этиши мумкин:

- - **ма** кўшимчаси феълнинг бўлишсизлик шаклини ҳам, от ва сифат ҳам ясаши мумкин: кел**ма** (бўлишсиз феъл) – димла**ма** (овқатнинг бир тури) – яса**ма** (сифат);

- - **ча** кичрайтириш отини ҳам, равиш ҳам ясайди: китоб**ча** – кичрайтириш оти, ўзбек**ча** (гапримоқ) – равиш;

- - **қ**, - **оқ** от ҳам, сифат ҳам ясайди; ўроқ (от) – кўрқоқ (сифат);

- - **ки** от ҳам, сифат ҳам ясайди; тепки (от), кечки – сифат.

ПАРОНИМЛАР

- Айтилиши бир хил, ёзилиши ва маънолари ҳар хил бўлган сўзлар паронимлардир. Масалан, аср – 100 йил, асир – озодликдан маҳрум этилган шахс, бу сўзлар бир хил талаффуз этилса-да, ёзилишида фарқланади, маънолари ҳам бошқа – бошқа. Асл – ҳақиқий нусха, асил – аъло сифатли, азм – қарор қилиш, азим – улкан, шер – ҳайвон, шеър – бадий асар ва ҳ.к.

- Сўзларни талаффуз қилишда орфоэпик қоидаларга риоя қилмаслик натижасида паронимлар ҳосил бўлади: ювинди – сувда ювинмоқ, ювунди – қозон ювилганда ҳосил бўладиган ифлос сув; ёндош – ёнма ён, ёндаш – суянмоқ.

МАЪНОДОШ СЎЗЛАР

Нутқимизнинг тиниқлиги ва эмоционаллиги, ихчамлиги ва серқирралиги тилнинг луғат бойлигидан қай даражада ўринли ва оқилона фойдаланишимизга боғлиқдир. Ана шу имкониятни бизга маънодош (синоним) сўзлар бера олади.

Шакли – айтилиши ва ёзилиши ҳар хил, аммо маънолари бир хил бўлган сўзлар *маънодош* сўзлар ҳисобланади.

Масалан, ватан, юрт, ўлка, диёр, она ер сўзлари шаклан ҳар хил бўлса-да, мазмунан бир тушунчани ифодаляётир.

Бир маъно атрофига тўпланган бундай сўзлар қатори *синонимик қатор* дейилады. Ҳар бир қаторда битта бетараф (нейтрал) сўз бўладыки, биз уни доминанта ёки бош(асосий) сўз деб атаймиз: катта, йирик, улкан, буюк, азим, гигант, титан қаторидаги «катта» сўзи доминанта ҳисобланади. Чунки у:

- барча услубларда тенг қўлланилаверади;
- ўз қаторидаги бошқа сўзларга нисбатан кўпроқ ишлатылады;
- бетараф сўз бўлиб, ҳиссий бўёқдорликка эга бўлмайди;
- адабий тилга мансуб бўлады.

Битта сўзнинг ўзи бир неча синонимик қаторда қатнашиши мумкин:

1. **Айтмоқ:** баён қилмоқ, билдирмоқ, изҳор айламоқ (фикрни ифода этиш);

2. **Айтмоқ:** таклиф қилмоқ, даъват этмоқ, чақирмоқ, чорламоқ (тўйга, зиёфатга);

3. **Айтмоқ:** куйламоқ, ижро этмоқ (ашула, кўшиқ).

Биз омонимлар ҳақида сўз юритганимизда, улар бир туркумдаги сўзлар доирасида ҳам, бир неча туркумдаги сўзлар доирасида ҳам шаклдош (омоним) бўлаверади, деган эдик. Аммо синонимлар эса (шу жумладан, антоним, кўп маъноли сўзлар ҳам) қатъий бир туркум доирасидагина ҳосил бўлады (масалан, от билан феъл, феъл билан сон ўзаро маънодош бўлолмайди).

Олтита мустақил сўз туркумларининг ҳаммаси синонимлик ҳосил қила олады. Боғловчи, кўмакчи, юкламалар ҳам синонимликни ташкил этиши мумкин: ва, ҳамда (боғловчи), биноан, мувофиқ (кўмакчи), фақат, ёлғиз, холос (юклама).

Синонимлар қуйидаги турларга бўлинади.

1. Луғавий синонимлар.
2. Услубий синонимлар.
3. Фразеологик синонимлар.
4. Грамматик синонимлар.

Ўзаро маънодош сўзлар луғавий синонимлар ҳисобланади. Улар маъноларига кўра икки хил бўлади:

1. **Тўлиқ синонимлар** – булар маънолари тамоман бир хил бўлган сўзлардир: фазо – космос; тилшунослик – лингвистика, атама – термин – истилоҳ.

2. **Маъновий синонимлар** – турли маъно қирралари, услубий бўёқдорлиги билан бир-биридан фарқланиб турувчи синонимлар. Демак, сўзлар бўёқдорликка эга бўлиши ёки бўлмаслигига қараб, бетараф ва бўёқдор сўзларга бўлинар экан. Бўёқдор сўзлар эса ўз навбатида ижобий ва салбий бўёқдор сўзларга ажралади.

Масалан: юз – бетараф сўз;

чеҳра, жамол, ораз, лик – ижобий бўёқдор сўз;

афт, башара, турк, кепата – салбий бўёқдор сўз.

Бу сўзларни нутқда тенг қўллай олмаймиз, чунки улар маъно нозиклиги билан ўзаро фарқ қилиб туради: инграмоқ – бўқирмоқ, жилмаймоқ – тиржаймоқ, нам – шаллабо, дўст – улфат каби сўзлар ҳам шулар жумласидандир.

Маънодош сўзларнинг шундай тури борки, улар кўпроқ муайян бир услубда ишлатилади. Масалан, **башар, сийна** каби сўзлар, одатда, бадий услубда, одам, кўкрак сўзлари илмий услубда қўлланилади. Ё бўлмаса, **аҳил** сўзи асосан бадий услубга хос бўлса, **қалин** – сўзлашув, улкан – оммабоп (публицистик) услубларга дахлдордир. Бундай маънодош сўзлар услубий синонимлар ҳисобланади.

Сўзлашув чоғида биз баъзан шундай ибораларни ишлатамизки, улар ўзаро маънодош бўлиб, нутқда тенг қўлланилаверади:

- аравани қуруқ олиб қочмоқ – қўйини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ – кўзига чўп суқмоқ, қулоғига лағмон илмоқ, оғзига талқон солмоқ – оғзида қатик увитмоқ – мум тишламоқ (мутлақо гапирмаслик); попути пасаймоқ – ҳовуридан тушмоқ (шаштидан тушмоқ); дўпписини осмонга отмоқ – боши осомонга етмоқ – оғзи қулоғига етмоқ (беҳад қувонмоқ).

Булар фразеологик синонимлардир. Улар сўзлашув ва бадий нутқда кенг қўлланилади. Нутқимизда яна шундай сўзлар борки, улар аслида ўзаро маънодош бўлмаса-да, гапда (контекстда) беихтиёр синонимга айланиб қолиши мумкин. Маънодош сўзларнинг бу турини шартли синонимлар деб атаймиз.

Масалан, **тез** ва **яқин** сўзлари равиш ва сифатга мансуб бўлиб, бошқа – бошқа маъноларни ифодалайди. Аммо гапда тасодифан маънодошлик ҳосил қилиши мумкин: тез кунларда учрашмоқ, яқин кунларда учрашмоқ.

Ёки мана бу мисраларга эътибор берайлик:

Нега керак эди шу чирой, шу ўт,

Шу ёниқ юлдузни кўзга яширмоқ?

Сатрлардаги «чирой», «ўт», «ёниқ юлдуз» сўзларини умуман синоним деб бўлмайти, улар тамоман бошқа-бошқа нарсалар. Бироқ гапда бу сўзлар биргаликда қўлланиб, шартли синонимларга айланиб қолган, чунки ҳар учала сўз энди бир-бирига яқин тушунчани ифодалятир.

Фақат сўзларгина эмас, айрим грамматик шакллар ҳам ўзаро синоним бўлиши мумкин:

- - **яп**, - **ётир**, - **моқда** каби ҳозирги замон давом феъли шакллари: келяпти, келятир, келмоқда;

- - **ли**, -**дор**, **ба-**, **бо-**, **сер-**; **бе-**, -**сиз** қўшимчалари каби сифат ясовчилар ўзаро синоним сўзларни ясайди: *ақли – боақл, савлатли, савлатдор, басавлат, серсавлат; беақл – ақлсиз;*

- тушум, жўналиш, ўрин – пайт, чиқиш келишиклари айрим кўмакчилар билан синонимлик ҳосил қилиш мумкин: бошидан ўтганларни гапирмоқ – бошидан ўтганлар ҳақида гапирмоқ, онамга олдим – онам учун олдим, телефонда гаплашмоқ – телефон орқали гаплашмоқ, бахтдан сўзламоқ – бахт тўғрисида сўзламоқ ва ҳ.к.

- кузги шамол – кузнинг шамоли, китобни ўқиш – китобдан ўқиш ва ҳ.к.

ЗИД МАЪНОЛИ СЎЗЛАР (АНТОНИМЛАР)

Маънолари бир-бирига тамоман қарама-қарши бўлган сўзлар антонимлар дейилади.

Антонимлар ҳам синонимлар каби фақат бир сўз туркуми доирасида ҳосил бўлади. Мустақил сўз туркумлари орасида антонимлик кўпроқ сифатларга хос ҳодиса ҳисобланади, сон ва олмошлар эса бир – бирига антоним бўла олмайди.

УНУТМАНГ!

- зид маъноли сўзлар кўп ҳолларда жуфт ҳолда қўлланади: *дўст – душман, кеча – кундуз, куну тун, паст – баланд, ёш – қари, олди – берди, келди – кетди.*

- жуфт ҳолда қўлланган айрим антонимлар гапда янги луғавий маъно ифодалаши мумкин: *оқ – қорани танимоқ – одамларни англамоқ, иссиқ-совуғидан хабар олмоқ – аҳволидан хабар олмоқ, катта – кичикка аралашмоқ – кўпчилик ичига кирмоқ ва ҳ.к.*

Фразеологик бирикмалар – иборалар ҳам ўзаро антонимликни ҳосил қила олади:

- *ерга урмоқ* (тахқирлаш) – *кўкка кўтармоқ* (улуғлаш);
- *ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини оладиган* (шум) – *қўй оғзидан чўп олмайдиган* (мўмин, қобил);
- *дили сиёҳ* бўлмоқ (хафа бўлмоқ); - *боши осмонга етмоқ* (хурсанд бўлмоқ) ва ҳ.к.

Айрим кўшимчалар ҳам антоним сўзларни ясай олади:

- **бе - , ба - ; - ли, - сиз:** *беъмани – баъмани, мазали – мазасиз.*

Антонимлар бадиий адабиётда тазод (қаршилантириш, антитеза) яратишга хизмат қилади.

Менинг **фироқиму** онинг **висоли тун** била **тонг**,

Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг.

Навоийнинг ушбу байтида фироқ – висол, тун – тонг сўзлари антоним бўлиб, тазод яратган.

КЎП МАЪНОЛИ СЎЗЛАР

(полисемантик сўзлар)

Ҳар бир сўз пайдо бўлиш чоғида бир маъноли бўлади, у маълум бир предмет, белги, миқдор, ҳаракат – ҳолатнинг номи сифатда юзага келади. Бундай сўзлар бир маъноли – моносемантик (гр. «моно» - бир, «сема» - белги) сўзлар ҳисобланади: йўлбарс, мактуб, камтар, йигирма, квадрат, оксидлар, эргаш гапли қўшма гап ва ҳ.к.

• Илм – фан, техника, адабиёт ва санъатга доир сўзлар – атамалар ҳам одатда бир маъноли бўлади.

• Бир маъноли сўзлар кейинчалик ўз маъносини ўзгартириб, кенгайтириб боради, бир неча ҳодисаларга ном бўлиб хизмат қила бошлайди. Масалан, «йўл» сўзи дастлаб бош (ўз) маъноси билан пайдо бўлган, яъни кишилар ёки транспорт қатнайдиган маълум бир узун ер бўлагини англатади. Вақт ўтиши билан у кўп маъноли – полисемантик (гр. «поли» - кўп, «сема» - белги) сўзга айланиб қолган. Бундай сўзлар тилимизда жуда кўп учрайди.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да (1981 й.) «йўл» сўзининг 16 хил маъноси берилган: йўналиш, масофа, сафар, усул, киши организми, тўғри чизиқли дафтар, ҳаво ва денгиз транспорти ҳаракат қиладиган йўналиш ва ҳ.к.

Кўп маъноли сўзлар деярли барча сўз туркумларига хос ҳодисадир. Улар ҳам синоним, антонимлар каби фақат бир сўз туркуми доирасида ҳосил бўлади.

УНУТМАНГ!

- Кўп маъноли сўзларни омонимлардан фарқлаш керак. Омоним шаклан бир хил бўлса-да, мазмунан умуман бошқа-бошқа сўзлардир: от – ҳайвон, от – кишиларга қўйиладиган исм.

- Кўп маъноли сўзлар эса қанча маънога эга бўлмасин, бу маънолар ўртасида ички мантиқий боғлиқлик бўлади. Масалан, «чет» сўзини олиб кўрайлик: чет эл, чет тили, дастурхоннинг чети. Ҳар учала бирикмада «чет» сўзи мантиқий бирликни ташкил этган – бирор нарса ёки жойнинг чеккаси, чегараси.

СЎЗЛАРНИНГ КЎЧМА МАЪНОДА ҚЎЛЛАНИШИ

Биз айрим сўзларни кўчма маънода қўллашга, бирор нарса, белги ёки ҳаракатга кўчириб ишлатишга одатланганмиз. Нега? Бунинг сабаби сўз маъносининг тараққий этиб боришидadir. Бу жараён қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

МЕТАФОРА:

Баъзан предметлар ўзларининг ташқи кўриниши ёки хусусиятлари билан бир-бирига ўхшаб кетади, шу боисданми, бирининг номи ўрнида иккичисининг номини қўллайвераимиз: одамнинг боши – кўчанинг боши, одамнинг кўзи – узукнинг кўзи, одамнинг тиши – арранинг тиши, кўйлакнинг ёқаси – дарёнинг ёқаси, тўннинг этаги – тоғнинг этаги.

Кўриниб турибдики, метафора ўхшашлик асосидаги кўчиш бўлиб, у кўпроқ инсон организми ва унинг кийимларига нисбатан содир бўлар экан.

МЕТОНИМИЯ:

(гр. «кайта номлаш») Айрим предмет ва тушунчалар замон (вақт) ва макон (жой) жиҳатидан бир – бирига мантиқан боғлиқ бўлади. Масалан, «Самоварга чиқиб келдим» деган гапдан нега музей ёки кутубхонани эмас, айнан чойхонани кўз олдимизга келтирамиз? Чунки самовар музейда, кутубхонада бўлмайди, у бевосита чойхона билан боғлиқ бўлган тушунча, ахир.

- «Оёғингизни ечиб киринг» ёки «Бошингизни кийиб олинг» ё бўлмаса, «Дўстингизнинг ошида кўринмадингиз?» деганда, табиийки, оёқ ва бош кийимини ҳамда маъракани тушунамиз.

• «Фузулийни олдим кўлимга», «Рафаэлни маза қилиб томоша қилдим» гапларини эшитсак, кўз ўнгимизга дарров китоб (асар) ва бирор картина келади.

СИНЕКДОХА:

Маъно кўчишининг бу турида предмет қисми айтилганда, унинг бутуни, ёки, аксинча, бутунни тилга олганимизда эса, унинг бир қисми англашилади. «Аёл тирноққа зор ўтди» деган гапда «тирноқ» фарзандни (қисм – бутун), «Беш кўл баравар эмас» жумласида эса «кўл» сўзи бармоқ маъносини англатмоқда (бутун – қисм).

Бу йил катта ўғлимизга том солдик», «Эшикка марҳамат қилинг» дейилганда, уй, «Туёқларимиз сони кўпайиб бормоқда» гапидан чорва моллари тушунилади.

ВАЗИФАДОШЛИК:

(функциядошлик)

Баъзи предметлар бир-бирига ўхшамаса-да, уларнинг вазифалари бир хил бўлиши мумкин. Натижада бирининг номи ўрнида иккинчисиники ишлатилаверади. Масалан, «ўқ» дейилганда, кўз ўнгимизга, аввало камоннинг ўқи келади, чунки у бош маъно ҳисобланади-да. Айнан шу «ўқ» сўзи замбарак ёки милтиқ ўқиға нисбатан ҳам қўлланилаверади. Нега? Чунки уларнинг вазифаси бир хил: тирик жонзотни йўқотиш.

Сўзнинг ўз ва кўчма маъноларини қандай фарқламоқ керак? Келинг, бунинг учун иккита гапни мисол қилиб олайлик:

- Кўйлак ёқаси жуда чиройли чиқибди.
- Чол дарё ёқасида ўтирибди.

Энди биринчи гапдаги «ёқа» сўзини гап таркибидан ажратиб олайлик. Уни ёлғиз ҳолда қўллаганимизда, табиийки, кўз ўнгимизда дарёнинг эмас, кийимнинг ёқаси гавдаланади. Бу сўз ўз маъносида, яъни кийим ёқаси маъносида қўлланилганлигини билиб оламиз. Демак, сўзнинг нутқ таркибидан ташқарида ифодаловчи маъноси унинг ўз(бош) маъноси ҳисобланар экан.

Иккинчи гапдаги «ёқа» сўзининг маъноси шу гап таркибидаги бошқа сўзлар, масалан, дарё сўзи орқали ойдинлашади: дарёнинг ёқаси бўлмаслигини ҳамма билади. Демак, сўзнинг нутқ таркибидаги бошқа сўзлар ёрдамида англашилган маъноси унинг кўчма маъноси ҳисобланар экан.

ИБОРА

Маълумки, сўзлар грамматик ва маъно жиҳатидан ўзаро бирикиб, сўз бирикмаларини, сўз бирикмалари эса гапларни ташкил этади. Сўз бирикмаси камида иккита сўзнинг ўзаро бирикувидир.

- Сўзлар икки хил: эркин ва турғун ҳолда бирикиши мумкин. Масалан, «темир» ва «каравот» сўзларини қўшиб ишлатсак ҳам, алоҳида, ёлғиз ҳолда қўлласак ҳам бўлаверади. Агар уларни қўшиб ишлатсак, темирдан қилинган каравотни, ёлғиз ҳолда қўлласак, темир ва каравотни тушунамиз. Лекин «темир интизом» бирикмасидаги сўзларни ёлғиз ҳолда қўлласак, биз кўзлаган маъно бузилади, бу бирикма яхлит ҳолда, биргаликда битта маънони: мустаҳкам тартиб – қоида маъносини беради. Эркин бирикмада «темир» сўзи ўрнида «ёғоч» сўзини қўллашимиз ҳам мумкин: «ёғоч каравот». Аммо «темир интизомдаги» «темир» сўзини бошқа сўз билан алмаштириб бўлмайди, чунки бу турғун бирикмадир.

- «Илоннинг ёғини ялаган» бирикмасини олиб кўрайлик. Бу айёр деган маънони билдиради. Ундаги учта сўз (илон, ёғ, яламоқ)ни ажратиб юборсак, ёки «илон» сўзи ўрнида «чаён» сўзини қўлласак, ибора бузилади, биз кўзлаган «айёр» маъноси келиб чиқмайди.

УНУТМАНГ!

- Ибораларнинг маъноси, одатда, бир сўзга тенг келади: капалаги учиб кетди – кўрқди; боши осмонга етди – хурсанд бўлди; икки оёғини бир этикка тикиб олди – қайсарлик қилди.

- Иборалар барча гап бўлаклари вазифасида кела олади, лекин улар таркибидаги сўзлар алоҳида-алоҳида гап бўлаги эмас, ҳаммаси биргаликда битта гап бўлаги ҳисобланади. «Унинг оёқ олиши бизга ёқмади» гапидаги «оёқ олиши» ибораси биргаликда эга вазифасида келяпти.

- Иборалар гапда асосан сўзлашув ва бадий услубларда қўлланилади.

ТАСВИРИЙ ИФОДА

Маълумки, ҳар бир предмет ўз номига эга. Биз ўқийдиган ўқув қуроли – китоб, фаслларнинг энг ёқимлиси – баҳор номи билан аталади. Аммо биз уларни ўз номидан ташқари бошқача, тасвирлаб ифодалашга ҳам одатланганмиз: китоб – билим манбаи, баҳор – фасллар келинчаги, пахта – оқ олтин, газ – зангори олов, трактор – деҳқоннинг қаноти, Помир тоғи – жаҳон томи ва бошқалар.

- Тасвирий ифоданинг маъноси ҳам ибора каби бир сўзга тенг бўлади, гапда битта гап бўлаги ҳисобланади.
- Тасвирий ифодалар асосан сифат ва от сўз туркумларига мансуб бўлади.
- Тасвирий ифодалар асосан бадиий услубда қўлланилиб, улар фикрни таъсирчан, образли ифодалашга хизмат қилади. Баъзан икки предметга битта тасвирий ифода (ақл гимнастикаси – математика, шахмат) ёки битта предметга иккита тасвирий ифода қўлланилиши (зангори экран, оинаи жаҳон – телевизор) мумкин.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Лексикология тилнинг қайси соҳасини ўрганади?
 - A. Сўз таркиби ва сўз туркумларини.
 - B. Сўзнинг грамматик маъносини ва шаклини.
 - C. Сўзнинг луғавий маъносини ва тилнинг луғат таркибини.
 - D. Гап бўлаклари ва гап турларини.
 - E. Кўчма маъноли турғун сўз бирикмаларини.
2. Тилимизнинг луғат таркибида мавжуд бўлган сўзларнинг барчаси
 - A. Тилнинг луғат таркиби дейилади.
 - B. Шевага хос сўзлар дейилади.
 - C. Умумхалқ ишлатадиган сўзлар дейилади.
 - D. Адабий тилга оид сўзлар дейилади.
 - E. Янги сўзлар дейилади.
3. Жамият, фан-техниканинг тараққий этиб бориши билан кўпроқ тилнинг қайси томонида ўзгариш юз беради?
 - A. Товуш томонида.
 - B. Луғат таркибида.
 - C. Ўзак, негиз, қўшимчалар таркибида.
 - D. Сўзнинг маъно томонида.
 - E. Грамматик қурилишида
4. Тилнинг луғат таркиби қандай имкониятлар асосида бойиб боради?
 - A. Ички ва ташқи имконият асосида.
 - B. Тилдаги мавжуд сўзлардан янги сўзлар яшаш асосида.
 - C. Грамматик ўзгаришлар асосида.
 - D. Халқнинг ижтимоий тараққиёти асосида.
 - E. Давлатнинг тил ҳақида чиқарган қарорлари асосида.

5. Адабий тилга халқ шеваларидан сўз ўтиши қандай манба ҳисобланади?

- A. Ички манба.
- B. Ташқи манба.
- C. Ички ва ташқи манба.
- D. Адабий тилга халқ шеваларидан сўз ўтмайди.
- E. Миллий манба.

6. Форсий тилдан ўзлашган сўзларда кўпроқ қандай товушлар учрайди?

- A. Сонор товушлар.
- B. Жарангсиз товушлар.
- C. ў, қ, ғ, ҳ ундошлари..
- D. Жарангли ундошлар
- E. Тутуқ белгиси.

7. Тилимизга форс тилидан ўзлашган сўзлар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A. Муаллим, қалам, дафтар.
- B. Вақт, таом, ширин, гул.
- C. Гирдоб. Аждар, офтоб.
- D. Маймун, шер, хўроз, ит.
- E. Садақайрағоч, йиғоч, терак.

8. Ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган сўзлар қаторини аниқланг.

- A. Гул, дил, хуршид, фил.
- B. Феъл, хат, мактуб, китоб.
- C. Қуёш, дард, гард, таъсир.
- D. Шеър, маълум, таассурот, дил.
- E. Халқ, аҳоли, одам, инсон, гул.

9. Умумхалқ тилининг маълум бир грамматик меъёрга солинган, ишлов берилган шакли қандай номланади?

- A. Миллий тил.
- B. Халқ шевалари тили.
- C. Жамият тили.
- D. Адабий тил.
- E. A, C, D.

10. Жонли тилда учрайдиган, лекин кенг истеъмолда қўлланилмай, айрим шахсларнинг хулқ-атвори, табиатини кўрсатиб турувчи сўз ва иборалар қандай номланади?

- A. Жаргонлар.
- B. Вулгар сўзлар.

- C. Ноадабий қатлам.
- D. Экзотик сўзлар.
- E. Арголар.

11. Лаҳжа дейилганда, нима тушунилади?

- A. Умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган шакли.
- B. Умумхалқ тилида истеъмолдан чиқиб кетган сўзлар.
- C. Аҳолининг маълум бир қатламигина қўллайдиган сўзлар.
- D. Бир-бирига яқин бўлган шевалар йиғиндиси.
- E. Адабий тилга халқ шеваларидан ўтган сўзлар.

12. «а» товушининг кўпроқ «о»га мойил талаффуз этилиши қайси лаҳжага хос бўлган хусусият ҳисобланади?

- A. Қипчоқ лаҳжасига.
- B. Қарлуқ лаҳжасига.
- C. Ўғуз лаҳжасига.
- D. Қарлуқ ва қипчоқ лаҳжаларига
- E. Бундай хусусият ҳеч қайси лаҳжага хос эмас.

13. Қайси қатордаги атамалар икки соҳада ҳам қўлланилади?

- A. Квадрат, валентлик, тенглама, газ.
- B. Лимит, синф, кислота, оксид.
- C. Гипербола, морфология, атом.
- D. Топонимика, синхрон, айирув, молекула.
- E. Кислота, кучланиш, қаршилик, валентлик.

14. **найчакаш, пиллакаш, баргчи** сўзлари қайси касбга оид?

- A. Деҳқончилик.
- B. Ипакчилик.
- C. Косибчилик.
- D. Тикувчилик.
- E. Пиллачилик.

15. Касб-хунарга доир эскирган сўзлар қаторини топинг.

- A. Ранда, аспак, бандак.
- B. Чорик, саррожлик, ҳаммол, лашкар.
- C. Баззоз, баққол, худайчи, миршаб.
- D. Кавшдуз, жарчи, батрак, заминдор.
- E. Деҳқон, карол, чоракор, жаллод.

16. Қайси қаторда сўз маъноси нотуғри изоҳланган?

- A. Валюта – бирор мамлакатнинг пул бирлиги.
- B. Аудитор – ёлланма профессионал бошқарувчи.
- C. Лицензия – четга мол чиқариш ва четдан мол келтириш учун бериладиган расмий ҳуқуқ.

- D. Бизнес –фойда олишга қаратилган иш.
- E. Барча жавоблар тўғри.

17. Адабий тилнинг фақат ёзма шакли учун хос бўлган хусусият қайси жавобда ифодаланган?

- A. Сўзларни адабий меъёрларга кўра тўғри талаффуз қилиш.
- B. Услубий меъёрларга риоя қилиш.
- C. Пунктуация меъёрларига риоя қилиш.
- D. Грамматик меъёрларга риоя қилиш.
- E. B, C, D.

18. Дудок, ўмиз, битик, ёвуқ сўзлари ишлатилишига кўра қандай сўзлар ҳисобланади?

- A. Шевага хос сўзлар.
- B. Архаик сўзлар.
- C. Тарихий сўзлар.
- D. Касб-ҳунарга оид сўзлар.
- E. Жаргонлар.

19. Тилнинг луғавий бирлиги дейилганда, нима тушунилади?

- A. Товуш, ўзак, негиз.
- B. Сўз, ибора.
- C. Ибора, тасвирий сўз.
- D. Ибора, тасвирий сўз, гап.
- E. Ибора, қўшма сўз, атама.

20. Талаффузда «й» ундоши ўрнида «ж», «ғ» ўрнида «в» товушининг қўлланилиши қайси лаҳжага хос бўлган хусусият?

- A. Қарлуқ ва кипчоқ лаҳжасига.
- B. Фақат қарлуқ лаҳжасига.
- C. Фақат кипчоқ лаҳжасига.
- D. Ўғуз лаҳжасига.
- E. Бундай хусусият ўзбек лаҳжаларига хос эмас.

21. Қуйида берилган сўзлардан қайси бири бошқа сўзларга нисбатан омоним, пароним, синоним ва антоним бўла олади?

- A. Кўч B. Ўч C. Ёт D.боғ E. том

22. Қуйидаги иборалардан қайси бири бошқа иборалар билан омонимлик ҳосил қилиши мумкин?

- A. Парвойи фалак.
- B. Ерга урса кўкка сапчимоқ.

- С. Мум тишламоқ.
- Д. Сўз бермоқ.
- Е. Иборалар ўзаро омонимлик ташкил этолмайди.

23. Қуйида берилган омонимлар қайси бирига қўшимчалар қўшганимизда ҳам, шаклдошлик хусусиятини сақлаб қолаверади?

- А. Уч В. Кир С. Бўл Д. Ун Е, А.В

24. Морфологик омонимлар берилган қаторни аниқланг.

- А. – ла, - ли, - моқ
- В. – яп, - ётир, - моқда
- С. – ма, - кор, - ла
- Д. – сиз. – ма, - ча
- Е. – лик, - ма

25. Қайси қатордаги «туш» сўзига грамматик шакл (қўшимчалар) қўшилса ҳам, омонимлик хусусияти сақланиб қолади.

- 1. Эсимда, ўшанда туш чоғи эди.
- 2. Дўстим, тезроқ пастга туш!
- 3. Ширин туш кўриб ётинг, ойижон!

- А. 1 ва 2. В. 2 ва 3. С. 1 ва 3. Е. 1, 2, 3. Д. Тўғри жавоб йўқ.

26. «Оғзи қийшайди» иборасининг маъноси қайси қаторда берилган.

- А. Касал бўлмоқ.
- В. Жирканмоқ.
- С. Кавшанмоқ.
- Д. Хурсанд бўлмоқ.
- Е. Йиғламоқ.

27. «Чехраси очилди» гапини сўзшунослик нуқтаи назаридан қандай изоҳлаш мумкин?

- А. Синонимик ибора.
- В. Омонимик ибора.
- С. Гап.
- Д. Қўшма сўз.
- Е. Тўғри жавоб берилмаган.

28. «Аудитор» сўзининг луғавий маъноси қайси қаторда тўғри берилган?

- А. Четга мол чиқарувчи ва четдан мол келтирувчи расмий шахс.
- В. Товар, фонд, валюта биржаларида олди-сотди ишларида воситачилик қилувчи киши.
- С. Бирор шахс ёки фирмага молиявий ёрдам кўрсатувчи ҳуқуқий шахс.
- Д. Ёлланма профессионал хизматчи.
- Е. Бирор корхона, хусусий фирма иқтисодий ҳолатини текшириб берувчи мутахассис.

29. Умумхалқ ишлатадиган сўзлар қаторини белгиланг.

- А. Жаноб, ихтиёр, сазо.
- В. Рухсат, изн, жавоб.
- С. Дарё, денгиз, уммон.
- Д. Ўрмон, ариқ, ака.
- Е. Дўст, биродар, валентлик.

30. Ўзбек тили луғат таркибини ички имкониятлар асосида бойитган сўзлар қаторини аниқланг.

- А. Дўппи, шоти, телефон.
- В. Мастава, биринч, ака.
- С. Гулзор, дилкаш, ёзувчи.
- Д. Ёзувчи, учувчи, ўзингиз-чи.
- Е. Метро, самосвал, машина.

31. - Итоат этмаганларни, - деди Абдулла тўқсабо, - уриш, ўлдириш, бўри бўлиб қоринларини ёриш керак.

Парчадаги «тўқсабо» сўзи қандай маънони ифодалайди?

- А. Шаҳар дарвозабони.
- В. Олий ҳарбий мансабдор.
- С. Бош мирза.
- Д. Жаллод.
- Е. Вазир.

32. Кулдон, кулги каби сўзларнинг ўзаги шакл ва маъно муносабатига кўра турлари қайси қаторда тўғри изоҳланган?

- А. Ўзакдош сўзлар.
- В. Омоним сўзлар.
- С. Синоним сўзлар.
- Д. Кўп маъноли сўзлар.
- Е. Антоним сўзлар.

33. «Тутунини булут кўрмайди» ибораси қандай маънони ифодалайди?

- А. Дунёдан ўтиб кетган киши.
- В. Жуда камтарин, камгап инсон.
- С. Ўта хасис шахс.
- Д. Камбағал одам.
- Е. Касалманд инсон.

34. Қайси фикр хато?

- А. Шаклдош сўзлар маъноси буткул турлича бўлади.
- В. Аҳолининг маълум бир қатламгина қўллайдиган ва маъноси уларгагина тушунарли бўлган сўзлар шевага оид сўзлар дейилади.
- С. Бугунги кунда мавжуд бўлмаган нарсa ва тушунчаларнинг эскириб қолган номи, тарихий сўзлар ҳисобланади.
- Д. Фан-техника, адабиёт, санъатга оид тушунчаларни ифода-ловчи кўп маъноли сўзлар атамалар деб аталади.
- Е. Барча жавоблар тўғри.

35. Қайси қаторда синонимик ҳолат бузилган?

- А. Камина, фақир, банда.
- В. Хўл, шалаббо, нам.
- С. Оғир, қийин, мушкул.
- Д. Кўмаклашмоқ, ёрдамлашмоқ, қарашмоқ.
- Е. Жасур, мард, ботирлик.

36. «Жаҳон томи» тасвирий ифодаси нимани англатади?

- А. Осмон.
- В. Дунёнинг тўрт томони.
- С. Тинч океани.
- Д. Помир тоғи.
- Е. Кўнгил.

37. Мана бу шляпа сизга жуда кетади-да!

Остига чизилган сўзни қандай изоҳлайсиз?

- А. Бирор тарафга кетмоқ.
- В. Тўғри келмоқ.
- С. Маъкул келмоқ.
- Д. Ярашмоқ.
- Е. Арзон.

38. *Мум тишлаб ўтирибсизми, дўстим.*

Берилган жумладаги гап бўлаклари миқдорини аниқланг.

- A. 3 та
- B. 1 та
- C. 2 та
- D. Гап бўлаги мавжуд эмас
- E. 4 та

39. Оёғингизни ечиб кинг.

Ушбу гапдаги маъно кўчиришнинг қайси усулини кузатиш мумкин?

- A. Метафора.
- B. Метонимия.
- C. Синекдоха.
- D. Киноя.
- E. Функциядошлик.

40. Турғунбойнинг охида кўринмадингиз, дўстим?

Остига чизилган сўз бирикмасини қандай изоҳлаш мумкин?

- A. Тасвирий ифода.
- B. Жаргон сўз.
- C. Ноадабий қатлам.
- D. Кўп маъноли сўз.
- E. Кўчма маъноли сўз.

МОРФОЛОГИЯ

Нималарни билишингиз керак?

- *грамматика ва унинг таркибий қисмлари;*
- *сўзнинг луғавий ва грамматик маънолари;*
- *морфема, уларнинг турлари, ўзак, негиз;*
- *туб ва ясама сўзлар;*
- *содда ва мураккаб сўзлар.*

ГРАММАТИКАНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Грамматика (гр. «грамма» - ёзув, «тике» қути) сўз ва гап қурилиши, гапда сўзларнинг ўзгариши ва ўзаро бирикиши ҳақидаги фандир. У икки қисмдан иборат:

а) морфология (сарф) сўзнинг грамматик хусусиятлари, сўзларнинг тузилиши ва ўзгариши, сўз туркумларини текширади;

б) синтаксис (наҳв) гапнинг грамматик хусусиятлари, гап қурилиши ва унинг турларини ўрганади.

Морфологияда сўз, унинг у ёки бу шакллари таҳлил этилса, синтаксисда ана шу сўзлар воситасида таркиб топган гап, уни ташкил этувчи сўз бирикмалари, гап бўлаклари гап ва унинг тузилиши, турлари ҳақида баҳс юритилади.

Сўзларни биз лексикология бўлимида ҳам ўрганган эдик. Бироқ лексикология сўзнинг луғавий маъносини текширишини унутмаслигимиз керак. Грамматикада эса сўзнинг грамматик маъноси ўрганилади.

ЭСДА САҚЛАНГ!

Хўш, сўзнинг луғавий ва грамматик маъноси дейилганда, нимани тушунмоқ керак?

«Китобларни ўқидим» гапини олиб кўрайлик:

- биринчи сўз ўқув қуролини, иккинчи сўз эса ҳаракатни ифодаламакда. Ҳар икки сўз маълум бир тушунча, маънони англатяпти.

Булар унинг луғавий маънолари ҳисобланади.

- биринчи сўзда кўплик (бир неча китоб), тушум келишиги шаклидаги маъно ифодаланиб, гапда тўлдирувчи вазифасини бажармокда; иккинчи сўзда эса ўтган замон (-ди) феъли, биринчи шахсда, бирлик (-м), ўтимлилик, аниқ майл, бўлишлилик (ҳаракат бажарилган) каби маънолар англашиляпти, гапда кесим вазифасида келган.

СЎЗНИНГ МОРФОЛОГИК ТАРКИБИ

МОРФЕМА

Морфема сўзнинг бўлинмас энг кичик қисмидир.

«Тўқимачиликни» сўзини олиб кўрайлик. Уни маъноли қисмларга бўлиб чиқсак, бу сўз беш қисмдан иборат эканлигини (тўқи – ма – чи – лик – ни) билиб оламиз. Бу қисмларнинг ҳар бири алоҳида морфема ҳисобланади, энди биз уларни яна бошқа қисмларга ажрата олмаймиз.

Морфема икки хил бўлади:

- ўзак морфема,
- қўшимча (аффикс) морфема.

«тўқи – ма – чи – лик – ни» сўзидаги тўқи – биринчи морфема сўзнинг туб маъносини билдиради ва бошқа маъноли қисмларга бўлинмайди, мустақил – ёлғиз ҳолда ҳам қўлланилаверади. Шу боис уни ўзак морфема деб атаймиз. Сўзнинг кейинги қисмлари: **-ма, -чи, лик-** ни эса аффикс – *қўшимча морфемалар* деймиз. Улар ёлғиз қўлланмайди ҳам, луғавий маъно ҳам ифодаламайди, фақат ўзакка қўшилиб, унинг маъносини ўзгартиради, грамматик вазифа бажаради, холос.

УНУТМАНГ!

Ўзак ва қўшимчалар сўзнинг маъноли қисмлари ҳисобланади.

Сўзларни морфемаларга ажратишда хато қилмаслик керак. Чунки қўшимчалар айрим ўзакка қўшилганда, бир – биридан ажралмас, яхлит ҳолга айланиб қолади. Бундай қўшимчалар мураккаб ҳисобланади. Масалан, «одамгарчилик» сўзидаги – гарчилик қўшимчасини – гар, - чи, - лик тарзида морфемаларга ажратолмаймиз (одамгар ёки одамгарчи дейилмайди), «пишиқчилик» сўзидаги – чилик, «саломлаш» сўзидаги – лаш морфемалари ҳам ажралмас – мураккаб қўшимчаларга айланиб қолган («салома», «пишиқчи») дея айтилмайди.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, юқорида тилган олинган «чилик» қўшимчаси «терим» сўзига ёки – лаш қўшимчаси «иш» сўзига қўшилса, унда бу морфемаларни алоҳида – лик ва – ла тарзида ажратишимиз мумкин: - тер –им –чи –лик, иш-ла-ш. Энди бу қўшимчалар содда қўшимчалар сирасига киради.

Қуйидаги тестга диққат қилинг:

Қайси қаторда мураккаб қўшимчали сўзлар берилган?

- a) Сувоқчилик, тепкилаш.
- b) Ёғингарчилик, мўлчилик.
- c) Теримчилик, хайрлаш.
- d) Озчилик, созлаш.
- e) В ва D.

Тўғри жавоб **«В»** ҳисобланади, албатта. Чунки «ёғингар», «ёғингарчи», «мўлчи» дейилмайди. Улар мураккаб қўшимча ҳисобланиб, алоҳида морфемаларга ажралмайди.

Тилимизда шундай сўзлар учрайдики, улар бир вақтлар маъноли қисмларга ажралган бўлса-да, бугунги кунда яхлит бир ўзакка айланиб қолган: ичак (ич-ак), бошоқ (бош-оқ), юрак (юр-ак),

қишлоқ (қиш-лоқ) оппоқ (об-оқ, бу ерда “об” эски туркий сўз бўлиб, “жуда” деган маънони беради)ва ҳ.к.

Бошқа тиллардан ўзлашган сўзларни ҳам (масалан, талаб-а, социал-ист, сар-тарош тарзида) морфемаларга ажратиш мумкин эмас.

ЎЗАК, НЕГИЗ

«Тинчликни» сўзини бўлинмас энг кичик қисмларга тин-ч-лик-ни тарзида ажратиб чиқайлик. Бу сўз аслида **тин** сўзидан ясалганлиги бизга маълум бўлади-қолади. Ана шу сўзнинг туб маъносини билдириб, бошқа бўлақларга бўлинмайдиган қисм ўзак деб аталади.

УНУТМАНГ !

Ўзак сўзда албатта иштирок этадиган, луғавий маъно ифодаладиган морфемадир. Сўз ўзакдан бошланади, қўшимчалар (аффикслар) эса кўпроқ ундан сўнг, айримлари (форс – тожик тилидан кирган ва отдан сифат ясайдиган) унинг олдидан қўшилади.

Бир ўзакдан ясалган сўзлар ўзакдош сўзлар ҳисобланади: гулдон, гулзор, гулчи ва ҳ.к. Бироқ сўз ўзгартувчи ёки сўз шаклини ҳосил қилувчи қўшимчаларни олган сўзлар (гулим, гулнинг, гуллар) ўзакдош сўзлар бўлолмайди. Ёки **кулдон**, **кулги** сўзларининг ўзақлари бир хил: *кул* бўлса-да, улар мутлақо бошқа – бошқа сўзлардан ясалганлиги боис ўзакдош бўлолмайди (кулги – табассум, кулдон – кул солинадиган идиш).

Ўзакка сўз ясовчи қўшимчалар қўшилса, ундан негиз ҳосил бўлади: китоб-хон – негиз. **Китобим**, **китобни**, **китоблар** сўзларида эса китоб сўзининг ўзи ҳам ўзак , ҳам негиз ҳисобланади.

ҚЎШИМЧАЛАР

Сўз яшаш, сўз шаклини ҳосил қилиш ва сўз ўзгартириш учун хизмат қилувчи, ўзак мазмунига турли маъно қирраларини қўшувчи, сўзларни сўзлар билан боғлаш учун қўлланувчи морфемалар қўшимча ёки аффикс (гр. *«аффиксус»* – боғланган) дейилади.

Қўшимчалар ҳеч вақт мустақил ҳолда қўлланилмайди, чунки улар мустақил луғавий маънога эга эмас, фақат ўзакка қўшилгандагина, у билан бирор грамматик маъно ифодалаши мумкин.

УНУТМАНГ!

Сўзга қўшимча қўшилганда, унинг маъноси билан ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлади, бу, айниқса, сўз ясовчи қўшимчаларда яққол кўринади: **гул + дон** деганимизда, айнан гул солувчи вазани (олма солинадиган вазани эмас) тушунамиз.

Қўшимчалар маъно ва вазифаларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. СЎЗ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР.

Ўзакка қўшилиб, айнан шу ўзак маъноси билан боғлиқ бўлган янги луғавий сўз ясайдиган қўшимчалар сўз ясовчи қўшимчалар дейилади. Сўз ясовчи қўшимчалар сўзнинг луғавий маъносига кучли таъсир кўрсатади ва:

- бир сўз туркумидан бошқа туркумга доир сўзларни ясайди. **гул+дор** (отни сифатга айлантирган), **кўрқоқ** (феълни сифатга айлантирган);

- бир сўз туркумидан айнан шу туркумга оид сўзларни ясайди: **ватан+дош** (отдан янги от), **но+қобил** (сифатдан янги сифат), **кеч+гача** (равишдан равиш ясалган);

- ўзакнинг олдидан қўшилувчи, форс-тожик тилидан ўзлашган қўшимчалар ҳам сўз ясовчи қўшимчалардир, улар отдан сифат ясайди: **бе -**, **ба -**, **бо -**, **сер -**, **но -**, **пур -**, **бад-**, **хуш-**.

Сўз ясовчи қўшимчалар қўлланилишига кўра **унумли**, **кам унум**, **унумсиз** аффиксларга бўлинади. Бугунги кунда янги – янги сўзларни ясашга хизмат қилувчи қўшимчалар унумли қўшимчалардир: **- чи**, **- ла**, **- ли**, **- лик**, **- ма**, **- ги**

Кам унум қўшимчалар ҳозирги пайтда сўз ясашда унчалик фаол қатнашмайди: **- қ**, **- оқ**, **- гич**, **- кич**, **- им**, **- ғин**, **- қин** ва **ҳ.к.**

Унумсиз қўшимчалар эса бугунги кунда умуман сўз ясамайди: **- вул**, **- ғок**, **- луқ**, **- ағон**, **- дақ**.

2. ШАКЛ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР.

Бу қўшимчалар сўзнинг луғавий маъносига бир оз таъсир кўрсатса ҳам, тамоман янги маъноли сўз ясамайди, фақат сўз маъносига ҳар хил қўшимча маънолар киритади, ҳолос. Қўшимчаларнинг бу тури барча сўз туркумларида мавжуд:

- **отларда:** **- лар** (кўплик), **- ча** (кичрайтириш), **- гина**, **- чоқ**, **- чак**, **- лоқ**,

- хон**, **- жон**, **-бек**, **- бой**, **- вой**(эркалаш);

- **сифатларда:** - роқ, - мтир (- имтир), - иш, - ғиш (даража)
- **сонларда:** - та, - тача, - ларча, - лаб, - ов, - овлон, -ала, - тадан, - (и)нчи

(сон турларини ҳосил қилувчи);

- **олмошларда:** - дир(гумон олмошини ҳосил қилувчи);
- **феълларда:** - ма(бўлишсизлик шакли), -л (-ил), -н(ин) (ўтимсизлик шакли),

- л (-ил), -н(ин) (ўзлик ва мажҳул нисбатлар), -сат, -тир, -дир, -гиз, -киз, -қиз, -ғиз, -т, -р, -из, -ир, -ш, -иш (орттирма нисбат), -ди, -яп, -моқда, -ётир, -моқчи, -диган (замон қўшимчалари); -б(-иб), -а, -й. -гач, -гунча(-кунча, кунча), -гани(-кани, -кани) архаик шакли -гали (-кали, -қали) (равишдош); -р(ар), -ган (-кан, -қан), -жак, -ғуси, -ётган, -диган (сифатдош); -ш, -иш, -моқ, -вчи (ҳаракат номи).

- **Равишларда:** - роқ (даража)

3. СЎЗ ЎЗГАРТУВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР.

Бу қўшимчалар янги сўз ясамайди, сўз маъносига таъсир ҳам кўрсатмайди, фақат сўзларни бир-бирига боғлайди, синтактик вазифа бажаради, ҳолос.

Буларга қуйидаги қўшимчалар киради:

- **келишик қўшимчалари:** - нинг, - ни, - га, - да, - дан;
- **эгалик қўшимчалари:** - м, -нг, -си; -миз, -нгиз, -си; -им, -инг, -и; -имиз, -ингиз, -и;
- **шахс-сон қўшимчалари:** -м, -нг, -к, -нгиз.

ТУБ ВА ЯСАМА СЎЗЛАР

«Қалам» сўзини маъноли қисмларга – морфемаларга ажрата оламизми?

Йўқ, албатта, чунки у ўзакнинг ўзидангина иборат, ҳолос. Бу – туб сўз. Унга шакл ҳосил қилувчи – ча, -лар, ва сўз ўзгартувчи – им, -ни аффиксларини қўшиб қўрайлик-чи: **қалам-ча-лар-им-ни**. Биз, барибир, ўша қаламни тушунаверамиз. Сўз яна туб ҳолатича қолаверяпти.

Агар шу ўзакка сўз ясовчи – каш аффиксини қўшсак, сўзнинг луғавий маъноси энди тамоман ўзгариб кетади. Энди кўз ўнгимизда қалам эмас, балки шахс – ижодкор адиб гавдаланади.

Демак, таркибида сўз ўзгартувчи ва шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар бўлишидан қатъий назар, сўз ясовчи қўшимчаси бўлмаган сўзлар туб сўзлар дейилади.

Ўзакка сўз ясовчи қўшимча қўшилиши (иш+чи, ғаллакор) ёки сўзга бошқа сўз қўшиш (кўз+ойнак, ҳозир+жавоб) билан ясама сўзлар ҳосил бўлади.

Ўзбек тилида сўзлар қуйидаги усуллар билан ясалади:

- **морфологик усул -**

ўзакка фақат сўз ясовчи қўшимчалар қўшиб янги сўз яшаш (зар+гар+лик, сува+қ+чи);

- **синтактик усул –**

ўзакка ўзак (сўзга сўз) қўшиш билан янги сўз яшаш (гул+тожи+хўроз, сада-қайрағоч);

- **сўзларни бошқа туркум ўрнида қўллаш –**

фарғонача палов – равиш ўрнида сифат; *Уйда ёлғиз Собир қолди* – Сифат юклама ўрнида).

- **сўз маъносининг ўзгариши –**

Домламиз илмий ишларини ёқлаб келдилар.

СЎЗЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Сўзлар тузилишига кўра икки хил бўлади:

1. **Содда сўзлар:** фақат бир ўзакдан иборат бўлади, Туб сўзлар ҳам (ўйин, гул), морфологик усул билан ясалган сўзлар (ўйна, гулзор) ҳам содда сўз ҳисобланади.

2. **Мураккаб сўзлар:** икки ёки ундан ортиқ ўзакдан иборат бўлади, булар қўшма, жуфт ва такрорий сўзлардир.

ҚЎШМА СЎЗЛАР

Икки ёки ундан ортиқ ўзакнинг бирикувидан тузилган ва бир предмет, тушунчани билдирувчи, фақат кейинги қисмига урғу олувчи сўзлардир: билакузук, томорқа, бедапоя ва ҳ.к.

- Қўшма сўзлар қисмлари бир хил туркумга оид (кўзойнак – от ва от), икки хил сўз туркумидан ҳам (Олтиариқ – сон ва от, муштумзўр – от ва сифат) иборат бўлиши мумкин;

- Қўшма сўзлар қўшиб ёки ажратиб ёзилади.

ЖУФТ СЎЗЛАР

Қисмлари маъно жиҳатидан бир – бирига мос келиб, жамлик, умумийлик каби тушунчаларни ифодаловчи сўзлардир:

- жуфт сўзларнинг ҳар икки қисми ҳам қатъиян бир хил сўз туркумига мансуб бўлади: ота-она (от+от), катта-кичик (сифат+сифат), келди-кетди (феъл+феъл);
- жуфт сўзларнинг ҳар бир қисмига алоҳида урғу тушади;
- жуфт сўзлар орасига чизиқча қўйиб ёзилади: опа-сингил, бир-икки, (бу қисмлар орасида бириктирувчи боғловчи вазифасидаги юкламалар қўлланса, улардан аввал чизиқча қўйилади: опа-ю сингил, ишқ-у муҳаббат);
- жуфт сўзлар қисмларининг ўринларини алмаштириб қўллаш ҳам мумкин: ёр-дўст ёки дўст-ёр, қишин – ёзин ёки ёзин-қишин;
- жуфт сўзлар маънолари бир-бирига яқин бўлган сўзлар (ака-ука), синоним (ишқ-муҳаббат) ва антоним (аччиқ-чучук) сўзлардан тузилади;
- жуфт сўзларнинг ҳар икки қисми ҳам мустақил ҳолда қўлланилиши (ёш-қари), иккинчи қисми луғавий маъно ифодаламаслиги ва танҳо қўлланмаслиги (темир-терсак) ёки ҳар икки қисми ҳам ёлғиз ҳолда ишлатилмаслиги (икир-чикир) мумкин.

ТАКРОРИЙ СЎЗЛАР

Бир сўзнинг айнан бир хил шаклда қўшалок қўлланилишидан ҳосил бўлади:

- Такрорий сўзларнинг ҳам ҳар икки қисми фақат бир хил сўз туркумларидан ташкил топади: сават – сават, катта – катта (от + от), аччиқ – аччиқ (сифат + сифат), битта – битта (сон + сон), шу – шу (олмош + олмош), юра – юра (феъл + феъл), аста – аста (равиш + равиш).
- Такрорий сўзлар кўплик (Тўйга нима- нима олдингиз?), давомийлик (Ишлай – ишлай чарчадик), таъкид (Қишлоққа шу – шу келмай қўйди) каби маъноларни англатади.
- Такрорий сўзлар грамматик маъно ифодалайди.
- Такрорий сўзларнинг иккинчи қисмида битта товуш ўзгариши мумкин: чой – пой, нон – пон ва ҳ.к.
- Такрорий сўзнинг биринчи қисмига қўшимча қўшилса, у энди такрорий сўз ҳисобланмайди ва улар орасига чизиқча қўйилмайди: уйма уй, тишини тишига.
- Маънони алоҳида кучайтириш мақсадида бир сўзни кетма кет такрор қўлланилиши такрорий сўз ҳисобланмайди ва улар орасига чизиқча эмас, вергул қўйилади: Майли, майли, фикрингизга қўшиламан.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. «Грамматика» сўзи қайси тилдан олинган ва у қандай маънони англатади?
 - A. Лотинча «грамматика» - қисм, бўлак.
 - B. Лотинча «грамме» - ёзув.
 - C. Грекча «грамме» - ёзув, «тике» - қути.
 - D. Французча «грамос» - ифода, «тикос» - билим.
 - E. Инглизча «граммо» - ёзув.

2. Грамматика тилшуносликнинг қайси соҳаси ҳақида баҳс юритади?
 - A. Сўз таркиби, унинг маъноли қисмлари ҳақида.
 - B. Тилнинг грамматик қурилиши, сўзнинг луғавий ва грамматик маънолари ҳақида.
 - C. Тилнинг грамматик қурилиши, сўзларнинг тузилиши ва ўзаро қушилиб, гап ҳосил қилиш йўллари ҳақида.
 - D. Сўзларнинг келиб чиқиши, гап ва унинг тузилиши, турлари ҳақида.
 - E. Сўз маъноларининг ўзгариши ҳақида.

3. «Сарф» ва «наҳв» атамалари тилшуносликнинг қайси соҳаларини ифодалайди?
 - A. Синтаксис ва морфология.
 - B. Морфология ва синтаксис.
 - C. Синтаксис ва лексикология.
 - D. Лексикология ва лексикография.
 - E. Атамашунослик ва фразеология.

4. Морфология нима ҳақида баҳс юритади?
 - A. Сўз бирикмалари ва уларнинг ўзаро бирикиши ҳақида.
 - B. Сўзларнинг грамматик тузилиши, ўзгариши, сўз туркумлари ҳақида.
 - C. Сўзларнинг товуш томони ҳақида.
 - D. Сўзларнинг лексик ва грамматик маънолари ҳақида.
 - E. Сўз маъноларининг ўзгариши ҳақида.

5. Сўзнинг грамматик маъноси дейилганда, нимани тушунмоқ керак?
 - A. Сўз англатган предметлик, белги, миқдор, ҳаракат ҳақидаги маънони.

В. Сўзнинг грамматик шакли, туркуми, гапдаги синтактик вазифасини.

С. Сўзнинг маъноли қисмларини, грамматик шакли ва луғавий маъносини.

D. А, В.

Е. А, В, С.

6. **Мовий** осмон кўзларни яшнатади.

Остига чизилган сўзнинг грамматик маъноси қайси жавобда кўрсатилган?

A. Белги.

B. Ранг.

C. Сифат.

D. Аниқловчи.

E. C, D.

7. Комил Асрорга қараганда кичикроқ.

Гапдаги **қараганда** сўзининг грамматик маъноси қайси жавобда тўғри изоҳланган?

A. Феъл, ўтган замонда, гапда кесим вазифасида келган.

B. Феъл, бўлишли, келаси замонда, кесим вазифасида келган.

C. Ёрдамчи сўз, ҳаракатнинг бажарилиш пайтини ифодаламақда.

D. Кўмакчи, қиёслаш маъносини ифодалайди.

E. Боғловчи, ҳаракатнинг ўтган замонда бажарилганлигини ифодаламақда.

8. Грамматик маъно ифодаловчи сўзлар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

A. Фақат мустақил сўзлар.

B. Фақат ёрдамчи сўзлар.

C. Мустақил ва ёрдамчи сўзлар.

D. Барча сўз туркумлари.

E. Фақат от ва феъл.

9. Морфема деганда нимани тушунмоқ керак?

A. Сўзнинг туб маъносини билдириб, бошқа маъноли бўлакларга ажралмайдиган қисмларини.

B. Сўзнинг сўз ясовчи қўшилган қисмини.

C. Сўзнинг ажралмас энг кичик кичик қисмини.

D. Сўзнинг негизини.

10. Расмиятчиликданмикин-а?

Ушбу сўз нечта морфемадан ташкил топган?

А. 5 та. В. 6та. С. 7 та. D. 8 та. Е. 9 та

11. Қайси қатордаги сўз морфемаларга ажралмайди?

- А. Бирик, тинтув.
- В. Синиқ, тиниқ.
- С. Астар, тепки.
- Д. Чўмич, савагич.
- Е. Бошоқ, ичак.

12. Қайси қатордаги сўз морфемаларга тўғри ажратилган?

- А. Боғ+бон+чи+лик, тир+ик+чи+лик.
- В. Ифлос+гар+чи+лик, меҳнат+севар+лик.
- С. Овора+гарчилик, кўп+чилик, хайр+лаш.
- Д. Салом+ла+ш, механизация+лаш+тир+иш.
- Е. Само+варчи, талаб+нома.

13. Қайси қатордаги сўзда – чилик қўшимчаси иккига ажралиши мумкин?

- А. Маҳмадоначилик.
- В. Лойгарчилик.
- С. Тўқчилик.
- Д. Самоварчилик.
- Е. Бу сўзлардаги – чилик қўшимчаси иккига ажралмайди.

14. Мураккаб қўшимчалар қайси қаторда берилган?

- А. – пазлик.
- В. – лаш.
- С. – лаштириш.
- Д. – гарчилик.
- Е. В,С,Д.

15. Ўзак деб нимага айтилади?

- А. Сўзнинг бўлинмас энг кичик қисми.
- В. Сўзнинг туб маъносини билдириб, бошқа маъноли бўлакларга бўлинмайдиган қисми.
- С. Сўзга сўз ясовчи қўшимча қўшилган қисми.
- Д. Сўзнинг сўз ўзгартувчи қўшимча қўшилган қисми.
- Е. Сўзнинг шакл ҳосил қилувчи қўшилган қисми.

16. Ўзакдош сўзлар берилган қаторни аниқланг.

- A. Нома, номус.
- B. Кулгу, кулдон.
- C. Сурнай, сурбет.
- D. В ва С.
- E. Ўзакдош сўзлар берилмаган.

17. Тинчлантирмоқ сўзининг морфологик таркиби қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A. Тин-ч-лан-тир-моқ.
- B. Тинч-лан-тир-моқ.
- C. Тинчлан-тир-моқ.
- D. Тинч-ла-н-тир-моқ.
- E. Тинчла-н-ти-р-моқ.

18. Қуйидаги сўзларнинг қайси бири ўзакдош сўз ҳисобланмайди?

- A. Бошлиқ, бошла, бошланғич.
- B. Сўрғич, сургун, сурат.
- C. Китобим, китобча, китоблар.
- D. А, В.
- E. В, С.

19. Қайси қатордаги сўзларнинг асоси (ўзаги) феъл ҳисобланади?

- A. Чиқилла, ишла, гулла.
- B. Экин, йиғин, соғин.
- C. Янгила, текисла, бопла.
- D. Иккилан, бирлаш, юзталиқ.
- E. Тишла, гулла, эсла.

20. Қўшимчаларнинг вазифаларига кўра турлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A. Сўз ясовчи, сўз ўзгартувчи, шахс-сон қўшимчалар.
- B. Сўз ясовчи, келишиқ қўшимчалари, эгалиқ қўшимчалари.
- C. Сўз шакли ясовчи, шахс-сон, сўз ўзгартувчи қўшимчалар.
- D. Сўз ясовчи, сўз ўзгартувчи ва шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар.
- E. Сўз ясовчи, нисбат, даража, замон, майл қўшимчалари

21. Ўзакка қўшилиб, унинг маъноси билан боғлиқ бўлган янги сўз ясайдиган қўшимчалар қандай номланади?

- A. Сўз ўзгартувчи қўшимчалар.

- В. Келишик қўшимчалари.
- С. Сўз ясовчи қўшимчалар.
- Д. Шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар.
- Е. Эгалик қўшимчалари.

22. Олинма (ўзлашган) қўшимчалар қўшимчаларнинг қайси турига киради?

- А. Ўзбек тилида олинма қўшимчалар мавжуд эмас.
- В. Сўз ясовчи.
- С. Сўз ўзгартувчи.
- Д. Шакл ҳосил қилувчи.
- Е. А, В, С.

23. Онаизор унга ўз дардларини бўзлаб-бўзлаб сўзлар эди.

Гапдаги сўз ясовчи қўшимчалар миқдорини аниқланг.

- А. 1 та. В. 2 та. С. 3 та. Д. 4 та. Е. 5 та.

24. Қайси қатордаги қўшимчалар янги сўз ясамайди?

- А. -чи, -ги, -к, -ли
- В. -чоқ, -бек, -си, -инг
- С. -чак, -лок, -дак
- Д. -вий, -ий, -сат, -тир
- Е. -и, -а, -к, -қ

25. Ўзак маъносига қайси қўшимчалар таъсир кўрсатмайди?

- А. Олд қўшимчалар.
- В. Эгалик ва келишик қўшимчалари.
- С. Шахс-сон, олд қўшимчалар.
- Д. Шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар.
- Е. Сўз ўзгартувчи қўшимчалар.

26. – **гани, - қани, - б(- иб), - тир** каби қўшимчалар қайси қўшимчалар сирасига киради?

- А. Сўз ясовчи.
- В. Сўз ўзгартувчи.
- С. Шакл ҳосил қилувчи.
- Д. Феъл ясовчи қўшимчалар.
- Е. Равиш ясовчи қўшимчалар.

27. **Бегонасирамоқ, кечиктирмақ** сўзларидаги қўшимчалар қандай қўшимчалар ҳисобланади?

- А. Сўз ўзгартувчи ва олд қўшимчалар.

- В. Сўз ясовчи ва шакл ҳосил қилувчи.
- С. Шакл ҳосил қилувчи ва сўз ўзгартувчи.
- Д. Фақат сўз ўзгартувчи.
- Е. Фақат шакл ҳосил қилувчи.

28. -**пур, бад, каби** форс–тожик тилидан ўтган қўшимчалар қандай вазифа бажаради?

- А. Фақат шакл ҳосил қилади.
- В. Сўзларни сўзларга боғлайди.
- С. Бир сўз туркумини бошқа сўз туркумига айлантиради.
- Д. Сифатлардан янги сифат ясайди.
- Е. Сўз маъносини бир оз ўзгартиради.

29. Туб сўзлар берилган қаторни аниқланг.

- А. Оқимтир, кап-катта, эзғиламоқ.
- В. Катталик, сизламоқ, бирикмоқ.
- С. Тасодифан, оилавий, китоблар.
- Д. Сершовқин, ям-яшил, тезлик.
- Е. Буюклик, хиёнаткор, уруғчилик.

30. Ўзакка сўз ясовчи қўшимча қўшилиш билан

- А. Сўз маъноси тубдан ўзгаради.
- В. Сўзлар бир-бирига грамматик жиҳатдан тобе бўлиб қолади.
- С. Негиз ҳосил бўлади.
- Д. А, С.
- Е. А, В, С.

31. Ўзбек тилида сўз яшашнинг асосий усуллари қайси қаторда тўғри изоҳланган?

- А. Ўзакка сўз ўзгартувчи қўшимчалар қўшиш ва сўзни сўзга қўшиш йўллари билан.
- В. Морфологик ва синтактик усуллар билан.
- С. Морфологик, синтактик ва фонетик усуллар билан.
- Д. Барча жавоблар тўғри.
- Е. Фақат фонетик йўл билан.

32. Қандай сўзлар туб сўзлар ҳисобланади?

- А. Фақат бир ўзакдан иборат бўлган сўзлар.
- В. Сўз ясовчи қўшимчалар олмаган ва бир ўзакдан иборат бўлган сўзлар.
- С. Бир ўзакдан иборат бўлган олд қўшимчаларни қабул қилган сўзлар.

D. Ўзакка сўз ясовчи ва шакл ясовчи қўшимчалар қўшилмаган сўзлар.

E. Сўз ўзгартувчи қўшимчаларни қабул қилмаган сўзлар.

33. Қўшма сўзларни жуфт сўзлардан фарқлаб турувчи асосий хусусият қайси жавобда тўғри изоҳланган?

A. Қўшма сўзлар ажратиб ёки қўшиб, жуфт сўзлар эса чизикча билан ёзилади.

B. Қўшма сўзлар битта урғуга, жуфт сўзлар эса алоҳида-алоҳида урғуларга эга бўлади.

C. Қўшма сўзлар битта предмет ва тушунчани, жуфт сўзлар эса асосан икки предмет ва тушунчани ифодалайди.

D. Қўшма сўзлар қисмлари тобе ва ҳоким, жуфт сўзлар қисмлари эса тенг боғланади.

E. A, B, C, D.

34. Қуйида берилган қайси сўзларнинг таркиби қатъий бир хил сўз туркумидан ташкил топади?

A. Фақат қўшма сўзларнинг.

B. Қўшма ва жуфт сўзларнинг.

C. Қўшма, жуфт ва такрор сўзларнинг.

D. Жуфт ва такрор сўзларнинг.

E. Қўшма, жуфт, қисқартма сўзларнинг.

35. Қисмлари равиш ва отдан ташкил топган сўзларни аниқланг.

A. Қизиққон.

B. Латтачайнар.

C. Ғуррак.

D. Камгап.

E. Ўзбек тилида равиш ва отдан қўшма сўзлар ясалмайди.

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Сўзлар умумий лексик ва грамматик маънолари ҳамда вазифаларига кўра маълум бир туркумларга ажралади.

Сўзларни туркумларга ажратишда уларнинг қуйидаги хусусиятлари ҳисобга олинади:

- луғавий ва грамматик маънолари;
- айрим морфологик хусусиятлари;
- синтактик вазифалари.

- Мустақил сўзлар ҳам луғавий, ҳам грамматик маъно ифодалайди, гапда бирор синтактик вазифани бажаради. Ҳар бир сўз туркумининг алоҳида синтактик вазифаси мавжуд: отнинг бош

синтактик вазифаси эга, сифат ва сонники – аниқловчи, феълники – кесим, равишларники эса – ҳол ҳисобланади. Олмош от, сифат, сон ўрнида қўлланилиши сабабли алоҳида ўзига хос синтактик вазифага эга эмас, у барча гап бўлаклари вазифасида келаверади.

- Ёрдамчи сўзлар эса ёлғиз ҳолда қўлланилмайди ҳам, луғавий маънога ҳам эга эмас, гапда ҳеч қандай гап бўлаги вазифасини бажармайди, улар грамматик маъно билдиради, ҳолос, ҳамда сўзларни сўзларга ва қўшма гаплар таркибидаги содда гапларни бир – бирига боғлаш, уларга қўшимча маъно юклаш учун хизмат қилади.

- Ундов ва тақлид сўзлар отлашиши, бирор гап бўлаги вазифасида келиши билан мустақил сўзларга, ҳеч қандай луғавий маъно ифодамай олмаслигига кўра эса ёрдамчи сўзларга яқин туради.

ОТ

От предметнинг маъносини ва мавҳум тушунчаларни англатади.

Бунда кўз олдимизга нималар келади?

- ***атрофимизни қўшаб турган нарсалар-буюмлар (материя);***
- ***кишилар ва уларга оид тушунчалар;***
- ***ўсимлик ва ҳайвонот олами;***
- ***табиат ва жамиятда юз берувчи воқеа-ҳодисалар.***

Отга хос морфологик хусусиятлар:

- бирлик ва кўпликда қўлланади;
- нарсанинг бирор шахсга қарашлилиги – эгаликни ифодамай олади;
- турланади, яъни келишиқ қўшимчаларини қабул қилади.

Отга хос синтактик хусусиятлар:

- гапдаги бош вазифаси эга бўлса-да, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол ва ундалма бўлиб ҳам кела олади.
- Гапни ташкил этишда фаол қатнашади.

ОТЛАРНИНГ МАЪНОСИГА КўРА ТУРЛАРИ

Турдош отлар бир турдаги предметларнинг умумий номини билдиради: уй, дарахт, китоб, болалар.

Атоқли отлар бир турдаги нарсаларнинг бирига махсус атаб қўйилган номни билдиради:

- шахсларнинг исми, фамилияси, адабий таҳаллуслар (Одил Каримов, Навоий);

- ҳайвонларга атаб қўйилган лақаблар (Мош, Бим);

- планета, сайёралар номи: Марс, Юпитер, ой;

- газета, журналлар номи; “Халқ сўзи”, газетаси, “Фируза” журнали;

- илмий ва бадиий асарлар, китоблар номи: “Навоий” романи;

- илмий муассасалар, корхона, жамоа хўжаликлари ва уларда ишлаб чиқиладиган маҳсулотлар номи: Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси, “Бахт” фирмаси, “Қорақум” шоколади, Навоий номидаги жамоа хўжалиги;

- давлат мукофотлари, фахрий унвонлар, тарихий саналар, байрамлар номи: “Ғалаба” ордени, “Ўзбекистон халқ рассоми”, “Наврўз байрами”.

Баъзан атоқли отлар турдош отга (рентген, ампер, хосиятхон) ёки, аксинча турдош отлар (Бўрон, Тошпўлат, Нилуфар, Лола), шунингдек, айрим сифатлар (Азиз, Жасур), сон (Олтмишвой), феъллар (Тўхтасин, Турсун, Эргаш) ҳам отларга айланиши мумкин.

АНИҚ ВА МАВҲУМ ОТЛАР.

Борлиқда мавжуд бўлган аниқ нарса-буюм ва шахсларни англатувчи сўзлар аниқ отлардир. Биз уларни бевосита кўра оламиз, бирлик ва кўпликда қўллай оламиз: *пиёла, гул, дафтар ва ҳ.к.*

Мавҳум отлар эса бизнинг ҳиссий аъзоларимизга таъсир этолмайдиган тушунча (нарсаларни эмас), ҳолат ва хусусиятларни ифодалайди:

Улар туб (ғам, алам, муҳаббат, бахт) ва ясама (сев+ги, қувон+ч) бўлиши мумкин.

Ясама мавҳум отлар асосан қуйидаги қўшимчалар ёрдамида ҳосил бўлади:

- лик (бу қўшимча феълдан бошқа барча мустақил сўзлардан мавҳум от ясаши мумкин: дўстлик, яхшилик, юзлик, манманлик, тезлик;

- чилик, - гарчилик: мўлчилик, одамгарчилик;

- лаштириш: осонлаштириш, химиялаштириш;

- ги, - ч, - ғу: севги, қувонч, туйғу;

- ат, - от: абадий- ат, мавҳумот, ҳайвонот.

ЯККА ВА ЖАМЛОВЧИ ОТЛАР.

Бирлик шаклдаги бир турга мансуб предметларнинг биттасини ифодалаш учун қўлланадиган отлар якка отлардир:

- уй, дарахт, қалам, одам ва ҳ.к.

Бир турдаги предметларнинг тўдасини, жамини англатувчи отлар эса жамловчи отлар ҳисобланади:

- халқ, армия, экипаж, полк, взвод, команда, гуруҳ

ОТЛАРНИНГ БИРЛИК ВА КЎПЛИКДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Отлар, одатда, кўплик ёки бирликда қўлланилади, шунинг учун бу хусусият отлар учун доимий категория ҳисобланади. Отларда бирлик шакли худди бош келишиқ каби ўзининг махсус грамматик кўрсаткичига эга эмас.

Нутқимизда барча отларни ҳам кўпликда қўллай олмаймиз. Булар қайсилар?

- мавҳум отлар: (бахт, ишқ, озодлик, детерменизм);
- танҳо предмет ва шахслар: (Қуёш, Ой, Тошкент, кўнгил, мен, сен);
- саналмайдиган отлар: (ун, ёғ, сув, нефт, шакар ва ҳ.к.);
- инсон жуфт аъзоларини ифодаловчи отлар: (қўл, оёқ, кўз, кулоқ ва ҳ.к.).

Отларда кўплик маъноси, асосан, уч хил йўл билан ифодаланади:

- Лексик йўл. Бунда кўплик маъноси жамловчи отлар ёрдамида англашилади: гуруҳ, пода, тўда, армия ва ҳ.к.

- Морфологик йўл. Грамматик кўплик қўшимчаси – лар билан ифодаланади: кўчалар, машиналар ва ҳ.к.

Бироқ – лар қўшимчаси фақат кўплик соннигина ифодалаб қолмай, бошқа қатор маъноларни ҳам англантиши мумкин:

- ҳурмат маъносини: оймлар, дадамлар (ҳурмат маъноси ифодаланганда, - лар қўшимчасидан аввал эгалик қўшимчаларидан бири, албатта қўлланилиши шарт: дада+м+лар каби.)

- пичинг, кесатиқ маъносини: Ўзларини бир ойнага олиб қарасинлар

- нарсанинг тури маъносини: кислоталар, асослар, унлар каби;

- ноаниқлик маъносини: Кундузлари шу ерда дам оламиз;

- наънони кучайтиради: Ёшлиқ мени Тошкентларга олиб кетди.

Кўплик қўшимчаси мавҳум отга қўшилганда, услубий вазифа бажаради ва бу бадий адабиётда қўлланилади: Аламлар абасдур, ғамлар ўткинчи.

- Синтактик йўл. Махсус миқдор билдирадиган сўзлар ва сонларни келтириш билан ифодаланади: бешта китоб, анча китоб, бир жавон китоб, минг-минг кўзлар, қатор-қатор дарахт ва ҳ.к.

ОТЛАРДА ЭГАЛИК

Предметнинг уч шахсдан бирига қарашлилиكنинг ифодаланиши эгалик ҳисобланади. Бу ҳолатни сўз ўзгартувчи аффикслар бўлган эгалик қўшимчалар ифодалайди.

Негиз сўнгги товуш унли ёки ундош билан тугашига қараб, улар икки хил шаклга эга бўлади:

Шахс	Бирликда		Кўпликда	
	Унли	ундош	унли	ундош
I. шахс	Онам	китобим	онамиз	китобимиз
II. шахс	Онанг	китобинг	онангиз	китобингиз
III. шахс	Онаси	китоби	онаси	китоби

Отга эгалик қўшимчалари қўшилиши билан ўзакда товуш алмашилиши ва товуш тушилиши ҳодисаси юз беради:

- айрим сўзларнинг иккинчи бўғинидаги а, и, у унлилари тушиб қолади: шаҳар-шаҳри, сингил-сингли, бурун-бурни ва ҳ.к.;

- ўзак охиридаги к товуши г товушига алмашади: этак-этаги, билак – билаги ва ҳ.к. Бироқ бу ҳолат араб ва рус тилларидан ўзлашган сўзларда юз бермайди: идроки, иштироки, парки, цирки, банки ва ҳ.к.;

- ўзак охиридаги қ товуши ғ товушига алмашади: ўчоғи, ўртоғи, булоғи каби. Шунингдек бу ҳолат ҳам араб тилидан ўтган айрим сўзларда кузатилмайди: уфқи, завқи, иштиёқи ва ҳ.к.

Айрим ҳолларда эгалик маъноси белгисиз ифодаланиши ҳам мумкин:

Бизнинг айвон сизнинг айвон эмасми?

ОТЛАРНИНГ ТУРЛАНИШИ

Отларнинг келишик қўшимчаларини олиб ўзгариши турланиш деб аталади.

- Келишик қўшимчаларининг ўзи турловчи қўшимчалар ҳисобланиб, улар сўз ўзгартувчи қўшимчалар турига киради, чунки сўзларни сўзларга боғлаш учун хизматқилади.

- Ўзбек тилида фақат отларгина эмас, олмошлар ва отлашган сўзлар ҳам турланиши мумкин.

Отларда олтита келишик мавжуд

Келишиклар	Қўшимчалар	Сўроғи	Синтактик вазифаси
1. Бош келишик	-	Ким? Нима? Қаер?	Эга
2. Қаратқич келишиги	-нинг	Кимнинг? Ниманинг? Қаернинг?	Аниқлочи
3. Тушум келишиги	-ни	Кимни? Нимани? Қаерни?	Тўлдирувчи
4. Жўналиш келишиги	-га	Кимга? Нимага?	Тўлдирувчи
		қаерга?	Ўрин ҳоли
5. Ўрин-пайт келишиги	-да	Кимда? Нимада?	Тўлдирувчи
		Қачон, қаерда?	Пайт ва ўрин холи
6. Чиқиш келишиги	-дан	Кимдан? Нимадан?	Тўлдирувчи
		Қачондан? Қачондан буён? Қаердан	Ҳол

Бош келишик

- ўзининг махсус грамматик кўрсаткичига (қўшимча) эга эмас (дарахт, уй, дафтар);

- у бошқа келишиклар учун асос шакл ҳисобланади;
- гапда асосан эга вазифасида келади.

Қаратқич келишиги

- бирор предметнинг шу келишикдаги отдан англашилган бошқа предметга қарашли эканлигини ифодалайди (менинг дафтарим);

- доим от билан отни боғлайди (инсоннинг қадри, гулнинг япроғи);

- белгили (шаҳарнинг кўчалари), белгисиз (шаҳар кўчалари), айрим ҳолларда бадийий услубда қирсқарган шаклда ҳам қўлланиши мумкин (онасин қадри);

(шеъриятда баъзан **-им** шаклида ҳам ишлатилади: Ўзбекистон - Ватаним маним)

- одатда, қаратқич ва қаралмиш орасида сифатловчи қўлланилмаса, бу келишик белгисиз ишлатилиши ҳам мумкин: олма шохлари, олманинг баланд шохлари;

Тушум келишиги

- отдан англашилган ҳаракатни ўзига олганлигини ифодалайди;
- ҳар вақт от билан феълни боғлайди;
- белгили (китобни ўқидим), белгисиз (китоб ўқидим) ва шеърятда қисқарган шаклда (китобин ўқидим) қўлланилиши мумкин;
- тушум келишигини олган от турдош бўлса, белгисиз қўлланилиши мумкин, (чой ичдим), аммо атоқли бўлса, белгили қўлланилиши шарт (Тошкентни айландим).

Жўналиш келишиги

- ҳаракат йўналган предметни англатади;
- ўзи қўшилаётган сўз охиридаги к товуши тугаган сўзларга қўшилганда –ка, қ товуши билан битган сўзларга қўшилса, -ка шаклига эга бўлади (билакка, юракка, сўроққа, чироққа); аммо бу ҳолат олинма сўзларда кузатилмайди (Оренбургга, Санк-Петербургга, педагогга);
- классик адабиётимизда бу келишик –а, -на, -га шаклларида ҳам қўлланиб келинган (одама, жона, инсонга);
- бу келишик баъзан тушум, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари ўрнида ҳам қўлланилиши мумкин: Гапингизни (га) тушунмадим, уйда (га) тўпланамиз, У бир сўз айтишдан(га) чўчирди.

Ўрин-пайт келишиги

- ҳаракатнинг бажарилиши ўрни, пайти, ҳолати, воситаси, мақсади каби маъноларни англатади: Уйда (ўрин) ҳеч ким йўқ эди. Қишлоққа тонгда (пайт) бордик. У куйинган ҳолда (ҳолат) гапирди. Пахтани машинада (восита) тердик. Биз ўқиш ниятида (мақсад) келганмиз.
- ўрин-пайт келишиги қўшимчаси баъзан тушум жўналиш, чиқиш келишиги қўшимчалари билан синонимик муносабатга кириша олади: далани кезмоқ – далада кезмоқ, йиғилишда қатнашмоқ-йиғилишга қатнашмоқ, радиога гапирмоқ – радиодан гапирмоқ каби;

Чиқиш келишиги

- Ҳаракатнинг чиқиш нуқтасини ҳамда восита, пайт, сабаб, қиёслаш, бутуннинг бир қисми маъноларини ифодалайди: У ичкаридан (ҳаракатнинг чиқиш нуқтаси) шошиб чиқди. Бу хабарни радиодан (восита) эшитдик. Биз болаликдан (пайт) дўстмиз. Уялганидан (сабаб) қизариб кетди. Сиз аввалгидан (қиёслаш) анча бардамсиз. У нондан (бутуннинг қисми) тортиниб еди.

• Классик адабиётимизда бу келишикнинг –дин, -тин шакллари ҳам учрайди

..... Қизорди гул уёттин анжуманда. (Лутфий)

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари айрим кўмакчилар билан синоним бўла олади:

• бошидан ўтганларни сўзламоқ – бошидан ўтганлар ҳақида сўзламоқ;

• уйга бормоқ – уй томон бормоқ;

• телефонда сўзламоқ – телефон орқали сўзламоқ;

• радиодан эшитмоқ – радио орқали эшитмоқ.

ОТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

УНУТМАНГ!

• Мустақил сўз туркумларидан сон ва олмошлар ясалмайди. Қолганлари асосан морфологик (ўзакка сўз ясовчи қўшимчалар қўшиш) ва синтактик (ўзакка ўзакни қўшиш) йўл билан ясалади.

Морфологик усул билан от яшаш.

Бунда қуйидаги қўшимчалар қатнашади:

I. Шахс отини ясовчилар.

- чи (ишчи), -дош (ватандош), -кор (пахтакор), -шунос (тилшунос), -соз (соатсоз), -каш (меҳнаткаш), -паз (ошпаз), -дўз (гиламдўз), -хон (китобхон), -вачча (амакивачча), -боз (беданабоз);

II. Нарса-буюм отини ясовчи қўшимчалар:

- к (-ик, -ук), -қ (-ук, иқ, -оқ), (элак, курак, кўрик, ютуқ, чакирик, ўроқ, қочоқ)

- ги, -ки, ки, -ғи, -ғу (супурги, чертки, кулги, чопқи, чолғу, чалғи (узун дастали ўроқ);

- гич, -кич, -қич, -ғич (кўрсаткич, ўчирғич, чизғич, тутқич);

- м, -им, -ум (тўплам, билим, унум), -ма (тортма, бўлма), -инди (ювинди);

- дон (туздон, кулдон)

III. Ўрин-жой отини ясовчи қўшимчалар.

- лок, -зор, -истон, -гоҳ, -хона (ўтлок, ўрикзор, Ўзбекистон, оромгоҳ, китобхона)

Синтактик усул билан

асосан, қўшма ва жуфт отлар ясалади.

Қўшма отлар

- икки ёки ундан ортиқ ўзак (сўз)нинг қўшилишидан ҳосил бўлади: кўзойнак, тошбақа, фотожурналист ва ҳ.к.;
- фақат бир предмет, тушунчани англатади: кўзиқорин, бақатерак;
- қисмлари бир хил сўз туркумидан (гултожихўроз – от+от+от) ёки икки хил туркумдан иборат бўлиши мумкин (Олтиарик, -сон+от);
- урғу фақат битта бўлиб, у иккинчи қисмнинг охириги бўғинига тушади;
- қўшма отлар, асосан, қўшиб ёки ажратиб ёзилади.

Жуфт отлар

- икки қисмдан иборат бўлиб, улар фақат бир хил сўз туркуми асосида ясалади (ака-ука, меҳр-муҳаббат);
- жуфт отларнинг ҳар бир қисмига алоҳида урғу тушади;
- жуфт отлар грамматик жиҳатидан тенг бўлади, улар бир-бирига тобе бўлмайди;
- жуфт отлар синоним сўзлардан (бахт-саодат), антонимлардан (кун-тун), бир-бирига яқин маъноли сўзлардан (ота-она) ясалиши мумкин;
- жуфт отлар қисмлари орасига чизиқча қўйилади (меҳр-муҳаббат, дўст-душман), агар қисмлар бириктирувчи боғловчи билан боғланса, чизиқча биринчи қисмдаги сўзга қўйилади (меҳр-у муҳаббат, дўст-у душман).

ҚИСҚАРТМА ОТЛАР

- тилшуносликда аббревиатуралар деб аталади ва улар фақат отлардан ҳосил бўлади.
Қисқартма отлар қуйидагича тузилади:
 - бир бутун ҳолда қўлланадиган отларнинг биринчи товушларидан олинади (БМТ, АҚШ, ХХР);
 - биринчи сўзнинг бош қисми, кейинги сўзларнинг эса биринчи товуши олинади (ЎзР, ТошМИ, ФарДУ);
 - сўзнинг бош қисмидан тузилади (Тошунивермаг, Тоштрам);
 - биринчи сўзнинг бош қисми, кейингиси бутунича олинади (автопойга, телерадиокомпания).

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Сўзларни туркумларга ажратишда ...
 - A. Уларнинг луғавий маънолари ҳисобга олинади.
 - B. Фонетик хусусиятлари олинади.
 - C. Луғавий маънолари ва морфологик хусусиятлари ҳисобга олинади.
 - D. Синтактик вазифалари ҳисобга олинади.
 - E. C, D.
2. Отга хос грамматик категориялар (кўрсаткичлар) қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
 - A. Замон, туланиш, майл, даража, миқдор.
 - B. Тусланиш, эгалик, турланиш, атоқли, турдош.
 - C. Аниқ, мавҳум, атоқли, турдош, ўтимлилик.
 - D. Турланиш, эгалик, аниқ, мавҳум, турдош, атоқли.
 - E. Атоқли, турдош, турланиш, эгалик, сон, нисбат.
3. Мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг ўзаро фарқи қайси жавобда тўғри берилган?
 - A. Мустақил сўзлар ҳам луғавий, ҳам грамматик маънога, ёрдамчи сўзлар фақат грамматик маънога эга бўлади.
 - B. Мустақил ва ёрдамчи сўзлар гап бўлаги вазифасида кела олади.
 - C. Мустақил сўзлар синтактик вазифа бажара олади, ёрдамчи сўзлар эса бундай хусусиятга эга эмас.
 - D. Мустақил сўзлар ёрдамчи сўзлардан фақат грамматик шаклларига кўра фарқланади.
 - E. A ва C жавоблари.
4. Қайси қаторда отга хос синтактик вазифа нотўғри кўрсатилган?
 - A. Фақат эга ва кесим вазифасида кела олади.
 - B. Ундалма вазифасида кела олмайди.
 - C. Тўлдирувчи, аниқловчи вазифасида кела олади.
 - D. Ҳол вазифасида кела олади.
 - E. A, B
5. Отнинг ўзига хос энг муҳим синтактик вазифаси нимадан иборат?
 - A. Эга B. Кесим C. Тўлдирувчи D. Аниқловчи E. Ҳол
6. От қайси сўз туркумлари билан бирика олади?

- А. Фақат сифат сон билан.
- В. Барча мустақил сўз туркумлари билан.
- С. Сифат, сон, олмошлар билан.
- Д. От, сифат, сон, феъллар билан.
- Е. Тўғри жавоб берилмаган.

7. Қайси қатордаги сўзлар фақат от сўз туркумига хос?

- А. Бирлик, тўлқин, хаваскор, учқун.
- В. Бирлашмоқ, ҳаяжонли, эрк, дарё.
- С. Паришон, дардкаш, бахтли, образ.
- Д. Достон, роман, ҳикоя, трагедия.
- Е. А, В, С.

8. Мавҳум от ясовчи қўшимчалар берилган қаторни аниқланг.

- А. –лик, -чилик, -изм, -параст, -парвар, -шунос.
- В. –лик, -чилик, -гарчилик, -лаштириш, -изм, -от, -ат.
- С. -чилик, -изм, -от, -ат, -ят, –лик, -ли.
- Д. –чи, -дор, -гарчилик, -лик, -лаштириш.
- Е. Бундай қўшимчалар берилмаган.

9. Жамловчи отлар берилган қаторни белгиланг.

- А. Халқ, армия, одамлар.
- В. Экипаж, команда, аъзолар.
- С. Полк, халқ, армия, бригада.
- Д. Халқ, армия, пода, кўпчилик.
- Е. А, В, С, D.

10. Фақат мавҳум отлар берилган қаторни белгиланг

- А. Бола, дафтар, автобус, қишлоқ.
- В. Ғалаба, уруш, ҳайвонот, ўсимлик, севинч.
- С. Бахт, севги, кулфат, идрок, ҳиссиёт.
- Д. Болалик, келажак, инсоният, одамлар.
- Е. Кулги, мақтанмоқ, меҳрибон, инсондўстлик.

11. Бир турдаги предметлардан бирининг ёки шу предметларнинг умумий номини билдиришга кўра отлар қандай турларга ажралади?

- А. Саналадиган ва саналмайдиган отлар.
- В. Киши ва нарса отлари.
- С. Аниқ, мавҳум, жамловчи отлар.
- Д. Якка ва жамловчи отлар.
- Е. Турдош ва атоқли отлар.

12. Қайси қатордаги отлар фақат бирликда қўлланилади?

- A. Мен, сен, у, одам.
- B. Бош, юрак, кўз, қулоқ.
- C. Ун, сув, тупроқ, тош.
- D. Дўстлик, ботир, пиёда, муҳаббат.
- E. Ўйин, мақсад, гул, ишқ, вафо.

13. Қўплик маъноси қайси қаторда морфологик йўл билан ҳосил қилинган?

- A. Бизга мунтазирдир минг-минг одамлар.
- B. Сизга термулади минг – минглаб кўзлар.
- C. Олимнинг уйида жавон-жавон китоб.
- D. Ҳар кўчада бир дунё бола.
- E. Мана сенга олам-олам гул.

14. Қайси қаторда *–лар* қўшимчаси ҳурмат маъносини ифодалайди?

- A. Бошларимга бир оғриқ кирди-ей!
- B. Ойимлар Абдулла Қаҳҳорнинг авлодидан бўладилар.
- C. Бундай қарасам, акамлар кириб келишяпти.
- D. Мен сизни севаман одамлар!
- E. C, D, E

15. Қўплик қўшимчаси қайси қаторда нарсанинг турини англатади?

- A. Дўконга ёғлар туширилди.
- B. Тошкентларни бир айланиб келмасаммикин?
- C. Бу йил олма дарахтларига зиён-заҳмат етмади.
- D. Аламлар абасдур, ғамлар ўткинчи.
- E. Муҳаббатнинг азоблари кўп экан.

16. Қайси услубда мавҳум отлар-лар қўшимчасини олади?

- A. Мавҳум отлар –лар қўшимчасини умуман қабул қилмайди.
- B. бадий услубда.
- C. публицистик услубда.
- D. сўзлашув услубида.
- E. расмий услубда.

17. Предметнинг учала шахсдан бирига қарашли эканлигини ифодаловчи аффикслар нима дейилади?

- A. Эгалик қўшимчалари.
- B. Тусловчи қўшимчалар.

- С. Турловчи қўшимчалар.
- Д. Шахс-сон қўшимчалари.
- Е. Сўз ясовчи қўшимчалар.

18. Қайси отларга III шахс кўпликдаги эгалик қўшимчалари қўшилган?

- А. Баҳоси, отаси.
- В. Баҳомиз, отамиз.
- С. Баҳонгиз, отангиз.
- Д. Баҳоларингиз, оталарингиз.
- Е. Баҳоларимиз, оталаримиз.

19. Эгалик қўшимчаси қўшилиши билан қайси қатордаги сўзларда товуш тушиши юз берган?

- А. Улғайиш, пасаймоқ, сусаймоқ.
- В. Ўрни, бурни, захри.
- С. Бағри, ўйна, қувна.
- Д. А, В, С.
- Е. А. В.

20. Эгалик қўшимчаси қўшилгач, ўзакда қандай ўзгаришлар юз бериши мумкин?

- А. Товуш тушади.
- В. Товуш тушади, алмашинади, орттирилади.
- С. Фақат товуш алмашинади.
- Д. Товуш тушади ва алмашинади.
- Е. Ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди.

21. Қайси қатордаги сўзларда эгалик қўшимчаси қўшилиши билан товуш тушиш ҳодисаси юз беради?

- А. Ўрин, заҳар, бағир.
- В. Кўнгил, сингил, юқори.
- С. Идрок, парк, уфқ.
- Д. Қўғирчоқ, сўроқ, иштирок.
- Е. Бундай сўзлар берилмаган.

22. Турловчи қўшимчалар аффиксларнинг қайси турига киради?

- А. Сўз ўзгартувчи.
- В. Сўз ясовчи.
- С. Шакл ҳосил қилувчи.
- Д. Тусловчи.
- Е. Шахс – сон.

23. Ўзбек тилида отлардан ташқари яна қандай сўзлар турланиши мумкин?
- А. Фақат отлар турланади.
 - В. Сон, олмошлар.
 - С. Сифат, сон, олмош, ундов, тақлид сўзлар.
 - Д. Олмош ва отлашган сўзлар.
 - Е. Сифатлар ва феъллар.
24. Қаратқич келишигини олган отдан сўнг келган сўзда қайси қўшимчанинг бўлиши шарт?
- А. Ҳеч қандай келишиқ қўшимчасининг бўлиши шарт эмас.
 - В. Шахс-сон қўшимчаси.
 - С. Сўз ясовчи қўшимчаларидан бири.
 - Д. Кўплик қўшимчаси.
 - Е. Эгалик қўшимчаси.
25. Сўз ўзгартувчи қўшимчаларини олган сўзлар қаторини топинг.
- А. Уканг, отаси, келган.
 - В. Дўстимга, мактабдош, югурдим.
 - С. Дўстлик, ўлкамиз, дарахтни.
 - Д. Гулларга, кўчалар, китобим.
 - Е. Вафосиз, ўқидингиз, хатойим.
26. Турловчи қўшимчалар берилган қаторни аниқланг.
- А. –ган, -б, -гач, -гани.
 - В. –ш, -ил, -ни, -нинг, -га.
 - С. –га, -дан, -нинг, -тин.
 - Д. –а, -на, -ли, -нинг.
 - Е. С, Д.
27. От билан от, одатда, қайси келишиқ орқали бирикади?
- А. Тушум.
 - В. Бош.
 - С. Тушум, от, қаратқич.
 - Д. Фақат қаратқич.
 - Е. Чиқиш ва ўрин-пайт.
28. Қайси келишиқ –им шаклида ҳам қўлланилиши мумкин?
- А. Қаратқич.
 - В. Тушум.
 - С. Жўналиш.
 - Д. Чиқиш.

Е. Ўрин-пайт.

29. Қайси келишиқ қўшимчалари қисқарған ҳолда ҳам қўлланилиши мумкин?

- А. Тушум ва қаратқич.
- В. Фақат тушум.
- С. Қаратқич, ўрин-пайт, чиқиш.
- Д. Тушум, қаратқич, жўналиш.
- Е. Фақат қаратқич.

30. Қайси келишиқ қўшимчалари архаик шаклга ҳам эга?

- А. Фақат жўналиш.
- В. Жўналиш, ўрин-пайт.
- С. Чиқиш, тушум.
- Д. Ўрин-пайт, қаратқич, тушум.
- Е. Фақат қаратқич.

31. Қайси келишиқ қўшимчаларида ўзгариш юз бериши мумкин?

- А. Жўналиш ва тушум.
- В. Фақат жўналиш.
- С. Жўналиш ва чиқиш.
- Д. Қаратқич ва тушум.
- Е. Фақат қаратқич.

32. Агар қаратқич ва қаралмиш орасида сифатловчи қўлланилса, улар.....

- А. Белгили қўлланилади.
- В. Белгисиз қўлланилади.
- С. Қисқарған ҳолда қўлланилади.
- Д. Қаратқич ва қаралмиш орасида сифатловчи қўлланилмайди.
- Е. Эгалиқ қўшимчаларидан бирини олган ҳолда қўлланилади.

33. Қайси ҳукм тўғри?

Эгалиқ қўшимчасини олган от ...

- А. Фақат бош келишиқдаги отлар билан бирикиши мумкин.
- В. Бош ва қаратқич келишиғидаги отлар билан бирикиши мумкин.
- С. Фақат қаратқич келишиғидаги отлар билан бирикиши мумкин
- Д. Тушум, ўрин-пайт келишиғидаги отлар билан бирикиши мумкин.
- Е. Барча келишиқдаги отлар билан бирикиши мумкин.

34. Тушум келишиги кўпроқ қайси ҳолда белгисиз қўлланилиши мумкин?
- A. Агар у турдош отга қўшилса.
 - B. Агар у атоқли отларга қўшилса.
 - C. От, олмош, отлашган сўзларга қўшилса.
 - D. Агар у жонсиз предметларни англатувчи отларга қўшилса.
 - E. A, B.
35. Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизорди гул уётгин анжуманда. (Лутфий)
Ушбу байтда қайси келишик кўшимчалари белгисиз қўлланилган?
- A. Фақат чиқиш келишиги.
 - B. Чиқиш ва тушум келишиклари.
 - C. Чиқиш ва қаратқич келишиклари.
 - D. Қаратқич келишиги.
 - E. A, B.
36. Келишик кўшимчаларининг қисқарган шаклда ёки архаик вариантыни қўллаш қайси услубларга хос?
- A. Сўзлашув ва публицистик.
 - B. Сўзлашув ва бадий.
 - C. Бадий.
 - D. Бадий ва илмий.
 - E. Сўзлашув, бадий ва публицистик.
37. Сўзлашув услубида кўпроқ қайси келишиклар ўрнини алмаштириб қўллаш одат бўлган?
- A. Жўналиш ва ўрин-пайт.
 - B. Қаратқич ва тушум.
 - C. Тушум ва чиқиш.
 - D. Тушум ва ўрин-пайт.
 - E. Қаратқич ва тушум.
38. Қайси қаторда жўналиш келишиги ўрнида ўрин-пайт келишигини қўллаш мумкин?
- A. Аниқроқ гапиринг, фикрингизга тушунолмаёпман.
 - B. Биз цирк биноти олдида тўпландик.
 - C. Зокирни онаси ишга жўнаб кетди.
 - D. Дўстларнинг кетадиган кетиб, қоладигани қолди.
 - E. Кишига зебу зийнат илм ва ҳунардур.

39. Қайси келишиклар ўрнида кўмакчиларни синоним сифатида қўллаш мумкин?
- А. Фақат жўналиш келишигини.
 - В. Жўналиш, чиқиш келишикларини.
 - С. Жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишикларини.
 - Д. Тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишикларини.
 - Е. Бош ва жўналиш келишикларини.
40. Бошидан ўтганларини сўзлаб берди-бошдан ўтганлар ҳақида сўзлаб берди. Берилган гапларда қандай грамматик ҳолатни кузатиш мумкин?
- А. Лексик синонимия.
 - В. Этимологик синонимия.
 - С. Морфологик синонимия.
 - Д. Синтактик синонимия.
 - Е. Услубий синонимия.
41. От ясовчи қўшимчалар қандай турларга бўлинади?
- А. Сўз ясовчи ва сўз ўзгартувчи.
 - В. Эгалик, келишик қўшимчалари.
 - С. Шахс, нарс-буюм, ўрин-жой отини ясовчи қўшимчалар.
 - Д. Жонли ва жонсиз нарсалар, киши исмлари отларини ясовчи қўшимчалар.
 - Е. Шахс ўрин-жой отини ясовчи, нарс-буюм ва мавҳум от ясовчи қўшимчалар.
42. Қайси қаторда шахс отини ясовчи қўшимчалар берилган?
- А. –парвар, -дўст, -хон, -хур, -лоқ
 - В. –симон, -сира, -шунос, -паз
 - С. –чи, -каш, -кор, -вачча, -боз (-воз)
 - Д. –чи, -лик, -чилик, -гар, -дон
 - Е. –хур, -хон, -дўз, -паз, -са, -а
43. Ясама от берилган жавобни аниқланг.
- А. Шарилламоқ.
 - В. Сизлаш.
 - С. Жизза.
 - Д. Манмансирамоқ.
 - Е. Восвос.

44. Қайси қатордаги сўзда нарсa-буюм отини ясовчи қўшимча мавжуд?
- А. Каркидон, илон, эшелон.
 - В. Ўчирғич, кескир, туздон, кулги.
 - С. Қувонч, севинч, севги.
 - Д. Тўплам, қиринди, элак.
 - Е. Ютук, булок, кўрсаткич.
45. Фақат феълдан ясалган отлар қаторини белгиланг.
- А. Оқла, сансира, кўзла.
 - В. Тепки, ўчирғич, супурги.
 - С. Сизламоқ, қийналмоқ, чертки.
 - Д. Англамоқ, яша, яшармоқ.
 - Е. Савагич, кўрсаткич, қийналган.
46. Тақлид сўзлардан ясалган отларни аниқланг.
- А. Хуррак, ғуррак.
 - В. Дағдаға, восвос.
 - С. Шарилла, гувилламоқ.
 - Д. Хирингламоқ, инграмоқ.
 - Е. Тақлид сўзлардан отлар ясалмайди.
47. Қўшма отларни жуфт отлардан ажратиб турувчи энг асосий фарқ нимада?
- А. Уларнинг ёзилишида.
 - В. Қисмларнинг урғу олиш – олмаслигида.
 - С. Бир ёки икки тушунчани ифодалашида.
 - Д. Грамматик қурилишида
 - Е. А, В, С, D
48. Қўшма отларнинг асосий қисми қай тарзда ёзилади?
- А. Қўшиб ёки ажратиб.
 - В. Қўшиб, ажратиб, чизикча билан.
 - С. Қўшиб.
 - Д. Фақат ажратиб.
 - Е. Фақат чизикча билан.
49. Жуфт отлар грамматик жиҳатдан қандай тузилади?
- А. Бир-бирига тенг боғланади.
 - В. Тобе боғланади.
 - С. Мантиқан боғланади.
 - Д. Оҳанг жиҳатидан боғланади.
 - Е. Чизикча билан боғланади.

50. Қисқартма отлар тилшуносликда қандай термин билан аталади?

- А. Полисемия.
- В. Топонизм.
- С. Экзотизм.
- Д. Эвфемизм.
- Е. Аббревиатура.

СИФАТ

Нималарни билишингиз керак?

- *сифатларнинг асосий морфологик ва синтактик белгилари;*
- *сифат даражалари;*
- *сифатларнинг отлашуви;*
- *сифатларнинг ясалиши.*

Сифатлар предмет, ҳолат ва воқеа-ҳодисанинг белги-хусусиятини билдиради.

Сифатнинг ўзига хос асосий синтактик вазифаси гапда аниқловчи вазифасини бажаришидир. Отлашган тақдирда эса барча гап бўлаги вазифаси кела олади.

Сифатнинг асосий морфологик хусусияти шундан иборатки, у туб ва ясама ҳамда даражага эга бўлади, айрим жиҳатлари билан равишга ўхшаб кетади.

УНУТМАНГ!

- Сифат ва равишларнинг асосий фарқи шундаки, сифат предмет белгисини ифодаласа, равиш ҳаракат белгисини билдиради;
- Сифат гапда аниқловчи, равиш эса ҳол вазифасида келади.

СИФАТЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ

1. Ранг-тус билдирувчи сифатлар.

Предметларнинг хилма-хил ранг ва бўёқларини ифодалайди. Бироқ тилимизнинг луғат таркибидаги сўзларнинг барчаси рангларнинг нозик қирралари, фарқларини ифодалашга қодир эмас.

Шу боисдан ана шу нозик томонларни ифодалашда ясама, кўшма сўзлардан фойдаланамиз: ҳаво ранг, мош ранг, тилла ранг, қовоқ ранг

2. Характер, хил-хусусият билдирувчи сифатлар.

Булар кўпроқ инсон, ҳайвонлар характер-хусусиятлари билан боғлиқдир. Улар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин: сахий-баҳил, ишёқмас-заҳматкаш, ёлғончи-ростгўй, чакқон-ланж, бўш, мўмин, қобил-шум, безори ва ҳ.к.

3. Маза-таъм билдирувчи сифатлар.

Бу сифатлар, асосан, озиқ-овқатлар, мева сабзавотларнинг таъмини ифодалайди: *ширин, аччиқ, нордон, лаззатли* ва ҳ.к.

4. Шакл-ҳажм, ўлчов билдирувчи сифатлар.

Булар предметларнинг турли кўринишлари, ички ва ташқи шакллари, уларнинг ҳажмларини ифодалайди: *катта, эгри, узунчоқ, юмалоқ, қийшиқ, ориқ, семиз* ва ҳ.к.

5. Ҳолат билдирувчи сифатлар.

Бу сифатлар кўпроқ инсон ва ҳайвонларнинг табиий, жисмоний ва руҳий белгиларини, предметларнинг турлича ҳолатларини ифодалайди: *гўзал, чўлоқ, дудуқ, ҳурсанд, ланж, гамгин, тажсанг, мусаффо, хом, гўр, осуда, гижим, гавжум* ва ҳ.к.

6. Ҳид билдирувчи сифатлар.

Предметнинг ҳидини ифодалаш учун хизмат қилади: *хушбўй, муаттар, ифор, қўланса, бадбўй* ва ҳ.к.

7. Ўрин-пайтга муносабат билдирувчи сифатлар.

Бу сифатлар, асосан, -ги, -ки, -даги қўшимчалари билан ясалиб, предметнинг макон ва замонга муносабатини ифодалайди: *кечки, кузги, ташқаридаги, кечаги* ва ҳ.к.

АСЛИЙ ВА НИСБИЙ СИФАТЛАР

Аслий сифатлар предмет белгисини тўғридан-тўғри кўрсатади ва улар сифат+от шаклида бўлади: *гўзал қиз, ширин олма, катта йигит* каби.

Аслий сифатлар даражалана олади: *катта бола, каттароқ бола, энг катта бола, кап-катта бола.*

Нисбий сифатлар предмет белгисини бошқа предметга муносабати асосида кўрсатади, улар эса асосан от+сифат шаклида

бўлиб, ясама сифатлар ҳисобланади: **Тоғлик қиз, деворий соат, кузги бугдой** каби.

Нисбий сифатлар даража қўшимчаларини қабул қила оламайди.

Сифат даражалари

Предметдаги белгиларнинг ортиқ-камлиги жиҳатидан фарқланиши **сифат даражалари** ҳисобланади.

Орттирма даража предмет белгисининг меъёрдан юқори, ортиқлигини англатади ва тўрт хил йўл билан ҳосил қилинади.

- *морфологик усулда* ўзакдаги дастлабки икки товуш ажратиб олиниб, уларга п, м, с товушлари қўшилади ва ёпиқ бўғин ҳосил қилинади (кўм-кўк, қип-қизил, сап-сарик) ё бўлмаса, биринчи бўғин ажратиб олиниб, унга –па шакли қўшилади: тўппа-тўғри, дуппа-дуруст, куппа-кундуз

- *лексик усулда* эса бу даража махсус сўзлар ёрдамида ҳосил қилинади: энг, ғоят, ниҳоят, жуда, жикқа, ғирт, тим, нақ ва ҳ.к.

- *лексик- семантик усулда* маънони кучайтириш учун бошқа туркумдаги сўзлар (асосан отлар) ишлатилади: асал қовун, шакар қиз, латта одам, олов бола, тулки одам ва ҳ.к.

- *фонетик усул* фақат оғзаки нутққа хос бўлиб, у ёзувда деярли ифодаланмайди. Бунда сўзнинг кўпинча иккинчи бўғинидаги унли товуш чўзилиб талаффуз қилинади (чуқуур ҳовуз, бала-а-анд бино, хоро-о-об қишлоқ) ёки сўздаги ундош товуш иккилантирилади (юмшшоқ кресло, мацца, тиррик) каби.

Озайтирма даража. Предметдаги белгининг меъёрдан пастлигини ифодалайди ва қуйидаги усуллар билан ҳосил қилинади:

- *морфологик усул* қўшимчалар ёрдамида даража ҳосил қилиш демакдир: -мтир (-имтир), -иш, -ғиш (қорамтир, кўкимтир, кўкиш, қизғиш);

- *лексик усул* деганда, сўзлар ёрдамида даража ҳосил қилишни тушунамиз: ним, оч, хиёл, сал, айтарли, унчалик, ярим

Қиёсий даражада икки ёки ундан ортиқ предмет белгиси бири-бирига қиёсланади. Бу даража, асосан –**роқ** қўшимчаси, шунингдек, **бири-биридан, кундан-кун, йилдан-йил** каби такрорий сўзлар ёрдамида ҳосил қилинади:

Сифатлардаги даража ҳосил қилувчи қўшимчалар шакл ҳосил қилувчи қўшимчалар сирасига киради.

СИФАТЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Қуйидаги қўшимчалар морфологик йўл билан сифат ясайди:

а) Отдан сифат ясовчи кўшимчалар: **-ли** (мазали, ақлли), **-сиз** (ақлсиз), **-чан** (кўнгилчан, ишчан), **-чил** (дардчил, эпчил), **-симон** (тухумсимон), шунингдек форс-тожик тилидан ўтган ва ўзак олдидан кўшилувчи кўшимчалар **ба-, бо-, бе-, сер-, бад-, -хуш, -пур** (беъмани, бадавлат, пурмаъно, бадахлоқ);

б) Феълдан сифат ясовчи кўшимчалар: **-к (-ик, -ук, -ук)** (илиқ, чанқоқ, тиниқ, порлоқ, юмуқ, бузуқ), **-қоқ, -ғоқ**, (урушқоқ, тиришқоқ, тойғоқ, ботқоқ), **-кир, -гир, -кур, -қир, -гир** (кескир, олғир, учкур, топқир), **-ма** (ёзма, айланма);

с) Таклид сўзлардан сифат ясовчи кўшимчалар: **-илдоқ** (дўрилдоқ, чийилдоқ)

Синтактик йўл билан кўшма ва жуфт сифатлар ясалади.

Кўшма сифатлар қуйидагича ясалади

- от ва отдан (бундай кўшма сифатлар ажратиб ёзилади): бодом қовоқ, қўй кўз, ҳаво ранг;
- от+сифат ёки сифат+от шаклида: муштумзўр, совуққон, хушмуомала, қимматбаҳо, софдил;
- от ва –ар кўшимчали сифатдош, –аро сўзлари ёрдамида: эркесвар, латтачайнар, бетгачопар, халқаро;
- сифат+сифат шаклида: олачипор, қорақизил ва ҳ.к.

Жуфт сифатлар икки сифатнинг тенг боғланишидан ясалади:

- антоним сўзлардан: оқ-қора, аччиқ-чучук, иссиқ-совуқ;
- синоним сўзлардан: оч-яланқоч, эгри-бугри, қинғир-қийшиқ;

СИФАТЛАРНИНГ ОТЛАШУВИ

Сифатларда сифатловчи сифатланмиш билан бирга қўлланилади. *Гўзал ўлка* бирикмасида гўзал сифатловчи бўлса, ўлка-сифатланмиш ҳисобланади. Агар сифатланмиш гапда қўлланилмаса унинг вазифаси сифатловчига ўтади: яхши одамлар-яхшилар. Отлашган сифатлар кўпинча мақолларда учрайди: Мард бир ўлади, номард – минг. Яхши билан юрдинг – етдинг муродга, ёмон билан юрдинг – қолдинг уятга.

Сифатлар отлашса, улар отга хос барча грамматик хусусиятларга эга бўлади:

- отга хос эгалик, кўплик кўшимчаларини қабул қилади: Мардларимиз кўп;
- Турланади: Мардларга эргашинг.
- Отга хос барча гап бўлаклари вазифасида келади.
- Сифатлардан ташқари сон, олмош, сифатдош, равиш, ундов, таклид сўзлар ҳам отлашади.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Сифатларнинг ўзига хос морфологик хусусиятлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

А. Сифатлар даражаланиш хусусиятига эга.

В. Сифат аниқловчилар ўзларининг сифатланмишлари билан сонда мослашмайди.

С. Сифатлар содда ва қўшма бўлади.

Д. А, С.

Е. Барча жавоблар тўғри.

2. Ушбу сўзларнинг қайси бири сифат сўз туркумига хос?

А. Сузма, ясама, бузма.

В. Ўсма, бостирма, кўчма.

С. Қазилма, бурама, сочма.

Д. Қайнатма, кўрсатма, буюртма.

Е. Сурма, тугма, қоришма.

3. Ўрин ва пайтга муносабат билдирувчи сифатларни топинг.

А. Тонгги, кечки, уйдаги, кейинги, чуқур.

В. Аввалги, қишки, ёзги, кўчадаги, кечки.

С. Кузги, кенг, тор, йирик, кичик, катта.

Д. Қийшиқ, қинғир, қўланса, олис.

Е. Нордон, узунчоқ, думалоқ, дўнг

4. Предметнинг хусусиятини билдирувчи сифатлар берилган қаторни белгиланг.

А. Айёр, писмиқ, такасалтанг, қопоғич.

В. Кечаги, туртки, чопқи, кескир.

С. Деворий, тонгги, хушбўй.

Д. Камтарин, мақтанчоқ, керилган.

Е. А, Д.

5. Ҳолат билдирувчи сифатлар қайси қаторда кўрсатилган?

А. Гўзал, чўлоқ, соқов, чўчимоқ, букри.

В. Кекса, тетик, бақувват, ёш, қари, ожиз.

С. Илиқ, совуқ, илмилик, янги, эски.

Д. В, С.

Е. А, В, С.

6. Ташқаридан кимларнингдир гунгир-гунгир овози келарди.

Ушбу гапдаги сифатни аниқланг.

А. Ташқаридан.

В. Кимларнингдир.

- С. Гунгир – гунгир.
- Д. Овози.
- Е. Бу гапда сифат қатнашмаган.

7. Сифат гапда кўпроқ қайси гап бўлаги вазифасида келиши мумкин?

- А. Аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол.
- В. Аниқловчи, кесим.
- С. Эга, кесим.
- Д. Аниқловчи, тўлдирувчи, кесим.
- Е. Сифат гапда асосан фақат аниқловчи вазифасида келади.

8. Сифатнинг ўзига хос бош синтактик вазифаси қайси?

- А. Эга. В. Кесим. С. Аниқловчи. Д. Тўлдирувчи, кесим. Е. Ҳол.

9. Гапда кесим вазифасида келган сифатни аниқланг.

- А. Чумчукдан кўрққан тариқ экмас.
- В. Аввал қиладиган ишингни яхшироқ ўйла, кейин унга кириш.
- С. Олисдан табиат гўзалроқ кўринади.
- Д. Мана бу гапинг менга жуда маъқул, ўғлим.
- Е. Бундай гап берилмаган.

10. Қуйидаги берилган гапнинг маъно турини аниқланг.

Мана, ғамгин онлар ҳам орқада қолди, болам.

- А. Хил – хусусият.
- В. Ҳолат.
- С. Шакл.
- Д. Руҳият.
- Е. Кўриниш.

11. Кўзлари коп-қора, мунис ва, энг муҳими, чароғон эди.

Ушбу гапдаги сифатнинг синтактик вазифасини аниқланг.

- А. Аниқловчи, кесим.
- В. Фақат аниқловчи.
- С. Аниқловчи ва ҳол.
- Д. Кесим.
- Е. Тўлдирувчи ва аниқловчи.

12. Бугунги ишни эртага қўйма.

Ушбу гапдаги сифатнинг қандай маъно ифодаляётганини аниқланг.

- А. Пайтга кўра муносабатни.

- В. Фақат предмет хусусиятини.
- С. Бу гапда сифат иштирок этмаган.
- Д. Хил – хусусиятни.
- Е. Сифат қатнашмаган

13. Сифат ўрнида қўлланган сўзларни белгиланг.

- А. Мардона инсон, қаҳрамон йигитлар.
- В. Темир дарвоза, мрамор ҳайкал.
- С. Бир оғиз гап, муҳаббатли аёл.
- Д. А, В.
- Е. А, В, С.

14. Сифат ўрнида қўлланган от қайси гапда берилган?

- А. Ажаб, шу ёғоч оёғи билан Мересев ҳам келибди-я!
- В. Отнинг яхшиси улоқда билинади.
- С. Қизларнинг энг кичиги Маъмура эди.
- Д. Биз Тошкентда фарғонача рақсга тушдик.
- Е. Бундай гап берилмаган.

15. Аслий сифатлар таърифи қайси қаторда тўғри изоҳланган?

- А. Белгининг ҳаддан ташқари камлигини кўрсатувчи сифатлар.
- В. Предмет белгисини бошқа предметларга муносабати асосида кўрсатувчи сифатлар.
- С. Предмет белгисини тўғридан-тўғри кўрсатувчи сифатлар.
- Д. Ясовчи қўшимчалар билан ясалган сифатлар.
- Е. Белгининг меъёрдан ортиқлигини кўрсатувчи сифатлар.

16. Нисбий сифатлар берилган қаторни аниқланг.

- А. Ширин олма, гўзал қиз.
- В. Ёзги каникул, деворий соат.
- С. Тошкентлик йигит, баланд девор.
- Д. Каттароқ бино, сарғимтир барг.
- Е. Нисбий сифат берилмаган.

17. Бирам ширинтой болаки

Ушбу гаптаги сифат даражаси ва уни ҳосил қилган воситани аниқланг.

- А. Орттирма, фонетик восита.
- В. Орттирма, лексик восита.
- С. Қиёсий, лексик восита.
- Д. Орттирма, лексик-семантик восита.
- Е. Даража ифодаланмаган.

18. *Баланд бино, чуқур ҳовуз, ҳароб қишлоқ* каби сифатлардаги иккинчи бўғинни чўзикроқ талаффуз этиб, орттирма даража ҳосил қилиш қандай усул ҳисобланади?

- А. Фонетик.
- В. Лексик.
- С. Лексик-семантик.
- Д. Фонетик-лексик.
- Е. Морфологик усул.

19. *Заҳар қалампир, олов йигит, асал қовун, тулки одам* бирикмаларидаги сифат даражаси ва уни ҳосил қилган воситани аниқланг.

- А. Орттирма, лексик-семантик усул.
- В. Орттирма, лексик усул.
- С. Орттирма, морфологик усул.
- Д. Орттирма, морфологик, лексик усул.
- Е. Даража ифодаланмаган.

20. Сифатларнинг орттирма даражаси фонетик усули ёзувда қандай ифодаланади?

- А. Ундош товушларни қўшалок келтириш орқали.
- В. Унли товушларни чўзиб талаффуз қилиш орқали.
- С. Унли ва ундош товушларни қўшалок ёзиш орқали.
- Д. Фонетик усул ёзувда (адабий орфографияда) ифодаланмайди.
- Е. Ўзакларда ўзгариш ясаш орқали.

21. *Халқимиз не-не аччиқ кунларни бошидан кечирмади.* Гапдаги сифат даражаси ва даража воситасини аниқланг.

- А. Орттирма, лексик восита.
- В. Орттирма, лексик-семантик восита.
- С. Қиёсий, лексик восита.
- Д. Орттирма, лексик-морфологик восита.
- Е. Даража ифодаланмаган.

22. *Ҳовлида бири-биридан ширин, чиройли қизчалар тўп ўйнашарди.*

- А. Орттирма, лексик восита.
- В. Қиёсий, лексик восита.
- С. Лексик-морфологик восита.
- Д. Орттирма, фонетик восита.
- Е. Даража ифодаланмаган.

23. Орттирма ва озайтирма сифатлар тузилишига кўра қандай сифатлар ҳисобланади?

- A. Туб, содда сифатлар.
- B. Ясама, содда сифатлар.
- C. Ясама қўшма сифатлар.
- D. Туб, ясама сифатлар.
- E. Мураккаб, қўшма сифатлар.

24. Ёшлигимда ҳам латта бола эдим, жиян.

Сифат даражасини аниқланг.

- A. Оддий даража.
- B. Гапда сифат қатнашмаган.
- C. Орттирма даража (лексик-семантик усул).
- D. Қиёсий (лексик усул).
- E. Қайси даражада эканлиги контекстда (гапда) урғу ёрдамида аниқланади.

25. “Оппоқ” сўзи тарихан қандай шаклланган?

- A. “Оббоқ” (оқимтир) сўзидан келиб чиққан.
- B. Қадимдан “оппоқ” шаклига эга бўлган.
- C. “Овоқ” (оқиш) сўзидан келиб чиққан.
- D. “Об” ва “оқ” сўзлари асосида шаклланган.
- E. Бу сўзнинг этимологияси ҳали аниқланмаган.

26. Сифатлар қай тарзда отлашади?

- A. Агар қаратқичдан сўнг қаралмиш қўлланилмаса.
- B. Агар сифатловчидан сўнг сифатланмиш қўлланилмаса.
- C. Сифатловчи сифатланмишдан кейин келса.
- D. Қаратқич қаралмишдан кейин келса.
- E. Сифатловчидан аввал сон қўлланилса.

27. Сифатдан бошқа яна қайси сўз туркумлари отлашуви мумкин?

- A. Фақат сифат.
- B. Сифат ва сон.
- C. Сифат, сон, олмош, равиш, ундов ва тақлид сўзлар.
- D. Сифатдош.
- E. C, D.

28. Отлашган сифат қайси қатордага гапда қатнашган?

- A. Ҳамма нарса гўзал кўринар менга.
- B. Мен сизга бир дилкаш қўшиқ айтиб берай.

- С. Чумчукдан кўрққан тарик эмас.
- Д. Улуғларга сиғинмоқ керак.
- Е. Оқар дарё оқаверади.

29. Отлашган сифатлар қайси қўшимчаларни қабул қилмайди?
Гапдаги отлашган сифатнинг синтактик вазифаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Сўз ясовчи қўшимчаларни.
- В. Сўз ўзгартувчи қўшимчаларни.
- С. Кўплик қўшимчаларини.
- Д. Турловчи қўшимчаларни.
- Е. Отлашган сифатлар барча қўшимчаларни қабул қила олади.

30. Исмоил Бухорий фозилларнинг фозили эди.

- А. Эга.
- В. Аниқловчи, кесим.
- С. Аниқловчи, тўлдирувчи.
- Д. Тўлдирувчи, кесим.
- Е. Гапда отлашган сифат иштирок этмаган.

31. Сифатлар асосан қайси сўз туркумларидан ясалади?

- А. Барча сўз туркумларидан.
- В. Асосан, сифат ва отдан.
- С. От ва феълдан.
- Д. От, таклид ва ундов сўзлардан.
- Е. От, сифат, равиш, модал сўзлардан.

32. Қайси қаторда ясама сифат берилган?

- А. Аччиқ, қаттиқ, иссиқ.
- В. Ҳурматли, беибо, инграган.
- С. Ўқиётган, оқар, қайтар.
- Д. Айтмас, қайтмас, кулаётган.
- Е. Ясама сифат берилмаган.

33. Тилимизга форс-тожик тилидан ўзлашган олд қўшимчалар қайси сўз туркумларидан сифат ясайди?

- А. Олд қўшимчалар фақат феълдан.
- В. Фақат отдан.
- С. Фақат сифатдан.
- Д. Сифат ва равишдан.
- Е. Феъл ва равишдан.

34. Қийшиқ, очик сўзларидаги қўшимчалар қайси сўз туркумидан қандай сўзларни ясаган?

- А. Булар туб сўзлардир.
- В. Сифатдан феъл ясалган.
- С. Сифат феълдан ясалган.
- Д. Феълдан равиш ясалган.
- Е. Феълдан сифат ва равиш ясалган.

35. Феълдан сифат ясовчи қўшимчалар қаторини топинг.

- А. – ий, - вий, - манд, -роқ
- В. – ли, -сиз, бе -, ба-, бо-
- С. –чак, - чиқ, - чок, - гир
- Д. – дор, - кор, - ма, - симон
- Е. Феълдан сифат ясалмайди.

36. Қайси қатордаги сифат ясовчи қўшимчалар ўзаро синоним ҳисобланади?

- А. -бе-, ба -, бо-
- В. -ли, - дор, сер-
- С. -сиз, бе -, ба -, - дор
- Д. -ий, - вий
- Е. -ий, - вий, - ли

37. Қайси қатордаги қўшимчалар сифат ясаши мумкин?

- А. – паз
- В. – ла
- С. – лик
- Д. – ш
- Е. Бундай қўшимча берилмаган

38. Нарса-буюмнинг пайтга ҳослигини ифодаловчи сифат ясовчи қўшимча қайси жавобда кўрсатилган?

- А. -ки
- В. -ий
- С. -вий
- Д. -ли
- Е. -симон

39. Туб сифат берилган жавобни аниқланг.

- А. Аччиқ.
- В. Самимий.
- С. Оммавий.

D. A, C.

E. A, B, C.

40. Қўшма сифат берилган қаторни аниқланг.

A. Шифокор.

B. Ватанпарвар.

C. Латтачайнар.

D. Бетгачопар.

E. C, D.

СОН

Сон предметнинг миқдорини, унинг санокдаги тартибини ифодалайди.

Соннинг асосий морфологик хусусиятлари қуйидагилардир:

- бошқа сўз туркумларидан сонларни ясаб бўлмайди, аммо соннинг ўзидан бошқа сўз туркумларини, масалан, от (бирлик, юзталиқ), феъл (бирлаш, бирик) ни яшаш мумкин;
- сонларни ёлғиз ҳолда қўллаганимизда, аниқ бир тушунчани англай олмаймиз. Масалан, “китоб” деганимизда, кўз ўнгимизда ўқув қуроли гадаланади, аммо “уч, йигирма бир” сўзларининг ўзи биз учун мавҳум бўлиб қолаверади;
- Сўз ўзгартувчи қўшимчалар соннинг ҳамма турига ҳам қўшилавермайди;
- сонлар сифат, сифатдош, олмош, равиш, ундов ва тақлид сўзлар каби отлашиш хусусиятига эга;
- сонлар ҳисоб сўзлар (нумеративлар) билан бирга қўлланила олади.

Соннинг синтактик хусусиятлари:

- гапда, асосан, аниқловчи, баъзан кесим, ҳол, отлашган тақдирда эса эга, тўлдирувчи, ундалма ҳам бўлиб кела олади;
- сонлар ҳеч қачон белги ифодаловчи сўзларни, яъни аниқловчиларни ўзига тобе қилиб келолмайди.

Ўзбек тилида фаол қўлланувчи 23 та сон мавжуд, улар сўзлар билан ҳам араб ва рим рақамлари билан ҳам ифодаланади: бир, икки,

уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, ўттиз, қирк, эллик, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг, миллион, миллиард, триллион.

- Бу сонлар орасида “**бир**” сўзи “**танҳо**”, “**якка**”, “**ягона**”, “**ёлғиз**” каби сўзлар билан “**икки**” сўзи эса “**қўш**” сўзи билан синоним бўла олади.

- Сонлар кўпинча аниқловчи билан биргаликда отнинг аниқловчиси вазифасида келиши мумкин, бу ҳолатда аввал сон, кейин эса сифат келади: *учта ширин олма*.

СОННИНГ МАЪНО ЖИҲАТИДАН ТУРЛАРИ

Сонлар луғавий маъноси ва грамматик хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Микдор (санок) сонлар.

2. Тартиб сонлар

Микдор сонлар қуйидаги турларга ажралади:

1. **Дона сонлар** предмет микдорини санаш орқали ифодалайди.

- дона сонларни ҳосил қилувчи – та қўшимчаси ҳеч вақт кўплик қўшимчасини қабул қилмайди;

- “бир” сонига **-та** қўшимчаси қўшилиши билан **р** товуши **т** товушига айланади: бирта эмас, **битта**;

- - та қўшимчаси ҳеч қачон урғу олмайди;

- “бир” сони микдор маъносидан ташқари ўнлаб луғавий маъноларни англатади;

- **гумон, ноаниқлик** маъносини ифодалайди: *Пастда сизни бир киши кутиб турибди.*

- **чегаралов** маъносини англатади: *Тўйимизга ҳамма келди, чет элга кетган бир амакилар йўқ эдилар, холос;*

- **такрор ҳолда қўлланилиб, ҳаракатнинг қай тарзда бажарилганлигини билдиради:** *Фашистлар ҳар куни партизанларни қидириб, уйларни бир – бир кўздан кечириб чиқишарди;*

- **ўзи боғланган сўз билан такрорланиб, айирув боғловчиси вазифасини бажаради:** *Қизиқ, бир куласиз, бир йиғлайсиз;*

- **феълга боғланиб, унинг маъносини кучайтиради:** *Бошимга бир оғриқ кирди-ей!;*

- **кесим вазифасида келиб, предметнинг бир хиллигини англатади:** *Дунёдаги барча халқларнинг мақсадлари бир: терроризмга қарши курашиш;*

- бирор иш-ҳаракатнинг бажарилиши мақсад қилиб қўйилганлигини англатади: *Қишлоққа бориб, бувижсонимни бир кўриб келсам.*

2. **Чама сонлар** предметларнинг тахминий миқдорини билдиради.

- Чама сонлар – лаб, - ларча, - тача, - лар қўшимчалари, шунингдек, икки сонни жуфт ҳолда келтириш ёрдамида ҳосил қилинади: *минглаб одамлар, юзларча солдатлар беш-ўн киши каби;*

- - лаб қўшимчаси, одатда, йирик сонларга қўшилади: *минглаб одамлар;*

- - тача қўшимчаси ҳисоб сўзлари билан бирга қўлланилганда, - ча шаклини олади: *юз метрча газлама;*

- баъзан – ми сўроқ юкламаси сонлар таркибида келиб, ноаниқ миқдорни англатади: *Кампир неварасига ўнтами ёнгоқ берди.*

3. **Жамловчи сонлар** предмет миқдорини бирлаштириш, жамлаш каби маъноларни ифодалайди. Улар қуйидаги қўшимчалар орқали ҳосил қилинади:

- -ов, -овлон, -ала;

- -ов қўшимчаси фақат ўндан паст бўлган сонларга, кўпроқ 2, 3, 4 сонларига қўшилади;

- -ала қўшимчаси кўпроқ 2, 3, 4, 5, шунингдек, 6, 7 сонларига қўшилади;

- -ов қўшимчасини олган жамловчи сонлар доимо II, III шахс бирлик, I, II, III кўпликдага эгалик қўшимчалари билан бирга қўлланила олади, улар сифатловчи аниқловчи вазифасида келолмайди(учовини, учови, учовлари);

- - ала қўшимчаси эгалик қўшимчаси билан бирга қўлланилса, гапда эга, эгаликни олмаган бўлса, аниқловчи бўлиб келади;

- икки, олти, етти сонларига **-ов, -ала** қўшимчалари қўшилса, иккинчи бўғиндаги унли товуш тушириб талаффуз этилади ва имлода шундай ёзилади: икков, олтов.

4. **Тақсим сонлар** предметларни тақсимланиш миқдорини, уларнинг тенг бўлинганлигини ифодалайди.

- Тақсим сонлар дона сонларга чиқиш келишиги қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади: *Зухра хола болаларга бештадан туршак берди.*

- Тақсим сонлар ҳисоб сўзлари билан бирга қўллана олади: *Уруш йиллари ҳар бир кишига кунига 100 граммдан нон берилар эди.*

- Тақсим сонлар баъзан икки сонни жуфтлаштириш йўли билан ҳам ҳосил қилиниши мумкин: *Ҳарбий хизматга чақирилган йигитлар тиббий кўрикка учта – учта бўлиб киришарди.*

5. Каср сонлар бутуннинг бир қисми, улуши маъносини ифодалайди.

- Каср сонлар, одатда, битта сўздан (ярим, чорак, ёрти) ҳамда ўзига хос шаклда қўлланувчи бирдан ортиқ сўзларнинг бирикувидан (ним чорак, бешдан икки, ўндан бир).

- Бутун ва каср сонларнинг бирикишидан **аралаш сонлар** ҳосил бўлади: *бир ярим, икки бутун ўндан бир*;

УНУТМАНГ!

Дона, тақсим, чама, каср сонларга кўплик қўшимчаси қўшилмайди.

Тартиб сонлар предметнинг санокдаги тартибини, кетма – кетлигини англатади.

- Тартиб сонлар санок сонларга –нчи (- инчи) қўшимчаларини қўшиш йўли билан ҳосил қилинади.

- Тартиб сонлар араб рақамлари билан ифодаланганда, қўшимча ўрнига чизиқча қўйилади; 4-қават, 5-синф, 8-март, 1999-йил каби. Бироқ бу сонлар рим рақамлари билан ифодаланганда, ҳеч қандай тиниш белгиси ишлатилмайди: ХХІ аср, X том каби.

- Тартиб сонлар жуфтлаша олмайди ва ҳисоб сўзлари билан бирга қўлланмайди.

- Тартиб сонлар эгалик ва кўплик қўшимчаси билан бирга қўлланганда, отлашиб қолади: Ўнинчилар мажлислар залига тўпланишди.

- Тартиб сонлар гапда, асосан, аниқловчи ва кесим, баъзан ҳаракатнинг белгисини билдириб, ҳол вазифасида келиши мумкин: *Қурбон ота иккинчи (аниқловчи) самоварга сув қуяр эди. Мусобақада биз биринчи, сиз иккинчисиз (кесим). Бу ишингни иккинчи (ҳол) такрорлама.*

Соннинг турларини ҳосил қилувчи қўшимчалар шакл ясовчи қўшимчалар сирасига киради.

Ҳисоб сўзлар (нумеративлар) предметларнинг оғирлиги, узунлиги, ҳажми, қиймати, вақти ва шу каби бир неча хусусиятларига кўра ўлчовни ифодаловчи сўзлардир.

Улар:

- **оғирликни ўлчаш учун ишлатилади** (*грамм, килограмм, центнер, тонна*);

- **предмет узунлигини ўлчови сифатида қўлланилади** (*метр, километр, қулоч газ, қадам, одим, таноб*);

- **бутуннинг бир қисмини ҳисоблаш учун ишлатилади:** (*қултум, парча, тилим, варақ, луқма, оғиз, чимдим, тўғрам*);

- предметларни тўдалаб кўрсатади: *боғ, тўда, гуруҳ, тўп, гала*;
- вақт ўлчовини ифодалайди (*секунд, минут, сутка, ой, йил, аср*);
- пул қийматини ифодалаш учун ишлатилади (*сўм, доллар, танга, чақа, тилла*).

СОНЛАРНИНГ ОТЛАШУВИ

Сонлар ҳам сифат каби отлашиши мумкин. Бунда сон аниқлаб келаётган сўз (аниқланмиш) тушиб қолади: Сўрида уч (аниқловчи) киши (аниқланмиш) ўтиришибди. Сўрида учови ўтиришибди. Сон отлашган тақдирда отга хос барча грамматик хусусиятларга эга бўлади:

- отга хос турланади (Икковига бир бало бўлди, шекилли);
- отга хос эгалик қўшимчасини қабул қилади (Уларнинг учови ҳам);
- кўплик қўшимчасини қабул қилади (Бешовлари бир бўлиб, ижарага ер олдилар);
- отга хос барча гап бўлаклари вазифасида кела олади.
- ундалма вазифасида келиши мумкин (Биринчи, биринчи жавоб қайтаринг!).

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУТСАҲКАМЛАНГ

1. Сон ҳақидаги қайси ҳукм нотўғри?

А. Сонлар отларга боғланиб, унинг саноғи, миқдори, бир турдаги предметларнинг тартибини билдиради.

В. Сонлар араб ва рим рақамлари билан ифодаланиши мумкин.

С. Сонлар ёлғиз ҳолда қўлланганда, фақат мавҳум миқдор тушунчасини ифодалайди.

Д. Сонлар бошқа сўз туркумларидан ясовчи қўшимчалар ёрдамида ясалиши мумкин, аммо сонлардан бошқа сўз туркумлари ясалмайди.

Е. Барча фикрлар тўғри.

2. Соннинг гапдаги ўзига хос бош синтактик вазифаси нимадан иборат?

А. Эга ва кесим.

В. Аниқловчи.

С. Тўлдирувчи.

Д. Кесим.

Е. Ҳол.

3. Соннинг морфологик хусусиятлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Сўз ўзгартувчи қўшимчалар соннинг барча турларига ҳам қўшилаверади.

В. Бошқа туркумлардан сон ясалмайди.

С. Сондан кўпинча от ва феъллар ясалади.

Д. Сонлар гапда асосан, аниқловчи ва кесим вазифасида келади.

Е. А, В, С

4. Ўзбек тилида фаол қўлланувчи нечта сон мавжуд?

А. 30 та В. 23 та С. 46 та Д. Миллиард Е. чекланмаган

5. Соннинг синтактик вазифаси ҳақидаги қайси ҳукм хато?

А. От олдида келган сон сифатловчи-аниқловчи вазифасини бажаради.

В. Феъл олдида келган сон ҳол вазифасини бажаради.

С. Сонлар отлашган тақдирда ундалма вазифасида кела олади.

Д. А, В

Е. Барча жавоблар нотўғри.

6. Қайси сонлар таркибидаги қўшимчалар урғу олмайди?

А. Жамловчи сонлар таркибидаги – ов, - ала қўшимчалари.

В. Дона сон таркибидаги – та қўшимчаси.

С. Тартиб сонлар таркибидаги эгалик қўшимчалари.

Д. А, В.

7. Ўзбек тилидаги содда сонларнинг қайси бирлари ўз синонимларига эга?

А. Юз, юз минг.

В. Ўн минг, юз минг.

С. Бир, икки.

Д. Уч, қирқ.

Е. Сонлар бошқа сўзлар билан синонимик ҳосил қилолмайди.

8. Қайси сонларга **-лар** кўплик қўшимчаси қўшилмайди?

А. Дона, тақсим, чама, каср сонларга.

В. Каср, тақсим, тартиб, чама сонларга.

С. Тартиб, каср, жамловчи сонларга.

Д. – лар қўшимчаси барча сонларга қўшилиши мумкин.

Е. Миқдор, тақсим, жамловчи, аралаш сонларга.

9. Қуйидаги қўшимчаларнинг қайси биридан сўнг, умуман, **-лар** (кўплик) қўшимчасини қўллаб бўлмайди?
А. - ов В. – нчи С. – та D. А, В Е. А, В, С
10. Улар тоққа учовлашиб жўнаб кетишди.
Гапда берилган сон қайси синтактик вазифада келган?
А. Эга. В. Кесим. С. Аниқловчи. D. Тўлдирувчи. Е. Ҳол.
11. Қайси қатордаги гапда чама сон қўлланилган?
А. Уларнинг ҳар бири шу тўғрида ўйлар эди.
В. Сўрида ўнтами одам ўтирган эди.
С. Улар тўртинчи бригадага хабар олгани кетишганди.
D. Бундай гап берилмаган
Е. Аскарнинг бешови ҳам бир қишлоқдан эди.
12. Аралаш сон берилган қаторни кўрсатинг.
А. Ярим, ёрти, чорак, нимчорак.
В. Икки ярим, икки бутун учдан бир.
С. Иккидан бир, бешдан уч.
D. Ўйгирма беш, бешинчи.
Е. Икки ёрти, нимчорак.
13. Такрорланган ҳолда қўлланилиб, ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини ифодаловчи **бир** сони қайси қатордаги гапда қатнашган?
А. Сизларга шундай бир киши ҳақида хабар келтирдим.
В. Уйда Нигоранинг бир ўзи қолган эди.
С. Мактабимиз директори ҳар куни саҳарлаб синфларни бир-бир кўздан кечириб чиқади.
D. Бир ёмғир ёғади, бир қор учқунлайди.
Е. Бундай гап берилмаган.
14. Бир чиройли, бир ёқимли куйлайсизки ...
Ушбу гапда бир сўзи қандай маънони ифодаламакда?
А. Айирув боғловчиси вазифасида келган.
В. Уюшган аниқловчилар билан бирга келиб, маънони кучайтирмакда.
С. Ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдирмакда.
D. Ноаниқлик, гумон маъносини англатмакда.
Е. Кесим вазифасида келиб, предметнинг бир турга мансублигини билдирмакда.

15. Мазмунидан истак англашилган гапда бирор ҳаракатнинг бажарилиши мақсад қилиб қўйилганлигини ифодаловчи **бир** сўзи қайси гапда мавжуд?

- A. Ойим аллақандай бир вазиятда ўтирарди.
 - B. Кенг яғринли бир ўзбек йигити гапирарди.
 - C. Яна бир масалани келишиб олайлик.
 - D. Бу уйда бир грузин оиласи яшайди.
 - E. Қишлоққа бориб, бувижонимни бир кўриб келсам ...
16. Қайси қатордаги гапда тартиб сон берилмаган?

- A. Ўн биринчилар Амир Темури музейига бориб келдилар.
- B. Собирлар синфимизга Тошкентдан кўчиб келишди.
- C. Анвар туфлининг қирқ бешинчисини кийиб кетди.
- D. Биринчи сентябр – Мустақиллик куни.
- E. Барча гапларда тартиб сон мавжуд.

17. Қандай сонлар жуфтлашиб келолмайди?

- A. Миқдор сонлар.
- B. Тартиб сонлар.
- C. Жамловчи сонлар.
- D. Чама сонлар.
- E. Берилганларнинг барчаси жуфтлашиб келолади.

18. Қайси қатордаги гапда ҳисоб сўзи мавжуд?

- A. Бир пақирга наввот ол, болам, яна бир пақирга нон.
- B. Бир мири ҳаён, икки мири зиён.
- C. Ҳола, икки қадоқ гўшт олиб келинг.
- D. В, С
- E. А, В, С

19. *огиз, чимдим, сиқим, тўғрам* каби ҳисоб сўзлар қайси маъноларни ифодалайди?

- A. Оғирлик ўлчовини.
- B. Предметни яққалаб ҳисоблайди.
- C. Бутуннинг қисмини англатади.
- D. Предмет ҳажмини ифодалайди.
- E. Предметларни тўдалаб кўрсатади.

20. Соннинг қайси тури ҳисоб сўзлар билан қўлланмайди?

- A. Тартиб сон.
- B. Чама сон.
- C. Жамловчи сон.

D. Тақсим сон.

E. Каср сон.

21. Чама сонларни ҳосил қилишда асосан қайси қўшимчалар қатнашади?

A. – тача B. – ми C. –лаб, -ларча D. A, C E. A, B, C

22. Соннинг турларини ҳосил қилувчи аффикслар қўшимчаларнинг қайси турига мансуб?

A. Сўз ўзгартувчи.

B. Шакл ҳосил қилувчи.

C. Сўз ясовчи.

D. Сўз ясовчи ва шакл ҳосил қилувчи.

E. Тусловчи.

23. Отлашган сон қатнашган гапни аниқланг.

A. Биз ўн тўрт қаватли уйда яшаймиз.

B. Йигирманчи куни Зиёвуддин тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтиб келди.

C. Бешаласи ҳам тажрибали муҳандислар эди.

D. Олти нафар йигит дарёга сепоя ташлагани жўнаб кетишди.

E. Бундай гап берилмаган.

24. **-овлаб, -овлашиб** қўшимчаларини олган сонлар жумлада, асосан, қайси гап бўлаги вазифасида келиши мумкин?

A. Эга.

B. Кесим.

C. Аниқловчи.

D. Тўлдирувчи.

E. Ҳол.

25. Чама сон иштирок этган гапни аниқланг.

A. Орадан минг-минг йиллар ўтса ҳамки, буюкларнинг шарофати тегаверади.

B. Уч-тўрттангиз бир бўлсангиз, битта шафтолини чайнашга кучингиз етмайди – ю...

C. Йиғилишга йигирматами одам қатнашди.

D. A, B

E. A, B, C

ОЛМОШ

Олмошлар от, сифат, сон ўрнида қўлланувчи, нарсa, белги, миқдорга ишора қилувчи сўзлардир

. Улар қайси бир жиҳати билан отга ё сифатга, ё бўлмаса равишга яқин туради.

- олмошлар аниқ бир предмет, белги ёки миқдорни англатмай, мавҳум тушунчани ифодалайди, бу маъно бизга гап (контекстда)гина ойдинлашади.

- Олмошлар сон каби бошқа сўз туркумларидан ясалмайди, бироқ олмошлардан бошқа сўз туркумлари, масалан, от (манманлик), феъл (сизламоқ, манмансирамоқ) лар ясалиши мумкин.

- Қандай бўлмасин, олмошларда бошқа сўз туркумларига нисбатан сўз ясалиш хусусияти кучсизроқ бўлади.

- Олмошлар алоҳида синтактик вазифага эга эмас.

- Олмошлар жуфтланиш натижасида бошқа сўз туркумига кўчиши (*Турсунбой шу – шу (равиш) уйига бормай қўйди*), отлашиши (*Буниси сизга жуда лойиқ келди*), такрор ҳолда қўлланилган тақдирда даража – миқдорнинг ҳаддан зиёда ортиқлигини (Уруш йилларида қанча-қанча азамат ўғлонларимиз ватан учун жанг қилдилар), -лар (кўплик) кўшимчасини олганда эса узок ўтган замон маъносини беради (*Қачонлардир бу ерларда буюк шоирлар, олимлар яшаганлар*).

- Олмошлар ўрнида баъзан от (*Табиат мўъжизасини кўриб, ҳайрон қоласан киши. Яшагинг келади, одам*), сон (*Уни бир инсон йўқламай қўйди*), сифат (*Айримлар чигирткадай текин яшайдилар*) қўлланилиши мумкин.

ОЛМОШЛАРНИНГ МАЪНО ЖИҲАТИДАН ТУРЛАРИ

Олмошлар луғавий ва грамматик маъно, ҳамда хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади.

1. **Кишилик олмошлари** шахсни ифодаловчи сўзлардир: **мен, сен, у, биз, сиз, улар.**

- сўзлашув ва бадий услубларда кишилик олмошларидаги шахслар бири иккинчисига кўчиши мумкин:

- I, II шахс кўплиги **биз, сиз** ўрнида I, II шахс бирлиги **мен, сен** қўлланилганда , тақаббурилик (Биласанми, бу чўлларни мен обод

қилганман), менсимаслик (Сенлар ким бўлибсанлар!) маънолари англашилади;

- I шахс кўпликдаги **биз** олмоши бирликдаги **мен** ўрнида қўланилганда мақтаниш ва камтарлик маъноларини (Мана бу баланд иморатлар лойиҳасини чизган биз-да! Акрам Умарович, биз бу масалани чуқурроқ ўйлаб кўрган бўлармидик ...) уқиш мумкин;

- Кишилиқ олмошларидан айримларига қаратқич (- нинг), тушум келишиги (- ни) ҳамда хосликни билдирувчи -ники қўшимчаларини қўшсак, битта **н** товуши тушиб қолдирилади ва шундай ёзилади;

- Баъзан I шахс кишилиқ олмоши ўрнида **камина, фақир, банда, ожиза** каби сўз олмошлар қўлланилиши мумкин: *Фақир 1014 йилнинг аввалида Ҳирийда эрдим.*

2. **Кўрсатиш олмошлари** предметларни кўрсатиш учун хизмат қилади: **у, бу, шу, ўша, ушбу, ана бу, мана бу, ана шу, мана шу.**

- **у, бу, шу, ўша** олмошлари жўналиш (- га), ўрин-пайт (- да), чиқиш келишиклари билан турланганда, битта **н** товуши орттирилади: *унга, бунда, шундан* каби;

- кўрсатиш олмошлари гапда асосан эга ва тўлдирувчи, шунингдек, аниқловчи вазифасида келиши мумкин.

3. **Ўзлик олмоши** эгалиқ қўшимчаларини олиб, ҳар учала шахсни кўрсатади: **ўзим, ўзинг, ўзи.**

- ўзлик олмоши турланганда, ундан олдин албатта эгалиқ қўшимчаси келади: ўзимнинг ўзингга, ўзида, каби;

- ўзлик олмоши такроран ёки жуфт ҳолда қўлланилиши мумкин: *ўз – ўзидан, ўзингизга ўзингиз* каби;

- ўзлик олмоши барча гап бўлаклари вазифасида кела олади.

4. **Сўроқ олмошлари** шахс ва предметга, белги ва миқдорга, ҳаракатнинг ўрни, пайтига муносабатларни сўраш орқали ифодаловчи олмошлардир: *ким? нима? қаер? қандай? қанча? неча? қачон? нега? қани?*

- сўроқ олмошлари такрорий ҳолда қўлланилиб, миқдор-даражанинг ортиқлигини англатади: *Ер юзида қанча-қанча покдил, ҳалол инсонлар яшайди!*

- Сўроқ олмошлари такрорий ишлатилганда, кўплиқ маъносини ҳам ифодалайди: *Тўйга нима-нима (нималар) олдингиз?*

- Шеърӣ нутқда баъзан **нима** олмоши қисқарган –**не** ҳолда ҳам қўлланилиши мумкин: *Баъзан ўйлаб дейман, не бўларди гар, қудратин кўрсатса табиат хассос?*

- Айрим сўроқ олмошлари бир-бирининг ўрнида қўлланила олади: *Бу нима (қандай) масхарабозлик?*

- Баъзан сўроқ олмоши ўрнида сон қўлланилиши мумкин: *Бир ерга (қаерга) борсам, орқамдан эргашиасиз.*

- Қачон олмоши –лар (кўплик) қўшимчасини олганда, узоқ ўтган замон маъносини беради: *Қачонлардир бу ердан азим дарё ўтган.*

5. **Белгилаш олмошлари** шахс ёки предметни, унинг белгиси ва миқдорини айтириб ёки жамлаб-умумлаштириб кўрсатади. Шунга кўра уларни икки турга ажратиш мумкин:

а) айтириш олмошлари: сўроқ олмошларига ҳар сўзини қўшиш орқали ҳосил қилинади (ҳар ким, ҳар нима, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳар қанча).

б) жамлаш олмошлари: ҳамма, бари, барча, бутун, жами, ялпи.

- Белгилаш олмошлари тузилиши жиҳатидан содда (ҳамма, бари, барча) ва қўшма бўлади (ҳар ким, ҳар қайси) каби.

- Жамлаш олмошлари гапда кўпинча уюшиқ бўлаклари билан бирга қўлланилиб, умумлаштирувчи сўз вазифасида келади: *Замира, Комила, Нодира – ҳаммаси бир синфда ўқишади.*

- Жамлаш олмошлари такрор ҳолда ҳам ишлатилиши мумкин: *Ер юзидаги инсонларнинг бари-бари тинчлик учун курашмоқда.*

- Белгилаш олмошлари эгалик ва келишиқ қўшимчаларини қабул қила олади: *Ҳаммамизнинг мақсадимиз бир.*

6. **Бўлишсизлик олмошлари** предмет ёки унинг белгисига нисбатан инкор маъносини билдиради.

- бўлишсизлик олмошлари сўроқ олмошларидан аввал **ҳеч** сўзини келтириш орқали ҳосил қилинади: *ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қаер, ҳеч қанча, ҳеч қандай* каби;

- **ҳеч** сўзидан сўнг сўроқ олмоши қўлланилмаса, у энди равишга кўчади: *Бемор туну кун ҳеч гапирмасди;*

- **на** инкор боғловчиси ёрдамида ҳосил қилинади: *На кулгинг келади, на йиғлагинг.*

- баъзан бўлишсизлик олмоши ўрнида **кимса** сўзи ишлатилиши мумкин: *Уйда имса йўқ эди;*

- бўлишсизлик олмоши маъносини сон ҳам ифодалаши мумкин: *Унинг кўнглини олишга бир инсон топилмади.*

7. **Гумон олмоши** предмет, белги ҳақида мавҳум, ноаниқ тушунчани англатади. Гумон олмошлари сўроқ олмошларига **алла** элементи ва **–дир** қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил қилинади: *аллаким, аллақандай, аллақайси, аллақанча, кимдир, нимадир* каби.

- биров, баъзилар сўзлари ҳам гумон олмоши ҳисобланади (шуни унутмаслик керакки **баъзи** сўзи бирлик сонда қўлланилса, у сифатга айланади баъзи одамлар);

- *бир кун*, *бирор*, *бир вақт*, *бир хил* сўзлари ҳам гумон олмоши маъносини ифодалайди;

- гумон олмошлари такрор ёки жуфт ҳолда қўлланилмайди;

- гумон олмоши қўшимчаси – **дир** шакл ҳосил қилувчи қўшимча ҳисобланади.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Олмошларнинг морфологик хусусиятлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

A. Олмошлардан баъзи қўшимчалар орқали от, феъл ва равишлар ясалиши мумкин.

B. Олмошлар жуфтланиш ва такрорланиш орқали бошқа сўз туркумларига кўчиши мумкин.

C. Олмошлар ўзидан аввал аниқловчини олмайди.

D. Олмошлар отлашган тақдирда барча гап бўлаги вазифасида келади.

E. A, B.

2. Қуйидаги қўшимчалардан қайси бири олмошдан равиш ясайди?

A. –лан. B. –дай. C. –часига. D. –сира. E. A, B, C.

3. Олмошларнинг қайси тури эгалик қўшимчаларини қабул қилмайди?

A. Кишилик олмошлари.

B. Кўрсатиш олмошлари.

C. Ўзлик олмоши.

D. Белгилаш олмоши.

E. Сўроқ олмоши.

4. Сўз олмошлар берилган қаторни топинг.

A. Ҳамма, бари, барча.

B. Жами, бутун, ялпи.

C. Ким? нима? қаер?

- D. Ўзим, ўзинг, ўзи.
- E. Банда, фақир, камина.

5. Олмошларнинг айрим турларига келишик қўшимчалари қўшилганда, қандай товуш ўзгариш юз беради?

- A. Товуш тушиши ва орттирилиши.
- B. Фақат товуш тушиши.
- C. Товуш тушиши ва товуш алмашиниши.
- D. Товуш тушиши, орттирилиши ва алмашиниши.
- E. Фақат товуш орттирилиши.

6. Қайси қатордаги гапда сўз олмош шахс маъносини ифодалаган?

- A. Тошкентдан кеча қайтиб келдик.
- B. Нимани хоҳласалар ҳаммаси бор.
- C. Қани, ёзамиз, болалар!
- D. Банда бу саволингизга жавоб қайтаришга ожизман.
- E. C, D.

7. Йўл шундай балчиқ эдики, бирорта арава эрталабдан буён ўрнидан жилолмас эди.

Ушбу гапдаги олмош қандай маъно ифодаламоқда?

- A. Белгининг ҳаддан зиёд ортиқлигини.
- B. Белгининг даражасини.
- C. Белгининг белгисини.
- D. Белгининг аниқлигини.
- E. Гапда олмош қатнашмаган.

8. Кўрсатилган олмошлар гапда, асосан, қандай гап бўлган вазифасида келиши мумкин: *баъзилар, кимдир, аллаким*?

- A. Барча гап бўлаклари вазифасида.
- B. Эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол.
- C. Аниқловчи, эга.
- D. Тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол.
- E. Эга ва кесим.

9. Хосликни билдирувчи –ники қўшимчаси қўшилганда, товуш ўзгариши, асосан, қайси олмошларда содир бўлади?

- A. Кўрсатиш олмошларида.
- B. Ўзлик олмошида.
- C. Гумон олмошида.
- D. Бўлишсизлик олмошида.

Е. Тўғри жавоб берилмаган.

10. –дек, -дай қўшимчалари олмошнинг қайси турига қўшилганда, товуш ўзгариши юз беради?

А. Кишилиқ олмошларига.

В. Кўрсатиш олмошларига.

С. Ўзлик олмошига.

Д. Кўрсатиш ва ўзлик олмошларига.

Е. Бу қўшимчалар олмошларда товуш ўзгаришини ҳосил қилмайди.

11. Жуфт олмошлар қўлланган қаторни аниқланг.

А. Асроркул шу – шу қишлоғига бормаи қўйди.

В. Юзта сизу биздан битта жизу-биз яхши.

С. Йигит ўз-ўзидан кулиб юборди.

Д. Ўша-ўша Анорхонсиз.

Е. В, С, Д.

**12. Нечук безовтасан, барвақт турибсан,
Малак янглиғ ўзинг танҳо юрибсан?**

Мисралардаги олмошлари сонини аниқланг.

А. 1 та. В. 2 та. С. 3 та. Д. белгилаш. Е. гумон.

13. Берилган олмошлардан қайси бири жуфт ва такрор ҳолда қўлланилмайди?

А. Кишилиқ.

В. Кўрсатиш.

С. Ўзлик.

Д. Белгилаш.

Е. Гумон.

14. Олмошлардан ясалган сўзлар қаторини топинг.

А. Ойдек, сизламоқ, ўзлик.

В. Сизламоқ, манманлик, сенсирамоқ.

С. Қачонлардир, шу – шу, камина.

Д. Камина, банда, фақир.

Е. Сенсирамоқ, ўзларидан, кўпинча.

15. Олмошларга грамматик шакллар қўшилганда, қандай товуш ўзгаришари содир бўлади?

А. Товуш тушиши ва товуш алмашиниши.

В. Товуш тушиши ва товуш орттирилиши.

С. Товуш тушиши, товуш алмашиниши ва товуш орттирилиши.

- D. Фақат товуш алмашиниши.
- E. Фақат товуш тушиши.

16. Олмошларда товуш орттирилиши қайси келишикларда юз беради?

- A. Фақат қаратқич ва тушум келишиклари.
- B. Жўналиш ва чиқиш келишиклари.
- C. Жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари.
- D. Фақат ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари.
- E. Барча келишик қўшимчалари қатнашади.

17. Барча шодлик сенга бўлсин, бор ситам-зорлик менга ...
Берилган парчадаги олмошлар қайси гап бўлаги вазифаларида келган?

- A. Аниқловчи, тўлдирувчи.
- B. Эга, аниқловчи ва ҳол.
- C. Эга, аниқловчи ва тўлдирувчи.
- D. Аниқловчи ва кесим.
- E. Эга ва кесим.

18. Олмошлар гапда қандай бўлаклар вазифасида келмайди?

- A. Кириш сўз.
- B. Ундалма.
- C. Кесим.
- D. А ва В.
- E. А, В, С.

19. Ёғ айниса туз солади, туз айниса не солади?

Ушбу гапдаги олмошнинг турини аниқланг.

- A. Олмош берилмаган.
- B. Кўрсатиш.
- C. Сўроқ.
- D. Бўлишсизлик.
- E. Гумон.

20. Қайси олмошлар такрор ҳолда қўлланиши мумкин?

- A. Гумон, сўроқ олмошлари.
- B. Кўрсатиш, узлик, сўроқ олмошлари.
- C. Белгилаш, сўроқ, ўзлик, кўрсатиш олмошлари.
- D. Кўрсатиш, кишилик, гумон, бўлишсизлик олмошлари.
- E. Гумон, кўрсатиш ва ўзлик олмошлар.

21. Ул париваш хажридинким йиғладим девонавор,
Кимса борму ким анга кўрганда кулгу келмади.

Байтдаги кимса сўзи қайси сўз туркумига мансуб?

А. Олмош. В. От. С. Модал сўз. D. кўмакчи. Е. Сўроқ юкламаси.

22. Қайси олмошлар турланганда, келишиқ кўшимчаларидан
аввал эғалиқ кўшимчалари бўлиши шарт?

- А. Кишилиқ.
- В. Кўрсатиш.
- С. Ўзлик.
- D. Сўроқ.
- Е. Гумон.

23. Бу нима қилиқ, соқолинг тўкилгур?

А. Эға. В. Кесим. С. Тўлдирувчи. D. Аниқловчи. Е. Хол

24. Қайси қатордаги гапда олмош иштироқ этган?

- А. Баъзан одамларга боқиб, ҳайрон қоламан.
- В. Баъзи кишилар уч – тўртта қофияни ўрганиб олиб, шеър ёзишга киришади.
- С. Кўпчилиқ ҳали воқеадан буткул беҳабар эди.
- D. В, С.
- Е. Ҳеч қайси гапда олмош иштироқ этмаган.

25. Умарали ота неварасининг қаерларда юрганини, қандай
ишлар билан бандлигини, кимлар билан гаплашганини ўзича
суриштириб юрди.

Гапдаги олмошлар миқдорини аниқланг.

А. 3 та. В. 4 та. С. 5 та. D. 2 та Е. 6 та.

26. Такрор ҳолда қўлланилиб, ҳаракатнинг белгисини
билдирувчи олмош қайси қаторда иштироқ этган?

- А. Ўша-ўша кампир билан Ғаффоржон бизникида қолиб кетди.
- В. Биз ишлаймиз, сиз ош ер экансиз-да!
- С. Ўзингга-ўзинг ёмонлиқ қиялпсан, болам.
- D. Ўз-ўзимча ўйлайман: унга нима ёмонлиқ қилдим экан-а.
- Е. В, С, D.

27. Бўлишсизлиқ олмошларида ҳеч сўзидан сўнг сўроқ олмоши
қўлланилмаса, бу сўз қайси туркумга кўчади?

А. Гумон олмошига кўчади

- В. Отга кўчади
- С. Сифатга кўчади
- Д. Равишга кўчади
- Е. Модал сўзга айланади

ФЕЪЛ

Нималарни билишингиз керак?

- *феъл ва унинг грамматик белгилари;*
- *бўлишли ва бўлишсиз феъллар;*
- *ўтимли ва ўтимсиз феъллар;*
- *феъл нисбатлари;*
- *феъл майллари ва замонлари;*
- *феълларнинг тусланиши; тўлиқсиз феъллар;*
- *феълларнинг хосланган шакллари: сифатдош, равишдош, ҳаракат номлари;*
- *феълларнинг ясалиши: феъл ясовчи қўшимчалар;*
- *қўшма феъллар ва қўмакчи феълли сўз қўшилмалари.*

**Феъллар ҳаракат ва ҳолатни
ифодаловчи мустақил сўзлардир.**

Иш-ҳаракат ва унинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган маънолар (бўлишлилик ва бўлишсизлик, майл, замон)ни англатиши, иш-ҳаракат ва уни бажарувчиси ўртасидаги муносабатлар (ўтимлилик, нисбат, тусланиш)ни ифодалаш, шунингдек, бошқа сўз туркумларга томон силжиши (сифатдош, равишдош, ҳаракат номи) феълнинг ўзига хос морфологик хусусиятлари ҳисобланади.

Феъллар гапда фақат кесим, унинг хосланган шакллари (сифатдош, равишдош, ҳаракат номи) эса асосан, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол вазифаларида келади.

БЎЛИШЛИ ВА БЎЛИШСИЗ ФЕЪЛЛАР

Бўлишли феъллар бажарилган, бажарилаётган ва бажарилажак иш – ҳаракатни билдиради. Бўлишлилик маъносини ифодаловчи махсус грамматик шакл мавжуд эмас: ёзди, ёзган эди, ёзпти, ёзмоқчи, ёзадиган.

Бўлишсиз феъллар эса бажарилмаган, бажарилмаётган ва бажарилмайдиган иш-ҳаракатларни ифодалайди. Бўлишсизлик маъноси ҳозирги замон ўзбек адабий тилида қуйидаги грамматик шакллар воситасида ҳосил қилинади:

- бўлишли феълга **-ма** қўшимчасини қўшиш орқали (**ёзмади, ёзмапти, ёзмайди**);

- йўқ, эмас** сўзлари орқали: **ёзгани йўқ, ёзган эмас**;

- икки бўлишли феълни жуфт ҳолда келтириш ва биринчи қисмга юклама қўшиш орқали (**ёзаман -а, ёзаман**);

- қўшма феълнинг ҳар икки қисмига **-ма** бўлишсизлик қўшимчасини қўшсак, бўлишсиз феъл бўлишлига айланади (**ёзмай қўйма**).

ЎТИМЛИ ВА ЎТИМСИЗ ФЕЪЛЛАР.

- Ўтимли феъллар ҳаракат бажарувчининг ўзида қолмай, бирор предметга тўла ёки қисман ўтганлигини билдиради. Улар, одатда, тушум келишигидаги отлар билан боғланади: пахтани терди, ўтинни ёрди. Бунда биринчи гапда ҳаракат пахтага, иккинчисида ўтинга тўла ўтилганлиги англашилади.

- Агар ҳаракат предметга қисман ўтган бўлса, у ҳолда феъл чиқиш келишигидаги от билан бирикади: нондан еди, гуллардан терди.

Бирор предметга бевосита ўтмай, бажарувчининг ўзида қоладиган ҳаракатни билдирувчи феъллар **ўтимсиз феъллар** дейилади.

- Ўтимсиз феъллар тушум келишигидаги отларни бошқаролмайди: *Биз театрда бордик. Насиба ювинди.*

- Ўтимли феъллар ўтимсиз феълга айланиши мумкин: докладни тинглади – доклад тингланди, товоқни ювди – Ўктам ювинди каби;

- Ўтимсиз феъллардан ҳам ўтимли феъл ҳосил бўлиши мумкин: **кулди-кулдирди, ухлади-ухлатди** каби.

ФЕЪЛ НИСБАТЛАРИ

Феъл нисбатлари иш-ҳаракат билан унинг бажарувчиси ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Нисбат қўшимчалари сўз шаклини ҳосил қилувчи аффикслар сирасига киради. Ўзбек тилида бешта феъл нисбати мавжуд.

1. Аниқ нисбат – ҳаракатнинг эга томонидан бажарилганлигини билдиради: Бу нисбат махсус грамматик

кўрсаткичга эга эмас. Зокир Тошкентдан қайтди. Онам заводда ишлайди. Ҳар иккала гапда ҳам ҳаракат эга томонидан (Зокир, онам) бажарилганлиги аниқ билиниб турибди..

2. Ўзлик нисбати- ҳаракат бажарувчининг ўзида қолганлигини ифодалайди. Ўзлик нисбати қуйидаги қўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинади:

- л (-ил), -н (-ин): Хаёлга берилди, таранди, кийинди;
- лан: завқланди, уйланди;
- ш, (иш): тўлишди, сўрашди

3. Мажхул нисбатдаги феълларда иш – ҳаракатнинг бажарувчиси ноъмалум бўлади. Бу нисбат ҳам **-л, -(ил), -н (-ин)** қўшимчалари орқали ҳосил қилинади: Клублар, уйлар қурилди. Доклад тингланди.

•Ўзлик ва мажхул нисбатларини бир-биридан фарқлаш керак: Масалан; Рустам эрқаланиб дадасининг елкасига **осилди**. Қишга сақланадиган узумлар шипга **осилди**.

•Биринчи гапдаги **осилди** феълида ҳаракат Рустамнинг ўзида қолганлигини англаб турибмиз, ҳаракатнинг бажарувчиси ҳам аниқ. Иккинчи гапдаги **осилди** феълида эса ҳаракат ким томонидан бажарилганлиги, яъни узумни шипга ким осганлиги маълум эмас.

•-н (-ин) қўшимчаси омоним қўшимча бўлиб, у фақат ўзлик ва мажхул нисбатларинигина эмас, сўз ясовчи аффикс сифатида от ҳам (йиғин, экин), сифат ҳам (эркин фикр) ясаши мумкин.

4. Биргалик нисбати – иш-ҳаракат бир неча шахс томонидан биргаликда бажарилганлигини ифодалайди. Бу нисбатдаги феъллар – **ш (-иш)** қўшимчаси воситасида ҳосил қилинади: кулишди, теришди, айтишди.

5. Орттирма нисбат. Феълнинг бу нисбатида иш-ҳаракат бирор бошқа восита орқали бажарилганлиги англашилади. Орттирма нисбат қуйидаги қўшимчалар орқали ҳосил қилинади:

- **-т, -сат** (ўқит, тўлат, кўрсат);
- **-тир, -дир** (тиктир, кулдир);
- **- газ, -каз, -қаз** (кўргаз, кетказ, ўтқаз); **-гиз, -ғиз, -қиз** (юргиз, кетқиз, турғиз);
- **-ар** (чиқар, қайтар); **-ир** (битир, пишир); **-из** (оқиз, томиз).

Оттирма нисбатнинг бошқа нисбатлардан фарқли томони шуки, бир феълга унинг бирдан ортиқ қўшимчаси қўшилиши мумкин: кўрсаттир, айттиргиз.

• Бир феълнинг ўзига бир йўла бир неча нисбат қўшимчалари қўшилиши ҳам мумкин. Бу ҳолда феълнинг қайси нисбатда эканлигини охирги нисбат қўшимчасига қараб белгилаймиз: ювинтиришди (биргалик), кийинтирилди (мажхул).

ФЕЪЛ МАЙЛЛАРИ

Феъл майллари деганимизда, иш – ҳаракатнинг воқеликка муносабатини, яъни унинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги билан боғлиқ бўлган маънони тушунмоғимиз лозим. Ҳаракат уч замондан бирида бажарилган ёки бажарилмаган бўлиши ёки уни бажариш-бажармасликка даъват, истак, илтимос, буйруқ, бир иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши учун бажарилиши шарт бўлган иккинчи иш-ҳаракат англашилиши мумкин. Шунга кўра феъл майллари уч хил бўлади:

1. Аниқ майл (хабар майли)

Аниқ майл иш-ҳаракатнинг уч замондан бирида аниқ бажарилиши ёки бажарилмаслигини билдиради. У ҳар уч замон маъносини ифодалайди.

I. **Ўтган замон феъли** иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан аввал бажарилганлиги ёки бажарилмаганлигини билдиради. Ўтган замон феъллари қуйидаги турларга бўлинади.

• **Узоқ ўтган замон феъли** иш-ҳаракат нутқ сўзланиб турган пайтдан анча аввал амалга ошганлиги ёки ошмаганлигини англатади ва сифатдошнинг –ган (-кан, -қан) қўшимчаси ҳамда ундан сўнг эди тўлиқсиз феълени келтириш орқали ҳосил қилинади: ўқиганмиз, ўқиган эдик;

• **Яқин ўтган замон феъли** иш-ҳаракат нутқ сўзланиб турган пайтдан бир оз аввалроқ, сўзловчининг кўз ўнгида аниқ бажарилганлиги ёки бажарилмаганлигини ифодалайди ва –ди қўшимчаси ёрдамида ҳосил қилинади: қайтди, қайтмади.

• **Ўтган замон давом феъли** нутқ сўзланиб турган пайтдан аввал давом этиб турган иш-ҳаракатни англатади ва сифатдошнинг –р (-ар), -мас қўшимчаларидан сўнг эди тўлиқсиз феъл шаклини келтириш орқали ҳосил қилинади: кўринар эди, кўринмас эди;

• **Ўтган замон ҳикоя феъли** кутилмаганда, қисқа вақт орасида нутқ сўзланиб турган пайтдан аввал бажарилган ёки бажарилмаган иш-ҳаракатни билдиради ва равишдошнинг –б (-иб) қўшимчалари

ҳамда **эди** тўлиқсиз феъл шаклини келтириш орқали ҳосил қилинади: ўқибман, ўқимабди, ўқиб эдим;

- **Ўтган замон мақсад феъли** нутқ сўзланиб турган пайтдан аввал бажарилиши ёки бажарилмаслиги мақсад қилиб қўйилган, аммо амалга ошмаган иш-ҳаракатни англатади ва **–моқчи, –диган** қўшимчаларидан сўнг **эди** тўлиқсиз феълени келтириш йўли билан ҳосил қилинади: бормоқчи эдим, борадиган эдим, бормоқчи эмас эдим.

II. Ҳозирги замон феъли иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган бир пайтда бажарилаётганлиги ёки бажарилмаётганлигини ифодалайди. У қуйидаги турларга бўлинади:

- **ҳозирги–келаси замон феъли** нутқ сўзланиб турган пайтда ва ундан кейин юз берадиган иш-ҳаракатни билдиради ва **–а (–й)** қўшимчалари ёрдамида ҳосил қилинади: Кечқурунлари ишдан чарчаб қайтаман;

- **ҳозирги–келаси замон феъли** иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтда аниқ давом этиб турганини англатади ва **–яп, –моқда, –ётир** қўшимчалари билан ҳосил қилинади: ўқияпман, ўқимоқда, ўқийётир. Феъл замонининг бу шакли **ёт, тур, ўтир** сўзларига **–б (–иб)** равишдош қўшимчаси ва ундан сўнг яқин ўтган замон қўшимчаси **–ди** аффиксини қўшиш орқали ҳам ҳосил қилиниши мумкин: Ҳовлида ўтинлар қалашиб ётибди. Тепада Алишер Навоий ҳайкали савлат тўкиб турибди. Онам чок тикиб ўтирибди.

- **–яп** қўшимчаси ҳозирги замон давом феълдан ташқари ўтган ва келаси замон маъноларини ҳам ифодалаши мумкин: Бир куни қарасам, дарчани бузаман деб Султонбой болта кўтариб келяпти. Бугун янги жангчиларни полкка жўнатяпмиз.

- **Ҳозирги келаси замоннинг –а (–й)** қўшимчалари публицистик услубда (газета-журналлар репортажларида) ўтган замон маъносини беради: Мусобақа ғолиблари минбарга кўтарилади. Ўзбекистон Давлат Мадҳияси ҳам янграйди.

Келаси замон феъли иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг бажарилиши ёки бажарилмаслигини билдиради. Келаси замон феъллари қуйидаги турларга бўлинади:

- **келаси замон мақсад феъли** нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг бажарилиши мақсад қилиб қўйилган иш-ҳаракатни ифодалайди ва **–моқчи, –диган** қўшимчалари ёрдамида ҳосил қилинади: ўқимоқчиман, ўқийдиганман;

- **келаси замон гумон феъли** иш-ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг бажарилиши ёки бажарилмаслиги тахмин

қилинганлигини билдиради ва –р (–ар) қўшимчалари билан ҳосил қилинади: айтарман, келарсан.

2. Буйруқ – истак майли

Буйруқ – истак майлидаги феъллар иш-ҳаракатни бажариш ёки бажармаслик ҳақидаги илтимос, истак, маслаҳат, даъват каби маъноларни ифодалайди. Бу майлдаги феъллар қуйидагича тусланади:

ШАХС	Бирликда	Қўшимча- лари	Кўпликда	Қўшимчалари
I шахс	айтай(-ин), ишлай(-ин)	ай-й(-ин)	айтайлик, ишлайлик	-айлик-
II шахс	айт(-гин), ишла (- гин) айтинг, ишланг (хурмат маъноси)	... (-гин)	Айтинг (лар), ишланг (лар)	-нг –инг (-лар)
III шахс	айтсин, ишласин	-син	айтишсин (лар), ишлашсин (лар)	(-ш, -иш) –син (лар)

3. Шарт майли.

Шарт майлидаги феъллар бирор иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши учун ундан аввал бажарилиши шарт бўлган иккинчи иш-ҳаракатни англатади.

• шарт майлидаги феъллар –са қўшимчаси билан ҳосил қилинади: *Олим бўлсанг, олам сеники. Собир келса, ўйинни бошлаймиз.*

• Шарт майлидаги феъл қўшимчаси **ҳам** сўзи билан бирга қўлланса, воқеа-ҳодисанинг юзага чиқишига тўсиқ бўла олмаган ҳаракат маъносини ифодалайди: *Қор пағалаб ёғиб турган бўлса ҳам, совуқ унчалик сезилмасди.*

• Шарт майлидаги феъл қўшимчасидан сўнг, **керак** сўзи қўлланса, фараз маъноси ифодаланади: *Бувимлар ҳаж сафаридан бугун келиб қолсалар керак.*

• Шарт майлидаги феъл аффиксидан аввал **наҳотки** сўзи келса, ҳайратланиш маъносини (*Наҳотки бундан етти йил аввалги аёл ўзингиз бўлсангиз!*), **эди** сўзи билан қўлланса, кучли истак, хоҳиш, орзу маъноларини англашимиз мумкин (*Қани энди онажоним ҳозир тирилиб келса эди!*).

• –са қўшимчасини олган феъллар пайт маъносини ҳам ифодалайди: *Комил уйга қайтса, онаси нон ёпаётган эди.*

ФЕЪЛЛАРНИНГ ТУСЛАНИШИ

Ҳаракат, одатда, сўзловчи, тингловчи ва ўзга томонидан бирликда, кўпликда бажарилиши мумкин. Бу ҳолат шахс ва сонларда

ифодаланади. *Уйга қайтдим* гапида ҳаракат биринчи шахс томонидан бирликда бажарилган ёки *Қишлоқдан қайтиб келишди* гапида учинчи шахс (ўзгалар) томонидан кўпликда бажарилганлиги англашилмоқда. Нега бевақт юрибсан, гапида эса ҳаракат иккинчи шахс (сен) томонидан бажарилганлиги билиниб турибди. Демак, феъллар шахс-сонда ўзгариб туриши мумкин экан.

Феълнинг шахс-сонда ўзгариши **тусланиш** дейилади.

- Шахс-сон кўшимчалари тусловчи кўшимчалар дея номланади.

УНУТМАНГ !

Феъл майллари, шу жумладан, замон, тусловчи кўшимчалар шакл ҳосил қилувчи кўшимчалар сирасига киради.

- Турланиш от, олмош ва отлашган сўзларга хос бўлса, тусланиш феълга хос бўлган хусусиятдир.

ШАХС	Бирликда	Кўпликда
I шахс	бордим, боряпман, борай	бордик, боряпмиз, борайлик
II шахс	бординг, боряпсан, боргин	бордингиз, боряпсиз, борингиз
III шахс	борди, боряпти, борсин	боришди, боришяпти, боришсин

ТЎЛИҚСИЗ ФЕЪЛЛАР

Тўлиқсиз феъллар мустақил ҳолда қўлланилмайдиган ва луғавий маъно ифодаламайдиган ёрдамчи сўзлардир.

- Тўлиқсиз феъллар барча сўз туркумларига кўшилиб, турли маъно қирраларини ифодалайди: акам (от) экан, қизил (сифат) эмиш, ўнта (сон) эди, сиз (олмош) экансиз, келган (феъл) эмиш, анча (равиш) экан каби.

- Тўлиқсиз феъллар қисқарган ҳолда ишлатилганда, ўзи боғланган сўзга кўшиб ёзилади: борар эди – борарди, борар эмиш – борармиш.

Тўлиқсиз феъллар куйидаги маъноларни ифодалайди:

- ҳаракат бажарилмай қолганлигини: *Вақтида келинг эди;*
- ҳаракатнинг давом эттирилиши лозимлигини: *Мактабда кутиб турунг экан;*
- истак маъносини: *Қани энди ҳозир қор гупиллаб ёғиб турса эди;*
- ҳикоя маъносини: *Турсунбой қишлоғимизга кечагина кўчиб келиб эди.*

ФЕЪЛНИНГ ХОСЛАНГАН ШАКЛЛАРИ

Биз юқорида сифат, сон, олмошларнинг отлашиши ва отга хос барча грамматик хусусиятларни қабул қилиши ва айнан отга хос барча синтактик вазифаларда кела олиши ҳақида фикр юритган эдик.

Бу ҳодиса феълларга ҳам хос. Улар ўз вазифасидан ташқари от, сифат, равишларга яқинлашиши, уларга хос грамматик шаклларни олиши мумкин. Бу шакллар феълларнинг вазифадошлик (функциядошлик) шакллари ҳисобланади.

СИФАТДОШ

Сифатдош феълнинг сифатга томон кўчган шаклидир.

Хўш, сифат билан сифатдошни қандай ажратиш мумкин бўлади?

ФАРҚЛАНГ!

- Сифатдош предмет белгисини билдиришига кўра сифатга яқин туради, замирида ҳаракат маъноси ҳам ётганлиги боис феълга ўхшайди:

Таққослаб кўрайлик: кўрқоқ бола – кўрқаётган бола. Биринчи бирикма “кўрқоқ” сўзи фақат белгини англатяпти, иккинчи бирикмадаги “кўрқаётган” сўзида ҳаракат маъноси ҳам ётибди;

- Сифат, одатда, қандай саволига жавоб бўлади, сифатдош эса қайси сўроғига жавоб бўлади: *кўрқоқ бола (қандай бола?) – кўрқаётган бола (қайси бола?);*

- Сифат замонга эга эмас, сифатдошларда эса замон маъноси мавжуд:

- *сигир соққан қиз, кечиккан ўқувчи (ўтган замон);*
- *югураётган қиз (ҳозирги замон);*
- *қайтар дунё, айтиб бўлмас гап, келажак авлод, келгуси насл (келаси замон).*

- сифатни отдан ҳам, феълдан ёки равишдан ҳам яшаш мумкин, сифатдош эса, аввало, ясалмайди, уни фақат феълдан ҳосил қилиш мумкин.

- сифатдош отлашиши, гапда сифат каби аниқловчи вазифасида келиши мумкин, аммо у барибир феъл шакли ҳисобланиб қолаверади.

Сифатдошлар қуйидаги қўшимчалар билан ҳосил қилинади:

- -р(-ар), -мас (Айтар гапни айт, айтмас гапдан қайт.);

- -ган, -кан, -қан, -ётган, -диган (ўқиган бола, чигит эккан деҳқон, тез кетаётган машина, тез югурадиган бола);

- -жак, -гуси, -вчи)-увчи): ёзилажак китоб, келгуси авлод, пахта терувчи деҳқон.

Сифатдошдан кейин келувчи сифатланмиш гапда тушириб қолдирилса, у отлашади ва отга хос барча грамматик хусусиятларга эга бўлади: отга хос эгалик (севадиганимиз), келишик (ўқиганни), кўплик (югурадиганларни) кўшимчаларини қабул қилади ва сифатга хос синтактик вазифаларда келади.

РАВИШДОШ

Равишдош феълнинг равишга яқинлашган шаклидир.

Равишдош равиш каби феълга боғланиб, ҳаракат белгисини билдиради ва гапда ҳол вазифасида келади.

ФАРҚЛАНГ!

•Равишлар от, сифат ва равишларнинг ўзидан ясалади, равишдошлар эса ясалмайди, улар шакл қилувчи кўшимчалар ёрдамида феъллардан ҳосил қилинади: югуриб бормок, ишлай-ишлай чарчамок каби бирикмаларда югуриб, ишлай-ишлай сўзларининг ўзаги феъл, уларга **-иб**, **-й** аффикслари қўшилиб, ҳаракат белгиси ифодаланмокда, аммо феъл барибир феъллигича қолаётир.

•Равишлар ҳолат, ўрин, пайт, сабаб, мақсад, даража-микдор каби маъноларни ифодалайди, равишдошлар фақат ҳолат, пайт ва мақсад маъноларини англатади.

•Феъллар тусланади, пайт ва мақсад равишдошлари эса тусланиш хусусиятига эга эмас.

Равишдошлар қуйидаги кўшимчалар ёрдамида ҳосил қилинади:

1. Ҳолат равишдошини ҳосил қилувчи кўшимчалар.

•**-а, -й, -б(-иб):** Кула-кула ўлаёздиқ. Йиғлай-йиғлай ухлаб қолди. У кулиб гапирди.

•Бу кўшимчалар туслана олади: **йиғлайман, борибсан.**

•**-а, -й** кўшимчаларини олган равишдошлар кўпроқ такрор ҳолда, **-б,(-иб)** аффикслари қўшилган равишдошлар ёлғиз ҳолда ҳам, такрор ҳолда ҳам қўлланилиши мумкин: *ишлай-ишлай чарчадиқ, қувониб гапирди, қувониб-қувониб гапирди.*

•Бу қўшимчалар қўшма ва кўмакчи феълли сўз қўшимчалари қисмларини (ошиб тушди, чўчиб тушди), шунингдек, содда гапларни боғлаш учун хизмат қилади: Эшик очилиб, Навоий кирди.

2. Пайт равишдошини ҳосил қилувчи қўшимчалар:

•-гач, -кач, -гунча, -кунча (кунча): *тонг отгач, тонг отгунча, тонг откуча*(архаик шакл);

•Бу қўшимчаларни олган равишдошлар тусланмайди.

3. Мақсад равишдошини таркиб топтирувчи аффикслар.

•- гани, -кани, -қани (классик шеърятда -гали, -қали, -кали шакллари қўлланилган): чигит эккани бордим, ўқигани келдик, ҳуснингни кўргали;

•Мақсад равишдоши ҳам тусланмайди.

ҲАРАКАТ НОМИ

Ҳаракатнинг номи замон ва шахс-сонни кўрсатмайдиган алоҳида феъл шаклидир. У келишиқ, эгалиқ, кўплиқ қўшимчаларини қабул қилиши (ўқиш-лар-им-ни), отга хос барча гап бўлақлари вазифасида келишига кўра отга яқин туради.

•Ҳаракат номи: -моқ,-ш (-иш), -в (-ув) қўшимчалари ёрдамида ҳосил қилинади. Бироқ -ш (-иш), -в (-ув) аффикслари ясовчи қўшимчалар сифатида от ҳам ясайди. Ҳаракат номларини отлардан қандай ажратса бўлади? Гап саволнинг тўғри қўйилишида: *Ўқиш бошланди* (нима бошланди?) – демак, бу от. *Китоб ўқиш* (нима қилиш?) – бу ҳаракат билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ҳаракат номи ҳисобланади.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Отларга **ким? нима?** саволлари берилса, ҳаракат номига нима қилиш? сўроғи қўйилади.

•ҳаракат номининг -моқ, қўшимчаси феълнинг ноаниқ шакли ҳисобланади, шу боисдан ҳам луғатларнинг барча турларида феъллар шу шаклда берилади.

•Ҳаракат номининг ҳар учала шакли (-моқ, -ш, (-иш). –в (-ув) ҳам феълнинг бўлишсизлик шакли -ма қўшимчасини қабул қилмайди.

ФЕЪЛЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Феъллар от, сифат, олмош, равиш, ундов ва тақлид сўзлардан ясалиши мумкин, аммо феълларнинг ўзидан морфологик, яъни сўз ясовчи қўшимчалар билан феълларни ясаб бўлмайди.

Қуйидаги қўшимчалар от, сифат, сон, тақлид, ва ундов сўзлардан феъл ясайди:

- **ла** (ишла, ёмонла, увла, тиқирла);
- лан, -лаш** (фахрлан, ёрдамлаш);
- а (-ай)** (яша, кенгай, қорай);
- сира, -са** (уйқусира, бегонасира, сувса);
- и** (бойи, тинчи), -**р (-ар)** (қисқар, кўкар);
- илла, -ира** (чирилла, ярқира).

Феълларда яна шундай қўшимчалар мажудки, улар ҳаракатнинг алоҳида белгиларини: кучли ёки кучсизлигини, яъни ҳаракатнинг миқдорий даражасини англатишга хизмат қилади:

- **-ғила, -кила, -қила** (эзғила, турткила, торткила);
- **-ла** (савала, ишқала, қувла);
- **-(и)мсира, -(и)нқира** (йиғламсира, оқаринқира).

Бу қўшимчалар шакл ҳосил қилувчи аффикслар сирасига киради.

Синтактик йўл билан қўшма ва жуфт феъллар ясалади.

1. Қўшма феъллар

Қўшма феъллар таркиби жиҳатидан икки хил бўлади:

Феъл бўлмаган сўзлар ва феъл	Феъл ва феъл
кўл қўймоқ	сотиб олмоқ
назар солмоқ	қайтиб чиқмоқ
дадил ишламоқ	бориб келмоқ
юзтага етмоқ	Тушиб қолмоқ
ширин бўлмоқ	ошиб тушмоқ
оҳ урмоқ	айтиб келмоқ
тиқ этмоқ	бериб келмоқ

Демак, биринчи қисм феъл бўлмаган, иккинчи қисми эса феъл бўлган барча қўшма сўзлар, шунингдек, феъл ва феълдан иборат бўлган сўз қўшилмалари қўшма (ясама) феъллар ҳисобланади.

УНУТМАНГ!

Ҳар иккала қисми феъллардан иборат бўлган ҳар қандай сўз қўшилмасини қўшма феъл деб атасак, хато қилган бўламиз. Қўшма феълни кўмакчи феълли сўз қўшилмасидан ажрата олишимиз керак бўлади:

Қўшма феъл таркибидаги иккинчи қисм **чикди, тушди, қолди** феъллари ўз маъносида қўлланилган . Кўмакчи феълли сўз қўшилмасида эса бу сўзлар ўзларининг асл луғавий маъноларини йўқотган ҳолда ёрдамчи феъл сифатида ишлатилади (ўқиб чикди – ҳеч қаердан чиққан эмас, чўчиб тушди – ҳеч қаердан тушган эмас, қийналиб қолди – бирор жойда қолган эмас) ёки йиқила ёзди – ёзган эмас, ёзиб олди – бирор нарсани олган эмас. Демак, иккинчи қисми ўз луғавий маъносида қўлланилмаган феълдан ташкил топган сўз қўшилмалари кўмакчи феълли сўз қўшилмалари қаторига киради, улар ясама эмас, туб сўз ҳисобланади.

•Кўмакчи феълли сўз қўшилмаларида етакчи феъл аввал, кўмакчи (ёрдамчи) феъллар кейин келади ва етакчи феълга турли маъно кирраларини беради: *ўқиб чикди* (ҳаракат тўла бажарилган), *ўқиб берди* (ҳаракат бирор восита орқали бажарилган), *ўқиб турди* (ҳаракат давом этган) ва ҳ.к.

•Кўмакчи феълли сўз қўшилмаларида етакчи феъл кўмакчи феълга равишдошнинг -б(-иб), -а,-й қўшимчалари ёрдамида бирикади: *кўриб қолди, ёза олди, ўқий берди*;

•Кўмакчи феълли сўз қўшилмаларида замон ва шахс-сон қўшимчалари кўмакчи феъл таркибида бўлади: *ўқиб турдим, кўра олдинг*;

•Ўзбек тилида ўттиздан ортиқ кўмакчи феъллар мавжудки, улар тилнинг луғат таркибини бойитишда муҳим омил ҳисобланади: **юр, тур, кет, ўтир, кел, бошла, бер, қол, ет, юбор, ёз, ташла** ва ҳ.к. Булар орасида энг фаоли **бошла** феълдир.

•Ўзбек тилида фақат кўмакчи бўлиб келадиган феъллар мавжуд эмас.

•Кўмакчи феълли сўз кўшилмалари жуфт ҳолда ҳам қўлланила олади: *ёзди-олди, айтди-қўйди*.

•Феълнинг **-ма** бўлишсизлик шакли кўрсаткичи етакчи феълга ҳам (*ёзмай турди*), кўмакчи феълга ҳам (*қийналиб қолмади*), бирданига ҳар иккисига ҳам қўшилиши мумкин: *қийналмай қолмади*.

2. Жуфт феъллар

Жуфт феъллар замон ва шахс жиҳатидан бир хил шаклга эга бўлган феълларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади.

•Жуфт феъллар чизикча билан ёзилади: **ёзди-олди, айтди-қўйди, айтасан-қўясан** каби.

•Жуфт феълларда ҳам биринчи қисм асосий маънони ифодалайди ва етакчи феъл саналади, иккинчи қисм эса ўз маъносини йўқотган бўлади: **айтди-қўйди** (ҳеч нарсани қўйган эмас), **ёзди-олди** (ҳеч нарсани олган эмас).

•Жуфт феъллар такрорий ҳаракатни англатиши ҳам мумкин: **борди-келди, ўтирди-турди**.

•Жуфт феъллар бир ўзакнинг қўшилишидан ҳам ясалиши мумкин: **гапирсам-гапирай, бормасам-бормай, борсанг-бор**.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Қайси қатордаги атамалар феъл туркумига хос?

- А) Бўлишли ва бўлишсизлик, ўтимли ва ўтимсизлик, эгалик.
- В) Турланиш, тусланиш, майл, нисбат, замон.
- С) Даража, нисбат, бўлишли ва бўлишсизлик, турланиш.
- Д) Майл, тусланиш, нисбат, замон, бўлишлилик ва бўлишсизлик.
- Е) Санок, тартиб, даража, нисбат, майл, замон.

2. Қайси қатордаги атамалар барча мустақил туркумларига хос?

- А) Содда, қўшма.
- В) Келишик, эгалик.
- С) Нисбат, майл.
- Д) Туб, ясама.
- Е) Тартиб, микдор.

3. Феъллар асосан қайси гап бўлаги вазифасини бажаради?

- А) Эга.
- В) Кесим.
- С) Тўлдирувчи.

- D) Аниқловчи.
- E) Ҳол.

4. Баҳор келди сени сўроқлаб.

Ушбу гапдаги феълнинг синтактик вазифаси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A) Эга.
- B) Кесим.
- C) Тўлдирувчи.
- D) Аниқловчи.
- E) Ҳол.

5. Қайси қаторда бўлишлилик маъноси ифодаланган?

- A) Айтиб кетма.
- B) Айтмай кетма.
- C) Айтма кетмай.
- D) Айтма кетма.
- E) Айтмай кет.

6. Қайси қаторда бўлишсизлик маъноси ифодаланган?

- A) Кампир қишлоғига қайтиб кетди.
- B) Бораман-а, бораман, бориб бўпман.
- C) Сизга бир савол бермоқчи эдим.
- D) Ҳали тонг отганича йўқ.
- E) В ва D

7. Ўтимли феъл қайси гапда қўлланилган?

- A) Болалар муздай сувда маза қилиб чўмилишди.
- B) Далалар оппоқ қорга кўмилди.
- C) Байрамдай безанди қирлар, адирлар.
- D) Аъзам қурт еган тишини суғуриб олди.
- E) Ўтимли феъл қатнашмаган.

8. Ўтимсиз феъл берилган қаторни аниқланг.

- A) Менга Пушкин бир жаҳону, менга Байрон бир жаҳон.
- B) Комила байрамдагидай кийинди.
- C) Пахтакорларимиз ҳосилни барвақт йиғиб олишди.
- D) Акам бу йил университетни тугатди.
- E) Энди сизни ким деб атайлик?

9. Ўтимли феъллар берилган қаторни топинг.

- A) Юзларини артди.
- B) Нондан олинг.
- C) Артинди.
- D) Ювинди.
- E) A ва B.

10. Ўтимли феъллар асосан қайси келишикдаги сўзлар билан бирикади?

- A) Қаратқич.
- B) Тушум.
- C) Жўналиш.
- D) Ўрин-пайт.
- E) B ва D.

11. Ўтимсиз феълларни ҳосил қилувчи қўшимчалар берилган қаторни кўрсатинг.

- A) -ш, -иш, -тир, -каз
- B) -ла, -ай, -а, -и
- C) -н, -ин, -л, -ил
- D) -гиз, -киз, -сат, -т
- E) -л, -ил, -дир, -ғиз

12. Феъл нисбатлари...

- A) Феълларнинг шахс-сон қўшимчаларини олиб ўзгаришидир.
- B) Феълларнинг келишик қўшимчаларини олиб ўзгаришидир.
- C) Феълларнинг замон қўшимчаларини олиб ўзгаришидир.
- D) Феълларнинг эгалик қўшимчаларини олиб ўзгаришидир.
- E) Иш-ҳаракат ва унинг бажарувчиси ўртасидаги муносабатнинг ифодаланишидир.

13. Феъл нисбатлари қайси жавобда тўлиқ ва тўғри кўрсатилган?

- A) Ўзлик, аниқ, орттирма нисбатлар.
- B) Ўзлик, мажҳул, аниқ, биргалик ва орттирма нисбатлар.
- C) Аниқ, ўзлик, бўлишлилик, бўлишсизлик нисбатлари.
- D) Шарт, истак, ўзлик, орттирма нисбатлар.
- E) Ўтимлилик, ўтимсизлик, аниқ, истак, биргалик нисбатлари.

14. Аниқ нисбатдаги феъл қайси қатордаги гапда қатнашган?

- А) Фанда инқилобни биз қилдик аввал.
- В) Элчибек ювинди, қиринди, сўнг бир нимани унутгандай узоқ ўйланди..
- С) Абдулла кўрпача устига чўзилди.
- Д) Бинонинг кенг ва оғир эшиги очилди.
- Е) Доклад учун Зиёдахонга сўз берилди.

15. Мажхул нисбатдаги феъл қатнашган гапни аниқланг.

- А) У эркаланиб онасининг елкасига осилди.
- В) Қаттол ўғри дорга осилди.
- С) Маҳмуд турникка осилди.
- Д) Узумлар шипга осилди.
- Е) В ва Д

16. Ўзлик нисбатидаги феъл қайси қатордаги гапда қатнашган?

- А) Қип-қизил қон чечаклар тердим.
- В) Кўз олди қоронғилашиб, аста йиқилди.
- С) Айвон яқинидаги ўчоққа ўт қаланди.
- Д) Дилмурод уни қўлтиғидан кўтариб, ўрнидан турғизди.
- Е) Гулнор ва Унсин самимият билан қучоқлашишди.

17. Орттирма нисбат қайси қатордаги гапда ишлатилган?

- А) Кампир ҳаммани кулдиравериб, ўлдирди.
- В) Ўтган йили отаси мана шу данғиллама ҳовлини сув текинга соттириб юборди.
- С) Собир дўстига меҳрибонлик кўрсатди.
- Д) Ўтирганлар муаммони кўриб чиқишди.
- Е) В, С

18. Қайси қатордаги феълга бир йўла иккита нисбат қўшимчаси қўшилган?

- А) Аҳмаджон полковникни чақиртирди.
- В) Бой шум болани бозорга чоптирди.
- С) Чол мактубни Хайринисога ўқиттирди.
- Д) Кампир беморнинг оғзига сув томизди.
- Е) Бу ерлар бизга ўтмишни эслатади.

19. Ўқиттиришди феълида нечта нисбат қўшимчаси мавжуд?

- А) 1та
- В) 2та
- С) 3та
- Д) 4 та
- Е) нисбат қўшимчаси қўшилмаган

20. Тинчлантирилди феълидаги нисбат кўшимчалари қайси қаторда тартиб билан кўрсатилган?

- A) Ўзлик, орттирма.
- B) Ўзлик, мажҳул, орттирма.
- C) Мажҳул, ўзлик, орттирма.
- D) Ўзлик, орттирма, мажҳул.
- E) Фақат мажҳул нисбат.

21. Безантиришди феъли қайси нисбат шаклида берилган?

- A) Ўзлик.
- B) Биргалик.
- C) Орттирма.
- D) Мажҳул.
- E) Аниқ.

22. Мажҳул нисбатдаги феъл қатнашган гапни аниқланг.

- A) Сизнинг матонатингиз туфайли бу ишлар вақтида қилинди.
- B) Мажлис бир оз кечиктирилди.
- C) Навоий сеҳрли садоларга берилди.
- D) Қишлоқда катта боғ барпо этилди.
- E) A, B, D

23. Биргалик нисбати берилган гапни топинг.

- A) Кўп ухлаш зарарли.
- B) Ҳашарчилар бугун далада ухлашди.
- C) Ой эндигина тўлишган эди.
- D) Урушнинг оғир кунларида халқимиз бир бурда нонини етимларга бўлашиб берган эди.
- E) Анвар машинага зўрға илашиб олди.

24. Феъл майллари қайси қаторда тўлиқ ва тўғри кўрсатилган?

- A) Аниқ, буйруқ ва истак майллари.
- B) Аниқ, шарт ва ўзлик майллари.
- C) Шарт, биргалик ва буйруқ-истак, майллари.
- D) Аниқ, буйруқ-истак ва шарт майллари.
- E) Ўзлик, биргалик ва шарт майллари.

25. Қайси қатордаги гапда буйруқ-истак майлидаги феъл иштирок этган?

- A) Олим бўлсанг, олам сеники.
- B) Биз мустақиллигимиз йўлида олға бораётирмиз.
- C) Мабодо келмасанг, нима бўлади?

- D) Ўчоққа ўт қаланг, қизим.
E) Буйруқ-истак майлидаги феълли гап қатнашмаган.

26. Аниқ майлдаги феъл қатнашган гапни топинг.

- A) Ҳаялламай, тезроқ қайт, болам.
B) Агар ҳаёт алдаса сени, сен ноумид бўлма ҳеч қачон.
C) Акрам бу йил ўн биринчини тугатади.
D) Холамга айтинг, бугун қишлоққа етиб борсинлар.
E) Ишласанг, тишлайсан.

27. Мени кутгил ва мен қайтарман,

Ўлимларни қолдириб доғда (К. Симонов.)

Ушбу гапда феълнинг қайси майллари қатнашган?

- A) Буйруқ-истак ва аниқ майл.
B) Фақат аниқ майл.
C) Шарт ва буйруқ-истак майли.
D) Фақат буйруқ-истак майли.
E) Феъл майллари қатнашмаган.

28. Буйруқ-истак майли қатнашган гап қайси жавобда берилган?

- A) Эртага Тошкентга жўнаб кетаётирман.
B) Дўстлар, ишонч билан кутингиз мени.
C) Омон бўлсин дўстларнинг бари.
D) Истайманки, боғимнинг гуллари унсин.
E) B, C, D

29. Қайси гапда шарт майлидаги феъл қатнашган?

- A) Қаерда кураш бўлмаса, у ерда ўсиш ҳам бўлмайди.
B) Қани энди шу топда отасини маҳкам кучоқлаб, нуроний юзларидан ўпса. . .
C) Салтанатхон, гапирсангиз-чи.
D) Она бу аламларга чидамаса керак.
E) Барча жавобларда берилган.

30. Феълнинг шарт майли қандай маъноларни ифодалайди?

- A) бир иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши учун бажарилиши шарт бўлган иккинчи иш-ҳаракатни англатади.
B) ҳам боғловчиси билан бирга келиб, воқеа-ҳодисанинг юзага чиқишига тўсиқ бўла олмайдиган бошқа иш-ҳаракатни билдиради.
C) кучли орзу-истак, мақсад, илтимос, маслаҳат маъноларини ифодалайди.

Д) наҳотки сўзи билан келганда, ҳайратланиш, экан тўлиқсиз феъли билан келганда, эса фараз, тахмин маъноларини англатади.

Е) А, В, С, D

31. Яқин ўтган замон феъли қатнашган гапни топинг.

А) Арава қинғир-қийшиқ йўлдан имиллаб борарди.

В) Ҳозир Зухра ҳола келиб, биздан хабар олиб кетди.

С) Қоронғида ҳеч ким кўринмас эди.

Д) Бунақа қаҳрамонларни кўп кўрганмиз.

Е) Муҳаббат яна уйига қайтди.

32. Уфқ қизғиш рангга кириб, аста-секин тонг ёришаётир.

Ушбу гапдаги феъл замонни аниқланг.

А) Ҳозирги замон давом феъли.

В) Ҳозирги-келаси замон феъли.

С) Ўтган замон феъли.

Д) Келаси замон феъли.

Е) Ўтган замон давом феъли.

33. Ҳузурингизга ўзим борадиганман.

Ушбу гапдаги феълда қайси замон маъноси ифодаланган?

А) Ҳозирги-келаси замон маъноси.

В) Келаси замон гумон маъноси.

С) Келаси замон мақсад маъноси.

Д) Ҳозирги замон давом феъли маъноси.

Е) Ўтган замон ҳикоя феъли маъноси.

34. Бир куни қарасам, Тешавой қўйнида катта бир тарвуз билан келяпти.

Берилган гапдаги феъл қайси замон маъносини ифодалаган?

А) Ҳозирги замон давом феъли.

В) Ўтган замон феъли.

С) Келаси замон феъли.

Д) Ҳозирги-келаси замон феъли.

Е) Ўтган замон мақсад феъли.

35. Нотик сўзини тугатади (қарсаклар). Ҳамма ўрнидан туради.

Ушбу гапдаги феълда қайси замон маъноси ифодаланган?

А) Келаси замон давом феъли.

В) Келаси замон мақсад феъли.

- С) Ҳозирги замон давом феъли.
- Д) Ҳозирги-келаси замон феъли.
- Е) Ўтган замон феъли.

36. Феълларнинг тусланиши деганда, нима тушунилади?

- А) Феълларнинг шахс-сон қўшимчаларини олиб ўзгариши.
- В) Феълларнинг нисбат қўшимчаларини олиб ўзгариши.
- С) Феълларнинг майл қўшимчаларини олиб ўзгариши.
- Д) Феълларнинг ясовчи қўшимчаларни олиб ўзгариши.
- Е) Феълларнинг бўлишсизлик қўшимчасини олиб ўзгариши.

37. II шахс кўпликда тусланган феъл қайси қатордаги гапда берилган?

- А) Ойижон, аҳволимни ўзингиз тушунасиз.
- В) Яхшилик қил, болам, ёмонликни от.
- С) Биз ўз Ватанимиз билан фахрланамиз.
- Д) Ўн қадам нарига боринглар!
- Е) В ва Д

38. Тўлиқсиз феъл қатнашган гапни аниқланг.

- А) Лолахон ҳали ҳам сизнинг умидингизда юрганмиш.
- В) Қишлоқда Каримжон ҳақидаги миш-мишлар кўпайиб кетди.
- С) Ойимлар кеча Тошкентдан қайтиб келдилар.
- Д) Заҳар солмоқ эмиш касби илоннинг.
- Е) А ва Д.

39. Тўлиқсиз феъллар. . .

- А) Шахс-сон ва замонни кўрсатмайдиган феъл шакллари.
- В) Барча мустақил сўзлар билан бирикиб, турли маъноларни ифодаладиган ёрдамчи феъллар.
- С) Феълнинг нисбат қўшимчаларини олган шакллари.
- Д) Феълнинг майл қўшимчаларини олган шакллари.
- Е) Феълларнинг хосланган шакллари.

40. Шарт майлидаги феъллар асосан қандай гапнинг кесими бўлиб келиши мумкин?

- А) Қўшма гапларнинг.
- В) Боғланган қўшма гапларнинг.
- С) Тўлиқсиз эргаш гапларнинг.
- Д) Шарт эргаш гапларнинг.
- Е) Сабаб эргаш гапларнинг.

41. Инсоннинг борадиган ери ҳаммага маълум-ку, қиладиган савоб ишларингни, эзгуликни вақтида қил, болам, бу дунё қайтар дунё, ахир.

Ушбу гапдаги сифатдошлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Боражак, қиладиган.
- В) Борадиган, қиладиган, қайтар.
- С) Ишларингни, қиладиган, қайтар.
- Д) Борадиган, қиладиган, ахир.
- Е) Сифатдош берилмаган.

42. Сифатдошлар қайси қўшимчалар ёрдамида ясалади?

- А) -б, -иб, -гач, -кач, -а, -й
- В) -р, -ар, -тир, -дир, -сат
- С) -моқ, -ш, -иш, -ув, -а, -й
- Д) -р, -ар, -ган, -кан, -жак, -мас
- Е) А ва Д

43. Отлашган сифатдош қатнашган гапни аниқланг.

- А) Она севмас фарзанд топилмас.
- В) Дард билмаслар ўзга дардин на билсин.
- С) Шошилган қиз эрга ёлчимас.
- Д) Кўп ўқиган киши кўп билади.
- Е) Чумчукдан кўрққан деҳқон тариқ экмайди

44. Чорраҳага етгунча, бола чарчаб, хансираб борди.

Ушбу гапда феълнинг хосланган шаклларида қайси бири қатнашган?

- А) Фақат равишдош.
- В) Фақат сифатдош.
- С) Равишдош ва сифатдош.
- Д) Равишдош ва ҳаракат номи.
- Е) Сифатдош ва ҳаракат номи.

45. Равишдош ясовчи қўшимчалар берилган қаторни тўғри кўрсатинг.

- А) -б, -иб, а, -й, -ган, -ш
- В) -иб, -гач, -кач, -мас, -р, -ар
- С) -жак, -гани, -кани, -гунча
- Д) -а, -й, -б, -иб, -гач, -гунча, -гани
- Е) -моқ, -ш, -иш, -ув, -кунча, -р, -ар

46. Боғда музқаймоқ еб ўтирган қизларни кўп кўраман-у, аммо китоб ўқиб ўтирганини кам учратаман.

Ушбу гапда феълнинг хосланган шаклларида қайси бири қатнашган?

- A) Равишдош ва сифатдош.
- B) Сифатдош ва ҳаракат номи.
- C) Фақат сифатдош.
- D) Фақат равишдош.
- E) Фақат ҳаракат номи.

47. Пахтакорлар ҳосилни йиғиб бўлишди.

Ушбу гапдаги феълнинг хосланган шаклини аниқланг.

- A) Равишдош.
- B) Сифатдош.
- C) Ҳаракат номи.
- D) A ва B.
- E) Гапда феълнинг хосланган шакли йўқ.

48. Феъл ясовчи қўшимчалар қаторини аниқланг.

- A) -ла, -каш, -шунос, -сира
- B) -паз, -чан, —ли, -она
- C) -лар, -ча, -чоқ, -чак
- D) -а, -ай, -ги, -ки, -ғу
- E) -ла, -р (-ар), -сира, -лан, -лаш

49. Морфологик усул билан ясалган феълни кўрсатинг:

- A) Тошлоқ, бошоқ, қашшоқ.
- B) Чопган, қайтар, келажак.
- C) Тинчи, сувсира, оша.
- D) Ғазаблан, бойи, улғай.
- E) C ва D.

50. От ва феълдан ясалган қўшма феъллар қаторини топинг.

- A) Назар солди, қўл қўйди, сотиб олди.
- B) Яхши кўрди, тасдиқ қилди, азоб чекди.
- C) Ҳурмат қилди, оҳ урди.
- D) Ҳикоя қилди, назар солди.
- E) Гапириб бериб қўя қолди.

51. Қўшма феъллар берилган қаторни топинг.

- A) Югуриб борди, кула-кула ўлди.
- B) Мақтаниб гапирди, савол берди.
- C) Озод бўлди, ҳайрон қолди.
- D) Ўқиб чиқди, кўриб қолди.
- E) Айтди - қўйди, ёзди-олди.

52. Майли, молларга қараб тура қолсин.

Ушбу гапдаги кўмакчи феъл қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Қолсин.
- B) Тура қолсин.
- C) Қараб тура қолсин.
- D) Молларга қараб тура қолсин.
- E) Кўмакчи феъл берилмаган.

53. Кўмакчи феълли сўз қўшилмасини топинг.

- A) Азоб чекди, ҳайрон қолди.
- B) Қўл қўйиб қўя қолмоқчи бўлиб турган бўлса ҳам.
- C) Ғам емайди, рози бўлди.
- D) Йиқила ёзди, ёзиб қўйди.
- E) B ва D.

54. Директорни залда бир оз кутиб тура туринг.

Ушбу гапдаги кўмакчи феълни аниқланг.

- A) Тура туринг.
- B) Туринг.
- C) Кутиб тура туринг.
- D) Залда тура туринг.
- E) Кўмакчи феъл берилмаган.

55. Ёзди-олди, айтди- қўйди

Ушбу жуфт сўзлар қайси қаторда тўғри изоҳланган?

- A) Кўмакчи феълли жуфт феъллар.
- B) Қўшма феъллар.
- C) Такрор феъллар.
- D) A ва B жавоблар.
- E) A, B, C.

56. Турмоқ феъли мустақил феъл сифатида қўлланган гапни белгиланг?

- A) Пастда сизни бир киши кутиб турибди.
- B) Рассом столи устида ҳар хил мўй қаламлар турибди.

- С) Мажнунтол барглари осилиб турибди.
- Д) Менга сўз бериб тулинг.
- Е) Барча гапларда кўмакчи феъл сифатида қўлланган.

РАВИШ

Нималарни билишингиз керак?

- *равиш ва унинг грамматик белгилари*
- *равишларнинг маъносига кўра турлари*
- *равишларда даража*
- *равишларнинг ясалиши*

• Равишлар белгини билдириши, даражаларга эга бўлиши жиҳатидан сифатларга ўхшаб кетса-да, бироқ улардан мутлақо фарқ қилади: **Баланд бино** бирикмасида **баланд** сўзи сифатдир, чунки у бинонинг (предметнинг) белгисини билдирипти, **баланд учмоқ** бирикмасида эса айнан шу “**баланд**” сўзи энди ҳаракат белгисини ифодаляпти, шунинг учун ҳам у равиш ҳисобланади. Демак, сифат предмет белгисини, равиш ҳаракат белгисини билдиради.

• Айрим ҳолларда равиш ҳам предмет белгисини ифодалаши мумкин: **Фарғонача** удумларнинг илдизи жуда чуқур.

• Равиш гапда, асосан, ҳол вазифасида келади, айрим ҳолларда кесим бўлиб ҳам келиши мумкин: Бу йил совуқ **анча эрта** (анча, эрта – ҳол) бошланди. Шошилганнинг пушаймони **кўп** (кесим).

• Равиш бирор сўз билан боғланиб, бирикма ҳосил қилганда, ўз шаклини ўзгартирмайди, сўз ўзгартувчи (турловчи ва тусловчи) қўшимчаларни қабул қила омайди: **бирга** ишлаш, **тезда** қайтиш, **тўсатдан** кириб келиш бирикмалари таркибидаги **-га, -да, -дан** қўшимчалари келишик аффикслари эмас, бу сўзлар яхлитлигича ўзак ҳисобланади.

РАВИШЛАРНИНГ МАЪНО ТУРЛАРИ

Равишлар маъноси ва грамматик хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Ҳолат (вазият) равиши

Ҳолат (вазият) равиши иш-ҳаракатнинг қай тарзда ва усулда бажарилишини англатади ва **қандай? қандай қилиб? қай тарзда? кимдай? нимадай?** каби сўроқларидан бирига жавоб бўлади, гапда равиш(вазият) ҳоли вазифасида келади: **тез, секин, илдам, жадал, тасодифан, мардона, қаҳрамонларча, тириклайин** ва ҳ. к.

2. Ўрин равиши

Ўрин равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради ва **қаерга? қаерда? қаердан? қаергача?** каби сўроқларидан бирига жавоб бўлади, гапда ўрин ҳоли вазифасини бажаради: **қуйи, юқори, нари, бери, ичкари, ташқари, унда-бунда, аллақаерга** ва ҳ. к.

3. Пайт равиши

Пайт равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини англатади ва **қачон? қачондан буён? қачонгача?** каби сўроқларга жавоб бўлади, гапда пайт ҳоли бўлиб келади: **эрталаб, илгари, кеча, бурун, аввал, олдин, сўнг, кейин, қишин-ёзин, эрта-ю кеч** ва ҳ. к.

4. Мақсад равиши

Мақсад равиши иш-ҳаракатнинг қайси мақсадда амалга ошаётганини ифодалайди ва **нима учун? нима мақсадда?** каби сўроқларидан бирига жавоб бўлади, гапда мақсад ҳоли вазифасида келади: **атайин, атайлаб, жўрттага, қасддан** ва ҳ. к.

5. Сабаб равиши

Сабаб равиши иш-ҳаракат нима сабабдан юзага чиққанлигини билдиради ва **нима учун? нима сабабдан?** каби саволлардан бирига жавоб бўлади, гапда сабаб ҳоли вазифасида келади: **ноилож, иложсизликдан, ночор, чорасизликдан** каби.

6. Даража-миқдор равиши

Даража-миқдор равиши иш-ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган даража-миқдорни англатади, **қанча? қай даражада?** сўраридан бирига жавоб бўлади, гапда даража-миқдор ҳоли вазифасини бажаради: **сал, пича, кўп, оз, жиндак, анча, қиттак, хиёл, асло, ниҳоятда, унча-мунча, озмунча, ҳар қанча, сира, асло, ўта, ҳеч** ва ҳ. к.

РАВИШЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ

Равиш ясовчи қўшимчалар от, сифат, сон, олмошларга қўшилиб, кўпинча ҳолат равишларини ясайди:

- **ан:** мажбуран, тасодифан, тахминан
- **-лаб:** яхшилаб, қоплаб, килолаб
- **- ча, -часига:** ўзбекча, фарғоначасига
- **- ларча, -она:** мардларча, қахрамонларча, шоирона;
- **- дек, -дай:** қуёшдай, ойдай, инсонлардек;
- **- лай, -лайн, -лигича:** бутунлай, тириклайин, хомлигича;
- **- инча:** кўпинча, яширинча, ўз-ўзича.

Синтактик усул билан қўшма ва жуфт равишлар ясалади:

ҚЎШМА РАВИШЛАР

Қўшма равишлар қуйидаги усулда ясалади:

у, бу, шу, ўша, мана шу, ҳеч, ҳар, бир, алла сўзлари ёрдамида ҳосил қилинади: **у маҳал, бу ер, шу пайт, ўша кун, мана шу ер, ҳар қачон, ҳеч вақт, бир оз, бир дам, бирмунча, бир йўла, ҳар сафар, алламаҳал, аллақачон** каби.

Оз, бир сўзлари ёрдамида ясалган қўшма равишлар ҳам қўшиб, ҳам ажратиб ёзилади: *бир оз, озмунча, бир маҳал, бирваракай* ва бошқ.

ЖУФТ РАВИШЛАР

Жуфт равишлар, одатда, равишларнинг ўзини, жуфт келтириш йўли билан ясалади: **эсон-омон, эртаю-кеч, қишин-ёзин, эртаиндин, аввал-охир**.

ТАКРОРИЙ РАВИШЛАР

Такрорий равишлар қуйидагича ҳосил қилинади:

- икки отни такрорлаш орқали (**чаман-чаман, йилдан-йилга, бош-бошига, гул-гул, галма-галма** ва ҳ.к.)
- икки сифатни такрорлаш билан (**чаққон-чаққон, бийрон-бийрон, пишиқ-пишиқ, зўр-базўр, бекордан-бекорга** ва ҳ.к.)
- феълнинг равишдош, сифатдош шакллари такрорлаш билан (**бора-бора, туриб-туриб, келиб-келиб, юра-юра, қайта-қайта, кўрар-кўрмас, қўярда-қўймай, қотиб-қотиб** ва ҳ.к.);

- икки равишни такрорлаш орқали (нари-бери, олдинма-кейин, хали-бери, унда-бунда, бирин-кетин ва ҳ.к.)

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Қайси қаторда равишларга хос хусусиятлар тўғри кўрсатилган?

- А) Предметнинг белгисини билдириб, гапда асосан аниқловчи бўлиб келади.
- В) Иш-ҳаракатнинг белгисини билдиради, гапда асосан ҳол вазифасини бажаради.
- С) Сўз ўзгартувчи қўшимчаларни қабул қилмайди.
- Д) Кесим вазифасида келиши мумкин.
- Е) В,С,Д

2. Фақат равишлар берилган қаторни топинг.

- А) гўзал, чиройли, аччиқ, тез.
- В) нари, бери, анча, сал, кеча.
- С) эртага, индин, қишин-ёзин, яхши.
- Д) очиқ-ойдин, тасодифан, ширин, илдам.
- Е) кўмакчи, олдин, кейин.

3. Бетма-бет, очиқдан-очиқ, кўпинча сўзлари қайси туркумга хос?

- А) От.
- В) Сифат.
- С) Равиш.
- Д) Сифат ва равиш.
- Е) Кўмакчи.

4. Пайт равиши иштирок этган гапни кўрсатинг.

- А) Комил уйда бир ўзи қолди.
- В) Сизга айтадиган ажойиб гапим бор.
- С) Халқимиз улуғ кунларга етиб келди.
- Д) Ҳалоллик инсонни маънавий юксакликка кўтаради.
- Е) Илгари бу ерлар жуда хароб эди.

5. Равишлар гапда асосан қайси гап бўлаги вазифасини бажаради?

- А) Кесим.
- В) Ҳол.

- С) Эга.
- Д) Аниқловчи.
- Е) А ва В.

6. Анвар гуноҳкорларча бошини қуйи эгди.

Ушбу гапдаги гуноҳкорларча, сўзи қайси сўз туркумига хос?

- А) Равишга.
- В) Сифатга.
- С) Олмошга.
- Д) Ўзлик нисбатидаги феълга.
- Е) Мажхул нисбатидаги феълга.

7. Сулув, барно, ўзбекчасига, яқинда, яхшироқ сўзлари қайси сўз туркумларига хос?

- А) Сифат ва равишга.
- В) Сифат ва феълга.
- С) Фақат сифатга.
- Д) Фақат равишга.
- Е) Олмошга.

8. Мақсад равиши берилган қаторни аниқланг:

- А) Биз кеча сизни орзиқиб кутган эдик.
- В) Бир оз ташқарида кута олмайсизми?
- С) Нодира атайлаб кеч қолди.
- Д) Ноилож орқага қайтдик.
- Е) Салгина юрсангиз, бизнинг қишлоқ келади.

9. Мустақиллик йўлидан олға бораверамиз.

Ушбу гапда **олға** сўзи қайси туркумга хос?

- А) Сифатга.
- В) Равишга.
- С) Олға бораверамиз биргаликда қўшма феъл.
- Д) Қўмакчи.
- Е) Модал сўз.

10. Қайси қатордаги сўзга сўз ўзгартувчи қўшимча қўшилган:

- А) Бирдан.
- В) Бирга.
- С) Эртага.
- Д) Қаторасига.
- Е) Ҳеч қайси сўзга қўшилмаган.

11. Қайси қатордаги гапда ташқари сўзи равиш сифатида қўлланган?

- А) Бундан ташқари ҳали яна кўп ишларни бажаришимиз керак.
- В) Ташқари жуда совуқ эди.
- С) Ўктам бригадирликдан ташқари, ҳисоб-китоб ишларини ҳам олиб борар эди.
- Д) Кутубхоначиликдан ташқари бошқа хунарингиз ҳам борми?
- Е) Барча гапларда ташқари сўзи кўмакчи сифатида қўлланган.

12. Сабаб равиши қайси қатордаги гапда берилган?

- А) Бўтабой ноилож маслаҳатга кўнди.
- В) Саида жўрттага билмасликка олди.
- С) Бир оз дам олишгач, йўлга тушишди.
- Д) Ҳаётнинг ўз байрамлари бўлганидек, озгина азоблари ҳам бўлади, болам, чидаш керак.
- Е) Кеча Америкадан қайтиб келдик.

13. Равиш кесим бўлиб келган гапни аниқланг:

- А) Қўзивой тоқатсизланиб, унга термулди.
- В) Тонгда яна Тошкентга қайтиб кетамиз.
- С) Хаёлларим шамолдан тез учади.
- Д) Кўпни ёмонлаган кўмувсиз қолар.
- Е) Бизда ҳали очилмаган ерлар кўп.

14. Равиш ясовчи қўшимчалар қаторини топинг?

- А) -ли, -дор, -ай, -а, -и
- В) -ча, -часига, дек, -она
- С) -ларча, -ан, -дор, -бе, -ба
- Д) -дор, -каш, -паз, шунос
- Е) -к, -ак, -уқ, -ик, -к

15. Қайси сўроқ олмошлари равиш ўрнида қўлланиши мумкин?

- А) нега? қанча?
- В) ким? нима?
- С) қачон? қаер?
- Д) қандай? қанақа?
- Е) қаер? қайси?

16. Қўшма равишлар берилган қаторни кўрсатинг:

- 1. Илгари сизни унчалик яхши билмас эканман.
- 2. Отлиқлар бир неча қадам илгари юрди.

3. Мехмонларга ошдан илгари мастава узатилди.

4. Қадам бос илгари, юртим соқчиси!

A) 1,2

B) 2

C) 1,2,3

D) 1,2,3,4

E) Ҳеч қайси гапда қўшимча равиш берилмаган.

17. Ушбу гапларнинг қайси бирида илгари равиши ўрин маъносини ифодалаган?

1. Буюк мақсад йўлидан илгари бораверамиз.

2. Илгари қаерда ишлагансиз?

3. Овқат ейишдан илгари қўлни яхшилаб ювиш керак, ўғлим.

4. Илгари замонда аравада юриларди.

A) 1,2,3

B) фақат 1

C) фақат 2

D) 1,2,3,4

E) Ҳамма гапларда «илгари» сўзи кўмакчи ҳисобланади.

18. Жуфт равишлар берилган қаторни аниқланг:

A) Қишин-ёзин, очин-тўқин.

B) Алламаҳал, аллақачон.

C) Эрта-кеч, иссиқ-совуқ.

D) Аллақандай, аллақанча.

E) А ва В.

19. Қуйидаги жуфтликларнинг қайси бири қўшма равиш?

A) Аллақандай.

B) Аллақайси.

C) Аллаким.

D) Аллақачон.

E) Алланима.

20. Қўшма равишларнинг қайси бири хато ёзилган?

A) Оз мунча.

B) Бирйўла.

C) Ҳеч вақт.

D) Ҳар кун.

E) Барчаси тўғри.

21. Бир тўп садақайрағоч тагида Нозимжон ва Дилдора узок суҳбатлашди.

Гапдаги равиш турларини аниқланг.

- А. Пайт равиши.
- В. Даража-микдор, пайт, ўрин равишлари.
- С. Даража-микдор ва ўрин равишлари.
- Д. Ўрин ва пайт равишлари.
- Е. Гапда равиш иштирок этмаган.

22. Баҳром бир ондаёқ нари-бери кийинди-да, югуриб пастга тушиб кетди.

Гапдаги равишлар миқдорини аниқланг.

- А. Битта. В. Иккита. С. Учта. Д. Тўртта. Е. Бешта.

23. Қайси қатордаги гапда **кейин** сўзи равиш сифатида қўлланган?

- А. Ҳалол ишламаганингдан кейин, аҳволинг шу – да!
- В. Аввал ўйла, кейин сўйла.
- С. Қўллари ишламаганидан кейин нима қилсин бечора?
- Д. **Кейин** сўзи барча гапларда кўмакчи сифатида қатнашган.
- Е. **Кейин** сўзи барча гапларда равиш ҳисобланади.

24. Қайси қатордаги гапда равиш сифат ўрнида қўлланилган?

- А. Умар отанинг неваралари олдинма-кейин кириб келишди.
- В. Ойша хола кампирга нари-бери дам солган бўлди.
- С. Собир чатоқ ҳеч нарсадан-ҳеч нарсасиз ўрнидан аччиқланиб туриб кетди.
- Д. Равишлар сифат ўрнида қўлланилмайди.
- Е. Сизларга битта фарғонача палов қилиб бермайми?

25. Қайси қатордаги гапда равиш кесим вазифасида келган?

- А. Автобус йўл –йўлакай Бекобод шоҳбекатида тўхтаб турди.
- В. Оз сўзла, кўп ўйла.
- С. Асбобинг нобоп бўлса, машаққатинг мўл бўлар.
- Д. Нонуштадан кейин Дилдорни қўярда-қўймай боғчага олиб чиқишди.
- Е. С, Д.

26. 1. Туман ҳокимияти Мардонни юқорига ишга тавсия этди. 2. Бу йил пахта ҳосили анча юқори бўлди. 3. Навоийни қўярда-қўймас юқорига ундашди. 4. Жуман писмик юқорининг чизиғидан бир қарич нари чиқмасди.

Берилган гапларнинг қайси бирида юқори сўзи равиш ҳисобланади?

A. 1, 2, 3, 4 B. Фақат 3 C. Фақат 4 D. 2, 3, 4 E. 3, 4

27. Феълнинг равишдош шаклини такрорлаш билан ясалган равишларни топинг.

- A. Таниб-танитай, очикдан-очик
- B. Ура-сура, кўярда-кўймай
- C. Билиб-билмай, бирин-кетин
- D. Узундан-узоқ, хали-бери
- E. Тўғридан-тўғри, вақти-бевақт

28. Балижон стол ёнига ўтириб, шошмай, шаҳарда яшайдиган тоғасига узундан-узоқ хат ёзди.

Берилган гапдаги равишлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A. Ёнига, узундан-узоқ.
- B. Ёнига, шошмай, узундан-узоқ.
- C. Узундан-узоқ.
- D. Шошмай.
- E. Гапда равиш қатнашмаган.

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР

Нималарни билишингиз керак?

- мустақил сўзлар ва уларнинг ўзига хос грамматик хусусиятлари;
- кўмакчи ва унинг турлари: асл кўмакчилар, от, равиш феълдан ўсиб чиққан кўмакчилар;
- кўмакчи ва келишиклар;
- боғловчи: тенг ва эргаштирувчи, якка ва такрорий ишлатиладиган боғловчилар;
- юклама ва уларнинг турлари.

Кўмакчи, боғловчи, юкламалар ёрдамчи сўз туркумларидир.

• Ёрдамчи сўз туркумлари ёлғиз ҳолда қўлланилмайди ва луғавий маъно ифодаламайди, улар фақат грамматик маъно англатади.

- Ёрдамчи сўзлар мустақил сўзлар ва содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қилади, сўзлар ва гапларга қўшимча маъно юклайди.

- Ёрдамчи сўзлар гапда ҳеч қандай гап бўлаги вазифасини бажармайди.

КЎМАКЧИ

От ва отлашган сўздан кейин келиб, уларнинг бошқа сўзлар билан муносабатини кўрсатувчи ёрдамчи сўзлар кўмакчилардир.

Кўмакчилар қуйидаги маъно муносабатларини ифодалайди:

- **мақсад** (Ўқиш учун келганмиз);
- **сабаб** (касаллиги учун (сабабли, туфайли) дарсга келмади);
- **пайт** (Совуқ кун сайин (сари), қаҳрини ошириб бормоқда);
- **аталганлик** (Бу китобни укам учун олдим);
- **восита** (телефон билан гаплашдим);
- **макон** (мактаб томон (сари) бордим);
- **ўхшатиш** (сен каби, сиз сингари);
- **биргалик** (Тошкентга акам билан бордим).

Кўмакчилар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Асл (соф) кўмакчилар

ҳозирги пайтда ўзларининг асл луғавий маъноларини йўқотиб, бутунлай кўмакчига айланган ёрдамчи сўзлардир: **билан, учун, каби, сингари, сари, сайин**

2. От кўмакчилар от, равишларнинг кўмакчи вазифасида келган кўринишларидир. Улар гапда ўз вазифасида ҳам, кўмакчи вазифасида ҳам келаверади: **томон, тараф, олд, уст, орқа, илгари, бурун, сўнг, кейин, ичида**

3. Феъл кўмакчилар феълдан ўсиб чиққан кўмакчилардир: яраша, қараганда, кўра, тортиб, бошлаб, бўйлаб ва ҳ.к.

- Акмал Зокирга қараганда, у китоб ўқиб ўтирар эди (қараганда – феъл)
- Акмал Зокирга қараганда новчароқ (қараганда – кўмакчи).

Кўмакчилар, асосан, бош, қаратқич, жўналиш, чиқиш келишигидаги сўзларни бошқариб келади.

- **бўйлаб, сари, сайин, узра, орқали** кўмакчилари фақат бош келишиқдаги сўзлар билан бирикади: *дала бўйлаб, денгиз сари, осмон узра* ва ҳ.к.

- **билан, учун, каби, сингари** кўмакчилари бош келишиқдаги от ва қаратқич келишиғидаги олмош билан бирга келади: *дўстим учун, инсон каби, шунинг учун, шунинг билан, шунинг сингари* ва ҳ.к.

- **билан, учун** кўмакчилари шеъриятда қисқарган ҳолда ҳам қўлланиши мумкин. Бу ҳолда бу кўмакчилар ўзи боғланган сўз билан чизиқча орқали ажратилади: Сен-чун олдим. Сен-ла бирга боргум ўлимларга ҳам.

- **томон, қадар, кўра, қарши, қараганда, яраша, доир, биноан, мувофиқ** каби кўмакчилар фақат жўналиш келишиғидаги сўзлар билан бирикади: *сенга томон, уйга қадар, қилмишига кўра, меҳнатга яраша* ва ҳ.к.

- **сўнг, кейин, буён, бошқа, ташқари, бери** каби кўмакчилар фақат чиқиш келишиғидаги сўзлар билан бирикиб келади: *шундан сўнг, бундан кейин, анчадан буён, сендан бошқа, шундан бери*.

Кўмакчилар ёлғиз ҳолда ҳеч қандай гап бўлағи вазифасида келмайди, улар ўзи боғланган сўзлар билан биргалиқда, асосан, воситали бўлдирувчи ва ҳол вазифасини бажариш мумкин: Онам билан (тўлдирувчи) фахрланаман. Самолёт осмон узра (ўрин ҳоли) парвоз қилмоқда.

- Айрим кўмакчилар ўзаро синонимик қаторини ташкил этиши мумкин: *яраша, кўра, биноан, каби, сингари, туфайли, сабабли, важдан* ва ҳ.к.

- Кўмакчилар отларнинг келишиқ шакллари билан ҳам синонимик ҳолатда бўла олади. Бу ҳолат тушум (бошидан ўтганларни гапириб берди-бошидан ўтганлар ҳақида гапириб берди)), жўналиш (онамга олдим-онам учун олдим), ўрин-пайт (телефонда гаплашди – телефон орқали гаплашди), чиқиш (радиодан эшитиш) келишиқлари билан содир бўлади.

- Кўмакчилар вертикал (ост, таг, уст) ва горизонтал ҳаракатларни ҳам (олд, орқа, ён, ич, томон) ифодалайди.

БОҒЛОВЧИ

Боғловчилар мустақил сўзлар (гапнинг уюшиқ бўлақлари) ва қўшма гаплар таркибидаги содда гапларни бир-бирига боғлайдиган ёрдамчилардир. Улар ўз вазифасига кўра икки хил: тенг ва эргаштирувчилар бўлади.

Тенг боғловчилар ҳам мустақил сўзларни, ҳам содда гапларни боғлаш учун хизмат қилади. Улар қуйидаги турларга бўлинади:

- а) **бириктирувчи боғловчилар:** ва, ҳам, ҳамда;
- б) **айирувчи боғловчилар:** ё, ёки, ёхуд, гоҳ, дам, баъзан, хоҳ, бир;
- с) **зидловчи боғловчилар:** аммо, лекин, бироқ;
- д) **инкор боғловчилар:** на

Эргаштирувчи боғловчилар эргаш гапли қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлайди: **чунки, шунинг учун, гўё, гўёки, агар, мабодо, башарти, гарчи.**

Эргаштирувчи боғловчилар ўз навбатида маънолари ва грамматик хусусиятларига кўра аниқлов (-ки,ким), сабаб (чунки, шунинг учун, негаки, зероки), чоғиштирув (гўё, гўёки, худди), мақсад (деб, токи), шарт ва тўсиқсизлик (агар, агарда, мабодо, башарти, гарчи, гарчанд) боғловчилари каби турларга бўлинади.

Боғловчилар тузилишига кўра содда (агар, ҳам, ва, ҳамда), қўшма (шунинг учун); ишлатилишига кўра якка (ва, ҳамда, аммо, лекин, бироқ) ва такрорланувчи боғловчилар (ё..., ё..., гоҳ..., дам..., дам..., баъзан..., баъзан..., на..., на...) каби турлага бўлинади.

Айрим ҳолларда баъзан боғловчиси якка ҳолда қўлланилиши ва бу тақдирда у пайт равишга айланиши мумкин: *Ўктам баъзан чўлга ёлғиз ўзи бориб келарди.*

- Ё (ёки) боғловчиси, одатда, бошқа айирувчилар каби такрор ҳолда ҳам ёлғиз ҳолда ҳам қўлланилади. Сўзларни боғлаган ё боғловчиси такрор ҳолда қўлланилганда, улар орасига вергул, ёлғиз ҳолда ишлатилганда эса, ҳеч қандай тиниш белгиси қўйилмади: *Навбатчи бўлиб, бугун ё Носир, ё Зокир қолсин. Бугун навбатчи бўлиб Носир ёки Зокир қолсин.*

- Содда гапларни боғлаган ё (ёки) боғловчиси ёлғиз ҳолда қўлланилганда ҳам, такрор ҳолда ишлатилганда ҳам вергул қўйилаверади: *Ё ерда туз кўнайган, ё чигитнинг сифати паст. Ерда туз кўнайган, ё чигитнинг сифати паст.*

ЮКЛАМА

Айрим сўз ва гап мазмунга қўшимча маъно юкловчи сўзлар юклама дейилади.

Юкламалар сўз ва гапларга **таъкид, сўроқ, кучайтирувчи, чегаралаш, гумон** каби маъноларни юклайди. Шунга кўра улар қуйидаги турларга бўлинади:

а). **Сўроқ юкламалари** сўроқ гапларни ҳосил қилишда қатнашади: *-ми, -чи, -а, -я*;

б). **Таъкид ва кучайтирувчи юкламалар:** *ҳам, -да, -у, -ку, -оқ(-ёқ), наҳот(ки), ҳатто(ки), ахир*;

с). **Айирув юкламалар:** *-гина(-кина, қина), фақат, ёлғиз, холос*;

д). **Аниқлов (худди, нақ), гумон (-дир), инкор(на) юкламалари.**

- **“Ҳам”** сўзи уюшиқ бўлакларида аввал қўлланса, бириктирувчи боғловчи (Йиғилишга ҳам ўқитувчилар, ҳам врачлар тўпланишди), кейин кеса, таъкид юкламаси (Йиғилишга ўқитувчилар ҳам, врачлар ҳам тўпланишди) ҳисобланади: ҳам юкламаси оғзаки сўзлашув услубида **“ям”** шаклида қўлланиши мумкин: Шуям гап бўлди-ю!;

- юкламалар ҳам ўзаро синонимлик ҳосил қилиши мумкин: фақат, ёлғиз, -гина; худди, нақ.

- Юкламалар ажратиб (наҳот(ки), ҳатто(ки), ахир, худди, фақат), қўшиб (-ми, -гина, -оқ(-ёқ), -дир) ўзи боғланган сўз билан чизикча қўйиб ёзилади (-а, -я, -ку, -да, -у, -ю).

Юкламалар тузилишига кўра икки хил бўлади:

- сўз юкламалар: ахир, наҳот(ки), ҳатто(ки), худди, фақат, холос;

- қўшимча юкламалар: -ми, -чи, -а, -я, -у, -ю, - оқ-ёқ, -гина
холос, ахир юкламалари гапда кириш сўз вазифасида қўлланилади.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Гап бўлаги вазифасида кела олмайдиган сўзлар қаторини топинг.

- А) Кўмакчи, ундов, сўз, равиш, от.
- В) От, сифат, сон, олмош, феъл, равиш.
- С) Кўмакчи, боғловчи, юклама.
- Д) Сифат, олмош, кўмакчи, равиш.
- Е) Юклама, равиш, боғловчи, кўмакчи.

2. Қайси хусусиятлар ёрдамчи сўз туркумларига хос эмас?

- А) Луғавий маънога эгалик.
- В) Грамматик маънога эгалик.
- С) Гап бўлаги вазифасида кела олмаслик.
- Д) Грамматик шаклга эгалик.
- Е) А ва С.

3. Кўмакчилар қандай маъно муносабатларини ифодалайди?

- A) Мақсад ва сабаб.
- B) Вақт ва макон.
- C) Восита.
- D) Ўхшатиш.
- E) Барча жавоблар тўғри.

4. Қаратқич келишигидаги сўзларга қайси кўмакчилар бирикади?

- A) Кўра, яраша.
- B) Томон, каби.
- C) Орқали, билан.
- D) Билан, учун.
- E) Қараб сўнг.

5. Қайси кўмакчилар қисқарган шаклда қўлланилиши мумкин?

- A) Томон сингари.
- B) Яраша, узра.
- C) Сари, ташқари.
- D) Аввал, сўнгра.
- E) Билан, учун.

6. Кўмакчилар қайси келишиклар билан ўзаро синоним бўла олади?

- A) Бош ва тушум келишиклар билан.
- B) Фақат бош келишиклар билан.
- C) Жўналиш, ўрин-пайт келишиги билан.
- D) Чиқиш, ўрин-пайт ва жўналиш, тушум келишиклари билан.
- E) Фақат ўрин-пайт келишиги билан.

7. Сўнг, бошқа кўмакчилари қайси келишикдаги отни бошқаради?

- A) Фақат бош келишикдаги отни.
- B) Чиқиш келишигидаги отни.
- C) Қаратқич келишигидаги отни.
- D) Жўналиш келишигидаги отни.
- E) Ўрин-пайт келишигидаги отни.

8. Жўналиш келишигидаги от қайси кўмакчи билан бирикади?

- A) Қарши, яраша, қараганда.
- B) Томон, билан, учун.
- C) Каби, сингари, ташқари.
- D) Кейин, узра, учун.
- E) Ҳақида, туфайли, сабабли.

9. Кўмакчилардан аввал гапда қайси туркумга оид сўзлар келади?

- A) Феъл ва сифат.
- B) Сон ва олмош.
- C) Равиш ва феъл.
- D) От ва отлашган сўзлар.
- E) Боғловчи ва юклама.

10. Қайси қаторда сабаб маъносини ифодаловчи кўмакчи берилган?

- A) Ўқтам келмаганлиги учун йиғилишни қолдирдик.
- B) Онам учун бир кийимлик атлас олдим.
- C) Халқимиз меҳнаткаш халқ, шунинг учун юртимиз обод.
- D) Бу ишлар сиз учун ҳамирдан қил суғургандай гап эмасми?
- E) Қуртлар ипак учун ишлайди.

11. Кўмакчилар. . .

- A) Ўзи ёлғиз гап бўлаги ҳисобланади.
- B) Ўзидан олдин келган сўз билан бирга гап бўлаги ҳисобланади.
- C) Ўзидан кейин келган сўз билан бирга гап бўлаги ҳисобланади
- D) Умуман гап бўлаги ҳисобланмайди.
- E) Барча жавоблар хато.

12. Тошкентга довон орқали бордик.

Ушбу гапдаги кўмакчи қайси қаторда кўрсатилган?

- A) Тошкентга
- B) довон
- C) орқали
- D) бордик
- E) кўмакчи берилмаган

13. Асл кўмакчилар қаторини топинг.

- A) Билан, яраша, учун.
- B) Орқали, сабабли, туфайли.

- С) Сингари, каби, томон.
- Д) Яраша, қараганда, бўйлаб.
- Е) Билан, учун, каби, сингари.

14. Феълдан ўсиб чиққан кўмакчилар қаторини аниқланг.

- А) Қараганда, бошлаб, тортиб.
- В) Билан, учун, каби.
- С) Кейин, сўнг, бурун.
- Д) Орқасида, ўрнида, учида.
- Е) Кейин, ташқари, илгари.

15. Равишлардан ўсиб чиққан кўмакчилар қаторини топинг.

- А) Бошлаб, тортиб, томон.
- В) Сари, сайин, сингари, учун.
- С) Ичида, учида, илгари.
- Д) Кейин, сўнг, қараганда.
- Е) Бошқа, қарши, кўра.

16. Қайси гапда ўрин-пайт келишиги ўрнида кўмакчини қўллаш мумкин?

- А) Бутун қишлоқ осуда уйқуда.
- В) Уйда, кўчада ўзингизни одобли тутинг.
- С) Ҳаётда нималар кечмайди бошдан.
- Д) Бизга ҳаётингиздан гапириб беринг.
- Е) Хатни қаламда ёзган экансиз.

17. Қайси гапда чиқиш келишиги ўрнида кўмакчини қўллаш мумкин?

- А) Бизга ҳаётингиздан сўзлаб берсангиз.
- В) Кечадан бери ёмғир тинмайди.
- С) Радиодан таниш овозингизни эшитдик.
- Д) Биздан ўпкаламасангиз ҳам бўлади.
- Е) А ва С

18. Билан кўмакчиси қайси гапда боғловчи вазифасида қўлланган?

- А) Сиз билан суҳбатлашгани келдим.
- В) Шунинг билан концертимиз тамом.
- С) Қишлоққа бувиси билан кетди.
- Д) Шоира билан Севара бирга ўқийди.
- Е) Бола билан гўзалдир олам.

19. Қайси гапда жўналиш келишиги қўшимчасини кўмакчи билан алмаштира бўлади?

- A) Ўзингга яхши қара болам.
- B) Сизга нима бўлди, нега хомушсиз.
- C) Кишига зебу зийнат илм ила ҳикматдур.
- D) Ўрозали ўзига сира қарамай қўйди.
- E) B, C

20. Тенг боғловчилар қандай вазифа бажаради?

- A) Сўз ва гапларга қўшимча маъно юклаш учун хизмат қилади.
- B) От ва отлашган сўзлардан кейин келиб, уларнинг бошқа сўзлар билан муносабатини кўрсатади.
- C) Эргаш гапли қўшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қилади.
- D) Сўзларни, тенг муносабатли қўшма гап қисмларини боғлаш учун хизмат қилади.
- E) Барча жавоблар тўғри.

21. Эргаштирувчи боғловчилар...

- A) Уюшиқ бўлақларни боғлаш учун хизмат қилади.
- B) Эргаш гапли қўшма гаплар таркибидаги гапларни боғлаш учун хизмат қилади.
- C) Тенг муносабатли қўшма гаплар қисмларини боғлайди.
- D) Сўзларга қўшимча маънолар юклаш учун хизмат қилади.
- E) От ва отлашган сўзлардан кейин келиб, уларнинг бошқа сўзлар билан муносабатини ифодалайди.

22. Тенг боғловчилар вазифасига кўра...

- A) Якка ва такрор бўлади.
- B) Содда ва мураккаб бўлади.
- C) Айирув, зидлов, бириктирув боғловчиларига бўлинади.
- D) A ва B
- E) A, B, C

23. Такрор ҳолда қўлланувчи боғловчилар тўғри кўрсатилган жавобни топинг?

- A) Бириктирув боғловчилари.
- B) Айирув боғловчилари.
- C) Зидлов боғловчилари.
- D) A, B, C.
- E) Тўғри жавоб йўқ.

24. Қайси қатордаги гапда эргаштирувчи боғловчилар мавжуд?

- A) ва, ҳамда, ҳам.
- B) агар, чунки, мабодо.
- C) дам, гоҳ, хоҳ.
- D) ё, ёки, ёинки.
- E) аммо, лекин, бироқ.

25. -у, -ю юкламаси қайси гапда зидлов боғловчиси сифатида қўлланган?

- A) Эрта-ю кеч умидимиз сиздан.
- B) Ҳаво очилди-ю, кун исимади.
- C) Дониёр ўқишдан келди-ю, дарс тайёрлашга тушди.
- D) Синфни бошига кўтарган бола шу-ю.
- E) Далада қўю қўзилар ўтламоқда.

26. Қайси гапда -ю юкламаси бириктирувчи боғловчи ўрнида қўлланган?

- A) Собир кеди-ю, Акрам кўринмади.
- B) Қор ёғди-ю, излар босилди.
- C) Ўғил бўлади-ю, онасини севмайдими?
- D) Олма-анорлар фарқ пишиб ётибди-ю...
- E) Кўнгил йиғлайди-ю, кўзларда ёш йўқ.

27. Эргаштирувчи боғловчи қатнашган гапни топинг.

- A) Дам найнинг майин оҳанги, дам ҳофизнинг дилкаш овози кулоққа чалиниб қолади.
- B) Баъзан Салимларникига борардим.
- C) Ё сиз келинг, ё мен борай.
- D) Сиз буюк инсонсиз, шунинг учун ҳамма сизга эргашади.
- E) Бахт улуғ неъмат, аммо унга ҳар ким эришолмайди.

28. Сўз ва гапларга қўшимча маъно берувчи ёрдамчи сўзлар. .

- A) Боғловчилар.
- B) Ундов сўзлар.
- C) Модал сўзлар.
- D) Кўмакчилар.
- E) Юкламалар.

29. Юкламаларнинг маъносига кўра турлари қайси қаторда тўлиқ ва тўғри кўрсатилган?

- A) Сўроқ ва таажжуб: -ми, -чи, -а, -я

- В) Таъкид ва кучайтирув: -ку, -да, -у, -оқ, (-ёқ), ахир, ҳатто, наҳотки
С) Айирув ва чегаралов: -гина, (-кина, -кина) фақат, ёлғиз, холос
D) Гумон: -дир, аниқлов: худди
E) A, B, C, D

30. Қуйидаги хусусиятлардан қайси бири юкламаларга хос?

- A) Грамматик вазифага эгалик.
B) Луғавий маънога эгалик.
C) Гап бўлаги вазифасида кела олиш.
D) Грамматик маънога эгалик.
E) A ва D жавоблари.

31. Қуйидаги мисраларда юкламаларнинг қайси турлари иштирок этган?

Наҳотки одамлар кезиб дарбадар.
Наҳотки дарёлар оқар тескари,
Ахир жуда яқин қонли интиқом...

(F. Фулом.)

- A) Таъкид ва кучайтирув юкламалари.
B) Сўроқ юкламаси.
C) Фақат кучайтирув юкламаси.
D) Кучайтирув ва сўроқ юкламалари.
E) Сўроқ ва айирув юкламалари.

32. Қуйидаги гапдаги юкламалар миқдорини аниқланг.

Мен-ку, бу ишни эпларман-а, ўзингиз-чи, бирор эвини қила оласизми?

- A) 3та
B) 4та
C) 5та
D) 6та
E) 2та

33. Қуйидаги гапларнинг қайси бирида ёлғиз сўзи юклама сифатида қўлланган?

1. Ўзимнинг ёлғизим, кўзимнинг нури, белимнинг қуввати.
2. Уйда ёлғиз онанинг ўзи қолди.
3. Ота қишлоқда ёлғиз қолди.
4. Йиғилишда ёлғиз зиёлилар қатнашдилар.

- A) 1,2,3,4 B) 2,4 C) 1,3 D) 1,2,4 E) 2,3,4

34. Қуйидаги гапларнинг қайси бирида юклама қўлланган?

1. Шўрлик болагина не азобларни бошидан кечирмади-я.
2. Онагинам, дориломон кунлар келди, нурлари ял-ял. . .
3. Энди мендан гина қилмасангиз ҳам бўлади, овсин.
4. Ойижон, ойижон, билаккинам оғрий-ди-я...

- A) 1 ва 2, 3
- B) 2 ва 3, 4
- C) 1 ва 4, 3
- D) 1 ва 2, 4
- E) юклама қўлланмаган

35. - гина юкламаси қандай қўшимчаларни қабул қилиши мумкин?

- A) Келишик ва эгалик қўшимчаларини.
- B) Кўплик қўшимчасини.
- C) Шахс-сон қўшимчаларини.
- D) Замон қўшимчаларини.
- E) Ҳеч қандай қўшимчаларни олмайди.

36. Қайси юкламалар сўзга қўшиб ёзилади?

- A) -гина, -ми, -чи, -ку, -оқ (-ёқ)
- B) -ми, -гина, -чи, -а, -я, -да
- C) а, -я, -ку, -да, -у, -ю
- D) -гина, -ми, -оқ (-ёқ) -дир
- E) барча юкламалар

37. Қайси юкламалар доимо чизикча билан ёзилади?

- A) барча юкламалар
- B) -ми, -чи, -гина, -ку, -да
- C) -чи, -ку, -да, -а, -я
- D) -чи, -ми, -кина, -дир, -оқ (-ёқ)
- E) -у, -ю, -ку, -да, -а, -я, -ми

38. Юкламалар гапда қандай гап бўлаги вазифасида кела олади?

- A) эга, аниқловчи
- B) кесим, аниқловчи, тўлдирувчи
- C) фақат ҳол
- D) фақат аниқловчи ва тўлдирувчи
- E) Гап бўлаги вазифасини бажармайди.

39. Қайси қатордаги юкламалар хато ёзилган?

- А) Келди-ю кетди, сизу биз.
- В) Кузатади-да, қайтади.
- С) Ўзингиз-чи, кетмайсизми.
- Д) Болагина, ўзингиз-ку.
- Е) Сизчи, кетасиз-ми?

40. Қайси фикр хато?

- А) барча юкламалар чизиқча билан ёзилади.
- В) -ми: гина, -оқ, -ёқ, -дир юкламалари сўзга қўшиб ёзилади
- С) ҳатто, наҳотки, ахир, фақат юкламалари сўз юкламалар ҳисобланади
- Д) юкламалар мустақил ҳолда луғавий маъно ифодаламайди
- Е) юкламалар гап бўлаги вазифасини бажармайди.

УНДОВ СЎЗЛАР

Ҳис-ҳаяжон, буйруқ, истак, табриқ, ҳайдаш-чақириш каби турли маъно қирраларини ифодаловчи сўзлар **ундов** сўзлар дейилади.

- Ундов сўзлар гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайди.
- Ундов сўзлар отлашиш ва бу ҳолатда гап бўлаги вазифасида кела олиши билан мустақил сўзларга, луғавий маъно ифодалай олмаслиги ва гап бўлаги вазифасида келолмаслиги жиҳатидан ёрдамчи сўзларга яқин туради.

Ундов сўзлар турлича эмоция(ҳис-ҳаяжон)ни ифодалашга кўра икки хил бўлади:

1. Ҳис-ҳаяжон ундовлари.

2. Ҳайдаш-чақириш ундовлари.

Ҳис-ҳаяжон ундовлари қуйидаги маъноларни ифодалайди:

- севинч ва шодлик завқланиш ва ҳавасни (оҳ, эҳ, о, бай-бай, вой, э-ҳа, э-ҳе);
- ўкинч, алам, қайғуриш, ачиниш ва азобни (оҳ, вой, э-вой, воей, вой-вой, эҳ);
- таажжуб ва ҳайронликни (ие, ийи, ия, вой, э-э);
- нафрат, пичингни (эҳ, тфу, э, ия, ў-хў, э);

- чарчаш ва толиқишни (вой, э-вой, воей, уф, ух);
- қизғаниш (оҳо, ху, хув), чақириш (хой, эй, хей, алло);
- ғам – аламни (оҳ, уҳ, вой-дод, вой-ей);
- маъқуллаш, рағбатни (баракалла, яшанг, ҳорманг, офарин, тасанно, қуллук);

- сўрашиш ва ҳайр-хушлаш (ассалому алайкум, ва алайкум ассалом, салом, ассалом, эсонмисиз, омонмисиз, ҳорманг, ҳайр).

Айрим ҳис-ҳаяжон ундовларнинг бир ўзи бир неча маъноларни ифодалайверади: о (севинч, шодлик, ҳавас, пичинг, қизғаниш)

Ҳайдаш-чақириш ундовлари асосан ҳайвон ва паррандаларни ҳайдаш ва чақириш учун қўлланилади: ту-ту, маҳ-маҳ, беҳ-беҳ, қурей-қурей, куч-куч, гаҳ, чух, пишт, кишт, дирр, хўш, хўш, так-так.

- Ундовлар отлашиши мумкин. Отлашган тақдирда бу сўзлар отга хос барча грамматик хусусиятларга эга бўлади: келишик ва эгалик қўшимчаларини олади (**Оҳ-воҳингни йиғиштир!**), феъл каби тусланади (**Бунча “вой-вой”лайсан**), гапда эга, кесим аниқловчи, тўлдирувчи вазифаларини бажаради.

- Ундов сўзлар ёлғиз (вой, эҳ, оҳ), жуфт (вой-бўй, э-вой), такрор ҳолда (вой-вой, бай-бай) қўлланиши мумкин.

ТАҚЛИД СЎЗЛАР

Тақлид сўзлар ҳам ундовлар каби отлашуви ва гапда бирор бўлак вазифасини бажаришига кўра мустақил сўзларга, ҳеч қандай луғавий маъно ифодаламаганлиги жиҳатидан ёрдамчи сўзларга яқин туради.

Тақлид сўзлар икки хил бўлади:

1. Товушларга тақлид билдирувчи сўзлар:

Булар жонсиз предметлар ва табиатдаги ҳодисалар чиқарадиган барча физик товушларга, шунингдек ҳайвон, паррандалар овози ва кишилар руҳий ҳолати (кулгиси, йиғиси)га хос товушларга тақлидни билдиради: чирс, чарс, қарс, гурс, пах, тикир-тикир, данғир-дунғур, қисир-қисир, қасир-қусур, жаранг-журунг, тик-тик, чиқ-чиқ, гумбур-гумбур, миёв, вов-вов, мўў, баа, ҳиринг-ҳиринг, пик-пик ва бошқалар.

2. Шуъла, шарпа-кўриниш(образ)га тақлидни билдирувчи сўзлар:

Тақлид сўзларнинг бу турида бир лаҳзалик акс этган шуъла, образ (ялт, чарақ, йилт), ва жонсиз нарсаларнинг турғун ҳолатдаги кўринишларига (ланг, милт-милт, ярқ-ярқ, ярак-ярак, дув-дув, йилт-йилт), кишиларнинг ташқи қиёфаси ҳолати (дир-дир, мўлт-мўлт, лип, ҳанг-манг, жовдир-жовдир, ликонг-ликонг, лапанг-лапанг, алпанг-талпанг, диконг-диконг) каби тақлид маънолар англашилади.

- Таклид сўзлар гапда асосан кесим ва ҳол вазифасида келади: Йўллар билч-билч. Олмалар дув-дув тўкилди.
- Таклид сўзлар ҳам ундовлар каби отлашади ва бу ҳолатда у отга эгалик, келишик кўплик кўшимчаларини олиши, гапда барча гап бўлаклари вазифасини бажариши мумкин: Она чақалоқнинг “инга-инга”сидан уйғониб кетди. Мусичанинг ғув-ғуви эшитилди.
- Таклид сўзлардан феъллар ясалади: Ҳовлидаги каттакон кўппак ит иррилади. Ғат этган карнайчи, балога қолган сурнайчи. Бу гапда “ғат” сўзи “этган” сўзи билан қўшма феълни ташкил этипти.
- Таклид сўзлар ёлғиз (пак, қарс), жуфт (ярқ-йўрк, қасир-қусур) ва такрор (милт-милт, лип-лип, ғир-ғир) ҳолда қўлланилиши мумкин.

МОДАЛ СЎЗЛАР

Сўзловчининг ўзи билдирган фикрга, воқеа-ҳодисаларга муносабатини ифодаловчи сўзлар модал сўзлар дейилади (лотинча “модус”-усул, ўлчов).

Модал сўзлар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

- **шубҳа ва гумонни** (афтидан, чамаси, шекилли, эҳтимол, мазмуни, чизми);
- **ишонч ва тасдиқни** (тўғри, албатта, сўзсиз, дарҳақиқат, шак-шубҳасиз, табиий, ҳақиқатан ҳам);
- **шодлик, мамнунликни** (хайрият, бахтимизга, шукур, толеимизга);
- **афсусланиш ва ачиниш** (аттанг, афсус, эсиз, бахтга қарши);
- **мавжудлик, тасдиқ ва инкорни** (бор, йўқ, ҳўп, майли, яхши, дуруст, маъқул);
- Модал сўзлар гапда кириш сўз вазифасида келади, улар гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришолмайди, асосий гап бўлақларидан вергул билан ажратилади.
- Модал сўзлар гап сифатида қўлланилиши мумкин:
 - Бугун театрда борасанми?
 - Ҳа.
- Модал сўзлар эга ва кесим вазифасида келиши мумкин:
Бор – борича, йўқ – ҳолича.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Гап бўлаги вазифасида қўлланмайдиган сўз қайси гапда қатнашган?

- A) Ичкаридан чақалоқнинг “инга-инга”си эшитиларди.
- B) Қизнинг, ариқ лабида ўйланиб турган Маҳбубанинг, кўнглидан ҳозир нималар кечаётганини ким билсин.
- C) Оҳ, у кунларни менга эслатма, ўғлим.
- D) Шу йўлдан тўғри борсангиз, бизнинг қишлоқдан чиқасиз.
- E) Баланд тоғлардан жилғалар жилдираб оқмоқда.

2. Ҳе, қўйсанг-чи, Максим, бу бош оғриғингни.

Ушбу гапда қўлланган ҳе сўзи маъносига кўра қандай сўз ҳисобланади:

- A) Тақлид сўзлар.
- B) Ундов сўзлар.
- C) Модал сўз.
- D) Буйруқ феъли.
- E) От.

3. Оҳ ундов сўзи қандай маъноларни ифодалайди?

- A) Шодлик ва ҳаяжонни.
- B) Афсус ва надоматни.
- C) Ачиниш маъносини.
- D) Ҳайратланиш маъносини.
- E) A, B, C, D

4. 1. Ундов сўзлар. 2. Тақлид сўзлар. 3. Модал сўзлар

Ушбу сўзлардан қайсилари жуфт ва такрор ҳолда қўлланиши мумкин?

- A) фақат 1
- B) фақат 2
- C) фақат 3
- D) 1 ва 2
- E) 1, 2, 3

5. Янги келин меҳмонларга қуллуқ қилди.

Ушбу гаптаги қуллуқ сўзи қайси туркумга хос?

- A) ундов сўз
- B) тақлид сўз
- C) модал сўз
- D) қуллуқ қилди биргаликда қўшма феъл
- E) кўмакчи

6. Қуллуқ, дўстим, минг марта қуллуқ!

Ушбу гапдаги қуллуқ сўзи қайси туркумга мансуб?

- А) Модал сўз.
- В) Тақлид сўз.
- С) Феъл.
- Д) Олмош.
- Е) Ундов сўз.

7. Нутқда қўлланиладиган “хўйш”, “хўйк” сўзлари қандай маъноларни англатади:

- А) Ҳис-ҳаяжонни.
- В) Тақлидни.
- С) Ҳайвон (сигир, хўкиз)ни тўхтатишни.
- Д) Ҳайвонларни ҳайдашни.
- Е) Ҳайвонларни чақиришни.

8. Ундовлар отлашганда, қандай белгиларга эга бўлади?

- А) Феълларга хос тусланади.
- В) Отларга хос турланади.
- С) Синтактик вазифаларни бажаради.
- Д) Ясовчи қўшимчаларни қабул қилади.
- Е) В ва С

9. Қайси хусусият тақлид сўзларга хос эмас?

- А) Тақлид сўзлар отланганда, эга бўлиб келиши мумкин.
- В) Улардан от, феъллар яшаш мумкин.
- С) Баъзан отлашиб, турланиши мумкин.
- Д) Якка, жуфт ва такрор ҳолда қўлланади.
- Е) Барча жавоблар тўғри.

10. Эшиклар ланг очик эди.

Ушбу гапдаги ланг сўзи қайси туркумга мансуб?

- А) Ундов сўз.
- В) Модал сўз.
- С) Тақлид сўз.
- Д) Ланг очик биргаликда сифат.
- Е) Ланг очик эди қўшма феъл.

11. Шуъла, кўринишга тақлид сўзлар қайси қаторда берилган?

- А) дук-дук, милт-милт, йилт-йилт
- В) ярқ-ярқ, лип-лип, чарс-чурс

- С) дангир-дунгур, тарақ-турук
- Д) ғир-ғир, ғиз-ғиз, виз-виз
- Е) лип, милт-милт, йилт-йилт

12. Товушга тақлид сўзлар қаторини топинг:

- А) ҳанг-манг, лим-лим, лоп-лоп
- В) вишш, пат-пат, шақ-шук
- С) култ-култ, аланг-жаланг, ғуж-ғуж
- Д) апил-тапил, иланг-биланг, ғиз-ғиз
- Е) йилт-йилт, ярқ-юрқ, лик-лик

13. Отлашган тақлид сўзлар қайси гапда қўлланган?

- А) Ғуломжон апил-тапил кийинди.
- В) Унинг кўзлари жовдирарди.
- С) Хўрознинг “қу-қу”си эшитилди.
- Д) Ҳамма ёқни “тир...р...р, тир...р...р” босиб кетди.
- Е) С ва Д

14. Тақлид сўз отлашмаган гапни топинг?

- А) Мусичанинг “ғув-ғув”и эшитилади.
- В) Чироқларнинг милтираши жонга тегди.
- С) Қоронғида одамларнинг ғовур-ғувури кулоққа чалинади.
- Д) Араванинг тарақ-туруғи эшитилдими, кўчага югурардим.
- Е) Нимадир қарс-курс портлади.

15. Қайси гапда ундов сўз отлашган?

- А) Керак эмас бунча оҳ-воҳлар.
- В) Эҳ, ҳозир онам тирилиб келгандами!
- С) Вой, Салимахон, шу ўзингизми?
- Д) Эҳе, ишлар катта-ку, азаматлар.
- Е) Ие, ие, кимни кўряпман.

16. Модал сўзлар деб. . .

А) Сўзловчининг ташқи оламга муносабати натижасида юзага келувчи ҳис-ҳаяжонни билдирувчи сўзларга айтилади.

В) Сўзловчининг ўз фикрига муносабатини билдирувчи сўзларга айтилади.

С) Табиат ҳодисалари, предметларнинг товушларига тақлидни билдирадиган сўзларга айтилади.

Д) Ҳайвон ва паррандаларни ҳайдаш учун қўлланадиган сўзларга айтилади.

Е) Барча жавоблар хато.

17. Модал сўзлар қайси қатордаги гапда қатнашган?

- A) Оҳ, у ёшлик, у бебошлик!
- B) Ия, нима деяпсан, хумпар?
- C) Хайрият, бизнинг бағримизга ҳам шамол тегаркан.
- D) Уйдан аёлнинг пиқиллагани эшитилди.
- E) Модал сўз қатнашмаган.

18. Афсус, ачиниш маъносини ифодалаган модал сўзлар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A) инчунин, модомики, эҳтимол, албатта
- B) бахтга қарши, аттанг, афсуски, таассуфки
- C) бахтимизга, хайрият, шукр, яхши
- D) майли, ҳўп, йўқ, эссиз, аттанг
- E) биринчидан, демак, аввало, бор.

СИНТАКСИС

Нималарни билишингиз керак?

- гапларнинг қандай тузилиши;
- сўзларнинг ўзаро боғланиши: *тенг ва тобе боғланиш*;
- сўз бирикмалари ва уларнинг қисмлари;
- эргаш ва бош сўзларнинг бирикиш йўллари;
- гап ва унинг сўз бирикмаларидан фарқи.

СЎЗ БИРИКМАСИ ВА ГАП

Синтаксис (грекча “синтаксис”-тузиш демакдир) грамматиканинг алоҳида бир қисми бўлиб, унда сўзларнинг ўзаро бирикиш йўллари, гап ва унинг грамматик хусусиятлари ўрганилади. Морфологияда сўз ва унинг грамматик шакли ҳамда хусусиятларини ўрганган эдик, синтаксисда эса гап хусусида баҳс юритамиз.

Биз ўзаро мулоқотда бўлганимизда, гап орқали ўз фикримизни баён этамиз. Гап, одатда, бирдан ортиқ сўзлардан ташкил топиб, унда сўзлар ўзаро грамматик воситалар ва қонун-қоидалар асосида (**қўшимчалар, ёрдамчи сўзлар, тартиб, оҳанг ёрдамида**) бирикади. Масалан, **мактаб, кутубхона, янги, китоб, келтирмоқ** каби сўзларни қатор тизиб қўйганимиз билан, улар ҳали ҳеч қандай фикрни ифодаламайди. Биз ана шу сўзларни грамматик жиҳатдан шакллантирганимиз-дагина, маълум бир фикр англай оламиз: **Мактаб кутубхонасига янги китоблар келтирилди**. Ушбу гап қуйидаги сўз бирикмалари ёрдамида ҳосил қилинган:

- **мактаб кутубхонаси**
- **янги китоблар**
- **китоблар келтирилди**
- **кутубхонага келтирилди**
- **янги китоблар келтирилди**

Сўзлар ўзаро икки хил йўл билан: **тенг** ва **тобе** боғланади.

•Тенг боғланишда сўзлар қўшилмасининг ҳар икки қисми ҳам мустақил бўлади, яъни бири иккинчисига тобе бўлмайди, бири иккинчисининг маъносини изоҳламайди, тўлдирмайди, улар ўзаро тенг боғловчилар, тенг боғловчи вазифасидаги ёрдамчи сўзлар ва оҳанг йўли билан бирикади: **ўқитувчилар ва ўқувчилар, ўқитувчилару ўқувчилар ёки ўқитувчилар, ўқувчилар.**

•Тобе боғланишда эса сўзлар бири иккинчисига эргашиб, тобе бўлиб бирикади, бири иккинчисининг маъносини изоҳлайди, тўлдиради, ойдинлаштиради. Тобе боғланиш натижасида сўз бирикмаси ҳосил бўлади: **кузги япроқ, укамдан олмоқ каби.**

•Сўз бирикмаси икки қисмдан: **бош сўз (ҳоким сўз) ва эргаш сўз (тобе сўз)**лардан иборат бўлади. Бош сўз доимо эргаш сўздан кейин келади ва улар бир-бири билан келишиқлар, қўмақчилар ҳамда оҳанг (тартиб) ёрдамида боғланади.

Сўз бирикмасидаги асосий маъно бош сўздан англашилади. Масалан, **тиниқ осмон** деганда, осмонни тушунамиз, **тиниқ** сўзи эса бош сўзнинг маъносини изоҳлаяпти, ойдинлаштиряпти, яъни осмоннинг **булутли эмас, тиниқ** эканлигини билдиряпти. Ёки **ўқитувчидан сўраш** бирикмасида, табиийки, бирор нарсани **сўрашни** тушунамиз, демак у бош сўз, **ўқитувчидан** сўзи эса эргаш сўз бўлиб, бош сўзнинг маъносини изоҳлаяпти: бошқа **бирор кишидан эмас, айнан ўқитувчидан сўраш** тушуниляпти.

Эргаш сўзнинг бош сўзга бирикиш усуллари

Эргаш сўз бош сўзга қуйидаги йўллар билан бирикади:

1. Мослашув.

Эргаш сўзнинг бош сўзга шаклига шахс ва сонда мувофиқ келиши укамнинг китоби **мослашув** деб юритилади:. Бунда **эргаш сўз** (укамнинг) ҳам, **бош сўз** (китоби) ҳам **III шахс бирликда** ўзаро мослашган.

•Мослашувда эргаш сўз бош сўз билан қаратқич келишиги ҳамда эгалик қўшимчалари орқали бирикади. Айрим ҳолларда мослашувда

қаратқич келишигининг қўшимчаси (**-нинг**) ҳамда эгалик қўшимчаси (**-имиз**) қўлланмаслиги мумкин: **инсоннинг қадри — инсон қадри, бизнинг уйимиз - бизнинг уй**. Баъзан иккаласининг ҳам қўлланмаслик ҳоллари учрайди: **Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим...** (Бобур.)

- Шуни албатта таъкидлаш жоизки, қаратқич ва қаралмиш шахсда албатта мослашиши шарт, сонда эса мослашиши ҳам мослашмаслиги ҳам мумкин: **онамнинг дугонаси - онамнинг дугоналари** (иккинчи бирикмада қаратқич ва қаралмиш сонда мослашмаган)

- Эга ва кесимнинг шахс ва сонда мос келиши ҳам мослашув ҳисобланади: болалар келишди (**эга ҳам, кесим ҳам III шахс кўпликда қўлланган**) Эга ва кесим шахсда албатта мослашиши шарт, сонда эса баъзан мослашмаслиги ҳам мумкин (**агар эга жонсиз нарсалар, тушунча, ҳайвон ва паррандаларни ифодаласа**): Стол устида **китоблар, журналлар, газеталар турибди. Қушлар сайради. Бизнинг гилмоялар Россия гилмояларидан фарқ қиладилар эмас, фарқ қилади тарзида қўлланилади.**

2. Бошқарув.

- Эргаш сўзнинг бош сўз талаб қилган шаклда келиши **бошқарув** дейилади. Бошқарувда эргаш сўз билан бош сўз **тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш** келишиклари ҳамда **билан, учун, ҳақида, тўғрисида, орқали, каби, сари, сингари, туфайли, узра** ва бошқа кўмакчилар ёрдамида бирикади: **дўстга садоқат, шоирни учратиш, ўқитувчидан сўраш, рассом билан учрашув, дўст ҳақида суҳбат, телефон орқали гаплашиш** ва ҳ. к.

- Бошқарувда агар эргаш сўз турдош от билан ифодаланган бўлса, тушум келишиги қўшимчаси қўлланмаслиги мумкин: **чай ичмоқ, китоб ўқимоқ, пахта термоқ**. Агар эргаш сўз атоқли от бўлса, унда албатта эргаш сўз белгили қўлланилади: **Тошкент айланмоқ эмас, Тошкентни айланмоқ, Акрам учратмоқ эмас, Акрамни учратмоқ** тарзида ишлатилади.

- Бошқарувли бирикишда келишик қўшимчалари ва кўмакчилар эргаш сўз таркибида келади. Шунга кўра келишикли (**уйдан чиқмоқ**) ва кўмакчили (**радио орқали хабар қилмоқ**) бошқарув деб юритилади.

3. Битишув.

- Эргаш сўзнинг бош сўз билан ҳеч қандай келишикларсиз ёки кўмакчиларсиз, тартиб ва оҳанг (интонация) йўли билан бирикиши **битишув** ҳисобланади. Бунда бош сўз сифатида кўпроқ **от** ва **феъл** (тиник сув, қизил олма, завқланиб гапириш, уйга қайтиш), эргаш

сўз сифатида эса **сифат** ва **равишлар** қўлланилиши мумкин (**гўзал қиз, тезда қайтиш**).

•Изоҳ: **ёлғондан гапириш, тезда қайтиш, қўққисдан кириб келиш** бирикмаларидаги **-га, -да, -дан** шакллари келиши сифатида тушунмаслик лозим, улар бутунича равиш ҳисобланади ва шу боисдан бундай бирикишни бошқарувли эмас, битишувли бирикиш сифатида тушунмоғимиз керак.

•Битишувда бош ва эргаш сўзларнинг ўрнини алмаштирсак, гап ҳосил бўлади: **ақлли бола — Бола ақлли**.

СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Бош сўз қайси сўз туркуми билан ифодаланишига қараб, сўз бирикмаларини уч турга ажратамиз:

Отли бирикма.

•Бош сўзи **от, сифат, сон, олмош** билан ифодаланган сўз бирикмалари отли бирикма ҳисобланади: **кенг кўча, менда ўнта, ҳаммадан гўзал, ўқувчиларнинг бари**. Ўзбек тилида сўз бирикмалари сонли бирикма, сифатли бирикма, ёки олмошли бирикма сифатида тасниф этилмайди.

•Отли бирикмалар кўпинча мослашув ва битишув орқали бириккан бўлади: **дўстимнинг дўсти (мослашув), иссиқ сув (битишув)**.

Феълли бирикма.

•Бош сўз феъл шакллари билан ифодаланса, феълли бирикма ҳисобланади: **мактабда ўқийди, тез югурган, мулойим жилмайиб, тез югуриш** каби.

Равишли бирикма.

•Бош сўз равиш билан ифодаланган бўлса, равишли бирикма ҳисобланади: **менда кўп, ҳаммадан тез, ҳаммадан илгари**.

СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ

•Сўз бирикмалари тузилишига кўра **содда** ва **мураккаб** бўлади. Бош ва эргаш сўзлардан бири ёки ҳар иккиси битта сўздан ташкил топган бўлса, **содда** бирикма ҳисобланади (**тезда қайтиш, дўстга ҳурмат**).

•Такрор сўзлар ва иборалар билан тузилган бирикмаларни ҳам содда бирикмалар сифатида тушуниш керак: **тандир-тандир нонлар, бағри кенг оналар, ёлғиз оёқ йўл каби.**

•Эргаш ва бош сўзлардан бири ёки ҳар иккиси икки ёки ундан ортиқ сўзлардан иборат бўлса, бундай бирикмаларни мураккаб бирикмалар деймиз: **китоби кўп кутубхона, баҳор фаслида қайтиш, майдони кенг ҳовли, сочи узун қиз.**

УНУТМАНГ !

СЎЗ БИРИКМАСИ

Эргаш сўзнинг бош сўзга бирикиш йўллари	битишув	мослашув	бошқарув
Эргаш сўзни бош сўзга бириктирувчи воситалар	Оҳанг, тартиб, интонация	Қаратқич келишиги, эгалик кўшимчалари	Тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиклари ва кўмакчилар
Отли бирикмалар Бош сўз от, сифат, сон, олмош билан ифодаланади.	эрта баҳор яшил водий гўзал қиз асалдай ширин доим биринчи	Менинг Ватаним Ватаним менинг Ватаним меним Мақтаб боғи Отларнинг бари Ноннинг биттаси Онасин қадри	Дўстга ҳурмат Дунёда биттта Ҳаммадан гўзал Бол каби тотли Осмон узра парвоз Ватан ҳақида кўшиқ Она тўғрисида кўшиқ Она тўғрисида ғамхўрлик
Феълли бирикма Бош сўз феълнинг сифатдош, равишдош, ҳаракат номи шакллари билан ифодаланади.	Қувониб гапирган Тезда қайтиш Бирга ишлаш Қўққисдан кириш Бирга қувониб		Дўстни ўйлаган Онани учратиш Бахтдан завқланиб Курашда синалган Ҳосил олмоқ Чигит эккан Ватан ҳақида куйламоқ Телефонда гаплашиш Радио орқали тинглаш
Равишли бирикма Бош сўз равиш билан ифодаланади	Ўқдай тез Илондек чаққон Ҳаммамиз бирдан		Сизда кўп Менда оз Ҳаммадан илгари Барчадан тезроқ
Содда сўз бирикмалари		Мураккаб сўз бирикмалари	
Катта йўл Сават-сават нону кулчалар Тегирмонга тушса, бутун чикадиган йигит		Катта асфалтланган йўл Сават-сават иссиқ нону кулчалар Тегирмонга тушса бутун чикадиган абжир йигит	

ГАП ВА УНИНГ СЎЗ БИРИКМАЛАРИДАН ФАРҚИ

Нутқ товушлари сўзларни, сўзлар сўз бирикмаларини, сўз бирикмалари эса гапларни шакллантиради. Гап қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши шарт:

•сўзлар маълум грамматик воситалар ёрдамида ҳамда грамматик қонун-қоидалар асосида бириккан бўлади: Даладаги ҳосилни йиғиб олишда ҳашарчиларнинг ёрдамидан фойдаландик. Бу гапда **-да, -ни, -иб, -нинг, -дан, -ди, -к** сингари турли морфологик

шакл-лар ишлатилган, гапни ташкил этган даладаги ҳосил, ҳосилни йиғиб олиш, ҳашарчиларнинг ёрдами, ҳашарчиларнинг ёрдамидан фойдаланиш, йиғиб олишда фойдаланиш каби сўз бирикмалари эса маълум грамматик қонун-қоидалар асосида бириккан.

•гапда бирор фикр ифодаланган бўлади, воқелик ҳақида хабар берилади ёки шу воқеликка сўзловчининг турлича муносабати баён қилинади: Баҳор келди (хабар мазмуни). Бугун шу ерда қоласизми? (сўроқ мазмуни). Китобингизни бериб турсангиз (илтимос). Кўриниб турибдики, ҳар учала гапда воқелик ҳақида хабар, сўзловчининг воқеликка турлича муносабати (сўроғи, илтимоси) ифодаланган.

•гап оҳанг, интонация жиҳатидан тугалланган бўлади. Гап тугагач, одатда, пауза қилинади ва ундан сўнг иккинчи гап бошланади. Тонг отди. Узоқдан улкан тоғ чўққилари кўзга ташланди.

•гап алоқа-аралашувнинг энг кичик бирлиги саналади.

Изоҳ: Гапда пауза алоҳида аҳамиятга эга. Гап қисмлари (синтагмалар) ҳам пауза билан ажратилади. Паузанинг алмашилиги гап мазмунига таъсир қилиши мумкин: **Баланд болаҳонали уй** бирикмасида **баланд** сўзидан сўнг пауза қилинса, **уйнинг** баландилиги, **болаҳонали** сўзидан сўнг пауза қилинса, **болаҳонанинг** баландлиги тушунилади.

Юқоридаги хусусиятларнинг ҳеч бири сўз бирикмаларига хос эмас, чунки сўз бирикмасида ҳеч қандай фикр ифодаланмайди (**маъно ифодаланади**, холос): **ўқувчиларнинг бири**, **мўл ҳосил**. Сўз бирикмалари нисбий ва интонацион тугалликка ҳам эга бўлмайди. Қиёслаб кўрайлик: **ширин олма** (ҳали бирор фикр ифодаланмаган, фақат **олма** — предмет англашиляпти, холос), **Олма ширин** деганда эса, **олманинг ширин** эканлиги ҳақида хабар бериляпти, фикр ифодаланяпти, бу фикр нисбий тугалланган, интонацион жиҳатдан ҳам тугалликка эга, шунинг учун у гап ҳисобланади.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Синтаксисда нима ўрганилади?

- А) сўзларнинг грамматик шакли ва хусусиятлари
- В) сўзларнинг маънолари
- С) гап, унинг грамматик хусусиятлари
- Д) сўзларнинг ўзаро бирикиш йўллари
- Е) С ва Д

2. Сўзларнинг ўзаро бирикиш усуллари тўғри кўрсатилган жавоб қайси?

- A) Ўзаро тобеланиш йўли билан.
- B) Тенг боғланиш йўли билан.
- C) Фақат оҳанг (интонация) йўли билан.
- D) Фақат келишиқ қўшимчалари билан.
- E) A ва B.

3. Тенг боғланиш деганда, нима назарда тугилади?

- A) Қўшма сўзлар, жуфт сўзлар бирикиши.
- B) Сўзларнинг келишиқлар ва кўмақчилар ёрдамида бирикиши.
- C) Сўзларнинг бир-бирига тенг боғловчилар ёки оҳанг ёрдамида бирикиши.
- D) Сўзларнинг бири-бирига тенг боғловчилар ва келишиқлар ёрдамида бирикиши.
- E) Сўзларнинг бир-бирига фақат кўмақчилар ёрдамида бирикиши.

4. Тенг боғланган сўзлар қаторини кўрсатинг:

- A) ҳаётдан завқланиш, уруш ва тинчлик
- B) муҳаббат шабадаси, севги-садо-қат,
- C) техника янгиликлари, қўли очик
- D) санъаткор ва мухлис, меҳру вафо
- E) санъат шайдоси, китоб ўқиб

5. Сўз бирикмаси. . .

- A) сўзларнинг ўзаро бири иккинчисига тобе бўлиб бирикишидан ҳосил бўлади
- B) сўзларнинг ўзаро тенг боғланишидан ҳосил бўлади
- C) икки мустақил сўзнинг тенг боғловчилар ёрдамида бирикишидан ҳосил бўлади
- D) сўзларнинг фақат келишиқлар воситасида бирикишидан ҳосил бўлади
- E) сўзларнинг жуфтлашиши ва такрорланишидан ҳосил бўлади

6. Мослашувда эргаш сўз бош сўзга қандай боғланади?

- A) қаратқич келишиги ёрдамида
- B) эгалиқ қўшимчалари билан
- C) кўмақчилар билан
- D) тенг боғловчилар билан
- E) A ва B

7. Мослашувли бирикма берилган қаторни кўрсатинг:

- A) Шаҳар кўчалари, сенинг бахтинг.
- B) Шеър ўқиш, завқланиб ўқиш.
- C) Катта кўча, маним ватаним.
- D) Бахт ҳақида куйлаш, саҳрога ҳужум.
- E) Осмон узра парвоз, меҳнатга яраша ҳақ.

8. Қайси қаторда бошқарувли бирикмалар берилган?

- A) Телефонда гаплашиш, ўз юртим.
- B) Меҳмонга ҳурмат, она муҳаббати.
- C) Шеър ёзиш, китоб ўқиш.
- D) Юртга садоқат, меҳрибон она.
- E) Бошқарувли бирикма берилмаган.

9. Сўз бирикмаси берилган қаторни топинг.

- A) Анжир шафтоли.
- B) Ширин шафтоли.
- C) Қўзиқорин.
- D) Қўзойнак.
- E) Қўл қўйиб қўя қолинг.

10. Қуйидаги қўшилмаларнинг қайси бири сўз бирикмаси ҳисобланади?

- A) Оёғи қуйган товукдай.
- B) Узукка кўз қўйгандай ярашмоқ.
- C) Тепа сочи тикка бўлмоқ.
- D) Аравани қуруқ олиб қочмоқ.
- E) Сўз бирикмаси берилмаган.

11. Эргаш сўзларнинг бош сўзга бирикиш йўллари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Мослашув, бошқарув, битишув.
- B) Тенг ва тобе боғланиш.
- C) Отли ва равишли бирикма.
- D) Феълли бирикма.
- E) Бош ва эргаш сўз.

12. Сўз бирикмасида бош сўз эргаш сўз билан қандай воситалар ёрдамида бирикади?

- A) Келишиқлар ёрдамида.
- B) Эгалик қўшимчалари ёрдамида.
- C) Қўмақчилар ёрдамида.

- D) Оҳанг ва тартиб.
- E) A, B, C, D.

13. Бошқарувда эргаш сўз бош сўзга...

- A) Фақат келишиқлар ёрдамида бирикади.
- B) Келишиқлар, оҳанг ёрдамида бирикади.
- C) Кўмақчилар ва феъл шакллари ёрдамида бирикади.
- D) Шакл ясовчи қўшимчалар, келишиқлар ёрдамида бирикади.
- E) Келишиқлар ва кўмақчилар ёрдамида бирикади.

14. Бошқарувда келишиқ қўшимчалари ва кўмақчилар қайси сўз таркибида бўлади?

- A) Эргаш сўз таркибида.
- B) Бош сўз таркибида.
- C) Келишиқ қўшимчалари эргаш сўзга, кўмақчилар бош сўзга қўшилади.
- D) Келишиқлар бош сўзга, кўмақчилар эргаш сўзга қўшилади.
- E) Келишиқ ва кўмақчилар ўрни билан бош сўзга, баъзан эргаш сўзга қўшилиши мумкин.

15. Эргаш сўзлар кўчма маънода қўлланган қаторни аниқланг.

- A) Эрта баҳор, чиройли қиз.
- B) Яшил дала, кузги буғдой.
- C) Темир интизом, аччиқ кўз ёши.
- D) Бахтли йигит, меҳрибон ота.
- E) Аччиқ олма, ширин таом.

16. Бошқарувли бирикманинг қайси бирида бош ва эргаш сўзлар ўрни алмашган.

- A) Отага ҳурмат — инсонлик бурчи.
- B) Тўкиб кўз ёшларин йиғлар онам деб.
- C) Эрталаб тоққа жўнадик.
- D) Кишига зебу зийнат илм ила ҳикматдур.
- E) Катталардан аввал салом беринг.

17. Битишувли сўз бирикмаси қайси қаторда тўғри берилган?

- A) Одобли бола, кенг ҳовли.
- B) Шаҳар кўчалари, мактаб кутубхонаси.
- C) Саёҳатга жўнаш, уйдан қайтиш.
- D) Йигитнинг бахти, узукнинг кўзи.
- E) A ва B.

18. Жўрттага йиғламоқ, кўққисдан йиқилиш қандай бирикма ҳисобланади?

- A) Мослашув.
- B) Битишув.
- C) Бошқарув.
- D) Тенг боғланиш.
- E) Сўз бирикмаси эмас.

19. Бош сўз қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра сўз бирикмалари қандай турларга бўлинади?

- A) Отли ва феъли бирикма.
- B) Отли, сифатли, олмошли, феълли, равишли бирикмалар.
- C) Отли, феълли ва равишли бирикмалар.
- D) Отли, феълли, сонли бирикмалар.
- E) А ва В.

20. Отли бирикмалар берилган қаторни топинг:

- A) Ўқувчиларнинг бири, ҳаётга муҳаббат.
- B) Ўқдан тез, ҳаммадан кучли.
- C) Болаларнинг ҳар бири, китоб ўқиш.
- D) Ҳаётда синалган, бизда оз.
- E) Теракнинг учи, қўшиқдан завқланиб.

21. Равишли бирикмани топинг.

- A) Тоғдан пастда, ҳаммадан тез, менда кўп.
- B) Бахтдан қувониб, отдан баланд.
- C) Оз-оз ўрганиб, тўхтамай югуриш.
- D) Онадек мўътабар, бағри кенг инсон.
- E) Жуда ақлли, Ўктамда ўнта.

22. Мураккаб сўз бирикмаларини кўрсатинг.

- A) Ширин-ширин олмалар, бағри кенг она.
- B) Қиш фаслида тоққа бориш, ҳовлиси кенг уй.
- C) Сават-сават шафтоли, бодом қовоқ қиз.
- D) Меҳнатга яраша ҳақ, сен туфайли бахтли.
- E) Осмон узра парвоз, капалаги учиб кетмоқ.

23. Битишувли бирикмаларда тобе сўз сифатида кўпинча...

- A) фақат отлар қатнашади
- B) фақат сифат қатнашади
- C) фақат равиш қатнашади
- D) от ва сифат, сонлар қатнашади
- E) сифат ва равишлар қатнашади

24. Отани қадрлаш инсоннинг зийнатидир.

Ушбу гапда сўз бирикмалари қандай йўл билан бириккан?

- A) Мослашув ва бошқарув.
- B) Бошқарув ва мослашув.
- C) Битишув ва мослашув.
- D) Битишув ва бошқарув.
- E) Бошқарув ва битишув.

25. Мослашувли бирикма қандай ҳосил бўлади?

- A) Қаратқич келишиги ёрдамида.
- B) Тушум келишиги ёрдамида.
- C) Эгалик қўшимчаси ёрдамида.
- D) Кўмакчилар ёрдамида.
- E) A ва C.

ГАПНИНГ МАҚСАДГА КЎРА ТУРЛАРИ

Нималарни билишингиз керак?

- дарак гаплар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- сўроқ гаплар, уларнинг ҳосил бўлиш йўллари, риторик сўроқ гаплар;
- буйруқ гап ва унинг маъно томонлари;
- ҳис-ҳаяжон гаплар.

Юқорида биз гап орқали бирор воқеа ҳақида хабар берилиши ёки шу воқеликка сўзловчининг турли муносабатлари ифодаланиши ҳақида гапириб ўтдик. Демак, сўзловчининг гапиришдан мақсади бирор воқелик ҳақида хабар бериш ёки ўзига маълум бўлмаган воқеа-ҳодиса ҳақида маълумот олиш, ё бўлмаса тингловчини ҳамда ўзгани бирор нарсани бажаришга ундаш, илтимос қилиш, бирор воқеадан таъсирланганини, ҳис-туйғу ва ҳаяжонини ифодалашдан иборатдир. Шунга кўра гаплар қуйидаги турларга бўлинади:

ДАРАК ГАП.

Юзага келган ёки амалга ошаётган ва ошадиган воқелик ҳақида тасдиқ ёки инкор йўли билан хабар берувчи гаплар дарак гап дейилади. Дарак гап, одатда, тинч оҳанг билан айтилади ва ёзувда

дарак гап охирига нукта қўйилади: **Кеча ойдин. Майин шабада эсмоқда. Бемор кечадан буён овқат емай қўйди.**

Дарак гап орқали баъзан истак ва гумон маъноларини ҳам уқишимиз мумкин: **Бугун сиз билан бирга қолсам. Эртага дадамлар ҳам келиб қолишар.**

СЎРОҚ ГАП.

Сўроқ гапларда сўзловчига номаълум бўлган воқеа-ҳодиса ҳақидаги сўроқ маъноси ифодаланади ва тингловчидан унга жавоб кутилади: **Ўзингиз ёлғиз келдингизми? Қаерда яшайсиз?**

Сўроқ гаплар қуйидаги грамматик воситалар ёрдамида ҳосил қилинади:

•-ми, -чи, -а, -я каби сўроқ юкламалари ёрдамида: **Бугун келасиз-а? Тинчгина ўтирибсизми? Ўзингиз-чи, нега индамайсиз?**

•ким?, нима?, қаер?, қачон?, қандай?, нега? каби сўроқ олмошлари ёрдамида: **Тўйга кимлар келди? Нима иш қилиб қўйдингиз? Қаерга кетмоқчисиз?**

•сўроқ оҳанги ёрдамида: **Уйга меҳмон келди? От ўлди?**

•Сўроқ оҳанги ёрдамида фақат дарак гапларнигина эмас, буйруқ гапларни ҳам сўроқ гапга айлантириш мумкин: **Кутиб туринг?**

•Сўроқ гапларнинг шундай тури ҳам борки, уларда тингловчидан жавоб қайтариш талаб қилинмайди. Бундай гаплар **риторик сўроқ гап** дейилади: **Онани ким севмайди?** (онани ҳамма севишини биламиз ва сўроққа жавоб талаб қилмаймиз)

•Риторик сўроқ гаплар замирида яширин тасдиқ ёки инкор маънолари ётади: **Бепоен гўзал Ватанимизда нималар йўқ** (ҳамма нарсаси бор — тасдиқ маъноси). **Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога** (ҳеч қачон ҳамма боролмайсан — инкор маъноси).

•Риторик сўроқ гаплар тинч оҳанг билан айтилса, гап охирига сўроқ белгиси эмас, нукта қўйилади: **Ие, мен кимни кўряпман.**

•Айрим сўроқ гаплар буйруқ маъносини ҳам ифодалаши мумкин: **Тез-тез қимирламайсанми!**

БУЙРУҚ ГАП

Буйруқ, дўқ-пўписа, маслаҳат, илтимос, орзу-истак каби турли маъно қирраларини ифодаловчи гаплар **буйруқ гап** дейилади. Буйруқ гапнинг кесими кўпроқ феълнинг буйруқ-истак майли шаклида бўлади: **Ҳисоб-китобни эртагача тахт қилиб қўйинг! Айтинг, бажаришсин!**

- Буйруқ гаплар қуйидаги маъноларни ифодалайди:
- **маслаҳат, таклиф маъносини:** Кийимни янгилигидан, номусни ёшлиқдан сақланг. Эртага тўйимизга марҳамат этинг.
- **дўқ- пўписа, ғазаб, таҳдид маъноларини:** Қани олдимга тушиб кўр-чи!
- **илтимос маъносини:** Китобингизни бериб туринг.
- **орзу-истак маъносини:** Қани энди муздек совуқ сув бўлса!
- **ташвиқ, даъват маъноларини:** Куннинг тиғида ишлаб нима қиласан, бу ёққа келсанг-чи!
- Буйруқ гаплар турлича оҳанг, интонация билан айтилади. Агар буйруқ гаплар кучли ҳаяжон, дўқ-пўписа, ғазаб, таҳдид маъноларини ифодаласа, бундай гаплар охирига ёзувда ундов белгиси қўйилади: **Кўринмагил, йўқол кўзимдан!**
- Буйруқ гаплар маслаҳат, илтимос маъноларини англатса, бундай гаплар охирига нуқта қўйилади: **Бугунча бизникида ётиб турсангиз.**

ҲИС-ҲАЯЖОН ГАПЛАР

- Ҳис-ҳаяжон гаплар сўзловчининг воқеликка турлича ҳиссий муносабатларини, ички ҳиссиёти билан боғлиқ маъноларни: **таажжуби ва ҳайратланиши, шодлиги ва ўкинчлари, орзу-истаклари, ғазаб ва нафрати** маъноларини ифодалайди.
- Биз юқорида буйруқ гапларда ҳам шу каби маънолар ифодаланишини қайд этган эдик. Бироқ буйруқ гап ва ҳис-ҳаяжон гапларни бир-биридан фарқлаш керак: буйруқ гаплар қанчалик кучли интонация билан айтилмасин, уларда барибир етакчи мазмун буйруқ маъноси устунлик қилади. Қиёслаб кўрайлик: - **Чийиллама!** - деди ҳайқириб Йўлчи. - **Олиб чиқ ўша темир сопқонингни! Уят, уят сенларга! Минг марта уят!**

• Ҳар икки гапда ҳам, ғазаб ва нафрат маъноси зоҳир, бироқ биринчи гапда буйруқ маъноси, иккинчи гапда эса фақат нафрат, ғазаб маъноси устунлик қияпти. Демак, биринчи гап буйруқ, иккинчи гап эса ҳис-ҳаяжон гап ҳисобланади. Буйруқ ва ҳис-ҳаяжон гапларнинг яна бир фарқи шундаки, ҳис-ҳаяжон гаплар таркибида **қандай, нақадар, қанчалар, шунчалар каби олмошлар, кучайтирув юкламалари (наҳот, наҳотки, ҳаттоки), ундов сўзлар** кўпроқ қатнашади, буйруқ гапларда бундай хусусият сезилмайди.

• Ҳис-ҳаяжон гаплар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

• орзу-истак: **Қани энди шу дам ойиҷоним тирилиб келса!**

• ачиниш, таассуф: **Эссиз ёшлик! Эссиз елларга совурилган орзулар!**

• руҳий кўтаринкилик, завқланиш: **Оҳ, сўлим баҳор! Эҳ, бахтиёр ёшлик!**

• таажжуб, ҳайронлик: **Наҳотки шунчалар ғўр бўлсангиз!**

• Ҳис-ҳаяжон гаплар сўроқ гаплардан ҳосил бўлган бўлса, гап охирига бир йўла иккита тиниш белгиси қўйилади: **Мени ташлаб кетмайсизми?!**

• Ҳис-ҳаяжон гапда сўроққа нисбатан ҳис-ҳаяжон кучли бўлса, аввал ундов, сўнг сўроқ белгиси қўйилади: **Ҳой, бас қиласизми йиғини!?**

• Агар гап ўта кучли ҳаяжон, интонация билан айтилса, гап охирига бир йўла учта ундов белгиси қўйилади: **Йўқ! Йўқ! Йўқ!!! Чидай олмайман бу азобларга, чидай олмайман-а-ан!!!**

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Гаплар мақсадга кўра...

А) Ҳис-ҳаяжонли ва ҳис-ҳаяжонсиз бўлади.

В) содда ва қўшма гапларга бўлинади.

С) дарак ва сўроқ гапларга бўлинади.

Д) дарак, сўроқ, буйруқ гапларга бўлинади.

Е) Бир бош бўлакли ва икки бош бўлакли гапларга бўлинади.

2. Дарак гапларга хос хусусиятлар қайси жавобда тўғри изоҳланган?

А) Сўзловчининг ҳис-ҳаяжон билан ифода қилинган фикрини билдиради.

В) Илтимос, маслаҳат, дўқ-пўписа маъноларини билдиради.

С) Дарак, истак, гумон маъноларини билдиради.

Д) Тинч оҳанг билан айтилади ва ёзувда гап охирига нукта қўйилади.

Е) С ва D

3. Дарак гапни топинг.

А) Ўғлимга қараб турсангиз.

В) Ёмғир ҳам ёғиб қолар.

С) Ғўзанинг томирини кўрадиган дўхтир ҳам бўларкан-а.

Д) Оҳ, беғубор ёшлик.

Е) А,В,С

4. Илтимос маъносини ифодаловчи буйруқ гапни аниқланг.

А) Бугунги ишни эртага қўйма.

В) Мен сизга бир машқ чалиб берайки.

С) Майли бахтингизни синаб кўринг.

Д) Қўшни, элагингизни бериб туринг.

Е) Марҳамат, уйга кириг.

5. Сўроқ гаплар...

А) Фақат сўроқ юкламалари билан ҳосил қилинади.

В) Сўроқ юкламалари ва сўроқ олмошлари ёрдамида ҳосил қилинади.

С) Сўроқ юкламалари, сўроқ олмошлари ва сўроқ оҳанги ёрдамида ҳосил қилинади

Д) Фақат сўроқ оҳанги ёрдамида ҳосил қилинади.

Е) Ҳис-ҳаяжон оҳанги ёрдамида ҳосил қилинади.

6. Риторик сўроқ гап қайси қаторда берилган?

А) Мени ташлаб кетмайсизми, акажон?

В) Нега хомушсиз, синглим?

С) Фарзанд бахтини ким истамайди?

Д) Биздан нима истайсиз ўзи?!

Е) Орадан қанча сувлар оқиб кетди.

7. Яширин тасдиқ маъносини ифодаловчи риторик сўроқ гапни топинг

- A) Ҳақиқатдан қочиб қаерга борардинг.
- B) Ватанимизда нималар йўқ.
- C) Сут кўр қилгур Гитлер окпадар фарзанднинг қадрини қаердан билсин?
- D) Сендек ҳур малак қаерда бор.
- E) Бундай гап берилмаган.

8. Яширин инкор маъносини ифодаляйдиган гап қайси қаторда берилган?

- A) Она муҳаббати унутиладими?
- B) Ватанимизда нималар йўқ?
- C) Отани ким ҳурмат қилмайди?
- D) Сени кимлар куйламаган, Ватан!
- E) Бахт меҳнатдалигини ким билмайди?

9. Буйруқ гапдан сўроқ гапга айланган гапни топинг.

- A) Рулга ўтиринг?
- B) Энди сизни ким деб аташ мумкин?
- C) Уйида ғавғо бўлишини ким истайди?
- D) Нега хомушсиз?
- E) Исмингиз?

10. Дарак гапнинг сўроқ гапга айлантирилган шаклини белгиланг.

- A) Орадан қанча сувлар оқиб кетди?
- B) Опанг сени жуда яхши кўрса керак-а?
- C) Абдулланинг шеърини ўқиганмисиз?
- D) Баракалла?
- E) Уйимизга кетайлик?

11. Орзу-истак маъносини ифодалаган буйруқ гапни топинг.

- A) Ишимга қарашиб юбор, ўғлим.
- B) Аяжон менга раҳм қилинг.
- C) Эҳтимол, у кейинчалик босилиб қолса.
- D) Қани энди, ҳамма ҳам сиздек меҳрибон бўлса.
- E) Йиқил устимга, гардун, йиқил тез!

12. Ҳис-хаяжон гап қайси қаторда берилган?

- A) Бечора қиз учун бу қанчалар азоб, қанчалар фалокат!
- B) Ҳамма олдинга, чекиниш йўқ!

- С) Кўринмагил, йўқол кўзимдан!
- Д) Дадил ҳаракат қилинглар, азаматлар!
- Е) Бундай гап берилмаган.

13. Қайси сўроқ гапда буйруқ маъноси ифодаланган?

- А) Ие, ие, мен кимни кўряпман.
- В) Ўҳ-хў, шунча пахтани бир ўзи-нгиз тердингизми?
- С) Укангга қарасанг-чи!
- Д) Нега хомуш ўтирибсиз?
- Е) Тўйни қачон бошлаймиз энди?

14. Қандай гаплар охирига ёзувда иккита тиниш белгиси қўйилади?

- А) буйруқ гапдан ҳосил бўлган сўроқ гап охирига
- В) риторик сўроқ гаплар охирига
- С) сўроқ гапдан буйруқ гапга айланган гап охирига
- Д) Сўроқ гапдан ҳосил бўлган ҳис-ҳаяжон гап охирига
- Е) Дарак гапдан сўроқ гапга айланган гап охирига

15. Қуйидаги гаплардан қайси бири риторик сўроқ гап эмас?

- А) Табиатни ким севмайди.
- В) Ўзингдан чиққан балого қайга борасан давога.
- С) Бу орада қанча ишлар бўлиб ўтди.
- Д) Меҳнатсиз яшаган йигит йигитми?
- Е) Онадек меҳрибон дунёда борми?

ГАПНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Нималарни билишингиз керак?

- содда ва қўшма гаплар, уларнинг фарқли томонлари;*
- содда гаплар: бир бош бўлакли ва икки бош бўлакли гаплар;*
- содда йигиқ ва содда ёйиқ гаплар.*

Гаплар тузилишига (грамматик асослар миқдорига) кўра икки хил бўлади: **содда** ва **қўшма** гаплар.

- Содда гаплар фақат битта гапдан иборат бўлиб, унинг грамматик асоси битта бўлади: **Хар тонг далаларни кезиб чиқаман. Эга ва кесим гапнинг грамматик асоси — маркази ҳисобланади, уларсиз гап ҳосил бўлмайди.**

- Қўшма гаплар икки ёки ундан ортиқ содда гапларнинг маълум бир грамматик қонун-қоидалар асосида бирикувидан ҳосил бўлади. **Ёридан айрилган етти йил йиғлар, элидан айрилган ўлгунча йиғлар. Эшик очилди ва Навоий кириб келди.** Ушбу гаплар икки содда гапнинг оҳанг ҳамда **ва** бириктирувчи боғловчи ёрдамида бирикишидан ҳосил бўлган **қўшма гап** ҳисобланади.

СОДДА ГАПЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Содда гаплар грамматик асосига кўра икки хил бўлади:

1. Бир бош бўлакли гаплар.

2. Икки бош бўлакли гаплар.

Икки бош бўлакли гапларда бош бўлақларнинг ҳар иккиси ҳам иштирок этади, бир бош бўлакли гапларда эса фақат битта бош бўлақ, ё эга, ёки кесим қатнашади.

Бир бош бўлакли гаплар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Шахси маълум (аниқ) гаплар

Бу гапда эга қўлланилмайди, аммо уни кесимидан осонгина топа оламиз.

- Ўн боланинг отасиман(мен), мени ҳам рўйхатга тиркаб қўйинг(сиз). (Эга-мен,сиз)
- Эртага барвақт қишлоқдан жўнаб кетишимиз керак. (биз)

2. Шахси номаълум гап.

Бу гапда ҳам эга қўлланилмайди, уни ҳам кесимидан топа оламиз, у III шахс кўпликдаги феъл бўлади ва аниқ бир шахсни ифодаламайди.

- Дадамни Хотам хўроз дейишарди. Сумалакни Наврўзда пиширадилар.

3. Шахси умумлашган гап

Бу гапнинг эгаси(сен) кесимидан билиниб турса ҳамки, мазмуни ҳар учала шахсга тегишли бўлади, одатда, II шахсни ифодалайди. Халқ мақоллари, ҳикматли сўзлар кўпинча ана шундай гаплар асосида тузилади.

- Олим бўлсанг(сен), олам сеники

4. Шахси топилмас гап

Бу гапнинг эса эгасини умуман топиб бўлмайди, кесимининг таркибида **бўлади, бўлмайди, тўғри келади, зарур, лозим, шарт, даркор, керак, мумкин** сўзлари келиб, кесими феълнинг мажҳул нисбатида бўлади ва –л, -ил, -н, -ин қўшимчалари билан ҳосил қилинади.

- Ойни этак билан ёпиб бўлмайди.
- Лойиҳани қайтадан кўриб чиқишга тўғри келади.
- Меваларни ювмасдан ейиш мумкин эмас.
- Тошкентга шу йўл билан борилади.

5. Атов гаплар

Бу гаплар бирор предмет ёки ҳодисанинг мавжудлигини билдиради.

- Астробод. Навоий мотам кийимида. Қиш. Ҳамма ёқ оппоқ қор.
- Атов гаплар ёлғиз ҳолда қўлланмайди, ундан кейин яна бир гапнинг келиши шарт, акс ҳолда у сўзга айланиб қолади: **Қиш.** (ҳали бу-сўз) **Ҳамма ёқ оппоқ қор.** (Энди бу-гап)

6. Сўз – гаплар.

Бу гаплар олдиндан айтилган гапларга модал муносабатни ифодалайди. **Ҳа, йўқ, тўғри, аксинча, бўлмасам-чи, хўп, майли, яхши, албатта, наҳот, бўпти** ва ҳ.к. Сўз-гапдан сўнг бирор гап бўлаги қатнашса, у сўз-гап эмас, кириш сўзга айланиб қолади.

- Бугун бизникига келасизми? – Ҳа, бораман.

Агар сўз - гапдан сўнг, уналма келса, у сўз – гаплигича қолаверади.

Икки бош бўлакли гап таркибида ҳар икки бош бўлак: эга ва кесим иштирок этади Агар бундай гап фақат эга ва кесимдан иборат бўлса, **содда йиғиқ гап** дейилади: **Баҳор келди.** Гапда эга ва кесимдан ташқари иккинчи даражали бўлаklar: **тўлдирувчи, аниқловчи, ҳоллар** мавжуд бўлса, **содда ёйиқ гап** ҳосил бўлади: **Ўлкамизга гўзал баҳор келди.**

Демак, икки бош бўлакли гапларда гапнинг барча бўлаklари иштирок этиши мумкин. Аммо гапни шакллантирувчи бўлаklar: эга ва кесимлар гапда албатта бўлиши шарт, иккинчи даражали бўлаklar эса бош бўлаklarдан бирортасига боғланиб, унинг маъносини тўлдиради, аниқлайди.

БИЛИМИНГИЗНИ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Гаплар тузилишига кўра...

- A) Содда ва кўчирма гапларга бўлинади.
- B) Икки бош бўлакли ҳамда бир бош бўлакли гапларга бўлинади.
- C) Содда ва қўшма гапларга бўлинади.
- D) Йиғиқ ва ёйиқ содда гапларга бўлинади.
- E) Йиғиқ ва содда гапларга бўлинади.

2. Жавобларнинг қайси бирида содда гап берилган?

- A) Истаймизки, дунё тинч турсин.
- B) Муҳаббат ўзи эски нарса, лекин ҳар бир қалб уни янгилайди.
- C) Билдингиз, аҳволим ночор.
- D) Айтинг, қайтишсин.
- E) Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.

3. Қўшма гап берилган қаторни топинг.

- A) Бу ерда ё Карим, ё Маъмур турсин.
- B) Ой ёритади, аммо иситмайди.
- C) Ё сиз келинг, ё мен борай.
- D) Ё мени де, ёки Омонни.
- E) Қўшма гап берилмаган.

4. Бир бош бўлакли гаплар ...

- A) Иккинчи даражали бўлақлар қатнашмаган гаплар.
- B) Эгаси ёки кесими қатнашмаган гаплар.
- C) Эгаси ҳам, кесими ҳам бўлмаган гаплар.
- D) Фақат битта гапдан тузилган гаплар.
- E) Икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг бирикувидан тузилган гаплар.

5. Одам деган ҳам шунақа бўладими?

Бу гап...

- A) содда йиғиқ гап.
- B) содда ёйиқ гап.
- C) бир бош бўлакли гап.
- D) қўшма гап.
- E) буйруқ гап.

6. Содда йиғиқ гап қайси қаторда?

- A) Кўнгил йиғлайди-ю, кўзларда нам йўқ.
- B) Ўрмонлар, денгизлар — бойлигимиз, фахримиз.
- C) Ичкарида шоирлар, олимлар суҳбатлашмоқда.
- D) Биз сизни ардоқлаймиз, ойижон.
- E) B ва C

7. Мехнат қилган роҳат кўради.

Ушбу гап қайси жавобда тўғри изоҳланган?

- A) Қўшма гап.
- B) Содда йиғиқ гап.
- C) Икки бош бўлакли гап.
- D) Бир бош бўлакли гап.
- E) B ва C

8. Икки бош бўлакли гап берилган қаторни аниқланг.

- A) Олма, анор - ҳаммасинидан олдиқ.
- B) Тахтақўприкнинг остида, хилват ерда, икки дугона анча сирлашди.
- C) Сизга, меҳрибон ойижонимга, айтадиган гапларим кўп.
- D) Сизга дардимни очиқ айтгани келдим.
- E) B, C ва D

9. Гапнинг грамматик асоси деганда, нима тушунилади?

- A) Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари.
- B) Фақат гапнинг эгаси.
- C) Фақат гапнинг кесими.
- D) Эга ва кесим.
- E) Гапнинг барча бўлаклари.

10. Фақат бош бўлакларнинг ўзи қатнашган гаплар...

- A) Қўшма гаплар.
- B) Содда йиғиқ гаплар.
- C) Содда ёйиқ гап.
- D) Бир бош бўлакли гап.
- E) Мураккаб гаплар.

ГАП БЎЛАКЛАРИ

Нималарини билишингиз керак?

- гапнинг бош бўлаклари ва уларнинг гапдаги мавқеи;
- эга ва унинг ифодаланиши;
- кесим ва унинг ифодаланиши, от-кесим, феъл-кесим, кесимнинг тузилишига кўра турлари, боғлама;
- эга ва кесимнинг шахс ва сонда мослашуви, улар орасида тиренинг қўлланилиши;
- тўлдирувчи ва унинг ифодаланиши, воситали ва воситасиз тўлдирувчилар;
- аниқловчи ва унинг ифодаланиши, сифатловчи ва қаратқич аниқловчи;
- изоҳловчи;
- ҳол ва унинг турлари;
- гап бўлақларининг ўрни.

ГАПНИНГ БОШ БЎЛАКЛАРИ

Эга гапнинг грамматик маркази, таянч нуқтаси ҳисобланиб, гапнинг ким ёки нима ҳақида бораётганини билдиради ва бирликда **ким? нима? қаер?** кўplikда эса **кимлар? нималар?** сўроқларидан бирига жавоб бўлади.

ЭГА ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Эга қуйидаги сўзлар орқали ифодаланади:

- **От билан:** Отабек уста Алимнинг уйига бурилди.
- **Отлашган сифат билан:** Яхшилар кўпайсин, ёмон қолмасин.
- **Сон билан:** Икки ўн беш — бир ўттиз.
- **Олмош билан:** Биз фан чўққиларини эгаллагани келдик.
- **Ҳаракат номи билан:** Ўқимоқ — улғаймоқ.
- **Отлашган сифатдош билан:** Бирлашган дарё бўлур.
- **Отлашган ундовлар билан:** Кимга керак бунча «оҳ-воҳ»лар.
- **Таклид сўзлар билан:** Мусичанинг «ғув-ғув»и эшитилди.
- **Сўз қўшилмалари билан:** Ўзбекистон Республикаси — мустақил давлат.

- **Ибора билан:** Тепа сочининг тикка бўлиши бизга ёқмади.
- **Модал сўзлар билан:** Бор — борича, йўқ — ҳолича.

Эга асосан бош келишикда қўлланилади. Айрим ҳоллардагина чиқиш келишиги қўшимчасини олиши мумкин: Унда ҳам бу **китоблардан** бор. Бунда бутун билан бўлак муносабатини ифодалайдиган қисм тушиб қолган: Унда ҳам бу китоблардан **баъзилари** бор. Заводимизда **руслардан, тожиклардан** ҳам бор

КЕСИМ ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Эгага боғланиб, у ҳақида хабар берувчи бўлак **кесим** дейилади.

Қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра кесимлар икки хил бўлади:

Агар кесим, от, сифат, сон, олмош, ҳаракат номи, равиш билан ифодаланса, от кесим ҳисобланади.

• **От-кесим.** От-кесим у ким? у нима? у қанча? у қандай? у қайси? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади. У қуйидаги сўзлар билан ифодаланади:

- от билан: Жаҳл — душман, ақл — дўст.
- сифат билан: Олам дўстлар билан гўзал.
- сон билан: Дунёда ўзбек миллати битта.
- олмош билан: Чўлда ҳаёт яратганлар — мана шулар.
- ҳаракат номи билан: Ўқиш — улғайиш.
- равиш билан: Шошилганнинг пушаймони кўп.

• **Феъл-кесим.** Феъл орқали ифодаланиб, нима қилди? нима қияпти? нима қилмоқчи? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: Ташқарида гупиллаб қор ёғмоқда.

• Кесимлар отлашган ундовлар (Бунча «вой-вой»лайсан?), тақлид сўзлар (Чилдирмалар бака-банг), иборалар билан (Қизнинг ҳусни Ғиёсиддиннинг қулоғини кар, кўзини кўр қилиб қўйган эди) ҳам ифодаланади.

- Кесимлар қаратқич ва тушум келишиги шаклида келмайди.

•Кесимлар тузилишига кўра **содда** ва **мураккаб** бўлади. Содда кесимлар фақат биргина сўз билан ифодаланади ҳамда таркибида боғламаси бўлмайди: Ариқ тўла сув **оқмоқда**. Мураккаб кесимлар эса икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлади: Раис кўчанинг ўзида ҳужжатга **қўл қўйиб қўя қолди**. Дўстим таниқли **шоир эди**.

БОҒЛАМА

•Эга ва кесимни бириктирувчи грамматик воситалар ҳам мавжудки, улар боғлама деб аталади. Булар асл мустақил маъноларини йўқотиб, ёрдамчи вазифага кўчган сўзлар: **бўлади, ҳисобланади, эди, эмиш** ва **-дир** кўшимчасидир. Дейдилар, соғлиқ ҳаёт берган **эхсон экан**. Анвар ёшлигида бўшанггина **бола эди**. Боғламалар бир-бири билан синонимлар ҳисобланади: Меҳнатнинг нони **ширин бўлади (ширин ҳисобланади, шириндир, ширин экан)**.

•Бироқ **бўлади** сўзи боғлама эмас, кесим бўлиб келиши ҳам мумкин: Бугун йиғилиш **бўлади**. Бунда **бўлади** сўзи ўтказилади маъносини англатмоқда.

ЭГА БИЛАН КЕСИМНИНГ ШАХС ВА СОНДА МОСЛАШУВИ

•Эга билан кесим шахс ва сонда мослашади: Биз тонгда тоққа жўнадик. Бу гапда **эга** (биз) ва **кесим** (жўнадик) I шахс кўпликда мослашган. Эга билан кесим III шахс кўпликда ҳамма вақт ҳам сонда мослашавермаслиги мумкин: Агар эга **бирор тушунча ёки жонсиз предметлар, хайвонлар, паррандаларни** англатса, кесим билан сонда мослашмайди: Ўзбекистон ва Хитой ўртасида **музокаралар бошланиб кетди**. Гуллар, дарахтлар кўзни **қувонтиради**. Боғда **булбуллар сайрайди**.

•Кўпликдаги эга кишиларни билдирганда, кесим бирликда ҳам, кўпликда ҳам кела олади: **Фашистлар ер билан яксон бўлди. Ўқувчилар** мактаб ҳовлисига **тўпланишди(тўпланди)**. Шахсни англатувчи эгалар уюшиб келганда, кесим бириликда ҳам, кўпликда ҳам қўлланилаверади: **Рустам, Анвар, Собир** бир синфда **ўқийди (ўқишади)**.

Эга билан кесимнинг орасида тиренинг қўлланилиши

Эга билан кесим орасига қуйидаги ҳолларда тире қўйилади:

•эга ё кесим, ёки ҳар иккиси ҳам ҳаракат номи билан ифодаланса: Ўқимоқ — улғаймоқ. Ўқиш — жуда катта бахт. Мақсадим — олим бўлиш;

•эга ва кесим бош келишиктаги от билан ифодаланиб, улар орасида боғлама қўлланмаса: Онам — ўқитувчи. Агар боғлама қўлланса, тире қўйилмайди: Онам ўқитувчидир. Бироқ бу кўринишда эга алоҳида таъкидлаб, урғу бериб айтиладиган бўлса, боғлама қўлланган тақдирда ҳам тире қўйилаверади: Тил — миллатнинг бойлигидир. (Бу гапда тил — эга алоҳида таъкидланмоқда)

•кесим сон билан ифодаланиб, боғлама қўлланмаган бўлса: Икки карра икки — тўрт;

•эга ёки кесим кўрсатиш олмоши билан ифодаланган бўлса: Бу — бизнинг буюк Ватанимиз, Қишлоғимиз шу.

•эга кишилик олмоши билан ифодаланиб, у алоҳида таъкидлаб айтилса: Сен – ҳаётим қувончи. Боғлама қўлланган тақдирда эса тире қўйилмайди: Сен менинг дўстимсан.

•Бироқ кишилик олмоши билан ифодаланган эга алоҳида таъкидлаб айтилса, боғлама қўйилган тақдирда ҳам тире қўйилаверади: Сен — етим эмассан (бу гапда сен — эга алоҳида урғу ва таъкид билан айтилмоқда).

ГАПНИНГ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАРИ

Тўлдирувчи, аниқловчи ва ҳол гапнинг иккинчи даражали бўлакларидир. Иккинчи даражали бўлаklar гапнинг грамматик асосини ташкил этмай, гапнинг бош бўлаklarига, баъзан бир-бирига боғланиб, уларнинг маъноларини тўлдиради, аниқлайди, изоҳлайди ва фақат ёйиқ гаплардагина иштирок этади.

ТЎЛДИРУВЧИ

•Гапнинг бирор бўлагига бошқарув йўли билан бирикиб, шу бўлакнинг маъносини тўлдириб келувчи бўлак **тўлдирувчи** дейилади. Тўлдирувчи бош ва қараткич келишигидан ташқари барча келишиктаги сўзлар, шунингдек, айрим кўмакчилар билан ифодаланади. Тўлдирувчи кўпроқ кесимга, эга ва аниқловчига боғланади: **Онани** ардоқлаш — қалб иши. **Бетга** айтганнинг захри йўқ. Йўлда **дўстимни** учратдим.

•Тўлдирувчи от (**Китобни** севаман), отлашган сифат (**Яхшиларни** авайланг), сон (**Ўнга ўнни** қўшсак, йигирма бўлади) олмош (**Сизни** ардоқлайман, онажон), ҳаракат номи (**Ватанни** севмоқни сиздан ўргандим), отлашган сифатдош (**Туядан** йиқилганни ит қошибди), равиш (**Кўпдан** куён қочиб қутулмас) билан ифодаланади.

•Тўлдирувчилар икки хил бўлади:

•**воситасиз тўлдирувчи** тушум келишигидаги сўзлар орқали белгили ёки белгисиз, ё бўлмаса қисқартирилган шаклда қўлланилиши мумкин. Воситасиз тўлдирувчи **кимни? нимани? қаерни?** сўроқларидан бирига жавоб бўлади. **Элни** севган элсиз қолмайди.

•Воситасиз тўлдирувчилар турдош от билан ифодаланса, одатда белгисиз қўлланилади: Бир киши **арик** қазийди, минг киши **сув** ичади.

•**воситали тўлдирувчи** жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги сўзлар ҳамда айрим кўмакчилар орқали ифодаланади ва **кимга? нимага? кимда? нимада? кимдан? нимадан? ким билан? нима билан? ким учун? нима учун? ким орқали? нима орқали? ким ҳақида? нима ҳақида? ким томонидан?** каби саволларга жавоб бўлади.

АНИҚЛОВЧИ

•Гапдаги бирор бўлакнинг (кўпинча эга ва тўлдирувчи, шунингдек, қаратқич аниқловчининг) белгисини ёки бир нарса-буюм, тушунчанинг бошқасига қарашлилигини билдирувчи бўлак **аниқловчи** дейилади. Аниқловчи вазифасини кўпроқ **сифат, сон, от ва отлашган сўзлар** бажаради. Аниқловчи асосан эга ва тўлдирувчига боғланади. **Яшил** водийлар кўзни қувонтиради (эгага боғланяпти). Халқимиз ҳамиша **буюк** инсонларни ардоқлаб келмоқда. (Тўлдирувчига боғланяпти).

•Аниқловчилар грамматик хусусиятлари ва мазмунига кўра икки хил бўлади:

•**сифатловчи-аниқловчи** гапдаги бирор предмет белгисини ифодалайди ва **қандай?, қанақа?, қайси?** каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади.

•Сифатловчи-аниқловчилар қуйидаги сўзлар орқали ифодаланади:

-сифат билан: Шакар қовунларнинг **хушбўй** ҳидлари сабо билан тарқалар секин.

-сон билан: Дўкондан **икки** қоп ун олдик. Укам **учинчи** синфда ўқийди.

(**Изоҳ:** **-ала** ёрдамида ҳосил бўладиган жамловчи сонлар эгалик қўшимчаси билан қўлланганда — эга, эгалик қўшимчасисиз қўлланганда эса аниқловчи бўлиб келади.)

-олмош билан: Ана **шу** катта боғ — бизники.

-от билан: **Олтин** кузни севаман жондан.

-равиш билан: **Узоқ-яқин** ердан меҳмонлар келиб туришди.

-тақлид сўз билан: Боғдаги **ғуж-ғуж** гуллар кўзни қамаштиради.

•Сифатловчи-аниқловчилар йиғиқ ва ёйиқ бўлиши мумкин. Йиғиқ сифатловчилар биргина сўздан (**Гўзал** баҳор келди), ёйиқ сифатловчилар эса икки ёки ундан ортиқ сўзлардан (**Мисдек қизиб турган** юзини икки кафти орасига олди) иборат бўлади.

•**қаратқич аниқловчилар** предметнинг бирор шахс ёки бошқа предметга қарашлилигини билдиради ва **кимнинг?, ниманинг?, қаернинг?** сўроқларидан бирига жавоб бўлади: **Яхшининг** юзи жаннатдур, ани кўрмоқ ғаниматдур.

•Қаратқич аниқловчилар белгили ёки белгисиз, шунингдек, қисқарган ҳолда қўлланилиши мумкин. Қаратқич ва қаралмиш орасида бирор бўлак келмаган бўлса, одатда, қаратқич белгисиз қўлланилиши мумкин (**Мактаб** кутубхонаси), агар улар орасида бирор бўлак мавжуд бўлса (**Мактабнинг** кенг кутубхонаси) белгили қўлланилади. Баъзан эса қаратқич қисқарган шаклда қўлланади: Ер **куррасин** бошин танғидик.

•Қаратқич ва қаралмиш шахс жиҳатидан доим мослашади, аммо сон жиҳатидан мослашиши ҳам, мослашмаслиги ҳам мумкин: **Укамнинг ўйинчоғи** кўп. **Укамнинг ўйинчоқлари** кўп.

ИЗОҲЛОВЧИ

•Изоҳловчи — аниқловчининг бир тури сифатида шахс ва предметни бошқача ном бериш йўли билан ифодаловчи бўлақдир. Изоҳловчилар асосан от билан ифодаланиб, **қариндошлик** (Олим

ака), касб, амал, машғулот, мутахассислик (шоир Абдулла Орипов), унвон (генерал С. Раҳимов), лақаб (Жуман писмиқ), ўхшашлик (фашизм-жинчиروق) каби маъноларни билдиради.

ҲОЛ

•Кесимга боғланиб, унинг белгисини (иш-ҳаракатнинг қай тарзда юзага чиқиши, қаерда, қачон, нима мақсадда, нима сабабдан, қай даражада бажарилишини) ифодаловчи бўлак ҳол деб аталади. Ҳол вазифасини асосан **равиш ва равишдошлар** бажаради. Ҳол вазифасида баъзан от (**Биз сўқмоқ йўл билан тоққа кўтарилидик**), сон (**Ўн марта** эшитгандан **бир марта** кўрган афзал), ҳаракат номи (**Биз ўқиш учун** келганмиз) келиши ҳам мумкин.

Ҳоллар маъносига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

•**Равиш (вазият, тарз) ҳоли** иш-ҳаракатнинг қай тарзда ва қай усулда бажарилишини билдиради ҳамда **қандай? қандай қилиб? қай тарзда? қай усулда?** каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: Чакмонининг икки ёнини **хуржунга ўхшатиб**, елкасига ташлади-да, **шошмасдан** орқасига қайтди. Тонг шабадаси **ғир-ғир** эсади.

•**Пайт ҳоли** иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайтини билдиради ва **қачон? қачонгача? қачондан бери? қачондан буён?** каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: Совуқ **кун сайин** қаҳрини оширади. Хадича хола **кеча** қишлоқдан қайтиб келди.

•**Ўрин ҳоли** иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради ва **қаерда? қаерга? қаердан? қаергача?** сўроқларидан бирига жавоб бўлади. : **Ичкарида** уч-тўрт оқсоқол гурунглашар эдилар.

Изоҳ: Айрим сўзлар ҳам пайт, ҳам ўрин равиши ўрнида қўлланилиши мумкин. Масалан: Бу ерлар **илгари** (пайт ҳоли) хароб эди, Ўктам бир неча қадам **илгари** (ўрин ҳоли) юрди. **Унда-бунда** (пайт ҳоли) булбул сайрайди. **Унда-бунда** (ўрин ҳоли) чироқлар милтиллайди.

•**Сабаб ҳоли** иш-ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган сабабни билдиради ва **нима учун? нима сабабдан?** каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: Шодивой **уялганидан** қизарди.

•**Мақсад ҳоли** иш-ҳаракатнинг қандай мақсадда бажарилганлигини билдиради ва **нима учун? нима мақсадда?** каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади:Тарихий жойларни **томоша қилиш учун** Хивага жўнадик.

• **Даража-миқдор ҳоли** иш-ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлган даража-миқдорни билдиради ва **қанча? неча марта? қай даражада?** каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: Бу гапни **минг марта** эшитганман.

• **Шарт ҳоли** иш-ҳаракатнинг қандай шарт билан бажарилишини билдиради ва **нима қилса? нима бўлса?** каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: Собир бугун **улгурса** келади.

• **Тўсиқсизлик ҳоли** бирор иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши учун тўсиқ бўлолмаган бошқа бир иш-ҳаракатини билдиради ва **нима қилса ҳам? нима бўлса ҳам?** каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади: У **кўрса ҳам** ўзини кўрмасликка олди.

ГАП БЎЛАКЛАРИ ТАРТИБИ

• Гапда бош ва иккинчи даражали бўлақлардан ҳар бирининг ўз ўрни бўлади. Илмий, бадиий, расмий, публицистик (оммабоп) услубларда бунга қатъий риоя қилинади.

• Гап бўлақлари гапда, одатда, қуйидагича жойлашади:

-**эга**, асосан, гап бошида, **кесим** гап охирида келади: Маънавий **фазилатлар** ҳусни **оширади**.

-**ҳол** кесимдан олдин жойлашади: Собир шаҳардан **кеча** қайтиб келди.

-**аниқловчи**, одатда, эгадан олдин ва кейин жойлашади: **Мумтоз** адабиётимиз маънавиятимизни бойитади. Биз **чиройли** гуллардан гулчамбарлар ясадик.

-**тўлдирувчи**, кўпроқ эгадан кейин, баъзан аввал ҳамда кесимдан олдин жойлашади: Биз **гуллардан** гулчамбар ясадик. **Гулни** севган **тиканини** ҳам севади.

• **Сўзлашув услубида** гап бўлақларининг тартибига кўпинча амал қилинмайди: **Минорадан** тушолмай қолди буванг. Келдик, мана, сизни йўқлаб.

• **Шеърятда** туроқ ва ритм талабига кўра баъзан гап бўлақларининг ўрнини алмаштириб ишлатиш ҳоллари учрайди, тилшуносликда бу ходиса инверсия деб аталади: Тарихингдир **минг асрлар ичра** пинҳон, ўзбегим. Бу гапдаги инверсия эга ва кесимга хосдир, аслида гап мана бу тартибда тузилиши керак эди: **Минг асрлар ичра** пинҳон (**воқеалар**) сенинг тарихингдир.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Гўзаллик, аввало, инсон чехрасида эмас, унинг қалбидадир, болам.

Ушбу гапда нечта гап бўлаги мавжуд?

- A) 9 та
- B) 8 та
- C) 7 та
- D) 6 та
- E) 5 та

2. Балиқ ҳам, қуён ҳам, тўнғиз ҳам бор.

Ушбу гап тузилишига кўра қандай гап ва унда қайси гап бўлаклари катнашган.

- A) Бир бош бўлакли гап, эга ва кесим
- B) икки бош бўлакли гап, эга, аниқловчи ва кесим
- C) қўшма гап, фақат эга ва кесим
- D) содда йиғиқ гап, фақат эга ва кесим
- E) содда ёйиқ гап, эга ва аниқловчи

3. Халқ душманларнинг гирибонидан ушлаб, қонун қўлига топширади, албатта. Ушбу гап бўлақларининг миқдори қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) 8 та
- B) 7та
- C) 6 та
- D) 5 та
- E) 4та

4. Эгага хос хусусиятлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

A) Эга бош келишикдаги от, олмош ва от ўрнида қўлланган сўзлар орқали ифодаланади.

B) Айрим ҳолда эга чиқиш келишиги шаклида бўлиши ҳам мумкин.

C) Эга доимо тўлдирувчидан аввал келади.

D) Эга кўплик ва эгалик қўшимчалари билан қўлланилиши мумкин.

E) A, B, D

5. Қайси гапда «яшамок» сўзи эга вазифасида келган?

A) Яшамок курашдир.

- В) Курашмоқ - яшамоқ
- С) Яшашни билмаган ҳамиша қоқилади.
- Д) Биз ҳаром яшашдан ор қиламиз.
- Е) Ҳалол яшашга нима етсин.

6. Эга қатнашган гап қайси қаторда берилган?

- А) Бугун шаҳарга қайтиш керак.
- В) Йиғилишни кечиктиришга тўғри келди.
- С) Ҳалол одамни бадном қилиб бўлмайди.
- Д) Ҳаялламасдан тезда қайтиб келинг, болам.
- Е) Ватан, қанчалар буюксан сен!

7. Ёмғир эзиб ёғиб турганда, хаёлларга бериласан киши.

Ушбу гапнинг эгаси қайси жавобда кўрсатилган?

- А) Ёмғир
- В) эзиб
- С) ёғиб турганда
- Д) киши
- Е) хаёлларга бериласан

8. Эга вазифасида қўлланган сўз...

- А) Бош келишикда келади.
- В) Қаратқич келишигида келади.
- С) Тушум келишигида келади.
- Д) Чиқиш келишигида келиши мумкин.
- Е) А ва Д

9. Заводимизда руслардан ҳам, грузинлардан ҳам бор. Ушбу гапнинг эгаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Заводимизда
- В) руслардан, грузинлардан
- С) бор
- Д) эга қўлланмаган
- Е) ҳам, ҳам

10. Заҳар солмоқ эмиш касби илоннинг.

Гапнинг эгаси қайси сўз орқали ифодаланган?

- А) Ибора.
- В) От.
- С) Феъл.
- Д) Сифат.
- Е) Эга қўлланмаган.

11. Эга ибора билан ифодаланган гапни топинг.

- A) Мухторали шаҳардан тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтди.
- B) Унинг оёқ олиши бизга ёқмай турибди.
- C) Равшан тегирмонга тушса бутун чиқадиган йигит.
- D) Бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирманг, синглим.
- E) Оғзингизга қараб гапиринг, овсин.

12. Яхши-яхши, аъло-аъло.

Ушбу гап қандай гап бўлакларидан ташкил топган?

- A) Эга, кесим; эга, кесим.
- B) Аниқловчи, кесим; аниқловчи, кесим.
- C) Аниқловчи, аниқловчи; аниқловчи, аниқловчи.
- D) Фақат эга.
- E) Фақат кесим.

13. Олти сўмни юбор, учи ёнингда қолсин.

Ушбу гапнинг эгаси қайси гапда тўғри кўрсатилган.

- A) олти
- B) учи
- C) сўмни
- D) ёнингда
- E) эга қўлланмаган

14. Раис хужжатга кўчанинг ўзида қўл қўйиб қўя қолди.

Гапнинг кесими қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) хужжатга
- B) кўчанинг
- C) раис
- D) ўзида
- E) қўл қўйиб қўя қолди

15. Ёридан айрилган етти йил йиғлар, элидан айрилган бир умр йиғлар. Ушбу гапда кесимнинг қайси тури қатнашган?

- A) Мураккаб феъл-кесим.
- B) Мураккаб от-кесим.
- C) Содда от кесим.
- D) Содда феъл-кесим.
- E) Кесим ифодаланмаган.

16. Олмош билан ифодаланган кесимни топинг:

- A) Йўллар билч-билч лой.

- В) Мана бу ишинг аъло, ўғлим.
- С) Икки ўн беш-бир ўттиз.
- Д) Самолёт аэропортга кеч қўнди.
- Е) Юзимни ёруғ қилган азаматлар —мана шулар.

17. Ибора билан ифодаланган кесим қайси қаторда берилган?

- А) Мирзакаримбой илонни ёғини ялаган одам.
- В) Кўрпага қараб оёқ узатиш керак, ўғлим.
- С) Чол унинг мушугини пишт демасди.
- Д) Қўлини оёғига олиб югуриб кетди.
- Е) В ва С

18. Эга билан кесим сонда мослашмаган гапни аниқланг:

- А) Масалани қайта кўриб чиқиш керак.
- В) Маҳалла қариялари бундан беҳабар.
- С) Булбуллар тонггача сайраб чиқди.
- Д) Россия тупроқлари бизнинг тупроқларимиздан фарқ қилади.
- Е) В, С, Д

19. Қайси гапда эга билан кесим орасига тире қўйиш лозим?

- А) Сен етим эмассан.
- В) Тил миллатнинг бойлиги ва фахридир.
- С) Менинг ҳақиқий дўстим сенсан.
- Д) Тоғлар ватаним кўркидир.
- Е) А ва В

20. Боғлама қўлланган гапни аниқланг.

- А) Эга билан кесим гапнинг бош бўлаклари ҳисобланади.
- В) Ҳалол меҳнатнинг нони тотли бўлади.
- С) Эртага сайлов бўлади.
- Д) А, В, С
- Е) А ва В

21. Ёримдин айрилдим, тўсмангиз йўлим.

Гапдаги тўлдирувчини аниқланг.

- А) ёримдин
- В) йўлим
- С) айрилдим
- Д) айрилдим, тўсмангиз
- Е) ёримдин, йўлим

22. Бир-бирига айтишар дарё тарихидан икки ҳикоя.
Воситасиз тўлдирувчини аниқланг.

- A) бир-бирига
- B) ҳикоя
- C) дарё
- D) икки
- E) тарихидан

23. Воситасиз тўлдирувчи қайси ҳолда белгисиз қўлланилиши мумкин?

- A) Атоқли от билан ифодаланганда.
- B) Турдош от билан ифодаланганда.
- C) Сифат билан ифодаланганда.
- D) Олмош билан ифодаланганда.
- E) Равиш билан ифодаланганда.

24. Виждон амри билан қилинган иш ҳамиша хайрли бўлади.

Қаратқич аниқловчини аниқланг.

- A) виждон
- B) амри билан
- C) қилинган
- D) виждон амри билан
- E) қаратқич аниқловчи йўқ

25. Қуйидаги гапнинг аниқловчисини белгиланг: Кеча унинг уйидан аёлнинг аччиқ-аччиқ йиғлагани эшитилди.

- A) кеча, уйидан
- B) аёлнинг, аччиқ-аччиқ йиғлагани
- C) унинг, аёлнинг
- D) уйидан, аччиқ-аччиқ
- E) йиғлагани

26. Шакар қовунларнинг хушбўй хидлари сабо билан тарқалар секин.

Сифатловчи аниқловчилар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A) шакар, қовунларнинг, хушбўй
- B) қовунларнинг, сабо билан
- C) сабо билан секин
- D) шакар, хушбўй
- E) гапда фақат қаратқич аниқловчилар бор.

27. Ҳаммамиз ҳам умид билан меҳнат қиламиз.

Гапидаги ҳолнинг турини топинг

- A) пайт ҳоли
- B) шарт ҳоли
- C) равиш (вазият)ҳоли
- D) ўрин ҳоли
- E) ҳол қатнашмаган

28. Ишласанг, олам гулистон.

Гапидаги ҳолнинг турини аниқланг.

- A) шарт ҳоли
- B) тўсиқсизлик ҳоли
- C) мақсад ҳоли
- D) равиш ҳоли
- E) ҳол қатнашмаган

29. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек 1905 йилда Тошкентда туғилган.

Ушбу гапдаги ҳоллар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Мусо, Ойбек
- B) Тошкентда
- C) туғилган
- D) 1905 йилда Тошкентда
- E) ҳол қатнашмаган

30. Қайси гап бўлакларнинг одатдаги тартибда жойлашуви-дан тузилган?

- A) Гул очилар баҳор чоғида,
Ва тўлишар она боғида.
- B) Баҳор келди сени сўроқлаб.
- C) Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку...
- D) Менга ўша Омонимни қўй,
Менга ўша ёмонимни қўй.
- E) C ва D

31. Қайси гапда гап бўлакларининг одатдаги тартибига риоя қилинган?

- A) Менга Пушкин бир жаҳону,
Менга Байрон бир жаҳон...
- B) Мана, кетолмай ҳам қолдик биз.
- C) Ширин саволларим бор сизга.
- D) Тарихиндир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим.

Е) Бахтинг бор деб эсади еллар...

32. Унда ҳар турли кўкатлардан бор. Гап бўлаклари қайси қаторда тўғри таҳлил қилинган?

А) унда, кўкатлардан-тўлдирувчи, ҳар турли-аниқловчи, бор-кесим

В) унда-тўлдирувчи, кўкатлардан-эга, ҳар турли-аниқловчи, бор-кесим.

С) унда-эга, кўкатлардан-тўлдирувчи, ҳар турли-ҳол, бор-кесим.

Д) унда, кўкатлардан-эга, ҳар турли- тўлдирувчи, бор-кесим.

Е) унда-аниқловчи, кўкатлардан-тўлдирувчи, ҳар турли-аниқловчи, бор-кесим

33. Сиз-ку, мол-дунёнгиз кетганига куясиз, мен нега озор чекаман?

Ушбу гапдаги эгани аниқланг.

А) сиз-ку, дунёнгиз

В) мен, дунёнгиз

С) кетганига, нега

Д) сиз-ку, мен

Е) мол-дунёнгиз

ГАПНИНГ УЮШИҚ БЎЛАКЛАРИ

Нималарни билишингиз керак?

-гапнинг уюшиқ бўлаклари нима, қайси гап бўлаклари уюшиб келади?

-гапнинг уюшиқ бўлаклари ўзаро қандай боғланади ва уларда тиниш белгилари қандай қўйилади?

-умумлаштирувчи сўз ва уларда тиниш белгиларининг қўлланилиши қандай бўлади?

• Гапда бир хил синтактик вазифа бажарувчи ва бир хил сўроқларга жавоб бўлиб келувчи бўлаklar **уюшиқ бўлаklar** деб аталади.

• Гапнинг барча бўлаклари уюшиб келиши мумкин:

Эганинг уюшиши: **Қуёш, ҳаво** танга даво.

Кесимнинг уюшиши: **Комбайн ўради, йиғади, янчади.**

Тўлдирувчининг уюшиши: Биз саёҳатга поезд ёки автобусда борамиз. **Иғвогарларни, тирноқ остидан кир қидирувчиларни, гап ташувчиларни** ёқтирмайман.

Аниқловчининг уюшиши: Ҳозир ҳам **Эркиннинг, Абдулланинг** шеърларидан таскин топаман.

- Агар сифатловчи аниқловчилар предметни фақат бир томонлама, бир хил хусусиятларга кўра аниқлаб келса, уюшган бўлади ва гапда улар орасига вергул қўйилади: Боғимизда **қизил, сафсар, сарик, оқ** гуллар очилди. Бу гапда **қизил, сафсар, сарик, оқ** аниқловчилари предметнинг фақат рангини аниқлаб келяпти, шу боисдан улар уюшган аниқловчилар ҳисобланади.

- Аниқловчилар предметни турли томондан, унинг турли хусусиятларига кўра аниқлаб келса, уюшмаган бўлади ва улар орасига вергул қўйилмайди: Ҳовлига **катта қора** сигир кириб келди. Бу гапда аниқловчилар сигирни икки томонлама ҳам **ҳажми**, ҳам **рангини** аниқлаяпти, шунинг учун улар уюшмаган аниқловчи ҳисобланади.

- Ҳолнинг уюшиши: **Тоғларда, қирларда, адирларда** алвон лолалар очилди. Одам дунёга **чўчкадай семиришу, битдай болалаш** учун келмайди.

УЮШИҚ БЎЛАКЛАРНИНГ БОҒЛАНИШИ

Уюшиқ бўлақлар куйидаги грамматик воситалар ёрдамида бирикади:

- Бириктирувчи (**ва, ҳамда**), айирувчи (**ё, ёҳуд, гоҳ, дам, баъзан, хоҳ**), зидловчи (**аммо, лекин, бироқ**), инкор (**на**) боғловчилари билан. Шаҳар **ва** қишлоқларимиз йил сайин обод бўлиб бормоқда. **Гоҳ** йиғлайди, **гоҳ** кулади. Ой ёритади, **аммо** иситмайди. **У на** ёзди, **на** ўқиди.

- Тенг боғловчилар такрор қўлланганда, улар орасига вергул қўйилади: Бўш ерга **ё** пиёз, **ё** сабзи экайлик.

- Уюшиқ бўлақлар орасида **аммо, лекин, бироқ** боғловчиларидан аввал ҳам вергул қўйилади. Биз оғир, **аммо** шарафли вазифани бажардик.

- Боғловчи вазифасидаги кўмакчи (**билан**) ҳамда юкламалар (**-у, -ю, -да, ҳам**) билан: Вазира **билан** Нодира бирга ўқийди. Рустам уйга кирди-да, дарров чиқиб кетди.

- Санаш оҳанги, интонация билан: Йиғилишга ўқитувчилар, олимлар, шоирлар қатнашди.

- Санаш оҳанги ёрдамида боғланган уюшиқ бўлаклари орасига вергул қўйилади.

- Айрим ҳолларда уюшиқ бўлаklar қуйидаги тартибда гуруҳланиб қўлланиши мумкин: Алишер Навоий Фарҳод тимсолида **ақл ва одоб, камтарлик ва хушфёъллик, муҳаббат ва садоқат, ватанпарварлик ва халқпарварлик** каби хислатларни мужассамлантирган.

УМУМЛАШТИРУВЧИ СЎЗЛАР

- Гапнинг уюшиқ бўлаklarини жамлаб, умумлаштириб кўрсатиш учун хизмат қилувчи сўзлар **умумлаштирувчи сўз** дейилади.

- Умумлаштирувчи сўзлар асосан **от, олмош ва отлашган сўзлар** орқали ифодаланади: **Қизлар:** Ҳабиба, Замира, Нигора бизникига келишди (от билан). Қуёш, ҳаво, тиниқ сув — **бари** бизнинг дўстимиз (олмош билан). Даврада **улуғлар:** Навоий, Жомий, Биноийлар ўтиришибди (отлашган сифат).

- Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаklarдан олдин келганда, ундан кейин икки нуқта қўйилади: Инсонда **ҳамма нарса:** юз ҳам, кийим ҳам, қалб ҳам гўзал бўлиши керак.

- Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлаklarдан кейин келган тақдирда, ундан аввал тире қўйилади: Уй, мол-ҳол — **ҳаммаси** сенга қолади. Боғда етилган олма, узум, анор — **ҳаммасидан** олдиқ.

ГАПНИНГ АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАРИ

Нималарни билишингиз керак?

- Гапнинг ажратилган бўлаklари деганда, нима тушунилади?

- Ажратилган бўлаklarда қандай тиниш белгилари қўлланилади?

- Гапнинг ажратилган бўлаklари ўзидан аввал келган бўлаklar маъносини тўлдириш, аниқлаш, ойдинлаштириш учун хизмат қилади. Улар оғзаки нутқда маълум бир пауза билан ажратилади. Гапда, одатда, **изоҳловчи, аниқловчи, тўлдирувчи** ва **ҳол** ажратилади.

• **Ажратилган изоҳловчи** ўзидан олдин келган, кишилиқ олмошлари ва отлашган сўзлар билан ифодаланган эганинг маъносини тўлдиради, ойдинлаштиради: Биз, **ёшлар**, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашмоғимиз керак. Ошпаз опа, **эллик беш-эллик олтиларга бориб қолган аёл**, ёпилган нонларни даста-даста қилиб ўраркан, кулиб жавоб берди.

• Ажратилган изоҳловчидан кейин **масалан, шу жумладан, хусусан, яъни, айниқса, ҳатто** сўзлари қўлланилиши мумкин: Акмал Орипов, **яъни ўша йигит**, Тошкент ирригация институтида ўқир эди.

• **Ажратилган тўлдирувчи** ўзидан аввал келган тўлдирувчининг маъносини тўлдиради, ойдинлаштиради: Бу улуғ анжуманга, **байрамга**, халқ шоирлари ҳам таклиф этилди. Китоб ичидаги дастхатга, **менга таниш бўлган хуснихатга**, узоқ тикилдим. Сизлардан, **ёшлардан**, ақлли гаплар кутамиз.

• **Ажратилган аниқловчи** ўзидан аввал келган аниқловчининг маъносини тўлдиради, ойдинлаштиради: Қобил бобо, **яланг бош, яланг оёқ, яқтакчан**, оғил эшиги олдида туриб, дағ-дағ титрайди. Саидахон қизининг, **дунёга кўр бўлиб туғилган ёлғиз жигаргўшасининг**, сўлғин юзларига қараб чуқур хўрсинди.

• **Ажратилган ҳол** ўзидан олдин келган ҳолнинг маъносини тўлдиради, ойдинлаштиради: Осмоннинг бир бурчагида, **уфққа яқин ерда**, оқ булут парчаси кўринди. Узоқдан, **чайла томондан**, итнинг вовуллагани эшитилди. Ёзда, **қовун пишиғида**, далага чиқиб кетамиз.

• Гапнинг ажратилган бўлаклари кўпинча гап ўртасида келади ва улар асосий бўлақлардан асосан **вергул** билан, агар у ёйиқ бўлиб, ўз ичида вергули бўлса, **тире** билан ажратилади. Разведкачилар Ваняни — **ўн беш ёшлардаги, қувноқ, ҳаммага самимий боқадиган шўх болани** — ёқтириб қолишди. Сифатловчи аниқловчи баъзан ажратилиб эгадан кейин ишлатилади. Бундай ҳолда ундан олдин **тире** қўйилади: Ватаним бор — **озод, музаффар**

УНДАЛМА

Нималарни билишингиз керак?

- ундалма ва унинг грамматик хусусиятлари;
- ундалманинг гапдаги ўрни;
- ундалмаларда таниш белгилари;
- йигиқ ва ёйиқ ундалмалар.

- Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки нарсаси - тушунчаларини ифодаловчи сўзлар ёки сўз бирикмалари **ундалма** деб аталади. Ундалмалар шахсни билдирувчи отлар (Ҳой, **Собир полвон**, пишилламасдан, сопиғача тозала!), жонли предмет: ҳайвонлар, паррандаларни англатувчи отлар (Менга қара, **булбулчам**, дер эмишлар хонишларинг хушовоз), жонсиз нарсаларни ифодаловчи отлар (Салом сенга, **кўк арча**, қишин-ёзин яшнайсан) ҳамда мав-ҳум отлар (Нечун тилкалайсан бағримни, **оҳанг**!) билан ифодаланиши мумкин.

- Ундалмалар, одатда, иккинчи шахсга қаратилган бўлади: Ой бориб омон кел, (**сен**) **ўғлим**! Шеърятда ундалма сўзловчининг ўзига ҳам қаратилган бўлади: Эй, **Навоий**, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин...

- Ундалмалар гапнинг бошида (**Ўғлим**, одамларга керак бўлиб яша), гап ўртасида (**Ўкинманг**, **синглим**, бу кунлар ҳам ўтади, кетади) ва гап охирида (Нега ташлаб кетдинг мени, **онажон**!) келиши мумкин.

- Ундалмалар гапнинг асосий бўлакларидан вергул билан ажратилади, гап бошида келса, ундан кейин, ўртада келса, ҳар икки томонидан, охирида келса, ундан аввал вергул қўйилади. Бироқ ундашни кучайтириш учун ундалмадан олдин келган ундов сўздан сўнг ҳеч қандай тиниш белгиси қўйилмайди: **Ҳой бўрилар**, сўзларингдан қайт, бўлмаса ҳокимингга бормаيمان, мингбошингга ялинмайман!

- Ундалма қатнашган гапда, одатда, эга қўлланилмайди (айрим ҳолларда қўлланилиши ҳам мумкин): **Ватан**, бунчалар кўркамсан! **Ватан**, сен бунчалар кўркамсан!

- Ундалма агар бир сўздан иборат бўлса, йиғиқ, икки ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлса, ёйиқ ундалма ҳисобланади: **Ука**, мени тушунсангиз-чи! Салом сизга, **эркпарвар эллар**!

- Ундалмалар уюшиб келиши мумкин: **Рассомлар**, **ёзувчилар**, **композиторлар**, ҳаётни чуқурроқ ўрганингиз!

- Ундалмалар гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмайди, бироқ улар билан синтактик муносабатда бўлади, чунки ундалма эганинг маъносини ифодалайди.

КИРИШ СЎЗ ВА КИРИШ ГАПЛАР

Нималарни билишингиз керак?

- кириш сўзлар ва уларнинг ифодаланиши;
- кириш сўзларнинг маънолари;
- кириш сўзларда тиниш белгилари;
- кириш гаплар ва уларда тиниш белгилари.

• Сўзловчининг ўзи баён этаётган фикрга муносабатини билдирувчи сўзлар **кириш сўзлар** деб аталади. Агар кириш сўзлар бирикма ҳолида келса, кириш бирикма ҳисобланади: Бу ишни биз, **сўзсиз**, бажарамиз (**сўзсиз** — кириш сўз). Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас, **менинг билишимча**, сенинг элингга (**менинг билишимча** — кириш бирикма).

• Кириш сўзлар ҳам ундалма каби гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмайди. Кириш сўзлар қуйидаги сўзлар орқали ифодаланади:

• **Модал сўзлар** билан: **Кошки**, ўзгаларни ғийбат қилувчилар ўз айбларини ҳам билишса.

• **Отлар** билан: **Бахтимизга**, дадам ишдан барвақт қайтиб келдилар.

• **Олмошлар** билан: **Менимча**, сиз ўйлаган режа анча пухта ишланган.

• **Сифат** билан: **Тўғри**, сен самолёт ясай олмайсан.

• **Сон** билан: **Биринчидан**, ҳар бир йигит-қиз замонавий билимларни чуқур ўзлаштирмоғи, **иккинчидан**, ишлаб чиқариш технологиясини пухта билмоқлари лозим.

• **Феъл** билан: **Кўрибсизки**, бир ой ўтмай, мен ҳам сафингиздаман.

• **Равиш** билан: **Дастлаб**, қилинадиган ишларни пухта режалаштириб олишимиз керак.

Кириш сўзлар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

• **Ишонч ва тасдиқни** (албатта, сўзсиз, тўғри, дарҳақиқат, шубҳасиз, муқаррар).

• **Шубҳа ва гумонни** (эхтимол, шекилли, афтидан, чамаси).

• **Шодлик ва мамнунликни** (хайрият, бахтимизга, шукур, ниҳоят, дуруст).

- **Афсуслик ва ачиниш** (эссиз, аттанг, афсуски, таассуфки, бахтга қарши, аксига олиб).

- **Баён қилинган фикрнинг кимга қарашли эканлигини** (менимча, сенингча, унингча, бизнингча, сизнингча, фикрингизча, фикримча, фаҳмимча, назаримда).

- **Баён қилинган фикрнинг тартибини** (биринчидан, иккинчидан, аввало, охири).

- **Баён қилинган фикрнинг аввалги фикр билан боғлиқлигини** (демак, хуллас, шундай қилиб, инчунин, шунингдек, дарвоқе, зеро, ҳар ҳолда).

- Кириш сўзлар, одатда, гап бошида ва гап ўртасида келади ва асосий бўлақлардан вергул билан ажратилади. Кириш сўз гап бошида келса, ундан кейин, гап ўртасида келса, унинг ҳар икки тарафидан вергул қўйилади.

КИРИШ ГАП

- Кириш гап ёрдамида сўзловчи баён қилинаётган фикрга йўл-йўлакай қўшимча изоҳ бериб кетади. Қишлоқнинг орқа томонида, **эс-эс биламан**, катта узумзор бор эди. Шуларни хўп ўйладиму, **мен сизга айтсам**, ариза ташлашга жазм этдим.

- Кириш гаплар ёйиқ бўлса, одатда, қавс ичига олинади: Миркамол қишлоғига қайтиб келганида (**ўшанда ҳали тўралар йиқитилмаган, қизиллар у ёқдан бу ёққа от суриб юрарди**), уйидан ном-нишон ҳам қолмаган эди. Кириш гап йиғиқ бўлса, гапнинг асосий қисмидан тире билан ажратилади: Мактуба ва Салима икковлари — **ўшанда ҳали тонг ёришмаган эди** — пахтазорга қараб йўл олишди.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Гапда бир хил сўроққа жавоб бўлган ва бир синтактик вазифани бажарган бўлақлар ...

- А) Кириш сўз.
- В) Кириш гап.
- С) Ундалма.
- Д) Уюшиқ бўлақлар.
- Е) Умумлаштирувчи сўзлар.

2. Гапнинг уюшиқ бўлақларини боғловчи воситалар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

- A) Келишиқлар ва кўмақчилар.
- B) Тенг боғловчилар ва боғловчи вазифасидаги ёрдамчилар.
- C) Эргаштирувчи боғловчилар ва оҳанг.
- D) Оҳанг.
- E) B ва D

3. Уюшиқ бўлақли гапни аниқланг.

- A) Икки ёрти-бир ўттиз.
- B) Нотиқ анча ўйланиб турди-да, гап бошлади.
- C) Фарзанд кулдиради, йиғлатади ҳам.
- D) Иккинчи, иккинчи, жавоб беринг!
- E) B ва C

4. Гапнинг бош бўлақлари уюшиб келган қаторни аниқланг.

- A) Нодиранинг опаси ва акаси шаҳарда, марказда, яшашади.
- B) Комил Мирзаевич меҳмонларни лаборатория ва иссиқхоналар билан таништирди.
- C) Шоирлар ва олимлар халқнинг кўзи, қулоғи, қалбидирлар.
- D) Биз тинчликни, қардошлиқни қадрлаймиз, ардоқлаймиз.
- E) Маҳалланинг барча қария ва ёшлар тантанага, байрамга, катта тайёргарлик кўришди.

5. Жонли предметлар: ҳайвон ва паррандалар номини ифодаловчи отлар эга сифатида уюшиб келганда, кесим қайси сонда бўлади?

- A) Фақат бирликда.
- B) Фақат кўпликда.
- C) Бирлик ва кўпликда.
- D) Бирликда ҳам, кўпликда ҳам бўлади.
- E) Бундай отлар уюшиб келмайди.

6. Агар уюшган эгалар шахсни англатса...

- A) Кесим фақат бирликда қўлланилади.
- B) Эга ва кесим сонда мослашмайди.
- C) Эга кўпликда, кесим бирликда бўлади.
- D) Кесим бирликда ҳам, кўпликда ҳам қўлланилади.
- E) Кесим фақат кўпликда қўлланилади.

**7. Ой ёритади, аммо иситмайди. Ушбу гапда зидлов боғлов-
чиси қандай вазифани бажаряпти?**

- A) Қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлаяпти.
- B) Мазмунан бир хил бўлган уюшиқ бўлақларни боғлаяпти.
- C) Эга ва кесимни боғлаяпти.
- D) Уюшиқ бўлақларни ўзаро зидлаб боғлаяпти.
- E) Боғловчисиз қўшма гапларни боғлаяпти.

8. Тўлдирувчи уюшиб келган қаторни аниқланг.

- A) Ўқитувчимиз чиройли ва мулойим гапиради.
- B) Қувноқ ва шўх болалар ҳаётда ўз ўринларини тез топадилар.
- C) Ҳасадгўй ва ифвогарларга орамизда ўрин йўқ.
- D) Кўчада, уйда ўзингизни одобли тутинг.
- E) Сизни, ёшларни, олдинда бахтли келажак кутмоқда.

9. Равиш ҳоли қайси қатордаги гапда уюшиб келган?

- A) Мени, отангни, унутма, ўғлим.
- B) Пастда, қўш ёнғоқнинг тагида, оппоқ қорга кўмилиб узок туриб қолди.
- C) Ёзда, қовун сайли пайтида, далага чодир тикиб оламиз.
- D) Миркомил ичкарига кириб, аста ўрнига чўзилди.
- E) Дарё ўйноқлаб, тўлқинланиб оқмоқда.

10. Уюшган аниқловчи қатнашган гапни аниқланг.

- A) Ҳусайн Бойқаро дарҳол катта ҳарбий кенгаш чақирди.
- B) Сизга, қалби пок ўқитувчиларга, таъзим қиламиз.
- C) Отакул буванинг самимий, илиқ чехрасида бир нур бор эди.
- D) Катта асфалт йўлдан машина ўқдек учиб борарди.
- E) Баланд оқ миноралар устида карнайлар янграйди.

**11. Умумлаштирувчи сўзлар қайси сўз туркумлари билан
ифодаланади?**

- A) Фақат отлар билан.
- B) Фақат сифатлар билан.
- C) От ва олмошлар билан.
- D) От, олмош ва отлашган сўзлар билан.
- E) От, сифат, феъллар билан.

12. Қайси қатордаги гапда умумлаштирувчи сўз қатнашган?

- A) Баҳоринг муборак, Ўзбекистоним!
- B) Ота, юртимизнинг бугунги куни бахтли, эртаси янада бахтли-роқ бўлади.

С) Инсонинг кадр-қимматини, иззат нафсини ерга урмаслик керак.

Д) Тўрда Навоий, Жомий, Биноийлар — улуғлар савлат тўкиб ўтиришибди.

Е) Қовун полизида, ҳув чайла ёнида, илк учрашганимиз ёдингдами?

13. Умумлаштирувчи сўзларда қайси ўринда тире қўйилади?

А) Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан кейин келса.

В) Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан аввал келса.

С) Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлар орасида келса.

Д) Умумлаштирувчи сўз гап бошида келса.

Е) Умумлаштирувчи сўз қатнашган гапда тире ишлатилмайди.

14. Гапнинг ажратилган бўлақлари қандай вазифа бажаради?

А) Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрга қўшимча муносабатини ифодалаш учун хизмат қилади.

В) Ўзидан аввал келган бўлақнинг маъносини тўлдиради, ойдинлаштиради.

С) Баён қилинган фикрнинг кимга қарашли эканлигини ифодалаш учун хизмат қилади.

Д) Баён қилинган фикрнинг аввалги фикр билан боғлиқ эканлигини ифодалаш учун хизмат қилади.

Е) Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни ифодалаш учун хизмат қилади.

15. Сизга қалби пок устозларга таъзим қиламиз. Ушбу гапдаги остига чизилган сўзлар қандай тиниш белгилари билан ажратилиши лозим?

А) Икки нуқта ёки тире билан.

В) Вергул ёки тире билан.

С) Вергул ёки ики нуқта билан.

Д) Вергул ёки нуқтали вергул билан.

Е) Қавс билан.

16. Мен сизни, азизим, соғинаман, йўлга қарайман.

Ушбу гапдаги ажратилган бўлақни кўрсатинг.

А) мен сизни

В) азизим

С) соғинаман

Д) йўлга қарайман

Е) ажратилган бўлақ мавжуд эмас

17. Ажратилган ўрин ҳоли қатнашган гапни белгиланг.

- A) Хайр, яшил ўрмон, мовий денгизлар.
- B) Ичкарида ўзга ҳол эди.
- C) Уйда, кўчада, мактабда ўзингизни самимий, одобли тутинг.
- D) Пастда, бир туп садақайрағоч ёнида, улар узоқ гаплашиб турдилар.
- E) Кеча, тонг отар чоғида, сайёҳлар йўлга отландилар.

18. Ёдгорнинг, ўн етти яшар етим боланинг, тақдири шундай аянчли эди.

Ушбу гапда гапнинг қайси бўлаги ажратилган?

- A) Тўлдирувчи.
- B) Аниқловчи.
- C) Ҳол.
- D) Кесим.
- E) Эга.

19. Ажратилган тўлдирувчи қатнашган гапни кўрсатинг.

- A) Уловинг ночор, ўғлим, манзи-лингга етиб боролмайсан.
- B) Биз Бешёғоч даҳасининг юқорисида, ўнг тарафдаги кичик маҳаллада, яшардик.
- C) У бир зум бўлса-да тинмайди, уйни супуради, идиш-товоқларни ювиб, саранжом-саришта қилиб қўяди.
- D) Умид отасини, тўқсондан ошиб қолган чолни, жон-дили билан парвариш қиларди.
- E) Кўкда, дарахтлар устида, ғуж-ғуж юлдузлар порлайди.

20. Ажратилган бўлақлар ёйиқ ҳолда келиб, улар орасида ўз вергули мавжуд бўлса, қандай тиниш белгиси қўйилади?

- A) Нуқтали вергул.
- B) Вергул.
- C) Икки нуқта.
- D) Қавс.
- E) Тире.

21. Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни билдирувчи сўзлар...

- A) Кириш сўзлар.
- B) Ундалма.
- C) Кириш гап.
- D) Ажратилган бўлақлари.
- E) Уюшиқ бўлақлар.

22. Ундалманинг ўрни қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Фақат гап бошида келади.
- B) Гап бошида ва охирида келади.
- C) Гап бошида, ўртасида, охирида келади.
- D) Фақат гап охирида келади.
- E) Фақат гап ўртасида келади.

23. Ундалма қатнашган гапда, одатда қайси бўлак ифодаланмайди?

- A) Кесим.
- B) Тўлдирувчи.
- C) Аниқловчи.
- D) Ҳол.
- E) Эга.

24. Қайси гапда ундалма бор?

- A) Мени кечира олсанг, кечир.
- B) Мени ташқарида кутиб турсангиз.
- C) Сизга нима бўлди, ойижон?
- D) Қани энди муздеккина сув бўлса.
- E) А ва С

25. Нечун тилкалайсан бағримни, оҳанг?

Ушбу гапда ундалма кимга, нимага қаратилган?

- A) Сўзловчига.
- B) Жонсиз предметга.
- C) II шахсга.
- D) III шахсга.
- E) Мавҳум отга.

26. Қайси жавобда ундалмага хос хусусият тўғри кўрсатилган?

- A) Ундалма қатнашган гапда, одатда, кесим тушиб қолади.
- B) Ундалма сўзловчининг ўзи баён қилган фикрга муносабатини ифодалайди.
- C) Ундалмадан сўнг тире қўйилади.
- D) Ундалма гап бўлаклари билан грамматик жихатдан боғланмайди.
- E) Ундалмалар фақат шахсга қаратилган бўлади.

27. Ёйиқ ундалмали гапни аниқланг.

- А) Заҳматкаш, дўстпарвар, жанговар, аҳдида вафоли қувноқ ўзбегим! Мақташда тантилиқ қилсам, ҳаққим бор. (Ғ. Ғулом.)
В) Дада! Дадажон, нон ейман, нон келтирдингизми?
С) Кечир, Зайнаб, чидолмас дилим...
Д) Ҳой, соқолинг кўксингга тўкилгур, — деди хотин, — бу қандай қилиқ?!
Е) А ва Д

28. Уюшиқ ундалмали гапни топинг.

- А) Иккинчи, иккинчи, жавоб беринг!
В) Салом сизга, дарёлар, тоғлар!
С) Муҳаббат, Раъно, Санобар кўшиқни бошлаб юборишди.
Д) Биз дўстлик, қардошлиқ ва тинчликнинг не эканлигини яхши биламиз.
Е) А, В, С

29. Ундалмалар асосан. . .

- А) I шахсга қаратилган бўлади.
В) II шахсга қаратилган бўлади.
С) III шахсга қаратилган бўлади.
Д) I, II ва III шахсга қаратилган бўлади.
Е) II ва III шахсга қаратилган бўлади

30. Сўзловчининг ўзи баён этаётган фикрига муносабатини билдирувчи сўз...

- А) ундалма дейилади.
В) гапнинг ажратилган бўлаги дейилади.
С) кириш сўз дейилади.
Д) гапнинг уюшиқ бўлаклари дейилади.
Е) ундов сўз дейилади.

31. Кириш сўзлар гапнинг қайси бўлаги билан грамматик алоқага кириши мумкин?

- А) эга билан
В) эга ва кесим билан
С) фақат тўлдирувчи билан
Д) фақат аниқловчи билан
Е) барча жавоблар хато

32. Ишонч, тасдиқ маъносини ифодаловчи кириш сўз қатнашган гапни аниқланг.

- A) Шубҳасиз, топталар, янчилар ғаним.
- B) Эсиз, тақдир экан, қайдин билибмиз.
- C) Демак, асосий масала кейинги мажлисга қолдирилади.
- D) Хуллас, шаҳарда қоладиган бўлдик.
- E) A ва D

33. Афсус ва ўкинч маъносини ифодаловчи кириш сўзлар тўғри кўрсатилган қаторни аниқланг:

- A) хайрият, аттанг, эсиз
- B) албатта, чамаси, шекилли
- C) бахтга қарши, таассуфки
- D) шукур, афсус, хайрият
- E) хуллас, демак, менимча

34. Кириш сўз берилган қаторни аниқланг.

- A) Тўғри, сен самолёт ясолмайсан, кетмон чополмайсан.
- B) Мактабдан чиқиб, тўғри уйга юр.
- C) Айтайлик, сизнинг ўн саккизга кирган қизингиз бор.
- D) Санобархонларни ҳам тўйга айтайлик.
- E) A ва C

35. Кириш бирикма берилган қаторни аниқланг.

- A) Дунёда ҳеч бир халқ тўғри келолмас,
Менинг билишимча, сенинг элингга.
- B) Шоирнинг ёзишича, шеър қалб зурриётидир.
- C) Айтишингизга қараганда, бу ишга ожизсиз?
- D) Айтайлик, хонада ёлғиз ўтирибсиз.
- E) A, B, C

36. Қайси қаторда гумонни билдирган кириш сўз мавжуд?

- A) Менимча, унга ишонса бўлади.
- B) Афсуски, ҳозир орамизда Малика йўқ.
- C) Ҳаммани ўзим енгаман деб ўйлайсиз, шекилли.
- D) Майли, кираверсин, чой қўйинг.
- E) Очигини айтсам, сизни хурсанд қила олмайман.

37. Фикрнинг кимга қарашли эканлигини ифодаловчи кириш сўз қатнашган гапни аниқланг.

- A) Биласизки, бир муштипар кишиман.
- B) Фикри ожизимча, бу уйда бир ўзингиз яшайсиз.
- C) Хуллас, Тошкент сафари кечиктирилди.

D) Сиддиқжон, бир томондан, Ўрмонжонга кўринмасликка ҳаракат қилар эди.

E) Кечирасиз, Ўрозбойларнинг уйи шуми?

38. Кириш сўзлар гапдан...

A) вергул билан ажратилади.

B) тире ва вергул билан ажратилади.

C) тире билан ажратилади.

D) қавс ичига олинади.

E) икки нуқта билан ажратилади.

39. Кириш сўзлар гапнинг...

A) бошида келади.

B) охирида келади.

C) ўртасида келади.

D) барча ўринларида

E) Тўғри жавоб йўқ.

40. Кириш гап берилган қаторни аниқланг.

A) У ёғини сўрасанг, айтайми, дадам Ёрматга куёв бўлмоқчи.

B) Сен, нима десам бўларкин, тенги йўқ йигитсан.

C) Мана шуларни хўп ўйладиму, мен сизга айтсам, ариза ташлашга жазм этдим.

D) Таборнинг (бутун колоннани шундай деб аташадиган бўлишди) олдида Омика бошлиқ разведка от қўйиб борарди.

E) A, B, C, D

ТЎЛИҚСИЗ ГАПЛАР.

Грамматик тузилиши жиҳатидан тўлиқ бўлмаган, гап бўлакларидан бири ёки бир нечаси тушириб қолдирилган гаплар тўлиқсиз гаплар дейилади. Маълумки, тўлиқ гапларда фикрни тўла ифода қилиш учун керак бўлган гап бўлақларининг барчаси иштирок этади, тўлиқсиз гапларда эса бундай бўлмайди, ҳамма бўлақлар ҳам қатнашавермайди, тушириб қолдирилган бўлақларни биз аввалги гаплардан билиб оламиз.

- Қишда узоқ жанубий ўлкаларга учиб кетадиган қушлар Ўзбекистонда яшайдими?

- Яшайди.

Бунда иккинчи гап тўлиқсиз бўлиб, гап нима ҳақида кетаётганлиги биринчи гапдан англашилиб турибди. Тўлиқсиз гапларда кўпинча эга ва кесим тушириб қолдирилган бўлади:

- Сиддиқжон нималар ҳақида сўзлади?
- Мактаб тажриба участкаси ҳақида (эга ва кесим туширилган).

Тўлиқсиз гаплар асосан сўзлашув услубида, диалогик нутқда қўлланилади.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ ҚЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Икки бош бўлакли гап берилган қаторни аниқланг.

- A) Умрингизнинг бирор нафасини беҳуда ишларга сарфламам.
- B) Менга қандай янгилик келтирдингиз?
- C) Кўпни ёмонлаган одам кўмувсиз қолар.
- D) Бизда меҳмонни қадрлашга ўрганишган.
- E) Ўтган вақтни орқага қайтаролмайсиз.

2. Гаплар қайси хусусиятига кўра бир ва икки бош бўлакли гапларга ажралади?

- A) Грамматик асосига кўра.
- B) Мазмунига кўра.
- C) Таркибидаги содда гапларнинг миқдорига кўра..
- D) Иккинчи даражали бўлакларнинг иштирокига кўра
- E) Грамматик воситаларнинг иштирокига кўра.

3. Қайси қаторда шахси маълум гапга тўғри таъриф берилган?

- A) Кесими тушириб қолдирилган гап шахси маълум гап.
- B) Таркибида иккинчи даражали бўлак қатнашмаган гап шахси маълум гап.
- C) Кесимининг тусловчи қўшимчаси ёрдамида эгасини топиш мумкин бўлган гап шахси маълум гап.
- D) Мазмуни ҳар уч шахсга ҳам дахлдор бўлган гап шахси маълум гап.
- E) Эгасини умуман топиб бўлмайдиган гап шахси маълум гап.

4. Шахси маълум гап берилган қаторни аниқланг.

- A) Тошкентга жўнаб кетишга тўғри келди.
- B) Сумалакка туз солинмади.

- С) Отажон, сизни жуда соғиндим.
- Соғиндим иккала кўзим билан тенг.
- Д) Кел, жим, қўлингни бер менга.
- Е) С ва Д

5. Шахси номаълум гапни топинг.

- А) Ватанни севиш иймондандир.
- В) Муҳаббат ўзи эски нарса, лекин ҳар бир қалб уни янгилайди.
- С) Ўзбекларда меҳмонни улуғлашади.
- Д) Бетга айтганнинг захри йўқ.
- Е) Олим бўлсанг, олам сеники.

6. Шахси топилмас гап қайси қаторда берилган?

- А) Энди сизни ким деб аташ керак?
- В) Меҳмон отангдан улуғ бўлади.
- С) Нега тилкалайсан бағримни, оҳанг?
- Д) А ва В
- Е) А, В, С

7. Инсонни одоби билан баҳолайдилар.

Ушбу гап ҳақида қайси ҳукм тўғри?

- А) Икки бош бўлакли гап.
- В) Содда йиғиқ гап.
- С) Шахси номаълум гап.
- Д) Шахси топилмас гап.
- Е) Шахси маълум гап.

8. Қуйида берилган жавоблардан қайси бири атов гап хусусиятига тўғри келмайди?

- А) Атов гаплар воқеликнинг (предметнинг) мавжудлигини ифодалайди.
- В) Атов гаплар якка ҳолда ҳам қўлланилиши мумкин.
- С) Атов гапларда, одатда, кесимлик маъноси ифодаланмайди.
- Д) Атов гаплар от, отлашган сўз, олмош, сон каби сўзлар билан ифодаланади.
- Е) Атов гаплар йиғиқ ёки ёйиқ бўлиши мумкин.

9. Бир бош бўлакли гапларнинг қайси турида кесим феълнинг мажхул шакли билан ифодаланади?

- А) Шахси маълум гап.
- В) Шахси умумлашган гап.
- С) Шахси топилмас гап.

D) Шахси номаълум гап.

E) Атов гап.

10. Шахси номаълум гап берилган қаторни аниқланг.

A) Самарқанд илм маркази бўлган.

B) Келинни «ёр-ёр» айтиб узатишади.

C) Ҳам куласан, ҳам йиғлайсан киши.

D) Ишёқмасга иш буюрсанг, отангдан ортиқ насихат қилади.

E) Далалар кўм-кўк.

11. Тасдиқни билдирувчи сўз-гапни топинг.

A) - Тошкентга мен билан кетасанми?

- Ҳа.

B) - Сизга қийин бўладиган бўлди-да!

C) - Отинг нима?

- Валижон.

D) - Бизникига келиб туринг.

- Раҳмат.

E) - Хайр, азизим, кўзимнинг нури.

12. Хайр, Ассалому алайкум, баракалла, қойил каби сўзлар билан ифодаланувчи гаплар...

A) Кириш сўзлар дейилади.

B) Шахси топилмас гаплар дейилади.

C) Шахси номаълум гаплар дейилади.

D) Сўз-гаплар дейилади.

E) Тўлиқсиз гаплар дейилади.

13. - Ойингни кўролмадингми?

- Йўқ, кўролмадим.

Ушбу гаптаги йўқ сўзини қандай изоҳлаш мумкин?

A) сўз-гап

B) кириш сўз

C) ундалма

D) тўлиқсиз гап

E) атов гап

14. Тўлиқсиз гаплар кўпроқ қайси услубда қўлланади?

A) Сўзлашув услубида.

B) Бадиий услубда.

C) Илмий услубда.

D) Расмий услубда.

E) Публицистик услубда.

15. - Нечанчи синфда ўқийсиз?

- Ўнинчи синфда.

Ушбу тўлиқсиз гапда қайси гап бўлаги тушириб қолдирилган?

- А) Эга.
- В) Кесим.
- С) Тўлдирувчи.
- Д) Аниқловчи.
- Е) Ҳол.

ҚЎШМА ГАПЛАР

Нималарни билишингиз керак?

- қўшма гаплар ҳақида умумий тушунча;
- қўшма гапларнинг тузилишига кўра турлари;
- боғланган қўшма гаплар ва уларни ҳосил қилувчи грамматик воситалар;
- боғланган қўшма гапларнинг турлари;
- эргаш гапли қўшма гаплар ва уларнинг турлари;
- бир неча эргаш гапли қўшма гаплар;
- боғловчисиз қўшма гаплар ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши;
- аралаш қўшма гаплар.

Қўшма гап таркибидаги ҳар бир содда гапнинг ўз грамматик асоси, маркази бўлади: **Болта тушгунча, тўнка дам олар.** Бу гап икки содда гапнинг бирикувидан ташкил топган. Биринчи гапнинг эгаси — **болта**, кесими — **тушгунча**, иккинчисининг эгаси — **тўнка**, кесими — **дам олар**.

Қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг бирикувида боғловчилар, кўмакчилар, юкламалар, айрим феъл шакллари, оҳанг хизмат қилади.

Қўшма гаплар таркибидаги гапларнинг ўзаро бирикиш усуллари ва маъноларига кўра уч хил бўлади:

1. Боғланган қўшма гап
2. Эргаш гапли қўшма гап
3. Боғловчисиз боғланган қўшма гап

БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Боғланган қўшма гап содда гапларнинг ўзаро тенг боғловчилар ёки тенг боғловчи вазифасидаги ёрдамчи сўзлар билан бирикишидан ҳосил бўлган гаплардир.

Уларнинг қисмлари шаклан мустақил бўлса-да, мазмунан ўзаро боғланган бўлади: Баҳор келди. Гуллар очилди. Булар икки мустақил гаплардир. Аммо улар ўзаро тенг бириккан тақдирда ҳам, шаклан мустақиллигини йўқотмайдилар: (Баҳор келди ва гуллар очилди). Бироқ улар мазмунан бир-бирига боғлиқ бўлади, холос, чунки баҳор келиши билан гуллар очилади.

Боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг тенг боғловчиларнинг қайси тури билан бирикишига қараб, қуйидаги турларга бўлинади:

- Бириктирув муносабатли боғланган қўшма гаплар.

Бириктирув боғловчили боғланган қўшма гаплар **ва, ҳамда,** шунингдек, бириктирувчи боғловчи вазифасидаги **-у, -ю, -да** юкламалари ёрдамида бирикиб, бир пайтнинг ўзида ва кетма-кет юз берган воқеа-ҳодисаларни англатади: Майин шабада эсар **ва** унинг силашларидан, эркалашларидан майсалар баҳра оларди. Эшик очилди-**ю,** ўқитувчи кириб келди. Рустам супага жой қилдириб берди-**да,** ўзи қаёққадир кетди.

- Зидлов муносабатли боғланган қўшма гаплар.

Боғланган қўшма гапларнинг бу турида содда гаплар ўзаро зидлов боғловчилари **аммо, лекин, бироқ,** шунингдек, шу боғловчи вазифасини бажарувчи **-у. -ю** юкламалари ва **бўлса, эса** сўзлари орқали бирикиб, мазмунан бир-бирига қарама-қарши бўлган воқеа-ҳодисалар маъносини ифодалайди.

Севинч унутилади, **бироқ** қайғу эсдан чиқмайди. Севинч унутилади-**ю,** қайғу эсдан чиқмайди. Ҳамма рози, сен **эса** ўз билганингдан қолмайсан.

- Айирув муносабатли боғланган қўшма гаплар.

Тенг муносабатли содда гапларнинг ўзаро **ё, ёки, дам, гоҳ, баъзан, хоҳ** каби боғловчилар **бир, ҳам** сўзлари ёрдамида бирикишидан ҳосил бўлади. Уларда навбатма-навбат юз берувчи воқеа-ҳодисалар ёки бирини танлаш лозим бўлган воқеа-ҳодисалар маъноси ифодаланади: **Гоҳ** найнинг майин овози эшитилади, **гоҳ** ҳофизнинг дилкаш қўшиғи қулоққа чалинади. (кетма-кет юз берган

воқеа-ҳодиса маъноси англашилмоқда). Ё сиз келинг, ё мен борай. (воқеадан бирини танлаш маъноси англашилмоқда).

•Инкор муносабатли боғланган қўшма гаплар.

Баъзан тенг муносабатли содда гапларни боғлашда инкор боғловчиси **на** ҳам қатнашади. Бу боғловчи ҳам айирувчи боғловчилар каби такрор ҳолда қўлланилиб, юз бермаган воқеа-ҳодисаларни инкор йўли билан ифодалайди: **На** бир киши гапирди, **на** бир тирик жон йўталди.

Инкор боғловчили қўшма гапнинг иккинчи қисмида баъзан кесим қўлланмаслиги мумкин: Ундан **на** хат бор, **на** хабар.

БОҒЛОВЧИСИЗ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Боғловчисиз боғланган қўшма гаплар таркиби-даги содда гаплар ҳеч қандай боғловчиларсиз ёки боғловчи вазифаси-даги ёрдамчи сўзларсиз, фақат мазмун оҳанги билан бирикишидан ҳо-сил бўлади.

Орзигул дарвозадан ичкари кирди, дарвоза ўз-ўзидан бекилди. Ботирлари канал қазади, шоирлари ғазал ёзади.

Боғловчисиз қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ҳам боғланган қўшма гапдаги каби мазмунан бир-бирига боғлиқ бўлса-да, шаклан мустақил бўлади.

Боғловчисиз қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар орасига:

•**тире қўйилади:**

-агар улар англатган фикр (мазмун) бир-бирига ўхшатилса (Сув келди — нур келди);

-агар улар англатган мазмун бир-бирига қарама-қарши қўйилса (Жисмимиз йўқолур — ўчмас номимиз);

-агар улар шарт маъносини англатса (Собир келди — ўйинни бошлаймиз).

•**вергул қўйилади:**

-агар бир пайтнинг ўзида ёки кетма-кет юз берувчи воқеа-ҳодисалар маъносини ифодаласа (Узоқдан най навоси эшитилди, куйнинг майин овози юракларни зир-зир титратарди. Бугун кийимларингни дазмоллаб қўй, эртага Тошкентга жўнаймиз);

•**икки нуқта қўйилади:**

-кейинги содда гап биринчи содда гапдан англашилган фикрнинг сабаби ёки натижасини ифодаласа (Газетачиликнинг битта ёмон томони бор: ишда тартиб бўлмайди. Сув келди: гиёҳ битмас чўллар обод бўлди).

-кейинги содда гап аввалги содда гап кесимини тўлдириб, изоҳлаб келса (Шунга иқдор бўлдим: миллатларни ажратиш қонли тўқнашувларга олиб келади).

•нуқтали вергул қўйилади:

-содда гаплар мазмунан унчалик яқин бўлмаса (Ташқарида шамол увиллар; Собир сандалга мук тушганча китоб мутолаа қиларди);

-содда гаплар ичида вергул ишлатилган бўлса (Боғда булбул, қумри ва саъвалар тўлиб-тошиб сайрар; йигит ва қиз уларнинг қўшиғини берилиб тинглашарди).

ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Содда гапларнинг бири иккинчисига мазмунан ва грамматик жиҳатдан тобе бўлиб бирикишидан ҳосил бўлган ва улардан бири иккинчисининг мазмунини аниқлаб, тўлдириб келган гаплар эргаш гапли қўшма гапдир.

• Эргаш гапли қўшма гаплар икки қисмдан: бош (ҳоким) ва эргаш (тобе) гаплардан иборат бўлади.

• Бош гап мазмун ва грамматик жиҳатдан мустақил бўлади ва эргаш гапни ўзига бўйсундириб келади.

• Эргаш гап бош гапга эргашиб, унинг мазмунини аниқлайди, изоҳлайди, бош гапдан аввал, кейин, айрим ҳолларда эса бош гап орасида келади.

• Бош ва эргаш гапларни, одатда, уларнинг кесими орқали фарқласа ҳам бўлади. Бош гап кесими мустақил (онаси кир юваётган эди), эргаш гап кесими эса ҳали тугалланмаган фикрни англатади (Зумрад уйга кирганида...).

Эргаш ва бош гаплар қуйидаги грамматик воситалар ёрдамида бирикади:

1. Эргаштирувчи боғловчилар ва боғловчи вазифасидаги сўзлар:

гар, агар, агарда, мабодо, башарти, борди-ю, чунки, шунинг учун, негаки, сабабки, шекилли, гўё, худди, -гандай, деб, токи, бўлса, бўлмаса, балки, қарамай, йўқса,

2. Феъл шакллари:

-р(-ар)+экан, -ган + эди(ки), -ган + пайтда, -ганда + эди (сифатдош), -б(-иб), -гач, -кач, -қач, -гунча, -кунча, -қунча, -гунга қадар (равишдош) -са, -са-да, -са ҳам, -маса, (шарт майли), -син, -масин (буйруқ-истак майли)

3. Кўмакчилар:


сари, сайин, кўра, учун, каби, билан, бери, туфайли, сабабли

4. Юкламалар:

-ми, -чи, -ку

ЭГА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР


Эргаш гапи бор гап таркибидаги олмош билан ифодаланган эганинг маъносини изоҳлайди. Бош гапдаги эга баъзан қўлланмаслиги мумкин.



ким, нима, кимки,
кимдаким, қайси нарса

у, ўша, шу нарса,
ўзи, бари

Кимк унга ўзи йиқилади.
Инсон нимагаки эришолмаса, ўша азиз туюлади.
Кимки виждонан ишлар экан, у ҳурматга лойиқ бўлади.
Нимаики қўлига тушса, бари уни қизиқтиради.



Шуниси қизиқки, уларнинг кўп одатлари бир-бирига ўхшаб кетаркан.

Маълумки, осмон узилиб, ерга тушмайди.

Бундан чиқдики, биз золим бою, сиз батрак экансиз-да!

Хотирамдадирки, бир вақтлар сени ҳурмат қилар эди.


Эсларингда борми, бир йили мен бир кунда 846 кило пахта терган эдим.

Кўнглингизга келмасин-ку, одам ҳар хил бўлар экан...

КЕСИМ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Эргаш гапи бош гап таркибидаги олмош билан ифодаланган кесимнинг маъносини изоҳлайди.

- Кесим эргаш гап, одатда, бош гапдан кейин келади.
- Бош гап таркибидаги кесим баъзан от + тўлиқсиз феъл шаклида бўлиши мумкин: Юрак тандир эмаски, ўт ёқиб қиздирса.
- Агар бош гап таркибидаги кесим ҳисобланган «шу» олмоши қўлланилмаса, бу жумла содда гапга айланиб қолади: *Мақсадимиз шуки, Пўлатжоннинг бошини икки қилиш (Қўшма гап). Мақсадимиз Пўлатжоннинг бошини икки қилиш (содда гап).*



**шу, шуки, шундаки,
шундай иборатки,
шумидики**

Шартим шуки, қирқ кишига зиёфат берасиз.

Ёрдам шундан иборатки, қирқ гектар ерингизни хайдаб берамиз.

Гап шундаки, Турсунбойнинг оғзидан ҳали она сўзининг ҳиди кетган эмас.

Ер ўрик эмаски, ўзи гуллаб, ўзи пишса.


Сен кимсанки, олдингда ҳисобот берсам.

ТЎЛДИРУВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Эргаш гапи бош гап таркибидаги олмош билан ифодаланган тўлдирувчининг маъносини изоҳлайди.

• Эргаш гап бош гапдаги тушум, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиги қўшимчаларини олган, шунингдек, қўмакчилар билан бирга қўлланган олмош маъносини изоҳлайди.

• Бош гап таркибидаги тўлдирувчи бўлиб келган олмошлар, одатда, сўзлашув услубида кўп ҳолларда қўлланмаслиги мумкин: Биламиз, сиз жуда арзанда одамсиз (шуни – тўлдирувчи қўлланмаган).



шуни, шунга, шундан


Шуни унутмайликки, бахт ғойибдан келмайди.

Шунга иқрор бўлингки, Олимхўжа хали ҳеч кимни сотган эмас.

Ўзинг айт-чи, қайси инсон ўз ватанига тош отибди?

Ўзинг билансан-ку, яхши яшаш учун ҳалол меҳнат қилиш керак.

Эслисанми, дарёда маза қилиб чўмилардик.



кимни? нимани? кимга?
нимага? кимда? нимада?
кимдан? нимадан?

уни, ўшани, шуни,
унга, шунга, унда,
шунда, ундан, шундан

Уйдагилар нимани буюрсалар, шуни бажар.

Сен кимга овоз берсанг, мен ҳам ўшанга ишонаман.


Кимда билим кучли бўлса, унда дид ҳам ўткир бўлади.

Кимдан хушомад кўрсанг, ундан яхшилик кутма.

АНИҚЛОВЧИ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Эргаш гапи бош гап таркибидаги олмош билан ифодаланган бўлакнинг белгисини изоҳлайди.

Аниқловчи эргаш гап бош гапга –са қўшимчаси билан бирикса, бош гапдан аввал келади:



ким, кимки, қайси,
қандай, кимнинг,
ниманинг


унинг, ўшанинг,
шунинг, шундай

Кимнинг билими кучли бўлса, унинг дўстлари даврасида обрў-эътибори ҳам баланд бўлади.

Тўнғич ботир қайси йўлдан кетган бўлса, яна ўша йўлдан укалари олдига келди.

Сиз қандай яшасангиз, биз ҳам худди шундай яшагимиз келади.

Аниқловчи эргаш гап бош гапга –ки ёрдамчиси орқали бирикса, бош гап аввал, эргаш гап кейин келади:



шундай, баъзи, айрим


Ўғлингиз шундай қиз топиб келдики, ҳар қандай ҳур-парилар ҳам унинг олдига тасқара бўлиб кўринади.

Баъзи одамлар бўладики, чигирткадай текин кун кечиради.

Айрим ёзувчилар борки, китоблари дўконларда йиллаб чанг босиб ётади.

РАВИШ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Эргаш гапи бош гапдан англашиладиган иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдиради ва бош гапга **-б(-иб), -май, -масдан** қўшимчалари, шунингдек, **деб, дея** сўзлари ёрдамида бирикади.



Юлдузлар **битта-битта сўниб,** уфқ оқара бошлади.

Бахтинг бор, **деб эсади** еллар.

Наимийнинг иши ўнгидан келмасдан, **умри бекорга ўтиб кетди.**

Умри юз-қўлини ювмай, **нонуштага ўтирди.**

Кун бўйи емасдан бир бурда ҳам нон, балки сахарларда нола қиларсан.

Булбуллари нағма, соз этиб, ҳусни тўлиб очилар баҳор.

ПАЙТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг юзага чиқиш пайтини ифодалайди. Бош ва эргаш гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши турлича бўлади:


1. Ҳар икки гапдаги иш-ҳаракат бир пайтнинг ўзида юз беради ва бунда эргаш гап бош гапга қуйидаги воситалар ёрдамида боғланади:

- -ган (сифатдош) қўшимчаси ҳамда пайтда, вақтда, чоғда сўзлари (Муаттар уйга кирган вақтда, синглиси тандирдан нон узаётган эди);

- сифатдошнинг -р(-ар) қўшимчаси + экан тўлиқсиз феъл шакли (Ўктам йўлда ҳаёл суриб борар экан, унга бир гала рақс тушиб келаётган лўлилар учради.);

- -са шарт майли қўшимчаси (Дутор чалиб ўтирсам, тори узилиб кетди.)


2. Бош гапдаги иш-ҳаракат эргаш гапдаги ҳаракатдан аввал ёки кейин юз беради, бу ҳолатда эргаш гап бош гапга қуйидагича бирикади:



Бир пиёла чой қайнагунча, гурунглашиб ўтирдик.
Тонг отмасдан бурун, Тошкентга жўнаб кетдик.


САБАБ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Эргаш гапи бош гапдан англашилган воқеа-ҳодисанинг юзага чиқиш сабабини ифодалайди. Сабаб эргаш гаплар бош гапга қуйидаги воситалар ёрдамида бирикади:



Гапда юқоридаги боғловчилар келса, эргаш гап аввал келади ва боғловчилар эса бош гап таркибида бўлади:

Ёмғир қор аралаш ёға бошлади, шунинг учун тоғ сафарини қолдиришга тўғри келди.



Одамларга мурувватли бўлган инсон узоқ яшайди, чунки (негаки, сабабки) яхшиларнинг ўзи унга қувват бағишлайди.

ШАРТ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг қандай шарт билан юзага чиқишини англатади ва қуйидаги грамматик воситалар ёрдамида тузилади:

- Феълнинг шарт майли қўшимчаси –са (Қаерда кураш бўлмаса, у ерда ўсиш ҳам бўлмайди.);
- Гар, агар, агарда, мабодо, башарти, борди-ю боғловчилари (Агар ўзимиздан сотқин чикмаса, ҳеч ким бизни енголмайди.);
- -ган (сифатдош) + да, -ган + да + ми + ди шакллари (Онажоним ҳаёт бўлгандаларида, бошимга оғир ташвишлар тушармиди.);
- -май, -ми, -са, -чи, -гудай, бўлса, (Ер кўкармай, мол тўймас.).

ТЎСИҚСИЗ ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Бош гапнинг мазмунига зид бўлса ҳам, эргаш гапи унда ифода этилаётган иш-ҳаракатнинг юзага чиқишига тўсиқ бўлолмайдиган маънони ифодалайди.

Тўлиқсиз эргаш гап бош гапга феълнинг шарт майли қўшимчаси –са + да (ҳам), билан, қарамай кўмакчилари ёрдамида бирикади:

Ёмғир пақирлаб қуйиб турса-да (ҳам, қарамай, билан) йигит қизни кутар эди. Палағда тухумга мурч сепиб берганинг билан, уни ҳеч ким еёлмайди.

ЎРИН ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Эргаш гапи бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага келиш ўрнини ифодалайди.

Эргаш гап бош гапга –са шарт майли кўшимчаси ёрдамида бирикади.

Катта арава қаерга юрса, кичиги ҳам ўша ёкка юради.

Қаерда интизом бўлмаса, у ерда ўсиш ҳам бўлмайди.

Онаси қаёққа борса, Санобар унинг орқасидан ўша ёққа қараб
борарди.

МАҚСАД ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП


Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг қай мақсадда бажарилишини билдиради ва боғловчи вазифасидаги *деб, токи* сўзлари воситасида таркиб топади.

Юртимиз янада гулласин деб, меҳнатимизни аямадик.

Тилимизни тоза сақлашимиз керак, токи у нафис ва гўзал тилга айлансин.

НАТИЖА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг натижасини ифодалайди. Бунда эргаш гап таркибида *шундай, шу қадар, шунчалик, шу даражада, чунон* сўзлари, бош гап таркибида *эса натижада, оқибатда* каби сўзлар келади ва улар бир-бирига – *ки* боғловчиси ёрдамида боғланади:



Шундай кучли бўрон турдики, натижада (оқибатда) хамма ёқ бир зумда остин-устун бўлиб кетди.


- натижа эргаш гапларда боғловчи вазифасидаги сўзлар қатнашмаслиги мумкин: Ҳаёт шу қадар шафқатсизки, унинг қандай тухфалар беришини ўзинг ҳам билмай қоласан.

- Гапнинг бу турида бош ва эргаш гапларининг кесими буйруқ-истак майлидаги феъл шаклини олади: Шундай яшагинки, одамлар кўриб балли десин.

ЎХШАТИШ (ЧОҒИШТИРУВ) ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР


Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг бошқа бир иш-ҳаракат белгисига ўхшатиш, қиёслаш орқали ифодалайди.

Эргаш гап бош гапга -дек, -дай равиш ясовчи қўшимчаси ва гўё, худди, нақ сўзлари ёрдамида бирикади: Она фарзандига меҳрини берганидек, ер ҳам бизни парвариш қилади, ардоқлайди. Тун қўйни жимжит эди, гўё хамма нарса ширин уйқуга кетган.



ДАРАЖА-МИҚДОР ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАПЛАР

Эргаш гапи бош гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг даража-миқдорини англатади ва -са, -ки грамматик шакллар орқали бирикади.



Тоғаси қанчалик қизишса, Ойқиз ўзини шунча оғирликка солар эди.

У ҳозир шу қадар хурсанд эдики, ўзини қўярга жой тополмасди.

БИР НЕЧА ЭРГАШ ГАПЛИ ҚЎШМА ГАП


Қўшма гапнинг бу тури уч ва ундан ортиқ эргаш гапларнинг битта бош гапга тобе бўлиб бирикишидан ҳосил бўлади. Эргаш гаплар бош гапга икки усулда тобеланиб боғланади:

1. Биргалик (тўғридан-тўғри) эргашиш.

Биргаликда эргашишда ҳар бир эргаш гап бош гапга ўзича мустақил ҳолда тўғридан-тўғри бирикади.

- Биргалик эргашишда ҳар бир эргаш гап бир хил сўроққа жавоб бўлади.

Баҳор келса, гуллар очилса, ариқлар тўлиб сувлар оқа бошласа, табиат янада гўзаллашади.




2. Кетма-кет эргашиш.

Бу усулда эргаш гаплар аввал бири иккинчисига, сўнг охирги эргаш бош гапга бирикади:

- Бу усулда эргаш гаплар ҳар хил сўроққа жавоб бўлади.

Сув ўзгарса, жой ўзгариб, одам ҳам ўзгаради.




АРАЛАШ ҚЎШМА ГАПЛАР

Қўшма гапнинг бу турида учдан ортиқ содда гаплар ўзаро турли усулда тенг ва тобе ҳолда аралаш бирикади:


Унинг лаблари қимирларди, бироқ сўзлари эшитилмаганлиги сабабли, унга ҳеч ким эътибор бермасди.

Бунда биринчи ва иккинчи содда гаплар ўзаро тенг боғланыпти (зидлов муносабатли боғланган қўшма гап), биринчи ва иккинчи содда гаплар эса учинчи гап билан тобе ҳолда бирикяпти (сабаб эргаш гапли қўшма гап).



Юрак бақувват бўлса, иш унумли бўлади ва киши чарчамайди.

Биринчи ва иккинчи содда гаплар шарт эргаш гапли қўшма гапни ташкил этипти, биринчи ва иккинчи содда гаплар учинчи содда гап билан тенг боғланиб, бириктирув муносабатли қўшма гапни ҳосил қиляпти.



БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Содда ва қўшма гаплар қайси хусусиятига кўра фарқланади?

- А) Таркибидаги бош бўлақлар бор ёки йўқлигига кўра.
- Б) Грамматик асослар миқдорига кўра.
- С) Уюшиқ бўлақлар миқдорига кўра.
- Д) Гап оҳангига кўра фарқланади.
- Е) Мазмунига кўра фарқланади.

2. Қўшма гаплар таркибидаги содда гапларни боғловчи воситалар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Боғловчилар ва оханг.
- B) Айрим феъл шакллари.
- C) Юкламалар.
- D) Қўмакчилар.
- E) A, B, C

3. Қайси қўшма гапларнинг қисмлари шаклан мустақил бўлади?

- A) Фақат боғловчисиз қўшма гапларнинг.
- B) Фақат боғланган қўшма гапларнинг.
- C) Боғланган ва боғловчисиз қўшма гапларнинг.
- D) Фақат эргаш гапли қўшма гапларнинг.
- E) A, B, D

4. Қўшма гапларнинг қайси турида содда гаплар ўзаро тенг боғловчи ва боғловчи вазифасидаги ёрдамчилар ёрдамида бириккан?

- A) Боғланган қўшма гапларда.
- B) Боғловчисиз қўшма гапларда.
- C) Эргаш гапли қўшма гапларда.
- D) Икки бош бўлакли содда гапларда.
- E) Уюшиқ бўлакли содда гапларда.

5. Қўшма гапларнинг қайси турида содда гаплар грамматик воситаларсиз бирикади?

- A) Фақат боғловчисиз қўшма гапларда.
- B) Фақат боғланган қўшма гапларда.
- C) Фақат эргаш гапли қўшма гапларда.
- D) A, B
- E) A, B, C

6. Ундан на хат бор, на хабар. Ушбу гап тузилишига кўра қандай гап?

- A) Боғланган қўшма гап.
- B) Боғловчисиз қўшма гап.
- C) Эргаш гапли қўшма гап.
- D) Бир бош бўлакли содда гап.
- E) Икки бош бўлакли содда гап.

7. Куз келса, ўриклар гуллайди.

Ушбу гапдаги содда гаплар қайси жиҳатдан боғланмаган?

- A) Грамматик ва мазмун жиҳатдан.
- B) Мантиқан.
- C) Оҳанг жиҳатдан.
- D) Ҳам грамматик, ҳам мазмунан.
- E) барча жавоблар нотўғри.

8. Қўшма гап берилган қаторни кўрсатинг.

- A) У улгурса, келади.
- B) Улар Норбувининг пайига тушишди.
- C) Палағда тухумга мурч сепиб берган билан уни еб бўлмайди.
- D) Ёзда, қовун пишган маҳалда, далага қапа тикиб чиқамиз.
- E) Сиздан, қалби дарё ўқитувчимдан, бир умрга қарздорман.

9. Бириктирувчи боғловчили боғланган қўшма гаплар қисмлари ўзаро қандай воситалар билан бирикади?

- A) Тенг боғловчилар ва оҳанг билан.
- B) Фақат тенг боғловчилар билан.
- C) Кўмакчилар билан.
- D) Юкламалар билан.
- E) Бириктирувчи боғловчи ва -у, -ю, -да юкламалари билан.

10. Бириктирув боғловчили боғланган қўшма гапни аниқланг.

- A) Козим мактабдан барвақт қайтди.
- B) Қор ёғди ҳамда ерлар музлади.
- C) Бошқаларни билмайман-у, суяк шўрва Кулала икковимизга кучлилиқ қилди.
- D) Ҳар қандай қонунга ҳам чап бериш мумкин, лекин уятга чап бериб бўлмайди.
- E) B, C, D

11. Шу онда қаттиқ қарсак чалинди-ю, ҳамма гуриллаб ўрнидан турди.

Ушбу гап тузилишига кўра қандай гап ҳисобланади?

- A) Зидлов муносабатли боғланган қўшма гап.
- B) Бириктирув муносабатли боғланган қўшма гап.
- C) Айирув муносабатли боғланган қўшма гап.
- D) Боғловчисиз қўшма гап.
- E) Содда гап.

12. Айирув муносабатли боғланган қўшма гапни кўрсатинг.

- A) Унинг на ери бор, на суви бор.
- B) Ҳаво совида ҳамда ерлар музлади.
- C) Қуёш ботиб, уфқда қип-қизил шафақ кўринди.
- D) Гоҳ улар келишади, гоҳ биз борамиз.
- E) Кулади-ю, индамай тураверади.

13. Қўшма гапларнинг қайси турида боғловчи вазифасидаги юкламалар иштирок этади?

- A) зидлов муносабатли боғланган қўшма гапларда
- B) бириктирув боғловчили боғланган қўшма гапларда қўлланилмайди
- C) айирув боғловчили боғланган қўшма гапларда
- D) А ва В
- E) В ва С

14. Берилган гапларнинг қайси бири айирув боғловчили боғланган қўшма гап?

- A) Ўқтам меҳмонларга ариқ бўйига жой қилдириб берди-да, ўзи қаёққадир шошиб кетди.
- B) Севинч эсан чиқади-ю, қайғу унутилмайди.
- C) Гоҳ музика чалинади, гоҳ қўшиқ янграйди.
- D) Ишим юришиб, марказга ўтиб кетдим.
- E) Эшик очилди-ю, ичкарига Навоий кириб келди.

15. Зидлов муносабатли боғланган қўшма гап қайси қаторда берилган?

- A) Ёрнинг кучи йўқ, ё уруғ ёмон.
- B) Кун иссиқ эди, шунинг учун деразаларни ланг очиб ташладик.
- C) Сен бераҳмлиқ қилсанг ҳам, аммо мен душманлиқ қилмасман.
- D) Адабиёт атомдан кучли, аммо унинг кучини ўтин ёриш учун сарфламаслиқ керак.
- E) С ва D

16. Инкор боғловчили боғланган қўшма гапни аниқланг.

- A) Кечамизга на Собир, на Комил келди.
- B) Уни на қийноқлар, на ўлим қўр қита оларди.
- C) Унинг на отаси бор, на онаси бор.
- D) На малакдир, на паридир, ҳай-ҳай...
- E) Юқоридагиларнинг барчаси тўғри

17. Собир келди- шаҳарга жўнаймиз. Ушбу гап қўшма гапнинг қайси турига мансуб?

- А) Боғловчисиз қўшма гап.
- В) Боғланган қўшма гап.
- С) Эргаш гапли қўшма гап.
- Д) Икки бош бўлакли содда гап.
- Е) Бир бош бўлакли содда гап.

18. Боғловчисиз қўшма гап қисмлари орасида қандай тиниш белгилари қўлланилади?

- А) Нуқтали вергул.
- В) Кўп нуқта ва вергул, тире.
- С) Икки нуқта, вергул ва тире.
- Д) Чизиқча, қавс ва тире.
- Е) А ва С

19. Боғловчисиз қўшма гапларда қандай маънолар ифодаланади?

- А) Бир пайтда ва кетма-кет юз берадиган воқеа-ҳодисалар.
- В) Сабаб-натижа ва шарт маънолари.
- С) Воқеа-ҳодисаларни қарама-қарши қўйиш.
- Д) Воқеа-ҳодисаларни бир-бирига ўхшатиш.
- Е) Юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

20. Боғловчисиз қўшма гаплар берилган қаторни топинг:

- А) Ит ҳуради, карвон ўтади.
- В) Вақтинг кетди — бахтинг кетди.
- С) Бугун Қўзивой тиржайиб кириб келди.
- Д) Ёз келса, чет элга саёҳатга жўнаймиз.
- Е) А ва В

21. Сафар халталарингизни тайёрлаб қўйинглар, эрталаб тоққа жўнаймиз.

Ушбу қўшма гап қисмлари орасига вергул қўйилишининг сабаби нимада?

- А) Кетма-кет юз берувчи воқеа-ҳодисаларни англатгани учун.
- В) Сабаб маъносини англатгани учун.
- С) Шарт маъносини англатгани учун.
- Д) Сабаб-натижа маъносини англатгани учун.
- Е) Воқеалар бир-бирига қарама-қарши қўйилгани учун.

22. Боғловчисиз қўшма гаплар таркибидаги содда гапларда воқеалар бир-бирига қарама-қарши қўйилса ёки мазмунлари бир-бирига ўхшатилса, қайси тиниш белгиси ишлатилади?

- A) вергул
- B) тире
- C) икки нуқта
- D) нуқтали вергул
- E) кўп нуқта

23. Боғловчисиз қўшма гапларда шарт маъноси англашилса, қайси тиниш белгисини ишлатамиз?

- A) вергул
- B) икки нуқта
- C) нуқтали вергул
- D) тире
- E) чизиқча

24. Боғловчисиз қўшма гаплар қисмларда сабаб маъноси англашилса, қайси тиниш белгиси қўйилади?

- A) кўп нуқта
- B) қавс
- C) вергул
- D) нуқтали вергул
- E) икки нуқта

25. Боғловчисиз қўшма гапларнинг қисмлари бир пайтда ёки кетма-кет юз берган воқеа-ҳодисаларни англатса, қандай тиниш белгилари қўлланилади?

- A) вергул ёки тире
- B) вергул ёки икки нуқта
- C) фақат вергул
- D) фақат тире
- E) икки нуқта ёки тире

26. Сув келди// нур келди.

Ушбу гапдаги // белгиси ўрнига қандай тиниш белгиси қўйилади?

- A) икки нуқта
- B) тире
- C) вергул
- D) нуқтали вергул
- E) чизиқча

27. Эргаш гап бош гапга қайси воситалар ёрдамида бирикади?

- A) Тенг ва эргаштирувчи боғловчилар ҳамда кўмакчилар.
- B) Оханг, юкламалар ва кўмакчилар.
- C) Айрим феъл шакллари ва эргаштирувчи боғловчилар.
- D) Айрим феъл шакллари ҳамда тенг боғловчилар.
- E) Ясовчи ва сўз ўзгартувчи қўшимчалар, оханг.

28. Эргаш гап...

- A) фақат бош гапдан олдин келади
- B) фақат бош гапдан кейин келади
- C) фақат бош гап орасида келади
- D) бош гапнинг икки тарафида келади
- E) бош гапдан аввал, кейин, орасида келади

29. Эргаш гап+бош гап шаклидаги қўшма гап берилган қаторни кўрсатинг.

- A) Инсон нимагаки эришолмаса, ўша азиз туюлади.
- B) Истагим шуки, онажоним соғ бўлсинлар.
- C) Абдулҳаким жуда яхши билади, ўқишга кириш осон эмас.
- D) Ҳаётдан асло нолиманг, чунки унинг ўзи турли-туман қаршиликлардан иборат.
- E) Орзуйим: ўчмасин ёққан чиро-ғинг.

30. Бош гап+эргаш гап+бош гап шаклидаги қўшма гап қаторини кўрсатинг.

- A) Қиссадан ҳисса шуки, ақлли одам эҳтиёткорликни қўлдан бой бермайди.
- B) Ҳали унинг билмагани шу қадар кўпки, сўраб охирига етказиб бўлармикин?
- C) Биз, об-ҳаво ёмон бўлса ҳам, саёҳатимизни давом эттирдик.
- D) Шуниси равшанки, таълим-тарбия ҳаёт билан боғлиқ бўлиши лозим.
- E) Севги шундай навбаҳорки, у тикандин гул қилур.

31. Бош гап+эргаш гап кўринишидаги қўшма гапни кўрсатинг.

- A) Эрталабки шамол дарё бўйлаб шундай эсдики, гўё тинч оқаётган сувнинг текис юзи бурилиб кетди.
- B) Гўё ҳамма унинг сиридан воқиф бўлгандай, йигит қизариб кетди.
- C) Кун ботар-ботмас, биз қишлоққа чиқиб бордик.
- D) Алишер Ҳиротга келгандан буён, юрт анча тинчиб қолди.
- E) Ким бировга чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади.

32. Феълнинг равишдош шакли билан бош гапга бириккан эргаш гапли қўшма гап қайси қаторда жойлашган?

- A) Ер кўкармаса, мол тўймас.
- B) Бир чойнак чой бўшагунча, улар анча дардлашиб олдилар.
- C) Ойим қишлоқдан қайтдиларми, тўйни бошлаб юборамиз.
- D) Ичингда гап ётса ҳам, алам ётмасин.
- E) Юртимиз обод бўлиб бормоқда, шунинг учун кўнгилларимиз шод.

33. Феълнинг шарт майли қўшимчаси билан боғланган эргаш гапли қўшма гапни аниқланг.

- A) Мушук, осмондан ташлаб юборсанг, оёғи билан тушади.
- B) Бир киши ариқ қазиса, минг киши сув ичади.
- C) Сабр қилсанг, ғўрадин халво битар.
- D) Майли, не десалар, дейишаверсинлар.
- E) A, B, C

34. Сифатдош шакли ҳамда кўмакчи ёрдамида боғланган эргаш гапли қўшма гапни аниқланг.

- A) Биз шунга иқрор бўлдикки, курашсиз ўсиш ҳам бўлмайди.
- B) Икки кун ўтгандан кейин, ойим билан Тошкентга жўнаймиз.
- C) Агар сени алдаса ҳаёт, сен ноумид бўлма ҳеч қачон.
- D) Халқаро ўйин бўлаётгани учун, стадион одамга лик тўла эди.
- E) Олим бўлсанг, олам сеники.

35. Аниқловчи эргаш гапни топинг.

- A) Кимки ҳалол меҳнат қилса, у элда азиз.
- B) Тилагим шу, юртимиз тинч бўлсин.
- C) Кимнинг кўнгли тўғри бўлса, унинг йўли ҳам тўғри бўлади.
- D) Алпинистлар чўққига қайси йўлдан кўтарилган бўлсалар, яна ўша йўлдан аста туша бошладилар.
- E) C ва D

36. Эга эргаш гапли қўшма гап қайси қаторда берилган?

- A) Одам борки, одамларнинг нақ-шидур.
- B) Ҳали шундай замонлар келадики, ҳар кимнинг бахти ўзига боғлиқ бўлиб қолади.
- C) Сабр қилсанг, ғўрадан халво битар.
- D) Қозонга нима тушса, чўмичга ҳам ўша чиқади.
- E) Гапни чўзишнинг ҳожати йўқ, одамлар кутишяпти.

37. Шу, шуки, шундан иборатки олмошлари қайси эргаш гапли қўшма гап таркибида қўлланилади?

- A) Эга эргаш гапли қўшма гап.
- B) Эесим эргаш гапли қўшма гап.
- C) Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап.
- D) Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап.
- E) Сабаб эргаш гапли қўшма гап.

38. Бизда одат шуки, уйга келган меҳмон олдига, албатта, ош қўямиз.

Ушбу гап эргаш гапли қўшма гапларнинг қайси турига мансуб?

- A) Эга эргаш гапли қўшма гап.
- B) Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап.
- C) Кесим эргаш гапли қўшма гап.
- D) Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап.
- E) Натижа эргаш гапли қўшма гап.

39. Шунини унутмайликки, дўстлик ҳамма вақт ғолиб чиқ-қан. Ушбу қўшма гапнинг турини аниқланг.

- A) Аниқловчи эргаш гапли қўшма гап.
- B) Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап.
- C) Эга эргаш гапли қўшма гап.
- D) Пайт эргаш гапли қўшма гап.
- E) Натижа эргаш гапли қўшма гап.

40. Кўрсатиш олмоши иштирок этмаган тўлдирувчи эргаш гап қайси қаторда?

A) Мен шундан кўрқаманки, яхшилар орасига ғаламислар ҳам қўшилиб қолади.

B) Ўзингиз яхши биласиз, онани ранжитиб бўлмайди.

C) Бу қиз бошқалардан шуниси билан ажралиб турадики, у ҳамма ерда босиқлик билан гапирди.

D) Сиздан умидимиз шумидики, ишимизни чиппакка чиқариб ўтирибсиз.

E) Киши тиришиб ўқиса, кўп нарсани ўрганади.

41. Равиш эргаш гапли қўшма гапни аниқланг.

A) Репин ишлаган расмлар шундай ажойибки, худди кўз ўнгингда жонли киши гавдалангандай бўлади.

B) Борди-ю, бу гаплар рост бўлганда ҳам, сира ишонмаган бўлардим.

C) Устознинг савлати босиб, ҳаё ғолиб келиб, шогирд ерга қараб қолди.

D) Шундай яшагинки, кетар чоғингда барча гирён қолсин, сен боргил хандон.

E) Собир онасини кўргач, шошиб ёнига борди.

42. Мақсад эргаш гапли қўшма гапни аниқланг.

A) Қувончи ичига сиғмаса-да, Назокат одоб юзасидан ўзини хомуш тутишга ҳаракат қиларди.

B) Инсон дунёга фақат ейиш, ичиш учун келмайди.

C) Қизчам уйғониб кетмасин деб, Саидахон телевизор овозини пастлатди.

D) Қор қалин ёққани учун, дарахт шоҳлари эгилиб ётарди.

E) B ва C

43. Тўсиқсиз эргаш гаплар қандай маънони ифодалайди?

A) Бош гапдан англашилган иш- ҳаракатнинг қайси шарт билан юзага келишини ифодалайди.

B) Бирор иш-ҳаракатнинг юзага чиқиши учун қарши бўла олмайдиган бошқа бир иш-ҳаракатни ифодалайди.

C) Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага келиш сабабини ифодалайди.

D) Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг юзага келиши мақсадини ифодалайди.

E) бош гапдан англашилган иш- ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради.

44. Пайт эргаш гапли қўшма гапларни бир-бирига боғловчи воситалар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

A) -б, -иб, -гунча, -гач, -май

B) -са, -ки, -масдан бурун

C) -ки, -масдан, -май, -са, -да

D) -гач, -гунча, -ган эди, гандан кейин

E) A ва D

45. Ўрин эргаш гапли қўшма гапнинг бош гапида қайси олмошлар келади?

A) у, ўша, шу, шундаки

B) кимки, кимдаким, нима

C) шу ерда, ўша ерда

D) қаерда, қаердан, қаерга

E) чунки, шунинг учун, ёки

46 Шарт эргаш гапли қўшма гап қайси қаторда берилган?

- A) Разведкачилар қаерда бўлсалар, Ваня ҳам ўша ерда эди.
- B) Сиз кимга овоз берсангиз, мен ҳам ўшани ёқлайман.
- C) Ким бировга ситам қилаверса, ўзи ҳам яхшилик кўрмайди.
- D) Ер кўкармай, мол тўймас.
- E) B ва D

47. Мен бир юмалаб шундай гўзал бир қиз бўлайки, менинг олдимда бу қиз тўқсон яшар кампирча ҳам бўлмай қолсин.

Ушбу гап қўшма гапнинг қайси турига мансуб?

- A) мақсад эргаш гапли қўшма гап
- B) аниқловчи эргаш гапли қўшма гап
- C) эга эргаш гапли қўшма гап
- D) кесим эргаш гапли қўшма гап
- E) натижа эргаш гапли қўшма гап

48. Сен бераҳм бўлсанг ҳам, аммо мен душманлик қилмасман асло.

Ушбу гап қўшма гапнинг қайси турига мансуб?

- A) зидлов боғловчили боғланган қўшма гап
- B) боғловчисиз қўшма гап
- C) шарт эргаш гапли қўшма гап
- D) тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап
- E) эга эргаш гапли қўшма гап

49. Шарт эргаш гапли қўшма гап қаторини аниқланг.

- A) Инсон зоти жазм қилса борми, қорни ҳам ёндиради.
- B) Кимки бировга чуқур қазиса, унга ўзи йиқилади.
- C) Баҳор келса, гуллар очилади.
- D) Уйда китоб ўқиб ўтирсам, ойим кириб келдилар.
- E) Қушлар тўп-тўп бўлиб учса, ҳаво очиқ бўлади.

50. Тўғридан-тўғри эргашишли бир неча эргаш гапли қўшма гапни кўрсатинг.

A) Борди-ю рост бўлса, ҳаммаси эмас, ярми рост бўлганда ҳам, жуда хунук гап-ку.

B) Ҳосилни йиғиб олиб, ерларни шудгор қилиб бўлгач, сайилни бошлаб юборамиз.

C) Юриб турса томирда қонинг, азиз бўлса бир парча нонинг, бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол, қўлингга қурол ол!

D) Дастлабки вақтларда ёрдам берсангиз, ишлар жўнашиб кетганидан кейин, унча оғир тушмас.

E) Меҳмонлар кириб келишганда, шундай гулдурос олқишлар кўтарилдики, залнинг деворлари бизни босиб тушаётгандай бўлди.

51. Кетма-кет эргашган бир неча эргаш гапли қўшма гап берилган қаторни кўрсатинг.

A) Қалбингда ёнса ҳам бир дунё алам,

Қаддингни букса ҳам олам-олам ғам,

Бошингга солса ҳам айрилиқ соя,

Кўнглинг ғаш бўлса ҳам биллониҳоя,

Онажон, кўзингдан оқизма кўп ёш.

B) Темур давлати парчаланиб, шахзодалар орасида тож-тахт учун кураш қизиб кетгач, бу оиланинг овозаси аста-секин сўна бошлади.

C) Жаноби олийнинг рухсатлари бўлиб, раҳбарлик учун киши тайин қилсалар, мамлакат ободлигига сабаб бўладилар.

D) Бу дўстликда ғараз ва сохталик йўқ, чунки бу дўстликнинг мухташам саройини бир чироқ ёритади, чунки бу дўстликнинг ҳамма дарёларида ҳам оби ҳаёт оқади.

E) B ва C

52. Аралаш қўшма гап қаторини аниқланг.

A) Сув ўзгарса, жой ўзгарса, ўзгаради одам ҳам.

B) Баҳор келса, гуллар очилса, табиат яна ҳам гўзаллашади.

C) Тоғаси қанчалик қизишса, Ой-қиз ўзини шунчалик босишга ҳаракат қиларди.

D) Мен сизга шуни айтмоқчиманки, агар хўжалигимиз йириклашса, унинг ҳисоб-китоб ишлари осонлашади ва халқ ҳаёти фаровонлашди.

E) Тун қўйни жим-жит эди, гўё бутун борлиқ ширин уйқуга кетгандай.

КЎЧИРМА ГАПЛАР. ДИАЛОГ.

Нималарни билишингиз керак?

- *кўчирма гап ва унда ишлатиладиган тиниш белгилари;*
- *диалог ва унда ишлатиладиган тиниш белгилари.*

Бошқаларнинг ҳеч ўзга-ришсиз, айнан берилган гапи кўчирма гап дейи-лади. Кўчирма гаплар, одатда, муаллиф гапи билан бирга қўлланади ва қўштирноқ ичига олинади.

- Муаллиф гапининг кесими сифатида **демоқ, сўзламоқ, айтмоқ, гапирмоқ** каби сўзлар келади. Кўчирма гапнинг ўрни асосан қуйидагича бўлади:

- кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келади: Элликбоши паст товуш билан деди: **«Хўкизинг ҳеч қаёққа кетмайди, топилади».**

- Кўчирма гап дарак гап бўлса, нуқта қўштирноқдан кейин қўйилади, сўроқ ёки буйруқ гап бўлса, сўроқ ва ундов белгилари қўштирноқ ичига қўйилади:

- **М: «К?» М: «К!»**

- Кўчирма гап муаллиф гапидан аввал келади: **«Беғуноҳ гўдакнинг саҳарда қилган дуоси ижобат бўлади, уйғотинг қизчангизни!»** — деди кампир.

- **«К»,-м. «К?»-м. «К!»-м.**

- Кўчирма гап муаллиф гапининг ичида келади: Мажлис раиси лабини бурди ва бош чайқаб: **«Мен ҳеч қандай мақола ёзган эмасман»**, — деди.

- **М: «К»,-м. М: «К!»-м. М: «К?»-м**

- Кўчирма гап муаллиф гапининг ҳар икки томонида келади: **«Низомиддинов, — деди раис ўрнидан туриб, — сиз одамларнинг вақтини олаётирсиз, ахир».**

- **«К,-м,-к». «К,-м,-к?» «К,-м,-к!»**

- Кўчирма гап иккита бўлиб, ўртада муаллиф гапи келадиган бўлса, тиниш белгилари қуйидагича қўйилади: **«Орзуларимиз мўл, — деди Ўктам. — Бу чўлларда шундай жаннат яратайликки».**

- **«К,-м.-К». «К,-м.-К?» «К,-м.-К!»**

- Кўчирма гаплар асосан бадий ва сўзлашув услубларида қўлланилади.

- Баъзан кўчирма гапнинг шакли ўзгартирилиб, ўзлаштирилиб берилади. Бу ҳолда кўчирма гапнинг мазмуни тўла сақланган бўлиши

шарт. Кўчирма гап ўзлаштира гапга айлантирилганда, ўзлаштира гап кесими сифатида **айтмоқ, сўрамоқ, буюрмоқ, таъкидламоқ** феъллари келиши мумкин, аммо **демоқ** феъли қўлланмайди.

• **Насиба оёқлари совуқдан зирқираб оғриётганини деди** тарзида ифодаланмайди, **деди** феъли ўрнига **айтди** шакли қўлланилади.

• Кўчирма гап ўзлаштира гапга айлантирилганда, одатда, гапда кириш сўз ва ундовлар тушириб қолдирилади: «**Эҳ ёшлик қандай гўзал фасл!**» — деди хаяжонланиб Эрназар. **Эрназар хаяжонланиб, ёшликнинг гўзал фасл эканлигини таъкидлади.**

ДИАЛОГ

Икки кишининг ўзаро гапи (сухбати) **диалог** дейилади.

Диалогда кўчирма гапдаги тиниш белгилари ишлатилади, бироқ кўштирноқ қўлланилмайди. Диалогда ҳар бир кишининг гапи хат бошидан тире қўйиб ёзилади:

— Отинг нима? — сўради чол боладан.

— Ёдгор, — деб жавоб берди бола.

— Ёшинг нечада?

— Ўн тўртда.

Диалоглар асосан сўзлашув ва бадий услубларда қўлланилади.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Бошқаларнинг ҳеч ўзгаришсиз ишлатилган гапи...

A) Кўчирма гап деб аталади.

B) Ўзлаштира гап аталади.

C) Атов гап деб аталади.

D) Бир бош бўлакли гап деб аталади.

E) Икки бош бўлакли гап аталади.

2. Кўчирма гапнинг ўрни қайси жавобда тўғри ёзилган?

A) Кўчирма гап муаллиф гапидан аввал келади.

B) Кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келади.

C) Кўчирма гап муаллиф гапи орасида келади.

D) Кўчирма гап муаллиф гапининг ҳар икки томонида келади.

E) Барча жавоблар тўғри.

3. Қайси кўчирма гаптаги тиниш белгиларининг ишлатилишида хато мавжуд?

- А) Буни кўриб, Ўрмонжон: «Ҳа, демак, ҳовуридан тушибди», - деб ўйлади.
- В) «Жуда тўғри, ҳақ гап, - деди боши билан тасдиқлаб Болтабоев. - Ҳамма ютуқларимиз бирлик орқасидан келяпти».
- С) Комила йигитдан: «Гулига қарздорсиз-а?» - деб сўради.
- Д) «Наҳотки рози бўлса?» - деди Собир. - «Кимнинг қўли узун бўлса, олмани ўша узаркан-да?»
- Е) «Гапираверинг, - деди Гулсум, - қулоғим сизда».

4. Ўзлаштирма гап қайси қаторда берилган?

- А) «Сиз кимни ёқласангиз, мен ҳам ўшанга овоз бераман», - деди йигит раисга.
- В) Нотиқ тўлқинланиб деди: «Сизнинг олдингизда ёрқин келажак турибди».
- С) Раис ҳозирча ана шу шийпонларнинг ўзи етиб туришини айтди.
- Д) «Қалай, бемор кўзини очдимиз?» - дея сўради ҳамшира Комилдан.
- Е) Қодир унга: «Шу ерда бир оз кутиб турсангиз», - деди.

5. Ўзлаштирма гапларнинг қайси бирида услубий хатога йўл қўйилган?

- А) Саида ҳозир бориб дам олажагини айтди.
- В) Ориф ҳали олдинда амалга ошмаган ишлар жуда кўплигини таъкидлади.
- С) Биноий атрофга қараб, боғнинг чиндан гўзал, манзаранинг чиройли эканлигини айтди.
- Д) Салима онасига бугун дугонасиникида қолишини гапирди.
- Е) У кечадан буён онасини соғинаётганлигини эслатди.

7. «Эҳ, - деди Сафарқул, - ҳали ҳам у бойнинг уйида мол боқиш, сигир соғиш, кир ювиш каби ишлар билан машғул».

Ушбу кўчирма гап қайси қатордаги ўзлаштирма гапга тўғри келади?

- А) Сафарқул эҳ деб, ҳали ҳам бойнинг уйида мол боқиш, сигир соғиш, кир ювиш каби ишлар билан банд эканлигини гапирди.
- В) Сафарқул ўксиниб, ҳали ҳам унинг бой уйида мол боқиш, сигир соғиш, кир ювиш каби ишлар билан машғул эканлигини айтди.
- С) Сафарқул ҳали ҳам унинг бой уйида мол боқиш, сигир соғиш, кир ювиш каби ишлар билан машғул эканлигини деди.

D) Эҳ, деди Сафарқул ва унинг ҳали ҳам бой уйида мол боқиш, сигир соғиш, кир ювиш каби ишлар билан маш ғул эканлигини уқтирди.

E) Сафарқул эҳ, дея, ҳали ҳам унинг бой уйида мол боқиш, сигир соғиш, кир ювиш билан машғуллигини таъкидлади.

7.Кўчирма гап ўзлаштира гапга айлантирилганда...

- A) гапнинг ажратилган бўлаклари тушириб қолдирилади.
- B) ундов сўзлар ва кириш сўзлар тушириб қолдирилади.
- C) ундалмалар тушириб қолдирилади.
- D) гапнинг иккинчи даражали бўлаклари тушириб қолдирилади.
- E) B ва C

8. Кўчирма гаплар асосан...

- A) расмий ва илмий услубларда қўл-ланилади.
- B) публицистик ва бадий услубларда қўлланилади.
- C) сўзлашув ва илмий услубларда қўлланилади.
- D) сўзлашув ва бадий услубларда қўлланилади.
- E) барча услубларда қўлланилиши мумкин.

9. Диалогларда...

- A) ҳар бир кишининг гапи хат бошидан икки нукта қўйиб ёзилади.
- B) ҳар бир кишининг гапи хат бошидан тире қўйиб ёзилади.
- C) ҳар бир кишининг гапи қўштирноқ ичида қўлланилади.
- D) ҳар бир кишининг гапи қавс ичига олинади.
- E) ҳар бир кишининг гапи хат бошидан кўп нукта билан бошланади.

УСЛУБШУНОСЛИК (СТИЛИСТИКА)

Нималарни билишингиз керак?

*-нутқ услуби ва унинг ўзига хос хусусиятлари;
-сўзлашув услуби ва унга хос асосий хусусиятлар;
-расмий, илмий, публицистик ва бадий услублар
ва уларга хос хусусий белгилар.*

• Кишилар ўзаро фикр алмашиш жараёнида тил воситаларини турлича танлайдилар ва ишлатадилар, воқеликка муносабатларини турлича ифодалайдилар, натижада нутқнинг хилма-хил кўринишлари пайдо бўлади.

- Мана бу матнга эътибор беринг ва уларни бир-бирига таққосланг.

- ...ботаётган қуёш шуълалари қўш ўркач ўртасида ўтириб олган она қиёфасини баралла кўрсатарди. У жиддий тусда юзларининг қони қочган ҳолда ҳушёр тортиб, хавотирланиб ўтирарди. Сочлари оқариб кетган, манглайини ажин босган, ғам-ғуссали кўзларига эса Сариўзак хуфтони - ғам-ташвиш чўккан эди.

- ...ҳазиллашаяпсизми, овсинжон, ў-ў-ўлманг-э, одамни юрагини ёрвордингиз-ку. Бирам ҳовлиқасиз-ей, бирам ҳовлиқасиз-ей...Ўзиям бозордан қайтиб кегунумча она сутим оғзимга келди-ёв.

- Бу икки матн бир-биридан сўз танлаш, ишлатиш ҳамда грамматик, фонетик, лексик хусусиятларига кўра кескин фарқ қилади. Биринчи матнда фикр «қуёш шуълалари», «она қиёфаси», «манглай», «ғам-ғуссали кўзлар» каби бўёқдор сўзлар ёрдамида ифодаланиб, ўқувчининг руҳиятига кучли таъсир кўрсатиляпти. Иккинчи матн эса, аввало, сўзловчининг интонацияси (сўз оҳанги) билан ажралиб турибди (**ў-ў-ўлманг-э, ҳовлиқасиз-ей, юрагимни ёрвордингиз-ку**) сўзлари ўзига хос чўзиқ оҳанг билан айтиляпти шевага хос сўзлар, ибора ҳамда такрор қўлланган. Нутқдаги ана шу ўзига хослик яъни тил воситаларини ўз ўрнида қўллаш ва ишлатиш усуллари нутқ услублари ҳисобланади. Нутқ услублари тилшуносликнинг услубшунослик (стилистика) бўлимида ўрганилади.

- Нутқ услублари хилма-хилдир: сўзлашув, расмий, илмий, публицистик (оммавий) ва бадий услублар.

СЎЗЛАШУВ УСЛУБИ

- Сўзлашув услубида бошқа услубларга нисбатан сўз танлаш ва қўллашда эркинлик анча катта бўлади, гап бўлакларининг ўрнини истаганча алмаштириш, унутилган сўз ёки бирикмаларни гап охирида келтиравериш мумкин (Қараб қўй-чи, нима қияптийкин аканг. Мана мошина ютиб олдик, «Нексия»)

- Сўзлашув услубида нутқнинг образли воситалари: кўп маъноли сўзлар (**бир тузлаб қўйдим-да** — адабини бериб қўйдим, **имтиҳондан йиқилибди**—имтиҳон топширолмабди, **чўзиб қўйинг соққасини** — пулини тўланг), иборалар (**кўзингга қараб юрсанг-чи, оғзингга қараб гапир, оёғингни қўлингга олиб югур**), шевага хос сўзлар, жаргонлар, пичинг, кесатик сўзларнинг қўлланиш доираси анча кенг бўлади.

- Сўзлашув услубида ундалма, содда кўчирма гаплар, тўлиқсиз ва сўз-гаплар ҳам кўп қўлланилади. Бу услубнинг асосий хусусиятларидан яна бир нутқ сўзлаётган пайтда ҳар хил имо-ишораларнинг ишлатилишидир.

- Халқ эртаклари ва дostonлари, айниқса, ана шу услуб учун хос.

РАСМИЙ УСЛУБ

- Расмий услуб давлат миқёсида ҳамда халқаро ташқи иқтисодиёт ва сиёсий алоқалардаги барча расмий ҳужжатлар: давлат қонунлари, қарорлари ва фармонлари, ноталар ҳамда халқаро кенгаш, симпозиумлар ҳужжатлари, йўриқномалар, шартномалар, эълонлар, расмий иш қоғозлари: ариза, буйруқ, ишонч қоғози, тилхат, маълумотнома, далолатномалар ёзиладиган услубдир.

- Расмий услубга хос асосий хусусиятлар шундан иборатки, унда гаплар асосан хабар-дарак мазмунида бўлади, гап бўлаклари қатъий бир ўринда қўлланилади, фикр аниқ ва равшан, маълум бир қолип(стандарт)да ифода этилиб, турғун бирикмалар, атамалардан фойдаланилади.

ИЛМИЙ УСЛУБ

- Бу услуб асосан монологик (монолог—бир кишининг гапи) характерда бўлиб, табиат ва ижтимоий ҳаётда кечадиган жараён, ҳодисалар аниқ талқин этилади, улар ҳақида аниқ илмий хулосалар чиқарилади.

- Илмий услубни бошқа услублардан ажратиб турадиган асосий фарқ унинг терминология-атамалар билан боғлиқлигидир. Аниқ ва ижтимоий (гуманитар) фанларга оид барча илмий асарлар, рисоалар, мақолалар ана шу услубда ёзилади. Бунда асосан ҳар бир фаннинг ўзига хос атамалари қўлланилади(кўп маъноли сўзлар, тасвирий-таъсирий буёқдор сўзлар, иборалар ишлатилмайди), гаплар дарак-хабар мазмунида бўлиб, улар мураккаб қўшма гаплар шаклида қўлланилади, турли шартли белгилар, рамзлар, курсивлар ишлатилади, гап бўлақларининг ўз қатъий ўрни бўлади.

ПУБЛИЦИСТИК УСЛУБ

- Публицистик (лотинча «публикус» - ижтимоий) услуб ўзбек тили нутқ услублари орасида нисбатан кейинроқ, XX асрнинг бошларида, Туркистонда дастлабки газеталар пайдо бўлишидан шаклланган.

- Публицистик услуб ёзма ва оғзаки шаклларда намоён бўлади. Оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, радио, телевидение) учун ёзиладиган, ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига оид очерк, фельетон, памфлет, репортаж, мурожаатномалар ана шу услубда яратилади.

- Публицистиканинг оғзаки шакли эса бевосита нотиклик санъатида ўз ифодасини топади. Радио, телевидениеда, турли учрашув ва кечаларда кундалик воқеалар, халқаро ҳаётга оид шарҳлар билан чиқувчи нотиклар ана шу услубда сўз юритадилар. Уларнинг воқеликка бўлган муносабатлари факт танлаш, ўз қарашларини мантикий изчил, қисқа, аниқ, равшан таҳлил қилишда кўринади.

- Публицистик услубда сўзлашув услубига хос элементлар ишлатилмайди, кўпинча ижтимоий-сиёсий атамалар қўлланилади.

БАДИЙ УСЛУБ

- Сўз воситаларидан эркин фойдаланиш, ўқувчи(тингловчи)нинг руҳиятига чуқур таъсир кўрсатиш мақсадида тилнинг тасвирий, образли воситаларидан, эмоционал буёқдор сўзлардан кенг фойдаланиш бадий услубнинг асосий хусусиятидир.

- Бадий услуб асосан ёзма нутққа хос бўлиб, бу услубда ёзиладиган асарлар китобхонга ахборот беришдан ташқари эстетик вазифани ҳам бажаради, яъни инсон туйғусига таъсир этади. Бунда адиб бадий-тасвирий воситалардан, кўчма маъноли сўзлар, иборалар, шевага хос сўзлар, эскирган сўзлар, ундов сўзлар, касб-ҳунарга оид сўзлар, жаргонлардан, шунингдек, риторик сўроқ гаплар, ҳис-ҳаяжон гаплардан кенг фойдаланади.

- Бадий услубни аралаш услуб ҳам дейиш мумкин, чунки унда бошқа услуб унсурлари ҳам учрайди.

БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ ВА МУСТАҲКАМЛАНГ

1. Нутқ услублари нима?

- A) Гап бўлақларини ўз ўрнида тўғри қўллаш демакдир
- B) Шевага хос сўзлар, жаргонлардан фойдаланиш йўллари
- C) Нутқда сўз воситаларини тўғри танлаш ва тўғри қўллашдир.
- D) Сўзларни адабий талаффуз қоидалари асосида тўғри айтишдир
- E) Сўзларни тўғри ёзишдир.

2. Нутқ услублари қайси жавобда тўғри ва тўлиқ берилган?

- A) Сўзлашув ва илмий услублар.
- B) Бадиий, оммавий, илмий услублар.
- C) Сўзлашув, илмий, расмий услублар.
- D) Сўзлашув, умумхалқ, илмий, бадиий услублар.
- E) Сўзлашув, расмий, илмий, публицистик, бадиий услублар.

3. Нутқ услубларидан қайсилари кўпроқ ёзма нутққа хос?

- A) Расмий услуб.
- B) Илмий услуб.
- C) Илмий ва расмий услуб.
- D) Расмий ва бадиий услуб.
- E) Барча услублар.

4. Қуйидаги услублардан қайсилари кўпроқ оғзаки нутққа хос?

- A) Сўзлашув услуби.
- B) Илмий услуб.
- C) Расмий услуб.
- D) Публицистик услуб.
- E) Бадиий услуб.

5. Давлат қонунлари, қарорлари, фармонлари қайси услубда ёзилади?

- A) Илмий услубда.
- B) Публицистик услубда.
- C) Бадиий услубда.
- D) Расмий услубда.
- E) Сўзлашув услубида.

6. Куч жисмга таъсир қилиб, унинг тезлигини камайтирган ҳолда ҳам механик иш бажаради.

Ушбу гап қайси услубда ёзилган?

- A) Расмий услубда.
- B) Илмий услубда.
- C) Бадиий услубда.
- D) Сўзлашув услубида.
- E) Публицистик услубда.

7. Қуйидаги гаплардан қайси бирида сўз қўллашда услубий хатоликка йўл қўйилган?

A) Бу ишда сиз энг яқин дўстлари-нгизга ёндошишингиз мумкин.

B) Республикамизнинг аввалги қиёфаси кечагидан, эртага эса бугунгидан гўзалроқ бўлади.

C) Оналар, қайси рангда бўлмасинлар: оқми, қорами, барибир оналигича қоладилар

D) Биз сиздан, азиз устоз, сабоқ олгани келдик.

E) Муҳаббат ул ўзи эски нарса, аммо ҳар бир қалб уни янгилар (уни ёнгорта).

8. Қайси услуб бошқаларига нисбатан кейинроқ шаклланган?

- A) Бадиий услуб.
- B) Публицистик услуб.
- C) Расмий услуб.
- D) Илмий услуб.
- E) Сўзлашув услуби.

9. Қайси услуб бизнинг ҳис-туйғуларимизга таъсир кўрсатади?

- A) Сўзлашув услуби.
- B) Илмий услуб.
- C) Публицистик услуб.
- D) Расмий услуб.
- E) Бадиий услуб.

10. Конституциямиз қайси услубда ёзилган?

- A) Илмий услубда.
- B) Бадиий услубда.
- C) Расмий услубда.
- D) Сўзлашув услубида.
- E) Публицистик услубда.

11. Ким айтди сизга мени номард деб? Қани кўрсатиб қўйинг ўшани, баччағарни!

Ушбу гап қайси услубга хос?

- A) Бадиий услубга.
- B) Расмий услубга.
- C) Сўзлашув услубига.
- D) Публицистик услубга.
- E) Илмий услубга.

12. Қайси фикр хато?

- A) Бадиий услубда тасвирий-бўёқдор сўзлар кўпроқ қўлланилади.
- B) Илмий услубда ҳар бир фаннинг ўзга хос атамалар ишлатилади.
- C) Расмий услубда давлат ҳужжатлари, қонунлар, буйруқлар, фармонлар ёзилади.
- D) Сўзлашув услубига имо-ишоралар хос.
- E) Публицистик услубда асосан шевага хос сўзлар, жаргонлар қўлланилади.

13. Шевага хос сўзлар кўпроқ қайси услубда қўлланилади?

- A) Сўзлашув ва бадиий услубларда.
- B) Сўзлашув ва публицистик услубларда.
- C) Публицистик ва расмий услубларда.
- D) Расмий ва сўзлашув услубларида.
- E) Бадиий ва илмий услубларда.

14. Илмий услубда кўпроқ...

- A) иборалар қўлланилади
- B) шевага хос сўзлар қўлланилади
- C) жаргонлар қўлланилади
- D) шартли белгилар қўлланилади
- E) мақоллар қўлланилади

15. Гапларнинг қайси бирида услубий хатога йўл қўйилган?

- A) Бизни шайдо қиладурғон бу кўнгилдир, бу кўнгил.
Хору расво қиладурғон бу кўнгилдир, бу кўнгил.
- B) Оғзингизга қараб гапиринг, укажон.
- C) Афтингизга қараб, яхши йигит эканлигингизни билувдим.
- D) Тун ўзининг оғир қора кўрпасини аста йиғиб олмоқда
- E) Ташқарида сизни бир киши кутиб турибди.

ДАРСЛИКДА БЕРИЛГАН ТЕСТЛАР КАЛИТИ
УМУМИЙ МАСАЛАЛАР

1-B	8-C	15-A	22-B
2-C	9-A	16-E	23-B
3-D	10-B	17-A	24-C
4-B	11-D	18-B	25-A
5-D	12-E	19-A	
6-C	13-E	20-C	
7-B	14-D	21-D	

ФОНЕТИКА

1- C	10- D	19- C	28 D
2- E	11- B	20- A	29- D
3- C	12- C	21- B	30- B
4- B	13- A	22- C	31- E
5- C	14- A	23- B	32- C
6- E	15- A	24- E	33- A
7- E	16- B	25- B	34- E
8- B	17- D	26- A	35- E
9- D	18- B	27- B	

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

1- C	11- D	21- C	31- B
2- A	12- B	22- D	32- B
3- B	13- C	23- D	33- C
4- A	14- B	24- B	34- B
5- A	15- A	25- C	35- E
6- D	16- E	26- D	36- D
7- C	17- C	27- B	37- D
8- B	18- B	28 E	38- C
9- D	19- E	29- D	39- B
10- C	20- C	30- C	40- E

МОРФОЛОГИЯ.
СЎЗНИНГ МОРФОЛОГИК ТАРКИБИ

1- C	10- E	19- B	28 C
2- C	11- E	20- D	29- A
3- B	12- C	21- C	30- D
4- B	13- D	22- B	31- B
5- B	14- E	23- A	32- B
6- E	15- B	24- B	33- E
7- D	16- E	25- E	34- D
8- D	17- C	26- C	35- D
9- C	18- E	27- B	

СЎЗ ТУРКУМЛАРИ.

ОТ

1- E	14- B	27- B	40- C
2- D	15- A	28- A	41- C
3- E	16- B	29- D	42- C
4- E	17- A	30- B	43- C
5- A	18- A	31- B	44- D
6- B	19- B	32- A	45- B
7- A	20- D	33- E	46- A
8- B	21- A	34- A	47- E
9- C	22- A	35- D	48- C
10- C	23- D	36- C	49- A
11- E	24- E	37- E	50- E
12- B	25- A	38- B	
13- A	26- C	39- D	

СИФАТ

1- D	11- D	21- A	31- C
2- C	12- A	22- B	32- A
3- B	13- D	23- A	33- B
4- A	14- A	24- C	34- C
5- D	15- C	25- D	35- C
6- C	16- B	26- B	36- B
7- B	17- B	27- C	37- C
8- C	18- A	28- D	38- A
9- D	19- A	29- A	39- B
10- D	20- D	30- B	40- E

СОН

1- D	7- C	13- C	19- C
2- B	8- B	14- B	20- A
3- E	9- C	15- E	21- E
4- B	10- E	16- C	
5- E	11- B	17- B	
6- B	12- B	18- E	

ОЛМОШ

1- E	8- A	15- B	22- C
2- D	9- E	16- C	23- D
3- A	10- B	17- A	24- E
4- E	11- B	18- B	25- B
5- A	12- B	19- C	26- D
6- A	13- E	20- C	27- D
7- C	14- B	21- A	

ФЕЪЛ

1- D	15- E	29- A	43- B
2- A	16- B	30- E	44- A
3- B	17- E	31- E	45- D
4- B	18- C	32- A	46- C
5- B	19- C	33- C	47- E
6- E	20- D	34- B	48- E
7- D	21- B	35- E	49- E
8- B	22- E	36- A	50- D
9- E	23- B	37- D	51- C
10- E	24- D	38- E	52- B
11- C	25- D	39- B	53- E
12- E	26- C	40- D	54- A
13- B	27- A	41- B	55- A
14- A	28 E	42- D	56- B

РАВИШ

1- E	8- C	15- A	22- B
2- B	9- B	16- B	23- B
3- C	10- E	17- B	24- E
4- E	11- B	18- A	25- C
5- B	12- A	19- D	26- B
6- A	13- E	20- B	27- B
7- A	14- B	21- A	28- E

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР

1- C	11- B	21- B	31- C
2- A	12- C	22- C	32- B
3- E	13- E	23- B	33- B
4- D	14- A	24- B	34- D
5- E	15- C	25- B	35- A
6- D	16- E	26- B	36- D
7- B	17- E	27- D	37- C
8- A	18- D	28 E	38- E
9- D	19- E	29- E	39- E
10- A	20- D	30- E	40- A

УНДОВ, ТАҚЛИД ВА МОДАЛ СЎЗЛАР

1- C	6- E	11- E	16- B
2- B	7- C	12- B	17- C
3- E	8- E	13- E	18- B
4- D	9- E	14- E	
5- D	10- C	15- A	

СИНТАКСИС СЎЗ БИРИКМАСИ

1- E	8- C	15- C	22- B
2- E	9- B	16- B	23- E
3- C	10- B	17- A	24- B
4- D	11- A	18- B	25- E
5- A	12- E	19- C	
6- E	13- E	20- A	
7- A	14- A	21- A	

ГАПНИНГ МАҚСАДГА КЎРА ТУРЛАРИ

1—D	5—C	9—A	13—C
2—E	6—C	10—A	14—D
3—E	7—B	11—D	15—C
4—D	8—A	12—A	

ГАПНИНГ ТУЗИЛИШИГА КЎРА ТУРЛАРИ

1—C	4—B	7—E	10—B
2—E	5—A	8—E	
3—C	6—B	9—D	

ГАП БЎЛАКЛАРИ

1- E	10- A	19- E	28 E
2- D	11- B	20- E	29- D
3- C	12- A	21- E	30- E
4- E	13- B	22- B	31- A
5- A	14- E	23- B	32- B
6- E	15- D	24- E	33- D
7- D	16- E	25- C	
8- E	17- E	26- D	
9- B	18- E	27- C	

ГАПНИНГ УЮШИҚ БЎЛАКЛАРИ. АЖРАТИЛГАН БЎЛАКЛАРИ. УНДАЛМА. КИРИШ СЎЗ ВА КИРИШ ГАПЛАР

1- D	6- D	11- D	16- E
2- E	7- D	12- D	17- D
3- E	8- C	13- A	18- B
4- C	9- E	14- B	19- D
5- A	10- C	15- B	20- E

21- B	26- D	31- E	36- C
22- C	27- A	32- A	37- B
23- E	28 B	33- C	38- A
24- C	29- B	34- E	39- D
25- E	30- C	35- E	40- E

БИР БОШ БЎЛАКЛИ ГАПЛАР

1—C	5—C	9—C	13—B
2—A	6—A	10—B	14—A
3—C	7—C	11—A	15—B
4—E	8—B	12—D	

ҚЎШМА ГАПЛАР

1—B	14—C	27—C	40—B
2—E	15—D	28—E	41—C
3—C	16—C	29—A	42—C
4—A	17—C	30—C	43—B
5—A	18—E	31—A	44—E
6—A	19—E	32—B	45—C
7—B	20—E	33—E	46—D
8—C	21—A	34—B	47—E
9—E	22—B	35—E	48—D
10—B	23—D	36—D	49—A
11—B	24—E	37—B	50—C
12—D	25—C	38—C	51—E
13—D	26—B	39—B	53—D

КЎЧИРМА ГАПЛАР, ДИАЛОГ

1—A	4—C	7—E
2—E	5—D	8—D
3—D	6—B	9—B

УСЛУБШУНОСЛИК

1—C	5—D	9—E	13—A
2—E	6—B	10—C	14—D
3—C	7—B	11—C	15—C
4—A	8—B	12—E	

МУНДАРИЖА

Умумий масалалар	3
Тилшунослик ва унинг бўлимлари	3
Жаҳон тиллари	4
Аждодларимиз тили	6
Ёзувларимиз тарихидан	8
Фонетика	18
Нутқ товушлари	18
Унли товушлар	19
Ундош товушлар	20
Графика (ёзув) ва имло	22
Орфография (имло) қоидалари	23
Лексикография	34
Тилнинг луғат таркиби	34
Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари	36
Атамалар	37
Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари	41
Морфология	58
Сўзнинг морфологик таркиби	59
Морфема	59
Туб ва ясама сўзлар	63
Сўзларнинг тузилишига кўра турлари	64
Сўз туркумлари	72
От	73
Сифат	90
Сон	101
Олмош	110
Феъл	118
Сифатдош	125
Равишдош	126


Равиш	141
Ёрдамчи сўзлар	149
Кўмакчи	150
Боғловчи	151
Юклама	152
Ундов сўзлар	161
Синтаксис	167
Гапнинг мақсадга кўра турлари	177
Дарак гап	177
Сўроқ гап	178
Буйруқ гап	179
Ҳис-ҳаяжон гаплар	179
Гапнинг тузилишига кўра турлари	183
Гап бўлаклари	188
Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари	191
Тўлдирувчи	191
Аниқловчи	192
Изоҳловчи	193
Ҳол	194
Гапнинг уюшиқ бўлаклари	202
Гапнинг ажратилган бўлаклари	204
Ундалма	205
Кўшма гаплар	220
Кўчирма гаплар, диалог	245
Услугунослик	248
Тестларнинг калити	255

**ЖУМАБЕК ТАШЕНЕВ НОМЛИ УНИВЕРСИТЕТ ИЛМИЙ
КЕНГАШИНИНГ ТОМОНИДАН НАШРГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН.**

Шарипов Р.Х., Хамроева Ҳ.Ҳ., Наралиева Ш.Д.

**ЎЗБЕК ТИЛИ
дарслик**

Нашр учун масъул: Ш.Наралиева



ISBN 978-601-7705-75-6

Босмахонага 30.05.2025 йилда топширилди.
Адади 100 нусха

© Р.Х.Шарипов, Ҳ.Ҳ.Хамроева, Ш.Ж.Наралиева, 2025.
© Жумабек Ташенев номли университет, 2025.